

АЗАМАТ
КОРЖОВОВ



МЕРОСХҮР

Отасини бирор тарта күртмасан үсгүт үн саккүз
ёшга түлгөнди сирли бир күмсә көлиб, үлүп түшәсүдөсү
бағағынадат отасу үүкілаётганини айтаңы...

Азамат ҚОРЖОВОВ

МЕРОСХҮР

Қиссалар

**Тошкент
“IJOD-PRESS”
2019**

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

К 59

Тақризчи:
Муҳаббат ЙўЛДОШЕВА
ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Қоржовов, Азамат.

Меросхўр: қиссалар / А.Қоржовов. – Т.: IJOD-PRESS, 2018.
– 256 б.

ISBN 978-9943-5235-7-9

Онасининг вафотидан сўнг кулбаи вайронасида ёлғиз қолган бўшиб-
баёв йигитнинг бошига яна бир кулфат тушади. Кунларнинг бирида
деразаси тақиллаб, ўзи ҳеч қачон кўрмаган, эшишмаган отасидан
элчи келади. Аслида бу элчи одам ўгриси эди...

Азамат Қоржововнинг ушбу китобига гаройиб мерос ҳақида
ҳикоя қилувчи «Меросхўр» ва бир қишлоқ қабристонининг боғини
обод қилган йигитнинг қизиқарли тақдиди ҳақидаги «Қоронғи
чорбог» қиссалари киритилган.

Асарлар сиз – азиз китобхонларга манзур бўлади деган умидда-
миз.

Abdulla Qodiriy nomidagi

viloyat AKM

INV № 168 469 - 2019

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-5235-7-9

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2019

МЕРОСХҮР

1. Қирқ күн қолган эди...

Үн саккизга киришимга қирқ күн қолганда онам вафот этди. Мөхрибонгинам ғарибгина ҳовлимизга эккан дараҳтлар эрта барг түкканида бир фалокат бўлишини сезгандим. Қирққа ҳам кирмади муштипар онам. Ўша дамларда, яъни бундан чорак аср муқаддам энди-энди маъракалар ихчамлаша бошлаганди. Мен на маърака ҳақида ўйладим, на кейинги ҳаётимни. Тарихим аҳволим каби ачинарли эди.

Ҳақиқатан, азага келганлар уйимизга ҳам ачиниб қарашди. Уйимиз файзсиз эканини ўзим ҳам била-ман. Аксига олиб шу йил ёз бўйи деворлар ёрилиб чиқди, айвон шифти босиб қолмаслиги учун онам тиргович қўйган эди.

Ўшанда маҳалладош шифокор онамни текширгач, ўрнидан турди-да, ёнимдан ўтаётиб:

— Хўш, — деди менга тикилиб, — бу ёққа юрингчи, Орифжон. — У бўсафада елкамга қўл ташлади.
— Онангизни «болалар уйи»да катта бўлган деб эшитгандим, қавм-қариндошларингиз йўқ экан. Мабодо отангиздан хат-хабар келмадими?

— Отам кимлигини билмайман, ака, — бошимни эгдим.

— Энди катта йигитсиз, гапимни диққат билан эшитинг. Ҳулласи калом, онангизнинг уч кунлик ҳам умри қолмаган. Буни шифокор сифатида айтяпман. Маҳалладош сифатида айтсан, ука, касалхонама-касалхона олиб юрганингиз энди наф бермайди, бемор тамом бўлган... — Шифокор лабини буриб, бош чайқади.

— Врачлар сўнгги дақиқагача уриниши керак,—

Азамат ҚОРЖОВОВ

дедим ўпкам тұлиб. – Ҳатто ўлиб қолган ҳолда ҳам тирилтириб олишади-ку!

Шифокор оғир ўйга толгандек бир нүктага тикилиб, иягини ушлади, күзларини бир муддат юмди. Сұнг вазминлик билан сұздади:

– Шифокорлар нега жавоб беріб юборганини биласизми? Ұзингизга ҳам айтишгандир? Бемор бошқа яшолмайды, дунёдаги энг кучли шифокор-олимларни йигиб келганингизда ҳам бефойда.

Бу одам онамнинг ҳаётлигіда келган охирги шифокор бўлди. Шундан сұнг даҳшатли фожиани кутиб яшадим. Бугун-эрта ягона суюнчим мени умрбод тарк этади, уни қиёматгача қайтиб қўрмайман, абадият сари кетади.

Ха, ҳеч қандай мўъжизага ишонч қолмаган эди.

– Иймонини берсін, – дейишиди қўшни хотинлар, – тақдирдан қайси биримиз қочиб қутулардик. Бандаси куни битса кетади. Эркакдан ҳам, аёлдан ҳам дўппайган ер қолади. Эҳ, дунё... дунё...

Уларнинг гапларини жим тинглардим. Охирги кун ҳожи она келди. Салобатли бўлгани учунми, бадавлатлигиданми, бошқаларга қараганда ундан кўпроқ ийманардим. Бир вақт бошқа хотинларга ўхшаб, далда бериш ўрнига койиди:

– Нега шунча вақтдан бери ишламайсиз, Ориф ўғлим? Ҳадемай уйланишингиз, бола-чақа боқишингиз керак. Сиз тенги йигитлар уйланмасдан аввал ҳам сингиллари-ю укаларига қарашиб, отаонасини боқиб ётибди. Онангиз касал бўлмаганида ҳам барибир сизни умрбод боқмасди, буни яхши биласиз. Аҳли аёл оила эркакларига суюнади. Сизнинг кимингиз бор? Ёлғизгина волидаи муҳтарамангиз. Афсуски, у киши ҳозир касал. Худо қанча умр бергани бизга аёнмас. Уззукун уйда ўтирасиз,

кимлардир ул-бул ёрдам қилишини кутасиз. Айтинг, болам, ярашадими сиздек алп йигитга? Ёшлик – файрат дегани. Одам ёшлигига бир нимага эришмаса, кейин қийин. Ўзингизга маълум, ҳеч ким отасиз дунёга келмайди. Сизнинг ҳам қаердадир отангиз бор, қариндошларингиз бор. Шунча йил дом-дараги бўлмаган одамларни ахтариб топинг, демайман. Айтмоқчиманки, онангизни фарзанд кутаётган ҳолда ташлаб кетган ўша номардга ўҳшашни хоҳламасангиз керак? Бу юришингизни кўриб одамлар «Онаси меҳнаткаш, демак, у отасига тортган, бадфеъллиги ҳам шундан, келажакда иккиқат аёлинни ташлаб кетадиган номард бўлиб етишади» демайдиларми?

– Узоқдан иш топилганди, – дедим мунғайиб, – лекин аям жўнатмади.

– Узоқ деганингиз қаер? Тошкентми, Қозоғистонми, Россиями? Аллақаерларга бораман деб судралиб юраверасизми? Қизиқ, мана шу шаҳримизда қанча корхона бор! Биздан сўраганингизда ўғлимнинг гилам цехига ишга олардик. Бировга бўйин эгиб боргингиз келмайди. Худо билади, Қозоғистонга ёки Россияга кетмоқчи бўлганингиз ҳам чўпчакдир.

– Россияга... – Онам алаҳсирадими, билиб гапирдими, қуруқшаган лаблари орасидан шундай сўзлар чиқди: – Россияга борма, ўғлим... Музлар орасида... Муз одам... Муз отанг... У ёмон одам... жиноятчи... Сени ҳам тортиб кетади...

– Нима дейсиз, ая? – деб онамнинг бошига энгашдим.

Онам бошқа сўз айтольмай жимиб қолди. Ҳожи она пичирлаб тиловат қила бошлади. Ўшанда онам илк бор менга отам ҳақида нималарнидир айтмоқчи бўлганди. Отам Россияда яшайдими? «Музлар орасида» деганини қандай тушунай? «Ёмон одам»,

Азамат ҚОРЖОВОВ

«жиноятчи» деганига қараганда, отам ё ўгри, ё талончи, ё нашафуруш экан-да? Балки онам мени отамдан яшириш учун умр бўйи шу маҳаллада бекиниб яшагандир?

Дарвоқе, мени қанча маломат қилсалар кам. Ҳақиқатан меҳнатга бўйним ёр бермасди. Ҳатто, дастурхон бошида ҳам онам парвона эди. Шу қадар меҳрибон эдиларки, чойни ичириб қўйишга ҳам тайёр. Мен эса шунга ўрганган ноқобил фарзанд эдим.

Эсимда, мактабга борган чоғларим икки-уч марта болалардан калтак еб, кўзим бир оз очилган. «Эркалигингни онангга қиласан», деб бекорга айтишмаган. Бошқалар учун ким бўлибман? Бир бечора аёлнинг анқов ўғли. Шижоатли, мард, жасур йигит бўлиб вояга етмаганим учун онамни айбламайман. Мени ўзгартириш мумкин эмасди. Тугма ялқов, тугма бўшанг эдим.

Эртасига қўшни аёл овозини пасайтириб шундай деди:

— Кийимларингни алмаштириб ол, чопонингни кийиб, белбогингни бойла. Бояқишининг ажали етди. Қандай яхши онанг борийди-я!..

Ўша куни негадир қалбим йифламади. Гүё тошюрак инсонга айланиб қолгандим. Маҳалла аҳли билан қабристонга бориб, маҳалла аҳли билан бирга қайтдим. Атрофимдаги одамларга бегона эдим. Улар қариндошлари вафот этгандек бир-бирига таъзия билдиришар, ачинишар, маъракаларини қандай ўтказиши маслаҳатлашишар эди.

Маҳалла оқсоқоли маъракаларга бошчилик қилиб, уйимизга келиб, иш буюриб турди. Секин-аста қўшниларнинг ҳам оёғи узилди. Ҳожи она цехдан иш гаплашиб, бурнимдан ип ўтказгандек судраб борди. Яхшигина маош ваъда қилишди. Ёлғиз яшамаслигим

учун уйлантириб қўйишларини ҳам айтишди. Бироқ барчаси икки кунда жонимга тегди. Ишга бормай қўйдим. Қандай яшайман, ким овқат беради-ю ким кийимларимни ювади, ҳеч вақони ўйламасдим, ўйлашни ҳам истамасдим.

Бир ҳақиқатни тушундим, онамнинг вафотидан сўнг одамлар мени унута бошлишди. Аҳволим танг бўлиб, ҳўнграб йифладим. Онамни шундай соғиндимки, ўлиб қолаёздим. Дунёдаги энг азобли туйғу марҳумни, у билан ўтган дамларни соғиниши эканини ўшанда билганман.

Бир куни маҳалла оқсоқоли келди.

— Эртага пайшанба, — деди у, — онангнинг «қирқ»ини ўтказамиш.

Онаси ўлган йигитдек эмас, кимдир зуғум қилган, ҳализамон дўппосланадиган мазлум сингари бўйнимни қисиб ўтирадим. Сал бўлмаса ўзимни оқсоқолнинг оёғига ташлаб: «Энди нима қиласман? Қандай яшайман?» — деб зор-зор йифламоққа ҳозир эдим.

Мунғайишим оқсоқолга ҳам ёқмади. Фаши келиб:

— Нечага кирдинг ўзи? — деб сўради.

— Шанба куни ўн саккизга... — дедиму онамнинг ўлганига қирқ кун тўлишини ўйлаб кўзларимга ёш қўйилди.

— Тавба, ўн саккиз ёшимизда биз нималар қилмадик! — жавради оқсоқол. — Туркмандан тортиб, Сибирнинг чекка қишлоқларигача кездик. Кездик эмас, жонимизни хатарга қўйиб ишладик. Севдик-севилдик! Эҳ-хе, қанча саргузаштлар ўтмаган бу бошдан! Ишонмайсан-да! Бир қиз учун Байкалда тўрттаси билан муштлашганман. Лабимдан бошлаб кўзимгача — бир қарич йиртилиб кетган. Қара, йиллар ўтиб, чандиқ ҳам қолмади. Мен сенга айтсам, ота-онам бошимни силаб, қишлоқдан чиқма, деб

Азамат ҚОРЖОВОВ

мәхрибончилик қилиб ўтиради. Лекин бизга нимадир етишмасди, қайнаб турардик, қайнаб! Сен армияга ҳам бормагансан. Тұғрими?

Күрқа-писа бош қимирлатдим.

— Құлига пичноқ ушламаган, — давом этди оқсоқол, — милтиқ отмаган, от минмаган, кураш тушмаган йигитлар күпайиб кетди. Қулоқ сол, — пичирлади у, — асли олис қишлоқдан бұлсам-да, қариганимда шаҳар маҳалласига оқсоқол қилиб тайинландым. Ҳаёт қызық, ҳозир сенга ақл ўргатиб турибману, үзим ёшлигимда фирт безори бола бұлганман. Үғирлик ҳам қилганман, қароқчилик ҳам. Сенинг ёшлигинг менга ўтиб қолса, эх, нималар қилмасдим-а! Ҳозирги замон зўр! Бизнеснинг бошини тутиб, дунёни зат этиб яшамайсанми?!

У күзимга тобора құрқинчли күринарди. Оқсоқол умр бүйі қүй оғзидан чұп олмаган, ҳалим, донишманд бұлган, деган хаёлда әдим. Билсам, у ёшлигіда қонга беланиб муштлашган, уйидан қочиб, олисларда яшаган, үғирлаган, талаган, қизларни ҳам аямаган.

Ха, ҳаёт мен ўйлаганчалик эмаслигидан юрагим зирқиради. Ҳадемай онамнинг «қирқ»и ҳам ўтди. Мени безовта қиладиган одам қолмади.

2. Чақирилмаган мәхмон

Түфілган кунимда құшнилар, ҳатто, бир коса мошхұрда чиқаришмади. Балки түфілган куним әканлигини билишмас, балки мени бутунлай унтушишгандир.

Кеч тушган. Чироқни ёқмай, шифтга қараб ётибман. Томда ўғри мушук юрибди шекилли, миёвлашга ўхшаш овоз әшитилди. «Нима есамикан? — деб ўйладим. — Қачонгача оч ётаман? Мушукнинг ҳам егулиги бор... Яна сув ичсамикан?»

Сув ичиш учун даҳлизга чиқиш керак эди. «Ичганинг билан қорнинг тўйиб қолармиди?!» – деди ички овоз. Йиғлай десам, рости, йиғлашдан безор бўлгандим. Юрак-юракдан ўксиб, бевафо дунёга алам билан тик қарав авваллари ёқарди. Ҳозир-чи? Биринчи марта ўзимга аҳмоқ булиб кўриндим, ичимдан нафратландим.

– Нима қилай, аяжон, ёрдам беринг? – дедим бўшлиқقا. – Нега мени отасиз улғайтириб, аро йўлда ташлаб кетдингиз? Нима учун бўш-баёв, қўрқоқ, ҳеч кимга кераксиз одамман? Мени яхши кўраркансиз, эркалатиш ўрнига урмайсизми ўнг юзимга, чап юзимга... Аямасдан!.. Қачон одам бўламан? Ё ўламани шу ерда? Махлуқман! – Бошимни деворга “гурс-гурс” урдим. – Майибман! Мажруҳман!.. Туғилмасдан ўлсам бўлмасмиди? Аям ҳам мени деб баҳтсизликка йўлиқкан... Энди ҳолим не кечади?.. Ая... Аяжон...

Шу пайт аллакимлар деразамиз тагида тўхтаб, баланд овозда тортиша бошлашди:

– Сенинг ёшинг нечада? Мандан кичиксан, тушундингми?

– Ёшим ўн иккода, – деган овоз эшитилди. – Катта бўлсанг икки ёш каттасан. Шунга нима бўпти?!

– Жириллама!

– Ўзинг жириллама!

– Уришасанми?

– Яккама-якка чиқаман! Ҳамманг бирдан ташланма!

Ўсмирлардан бири, афтидан дўқ-пўписани бошлагани, шириллатиб кийимини ечди.

– Бу ерда эмас, – деди ўн икки яшар бола. – Яқинда жаноза бўлган, четга чиқайлик.

Улар уйимиз орқасидаги майдончадан эндиғина узоқлашаётган эдики, бир киши:

– Хой жўжахурозлар! – деди йўғон овозда.

Юрагим потирлаб ура кетди. Бегона товушлару оёқ саслари тезроқ тинишини истардим.

— Нима дейсиз? — сўради болалардан бири.

— Қоронғитушгандат тўдалашиб нима қиляпсанлар?

Участка нозири келибди, деб деразадан пойламоқчи бўлдим. (Бир куни у паспортимни текширганида менга ўқрайиб қараган эди.) Пардани кўтаришга улгурмасимдан бир боланинг овози жаранглади:

— Бизда ишингиз борми, амаки?

— Жуда маҳмадона экансан-ку! Қулоғингни шарт узуб ташлайми, ярамас!

Бола ўртоқларига хитоб қилди:

— Вақт кетяпти, юринглар! Бу амаки мастга ухшайди!

— Беодоб бола! — деди эркак дағал оҳангда. — Тўхтанглар, бир нарса сўрамоқчиман, Ориф исмли йигит қайси уйда яшайди? Ўтган ойда онаси вафот этган.

— Манави уйда, — жавоб берди бола.

Парданинг четини секин кўтардим. Кўтардиму чаённи кўргандек ўзимни орқага отдим, юрагим бўғзимга тиқилди. Чунки болалар гойиб бўлишган, кимсасиз кўчада баҳайбат бир одам уйимизга, деразага, айнан менга тикилиб турарди.

Олд хонага чопиб чиқиб, эшикка қарадим: қулф. Ховли эшигининг занжирини илганим ҳам эсимда. Орқа хона деразаларига эса панжара ўрнатилган.

«Кўнгил сўраб келувчиларданмикан?» — хаёлимдан ўтказдим. Аммо қирқ кундан сўнг бемаҳалда етиб келувчи қариндошимиз ҳам йўқ, танишимиз ҳам. «Ориф исмли йигит қайси уйда яшайди?» дегани қулоғим остидан кетмасди. Агар у оддий меҳмон бўлиб чиқса ҳам менга битмас-туганмас ташвиш келтиради. Онамнинг маъракасидан қолган қуруқ чой бор, холос. Кир дастурхонлардан бирини ёзиб,

чой дамлайманми? Бу муаммоларга чидаш мумкин, лекин меҳмоннинг қўрқинчли нигоҳига бардош бериб бўлармикан?

Кўча эшик устма-уст тақиллади. Ҳовлига мўрадим. Аксига олиб, электр ҳам ўчди. Эшик яна тақиллади. Занжир шиқирлади. Кўчадаги одам эшикни итараётган эди.

— Нима қилсан экан? — вужудим қалтирай бошлади. — Қичқирсан, қўшниларга шарманда бўламан... Қочиб кетсаммикан?.. Қаёқقا қочаман?.. Қўшнилар кела қолса-чи! Ахир, туғилган куним! Бирортасининг эсига тушиб, овқат-повқат кўтариб келса эди...

Кўча эшик тарақлаб очилиб кетди. Мана, у ҳовли ўртасида тўхтади. Мушти ила бурниними, оғзиними оҳиста артди. Бошини аввал ўнгга, кейин чапга бурди. У кунжак-кунжакларгача нигоҳи-ла тафтиш қилди. Нафас олмай кузатардим. Юрагим уришдан тўхтаб қолаёзган эди.

Бирдан олов пайдо бўлди. Чақирилмаган меҳмон сигарета тутатди. Кўчадан машина ўтди. Фаралар ёруғида буруқсиган тутунни ва аёлларнидек ёйилган сочни пайқадим. Ҳақиқатан ҳам у антиқа одам эди. Бироннинг эшигини бузиб кирганига, ҳовли очиқлигича қолганига, кўчадан маҳалла одамлари ўтаётганига пинагини-да бузмади. Одамлар ҳам лоқайд эди. Ҳеч бири «Кимсиз? Орифнинг ҳовлисида нима қиляпсиз?» демасди.

Нотаниш кимса тутун пуркаб, уй эшигига юрди. Бир сониядан сўнг хона сукунатини ваҳимали тақиллаш бузди. Бурчакка қисиниб, миқ этмай ўтиравердим.

Эшикнинг ошиқ-мошифи фижирлади. У секин, аммо куч билан итариб кўраётганди. Ҳўқизнидек кучи бор эди.

Азамат КОРЖОВОВ

— Ориф, — чақирди у. — Биламан, уйдасан. Намозшомдан күрпага кириб олишинг нимаси?

Бармоқларимни тишлаб, кўзларимни чирт юмдим. «Сирли одам ким бўлди экан-а?» деб ўйлаб ўйимга етолмасдим. Умрим бино бўлибдики, исмимни айтиб сўраб келган инсонни кўрмаганман.

— Ориф-ф... — худди илондек вишиллади кимса.

Миям ҳеч нарсани ўйламай қўйди.

— Ориф! — эшик ортидаги кимсанинг жаҳли чиқди. — Ким эканлигингдан бохабарман. Узингни хўрланган, жабр-зулм кўрган одамдек тутма. Сенга ҳеч ким ёмонлик қилмаган. Нима бўлса, ўзингдан! Яххиси, кел, калитни бура. Гаплашиб олишимиз керак. Акс ҳолда...

Кулоқларимни беркитдим. Бир оздан сўнг нимадир қарсиллагани эштилди. Бошимни кўтардиму қотиб қолдим: баҳайбат кимса тепамда турарди. Шартта қўйнига қўл солди-да, ёндиригичини ёқди. Шам ҳам тайёр экан, хона бир зумда ёришди.

Шамни токчага қўйгач, ўтиришга жой қидирди. Стулга ўрганган чофи, кўрпачага чўкай демасди. Онамдан қолган сандиқчани тахмон тагидан тортиб олди. Тагига дўқ этиб қўйиб, оёқларини керриб ўтирди. Умримда бундай қўрқинчли одамни кўрмагандим. У эллик ёшлардан ошган турқи совуқ кимса эди. Кўзлари ёнади, тутириб чиққан сўйлоқ тишлари соқол босган башарасига ёвузлик тусини беради, бошдан-оёқ қоп-қора кийингани кинолардаги жаллодларни эслатади.

— Уйингда музлатгич йўқми? — сўради мендан кўз узмай.

Бошимни сарак-сарак қилдим.

— Нима деганинг бу? Тилинг борми?

— Йўқ... — биринчи марта гапирдим.

Босқинчиxo-холаб кулиб юборди.

— Бугун ўн саккизга кирдингми?

— Ҳа.

— Афсус, онанг ўлибди. — Буни шунчаки гап тополмагандек бамайлихотир гапириб, сигаретини чуқурроқ тортди. — Қаерга кўмдиларинг?

— Қабристонга...

— Қабристонга эканини биламан. Қайси қабристон? Номи нима демоқчиман.

Димоғимга сигарет ҳиди урилган сайин кўнглим айниб, титрай бошладим. «Кимсиз?» деб сўролмадим. Онамсиз кўп яшолмаслигимни сезгандим, илло ўлим бунчалик тез яқинлашиши хаёлимнинг бир четига ҳам келмаганди.

У кўнглимдан кечаётганларни уқиб, тиржайди.

— Кимлигимни сўраётгансанми? Сўрама! Сўрашдан фойда йўқ, чунки ўзим ҳақимда фақат ўзим гапираман. Агар сўраганингда отиб ташлардим.

Мақтанганнамо ҳолда плашининг олдини очган эди, қирралари ялтироқ оқиш тўппончанинг дастасига кўзим тушди.

— Терговчиларни ёқтирмайман. Сен-чи?

Елка қисдим. Тилим калимага келмасди.

— Онам ётган қабристонда ётишни хоҳлайман, — деди у. — Сен ҳамми?

— ...

— «Онам ётган қабристонда ётишни хоҳлайман» деган гапда катта маъно бор, Ориф, бу «Ватан» дегани.

— ...

— Майли, сени қийнамай. Аввал хатни ўқи-чи?

Худди шам чиқарган каби қўйнидан ўроғлик мактуб олди-да, менга узатди. Назаримда, шу тобда унинг кўзлари қувончдан порлагандек бўлди.

— Элчини яхши кутиб олмаганинг учун шундай муносабатга лойиқ кўрилдинг, кечир, — деди у. — Аслида, мен бирорвга хушхабар етказишини яхши

Азамат ҚОРЖОВОВ

құрадиганларданман. Нега қувонмаяпсан? Үқи!
Үқисанг-чи?

Қоғозни ёйдим.

— Қалтирама, — деди пүписа қилиб.

Ёзувларга тушунмадим. Очифи, нималар ёзилганига ақлим етмади. Титраётган варақни тортиб олган нотаниш киши ўзи үқий бошлади:

— «Салом, ўғым! Бу хатни ёзаётган камина — отанғ бўламан. Сени ўн саккиз йил суриштирмадим. Эшитишимча, онанг ҳеч кимга турмушга чиқмабди. Мен ҳақимда, яъни отанғ ҳақида гапирмаган бўлса керак. Унинг феъли шунаقا. Майли, ҳозирча мен тирик эканман, сен билан учрашсам дейман. Бир неча кунлик умрим қолган бўлса-да, ҳалиҳамон кучдаман. Қуч — ҳар қандай эркакнинг иродаси. Шаҳаншоҳлардек улуғлигим онангни ҳайиқтириди. Онанг мени тушунмади. Унга ўзига ўхшаган оддий инсон учраши керак эди. Фермерми, ҳисобчи, ўқитувчими, таксичими, ким бўлса ҳам. Онанг сен билан ҳузуримга киролмасди. Ёлғиз жигарбандимни олиб қўяди, деб қўрққан. Сени шундай авайлаганки, эҳтимол, шу ёшингача кўчага ҳам ёлғиз чиқармагандир? Буларни қўя турайлик. Унинг ўлганини эшитиб, ачиндим. Бир вақтлар севардим, десам ишонасанми? Уйланмоқчи эдим...»

Эс-ҳушимни йиғиштирдим. Кимдир менга оталик даъво қилаётган эди.

— Ким у? — дедим элчига тикилиб. — Хатни ёзган киши адашган, менинг отам йўқ!

— Бекор айтибсан, отаси йўқ кимсанинг ўзи йўқ. Исминг Орифми? Боф кўчасидаги ўн учинчи уйда, шу ерда яшайсанми? Онангнинг исми Эҳсоной. У сен туғилмасингдан илгари музхонада ишлаган.

— Илтимос, кетинг. Ҳозир участкавой келмоқчи эди...

Меҳмон увлаётган бўри каби бўйини чўзиб, аламли ихради, кейин чўғ кўзларини кўзимга қадаб:

— Отанг бор! У сенинг ҳақиқий отанг! — деди.
 — Фирт етимча бўлиб, чангта қоришиб ётибсану шундай падарингдан тонасанми? Унинг кимлигини билмайсан! Яна одамни қўрқитмоқчи бўлганинг-чи! Участкавой келармиш! Менга деса, полковникларни чақир! — У шундай дея тўппончасини олди-да, бошим узра ўқ узди. Ўқ сувоқни сачратиб юборди.
 — Ҳеч кимдан қўрқмайман! Кўрқмайман! «Қўрқув» деган сўзни жиним суймайди! Кўчага чиқсанг — қўрқув, бизнес бошламоқчи бўлсанг — қўрқув! Чет элга бормоқчи бўлсанг — қўрқув! Ҳатто, эшигинг тақилласа — қўрқув! Пропискани текширишга келдими, ҳисоблагични кўришмоқчими ё қўшнинг қарзини сўрамоқчими! Бутун умринг қўрқув! Жонингга тегиб кетмадими? Бир кун бўлса ҳам ўзинг учун яша! Қўрқув учун эмас!

Чийиллаётган қулоғимни беркитиб, мук тушиб ётардим. Барваста киши гаплари ҳавога учайдиганини тушунди чофи, елкамга залворли қўлини ташлади.

— Тур, бўтам. Қанақа муҳитда вояга етганинг кўриниб турибди. Кел, сени қийнамай, оддийгина тушунтириб қўяй. Отангнинг сендан бошқа фарзанди йўқ. У буюк молиявий салтанат барпо этиш йўлида оиласвий ишларга вақт тополмади. Энди эса ўляпти. Унинг салтанати халқники эмас, сенини. Барча-барчаси авлоддан авлодга ўтиши керак. Ҳатни охиригача ўқимадик. Қисқаси, отанг сени кўрмоқчи.

Бошимни силкитиб розилик бердим. Бошқа иложим йўқлигини фаҳмламаслигим мумкин эмасди.

3. Ёш йигит ўғирлаб кетилди

Бу одам дадил кўринганига қарамай анча толикқан, қарилик енгган, қаериdir касал эди. Ва яна шуни англадимки, оталик даъво қилаётган мен

Азамат ҚОРЖОВОВ

күрмаган зот ҳам у каби ичидан чириганди. Адойитамом бұлаётган баҳайбат одамлар тақдир тақозоси ила менга маҳтал әдилар.

Ёш боладек мұлтираб:

— Яна опкеб құясизми? — деб сұрадим.

У димоғида кулди-да, гарданимдан тутиб остоңа сари итарди. Ҳовлига чиққанымизда деди:

— Хұжайниннинг яккаю ёлғиз зурриёдисан. Акс ҳолда аллақачон пұстагинг чиқиб, уйингда чұзилиб ётардинг. Хотинміжозларни ёмон күраман. Эркакмисан? Эркак бүл!

Гапларини бош қимирлатиб маъқуллайвердим. Аксига олиб давангир шу одатимга ҳам эътибор беріб қолди.

— Нега ҳадеб каллангни қимирлатасан? Хұжайнин сени бу ахволда күрса, тил тортмай үлади... Яна калласини қимирлатади-я! Эшит, ўв, мен жуда ёмон одамман. Ёнимда юрганингда ўзингни эркакча тут!

Күча эшикни құлфлаш фурсати келиб, қалтираганча калитни бурашга уриндим.

— Қалтироқларни жинимдан ортиқ ёмон күраман, — ижирғанди у. — Бер бу ёққа!

Негадир құли келишмай, құлфлаёлмади. Жаҳл билан калитни улоқтириб, тирсагимдан тутди-да, етаклаб кетди.

— Уйингга тушган ўғри ҳеч вақо тополмайды, — деди у. — Қайтага турмушингга раҳми келганидан бир-икки танға ташлаб кетади.

Маҳалла күчасида учраганлар антиқа плашли, бесұнақай шляпали бу кимсадан мени қаёққа олиб кетаётганини бир оғиз сұрамадилар, эътибор ҳам бермадилар. Лоқайдлик қанчалик ёмонлигини тушундим. Алалхусус, менинг ўзим ким әдиму одамлардан нима кутяпман? Улар қоронғи қўйкан

күчада дуч келган йигит мен эканимни билмасдилар, танимасдилар, ақлларига ҳам сиғдирмасдилар.

— Ўн саккизга кирганинг ростми?

Бу вақтда биз Азлар маҳалласидан ўтиб борардик. Маҳалланинг қурилиш томонга элтувчи жин күчаларида гиёхвандлар, йўлтўсарлар кўпайганди. Ўтган ҳафта бир таксичини тунашган бўлишса, уч кун бурун куппа-кундузи бойвучча қизнинг телефонини ўғирлаб қочишганди. Бундай пайтда у ердан ўтишимиз ақл бовар қилмас ҳодиса эди.

— Ҳа... ўн саккиз... — ғўлдирадим атрофга қўрқап иса қаарканман.

У оғзининг бир чети билан кулди. Кейин ҳавони ҳидлаб атрофга аланглади.

— Бу нимаси? Қайси итваччалар қуёш ботгач күчада сигарет чекиб, пиво ичишяпти? Лаънати тўнғизлар! Улар ерга ҳам туфлашяпти. Эшиятяпсанми? — Кейин тишлари фижирлаб кетди. — Писта чақишаётгани-чи? Асфалът устига-я? Сассиқ тарбиясизлар! Айтдим нега бу күчада чироқ йўқ деб! Улар чироқларни синдиришган! Камига электр ҳақини ҳам тўламайди, текинхўрлар! Ҳаммаёқ обод! Булар эса битта шу күчада чиябўриликни сақлаб қолишимоқчими, нима бало?!

Охири кўриниб турган боши берк кўчага кираётиб:

— Шу ерда қимирамай мени кут! — деди. — Қочсанг аяб ўтирмайман!

Қоққан қозиқдек қаққайиб туардим. Бу кўчага кундуз унча-мунча одам кирмайди, телба меҳмон бемаҳалда нималар қилмоқчи? У келгунча безорилар мени кўриб қолишса-я? Ёки фалати ҳамроҳим қайтиб келмаса-чи?

Шу лаҳза ён томонимда кимдир йўталди. Новча, пакана ва семиз — уч



Азамат ҚОРЖОВОВ

Салом берган эдим, қулоқ-чаккамга тарсаки тушди.
Асфальтга учиб тушдим.

— Урманглар, акалар... Мен Орифман!.. — бақирдим даҳшат васвасасида.

Безорилар жинниларча кулишди. Новча аввал онамни сүкиб, кейин:

— Қайси Орифсан? — деб сұради.

— Нариги маҳалладаги... Ўтган ҳафта... ўтган ойда ўлган... Урманглар!..

Пакана бўғиқ овозда:

— Ўлганмисан, тирикмисан, валдирама! — деди. — Яхшиликча, пулдан чиқар, тўнка!

— Беравер, — мингиллади семиз. — Барибир кийимларингни ечиб оламиз, яширган пулинг чўнтакларингда биз билан кетади.

Баъзи йўлтўсрлар отаси йўқ, онаси ўлганларга раҳм қилиши ҳақида эшитгандим. Гўё улар ногиронларнинг бошини силаб, қўлига пул берармиш. Шу умидда дедим:

— Мени урманглар! Танимаяпсизларми? Эҳсоной опанинг ўғли бўламан! Аям яқинда ўлди! Қирқ олтинчи мактабда фаррош эди! Отам йўқ... — «Ногиронман» демоқчи эдим, тилим айланмади.

— Ҳе, ўша онанг билан қўшмозор бўл! — яна сўкди новча. — Нега кучукка ўхшаб вангиллайсан? Сенга пул чиқар деяпмиз, қиз болага ўхшаб кўз ёш қиласан, овсар!

Учаласи ҳам боши берк кўчага орқа ўгириб турганлари учун бир соя лип этиб ўтганини кўрмади.

— Тоға шу ерда... — дедим ҳовлиқиб. — Ана, келяпти.

Безорилар орқага қарашди. Плашли кимса бекинишга улгурди.

Огоҳлантирганим ёлғонга йўйилди, бир неча тепки едим. Ҳар тепки тушганида «Вой, аяжон!»

деб бўкирадим. Тепкидан эмас, қўрқувдан юрагим ёрилиб ўлишим мумкин эди. Баногоҳ қоронгиликдан ҳуштак овози эшитилди. Қора плашли меҳмон уч-тўрт қадам нарида мени калтаклашларини кузатарди.

— Узр, — дея у ёндиригич ёқди, — Қарияпман шекилли, ҳид олишда адашиб, боши берк кўчага кириб кетибман. Бу ёқда экансанлар-да? Сигарет, пиво, писта ҳиди — чорвадан тараладиган «ифор»!

— Нима демоқчисан? Кимсан? — сенсиради новча.

— Қулоғим тўғри эшитган бўлса, асфальтда ётган анави бола мени “Тоға” деди. Мен ўша Тоғаман.

— Дайдига ўхшайсан, бу ёққа кел, — чақирди новча. — Уйсиз пиёнисталар чиқиндиҳонада ухлаши керак. Бизнинг кўчада кечаси қайси калланг билан юрибсан?

Шляпалининг қўлида нимадир ялтиради, шу ондаёқ безори қулоғини чангллаб, додлаганча тиз чўқди. Ҳалоскорим эпчил қассобдек шартта безорининг қулоғини кесиб олганди.

— Вой, қулоғим! Вой... — айюҳаннос солди новча.

Шляпали уни бир тепиб ағанатди. Семиз ҳамма қилган эди, иш чиқмади: думбасидан пичноқ еди. Безори фалати инграб, оқсоқланганча нари қочди.

— Мактабда айтишмаганми сенларга, — деди шляпали, — ўқи, одам бўл, кўчада сандироқлама, ўзингдан каттани сенсирама, ёмонга учрасанг, ҳолингга вой, деб! Ўша ёмон менман! Ҳўш, қўлларингдан нима келади? Ўқитувчиларингнинг гапи тўғри эканми, лаънати касаллар?

Пакана бир неча қадам ортга тисланиб, ура қочди. Чақирилмаган меҳмон тўппончасини чиқарди. Биринчи ўқдан сўнг шляпасини пича кўтариб, қоронгилик қўйнига синчиклаб тикилди. Яна икки марта тепкини босди. Қўчанинг нариги томонидаги

Азамат ҚОРЖОВОВ

деразалардан бири шақирлаб очилиб, қандайдир хотин шанғиллади:

— Ўл, ҳароми, ўл! Янги йил келишига неча ой бор, ҳалитдан «бомбичка» пақиллатасан! Қани, йўқол бу ердан!

Қария мени тортиб турғазди. Йўлимизда давом этарканмиз, у ортига қарапкан:

— Зап шанғи хотинми дейман-а? — деди. — Шаҳрингларда тадбиркорлар, долларфурушлар, тиллафурушлар ва яна алламбалофурушлар шунака шанғи эканига шоҳид бўлдим. Болалигимда бегемотларни яхши кўрадим. Улар бегемотга ўхшаганлари учун ҳам жаҳлим чиқмади.

Боягидан анча тез юрдик. Тўқнашувдан ҳеч ўзимга келолмаётгандим. Безориларга исмим ва яшаш жойимни айтиб қўйдим. Бирининг қулоғи кесилди, иккинчиси пичоқланди, учинчиси ўқقا тутилди. Ички ишлар ходимлари оёққа туришади. Такасалтанглар муносиб жазоларини олишибди, демайди ҳеч ким. Улар безори ўспиринлар эди. Ҳамроҳим ким? Қуролланган ашаддий жиноятчи. Шахси ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Милиция мени қидиради.

— Эй, — деди у, — “Тоға” деганингга ҳайратдаман. Баракалла.

- Мен билмай...
- Нимани билмай?
- Исмингизни.
- Лақабим Тоға эди, — деди у. — Жиноий ўтмишимдаги лақабим Дон Тоға. Қалай? Яхшими?
- Яхши.
- Сен, жиян, бундан кейин мени Дон Тоға десанг ҳам бўлаверади.

Кўлини чўзди, кўришдик. Кинолардагидек:

— Танишганимдан хурсандман, — деди.

Вужудимда илк бор енгиллик уйғонди.

— Айт-чи, — деди Дон Тоға, — Ростдан ҳам ов-
сармисан?

— Йүқ.

— Мени театрға чақириб, овсар ролини ўйнаң
бер дейишса, минг йил ҳаракат қилиб сенинг қи-
лиқларингни ўхшатолмасдим. Одам шунчалик ҳам
булиши мумкинми?

— Уйдан чиқмай ўрганғанман, т... Тоға...

— Сенинг уйдан чиқмай яшаган пайтларингни
гувоҳимасман. Безориларга муомалангни күриб ёқа
ушладим. Кўзларимга ишонмай бир-икки дақиқа
томуша қилдим. Нега сени дўппослашса йиқиласан?

— Зарба кучи билан...

— Хўп, кучли зарба бўлди, дейлик. У ҳолда
нима сабабдан додладинг? Ҳеч бунақа аҳволга
тушмаганман. Кўл-оёқларимни синдиришган, ба-
данимга қизиган темир босишган, сенга ўхшаб
бақирмаганман, бақиролмайман ҳам. Шунчаки
роль ўйнаң бер, десалар ҳам ваҳимага тушиб ба-
қиролмайман. Ваҳима нима? Менга ҳам ўргат.

— Қаерда?

— Жин ургур, нима қаерда?

— Сизни азоблашган экан-ку...

— Етмиш бешинчи йилдан тўқсонинчи йилгача,
жами ўн беш йил шўро қамоқхоналарида ётган-
ман. Бошимдан кечирғанларни йўл-йўлакай сўзлаб
берсам, отангнинг уйига етиб боролмайсан.

Безорилар хаёлимдан кетмасди. Дам уларнинг қон-
га беланиб шифохонада ётганларини, дам милиция
ходимлари мени ушлаб, қамоққа тиқаётганини кўз
ўнгимда жонлантирадим.

— Улар мени танишади, — деб минғирладим. —
Мелисага айтади.

— Ҳалигиларми? — деди Дон Тоға.

- Ҳа.
- Бу билан нима демоқчисан?
- Ушлаб олишади.
- Кимни?
- Мени... Сизни ҳам...
- Гриммдаман, оғайни. Сени әса ўғирлаб кет-япман. Эртага йиғилишларда ҳисобот берилади: «Ёш йигит кечә ўз уйидан ўғирлаб кетилган. Уйидан ва Азлар маҳалласидан ўқ излари топилган. Ўғри баланд бўйли, узун сочли, эллик ёшлардаги эркак. Аччиқ «Астра» сигаретаси чекади...» ва ҳоказо. Аслида ҳаммаси нотўғри бўлиб чиқади. Мен бошқа бироннинг изларини қолдиряпман.

Тубсиз жарга қулаб бораётганимни тушундим.

- Хафа бўлма, — деди Дон Тоға, — сен менинг қурбоним эмас, жиянимсан.

4. Одам ўғрисининг шериклари

Икки маҳалла нарига етганимизда Дон Тоғанинг ўпкаси бўғзига тиқилиб, симёочни қучоқлаб, ҳарсиллаб нафас олди.

— Бундан кейин уйингда музлатгичинг бўлсин, — деди менга ўқрайиб. — Эшилдингми?! Музлатгич, музлатгич, музлатгич! Наҳотки, битта музлатгич сотиб ололмайдиган даражада боқиманда бўлсанг? Ҳаракат қилмайсанми?

Кейин ўтириб қолди, боши осилиб тушди. Шунда жуфтакни ростлашни ўйладим, аммо қаерга қочаман? Тоға уйимни билса, милициядан ўлгудай қўрқсам. Қолаверса, безорилар энди мени соғ қўйишмайди. Маҳалламинда қандай яшайман?

Шу пайт милиция машинасининг сиренаси қулоғимга чалинди. Дон Тоға инқиллаб-синқиллаб ўрнидан туриб, менга осилиб олди. Иккимиз бир амаллаб аллақандай ташландиқ ҳовлига кирдик.

Бу ерни бузиб, янги иморат қурмоқчи экани эшикдеразалар қўпориб олинганидан ҳам сезиларди.

Бурчакка ўтирганимизда Дон Тога деди:

— Менга муз топиб кел. Агар қуруқ қайтсанг ёки қочиб кетсанг, сени соғ қўймайман. Отанг кўп ваколат берган. Ма, пул! Ўн беш дақиқа муҳлат!

Эшикка етганимда уни йўтал тутди. Тўппонча сақлаги чи ширқ этди.

— Эй, — чақирди у. — Қурол керакми?

— Й-йўқ...

— Ма деяпман. Бу бошқаси. Биттагина ўқ қолдирдим. Мени отмоқчи бўлсанг, битта ўққа ўлмайман. Бошқаларга икки марта ўқ узолмайсан.

Унинг ҳар бир гапи фармон эди. Қурол кўтариб, кўчага чиқдиму бошим оққан томонга кета бошладим. Ўшандада бирор «Ориф, қоч, Дон Тоганинг ёнига қайтма» деса, ҳайрон қолардим. Содда ва фўр эдим.

Бир йўловчи мени кўриб ёқа ушлади. Икки аёл қизиқсиниб қаради. Нега бунча ҳайратланишмаса, деб ўйладим ва бирдан тўппонча эсимга тушди. Қуролни кўксимга босиб, авайлаб одимлаётган эканман.

Кичикроқ озиқ-овқат дўкончасига дуч келдим. Барваста эркак бутербурод еб ўтиради.

— Муз борми? — сўрадим ҳайиқиб.

— Муз? Қа...нақа муз, укажон? — Бояқишининг ранги оқариб, оғзидаги луқмаси тушиб кетди.

Тўппончани чўнтағимга тиқиб, бурнимни тортдим.

— Сувнинг музлагани.

— Хўп, укажон, хўп. Топамиз. Албатта топамиз. Ҳозир йўқ. Анави дўконга киринг, пиво сотилади. Уларда муз бўлиши аниқ.

Азамат КОРЖОВОВ

— Сизда йўқми?

Сотувчи ғалати илжайди. Қўли кўксига. Нуқул пастки лаби пирпирайди, оғиз четларига бутерброд ушоқлари илиниб қолган. Қарасам, кап-катта одам бир нималар деб минфирилаяпти, “болаларим етим қолмасин”, дейдими-ей.

Шу пайт ногаҳон кўзгудаги ўз аксимга кўзим тушди. Бутунлай бошқа йигитга айланиб қолгандим: юзим шилинган, кўкарган, турқим совуқ, кўзларим ўлимтик, худди гиёҳвандларга ўхшайман. Шундай қиёфада дўконга тўппонча билан кирганим сотувчини эсанкиратиб қўйган эди.

Озиқ-овқат дўконидан шошиб чиқдим-да, кўчанинг нариги томонига, хийла қуйироққа юрдим. Пиво сотиладиган дўконга етишимга оз қолганида қаршимдан келаётган йигитлардан бири туртиб юборди. Атайин қилди, баҳонада тўхтаб мени урмоқчи эди шекилли. Дамим ичимга тушиб, қадамимни тезлатдим.

— Ув бола, — чақирди орқамдан, — нима, кўрмисан?! Четроқ юрсанг бўлмайдими?

Дук-дук ураётган юрак садолари остида бошимни осилтириб кетавердим. Бошқа овоз эшитилди:

— Довдир, сени ақанг чақиряпти! Келиб салом бермайсанми?

Учинчи овоз менга қаратилмади, ошналарига етиш учун чопган йигитга мурожаат этилди:

— Гаша, қаршингдаги сўтакни бу ёқса опке! Ҳа, ана шу болани айтаяпман-да! Ушла, қочиб кетмасин!

Йигит узун қўлларини чўзган эдики, чўнтағимдаги тўппончани чиқардим.

— Менга тегинсанг отаман! Қамалиб кетсам ҳам!

Йигит тўхтаб, меровсираб қаради ва:

— Ўқи борми? — деб сўради. — Жуда эски тўппонча экан. Музейдан ўғирладингми?

Ортимда ошналари қичқиришди:

— Эй, савдолашяпсанми, нима бало?

Йигит устимга ташланаётгандек туюлди. Тепкини босдим, отилмади. Лабига сигарет қистириб, гугурт чақди.

— Ўқлари занглағанмикан? Қани, бер-чи, бу ёқقا.

Яна босдим, отилмади. Киноларда сақлагиҷни тушириб, кейин тепки босишлиари эсимга тушди. Шундай қилдим. Қулоғимни батанг қилувчи гумбурлашдан сўнг караҳт ҳолда қоча бошладим. Яхшиямки, сақлагиҷни тушираётиб, тўппонча оғзини пастга қаратган эканман, ҳалиги йигит оёғини ушлаб додлаганча ииқилди.

Кўзимга ҳеч нарса кўринмасди. Ўпкам бўғзимга тиқилгач, югуришдан тўхтадим. Ҳамон қўлимда қурол. Кўзим тўла ёш. Бир четга ўтириб, йиғлай бошладим. Нега бошимга бу кулфатлар тушяпти? Қачон қутуламан?

Бир пайт сал нарида юқ машинаси тўхтади. Бахтимга у озиқ-овқат маҳсулотлари ташувчи соутгичли машина эди. Кабинадан тушган йигит жиғибийрон бўлиб, деди:

— Қанақа шофёrsиз, ака, молни ҳам расво қилдингиз.

— Ўша кўчадан қандай ҳайдайман? Бирорни ҳозиргина отиб кетишиди, деганини ўзинг ҳам эшитдинг. Ўлгим келгани йўқ, ука. Қолаверса, бу сафаргиси мол эмас, қуруқ муз-ку.

— Шуни айтаяпман-да. Жинкўчангизнинг ўнқирчўнқирлари музларни отиб, тортларни пачоқлади. Қаёқдан ҳам уларни бирга ташиш фикри келди-я!

Тақдир менга бир машина музни кўндаланг қилган эди. Жойимдан туриб, сўппайганча кутдим. Қани муз сўрашга журъатим етса! Умримда бирор муаммони ҳал этмаган, кимдандир нимадир сў-

Азамат ҚОРЖОВОВ

рамагандим. Озиқ-овқат дўконига у дўкон бўлгани учун ҳам кирдим. Кўчадагилар бошқа масала. «Биз музфурушмизми? Йўқол!» дейишса, нима деб жавоб бераман?

Дон Тоғага муз топиб боролмаслигим аниқ бўлди. Қўлимга кимдир тутқазиб қўйсагина бу вазифа бажарилиши мумкин эди. Ҳамон дир-дир титрардим. Энди уйга қайтиш у ёқда турсин, шаҳримиз кўчаларида ҳам юролмасдим. Ҳойнаҳой, ҳозир уйимни милиция босган бўлса керак. Тамомман! Қанийди ўлиб қолсам, оғримайгина, ўзим ҳам сезмай.

Ҳалигилар омборхона эшигини очишиди. Каттакатта муз бўлаклари келтирилган экан. Музлардан кейин қофоз қутилар туширилди. Ади-бади айтишишгач, ҳайдовчи фургон ичидан бир қанча муз синиқларини йўлак четидаги ариқчага итқитди. Бир зумда омборхона қулфланди, машина ҳам қорасини ўчирди. Юк туширилган жойга етганимда ариқча ичida муз синиқлари оқариб кўзга ташланди. Иккита бўлакни олиб, изимга қайтдим. Гарчи ҳеч қандай жиноят содир этилмагандек кўчалар сокин бўлсада, қаерга бош суқмай мени қувиб келишаётгандай туюлаверарди. Улоқиб-адашиб бутунлай бошқа кўчадан чиқиб қолдим. Бу кўча чароғон эди. Ҳар бир симёғочда чироқ порларди. Бир томонда одамлар бола-бақрасини етаклаб истироҳат боғи сари кетиб боришар, иккинчи томонда милиция машиналари тизилиб турарди. Формали кишилар тез-тез бинога кириб чиқишарди. Бино таниш эди: катта мелиса-хона!

Устимдан совуқ сув қуйиб юборишгандек эгнимни қисдим, ортимга қарадим. Назаримда, аллақандай кўринмас одам мени шу ерга бошлаб келганди. «Ичкарига кир, Ориф, бино ичида фақат

сен ҳақингда гапиришяпти», деб шивирлади хаёлий сас. Ҳа, кутилмаганда ғалати ишларга ихтиёrsиз аралашиб қолдим. Ўз вақтида ҳаммасини бўйнимга олиб, шу идорага кирсам, саргузаштларим тугайди.

Барибир узоққа қочолмаслигимни, тез орада қўлимга кишан уришларини ўйлаб, лаб-лунжим баттар осилиб қолди. Қанча вақт серрайиб турганимни билмайман, «Анави эмасми?» деган овоздан сесканиб тушдим. Чорраҳадаги пастқам кўчадан икки барваста шарпа чиқиб келди-да, бири мени кўрсатди. Улар на ички ишлар ходимлари, на оддий кўча безорилари эди. Нима учундир мелисаҳона томон беш-олти қадам чопдим. Шубҳали кимсалар қувиб етолмаслигини сездим. Улар ҳуштак чалишид. Ҳудди дўстона ҳуштакка ўхшайди. Икки-уч қайтарилди. Ортимга ўгирилганимда тушундимки, улар қувиш мақсадида эмаслар. Ахир, куймаланиб юрган мелиса ходимлари яқингинамда эди. Шу жойимдан қичқирсам ҳам кифоя.

— Ҳой, йигит...

Ҳалигилар овозлари бўғилиб, қўллари-ла имлаб, жон-жаҳдлари билан мени чақиришарди. Тишлари фижирлаётганини эшигандек бўлдим. Ортимга қайтишимни шунчалик исташардики, таърифи йўқ эди.

Тўхтадим. Бири ёруғликка сирғалиб чиқди-да, менга хийла яқинлашди. Олма-кесак тераётган кўзларининг оқлари соққа мисоли ўйнарди.

Бу одам Дон Тоғага қуйиб қўйгандек ўхшарди: бақувват, қорин қўймаган. Ёши қирқдан ошиб кетган бўлса ҳам, кимнингдир кўчадаги югурдаги эканини пайқадим.

— Ориф, қаёққа? — деди у.

— Сизни танимаяпман... Мен у ёққа...

— Хитларнинг ёнигами? — нотаниш киши тишининг оқини кўрсатиб, кўзларини янада ўйнатди.

Азамат КОРЖОВОВ

— Мен... — дея гап бошладиму бошқа ҳеч нарса деёлмадим.

— Дон Тоға ҳозиргина телефон қилди. Күчада роса қаҳрамонликлар күрсатганмишсан. Айтгандай, отангнинг фахрий түппончаси чўнтағингдами? Бу ёққа бер. Биз уни йўқотишини истамаймиз.

Ёнимдан шўх-шодон оила ўта бошлади. Дадасининг елкасида ўтирган болакай ўйинчоқ түппончаси билан мени мўлжалга олди. Беихтиёр энтикиб қўйдим.

— Йигладингми? — сўради нотаниш киши.

— Бугун ўн саккизга кирганингга ўлсам ҳам ишонгим келмаяпти. Ё ана шу болакайдай бўлишни истаяпсанми? Иста, иста. Ахир, буюк одамнинг зурриёдисан. Сени ростданам елкасига чиқариб қўймоқчи отанг.

— Мен отамни танимайман. Қанақалигини ҳам билмайман.

— Касблари шуни тақозо этган, яъниким ўзини танитмасликни! Дон Тоға йўл-йўлакай тушунтирумадими? Отанг... шу... Сибирь... ҳамма ҳаммаси...

Унинг гаплари яхши эшитилмас, ҳар бир гап якунида бош чайқардим. Чунки ғойибдан пайдо бўлган отам, унинг малайлари, шон-шуҳрати менга керак эмасди.

— Барибир ушлаб олишади, — дедим шалвираб.

Нотаниш кимса кулиб юборди, сўнг тутаққанини яшириш учун қалтираб ер тепди. Тутуни чиқиб кетганини ўткинчилар ҳам пайқашди чофи, нега бундай туришибди, дегандек ҳайрон қараб ўтдилар. Қачонлардир кўчада муз кўтарган йигитнинг қўрқувдан қақшаб барзангидай эркакка тикилаётганини, эркак эса яқинлашолмай ўн-ўн беш

қадам наридан ниманидир уқтираётганини күрган бўлсангиз, демак, сиз ҳам гувоҳсиз.

— Мелисаҳонага борсанг қамаб қўйишади. Ўйлаб кўр, гапларингга қайси бири ишонади? Хўп, сен хато қилибсан, бу ишларни истамагансан, кетавер, дейдими? Қамалмагансан-да, ука, қамоқ нималигини тушингда ҳам кўрмагансан. Мана шу оқшомдаги қаҳрамонликларинг етти йил қамалишингга бемалол етади. Ейдиган калтакларингни ўйла. Менинг суякларим зирқираб кетади-ю, ў-ӯ, сен ким бўпсан! Ҳозир ортимдан юрсанг, ҳеч нарса бўлмайди, ҳаётингни шоҳона қасрда келган жойидан давом эттирасан. Тағин алдаяпти, деб ўйламагин. Қасам ичайми?

Шу пайт бир неча милиция ходими биз томон юрди. Уларнинг формалари, резина таёқлари, элас-элас кўринаётган тўппонча филофлари юрагимни така-пука қилиб юборди. Ҳойнаҳой, муомалалари ҳам қаҳрли бўлса керак. Уларнинг қўлига бир тушсан, осонликча қўйиб юбормасликларини ҳам ўйладим.

— Тамом, — қўлини нуқиди нотаниш кимса. — Алвидо, жаноб Ориф! “Агар сўтаклик қилса, мажбурламанглар, дуч келган ахлатхонага ташлаб кетинглар”, деган отанг.

У ва шериги пастқам кўчага қайтиб яна шарпаларга айланишди. Йўқолмаган умид уларни тўхтатди. Мени ҳам бир куч пастқам кўчага тортарди. Ҳеч бунақа аҳволга тушмаганман, икки йўлдан бирини танлашим керак. Учинчи йўлга ақлим етмади. Ички ишлар ходимлари яқинлашмоқда. Эҳтимол, менга келаётгандир? Биламан, лоқайд ўтиб кетишмайди. Бундай аҳволим уларни ҳалитдан шубҳага солган.

Тўппончани пайпасладим. Ҳозир ёнимни тинтишса...

Азамат ҚОРЖОВОВ

Бардошим етмади. Жинкүчага кириб, шарпалар ўртасида күрдим ўзимни. Оёғимни ерга теккизмай жинкүчалардан олиб кетишіди. Құллари шу қадар совуқ әдіки, темир эмасмикан, деб синчиклаб қарашга мажбур бўлдим.

Кимсасиз жойга етганимизда, нафас ростлаш учун тўхтадик. Орқамиздан қувмаётганларига ишонч ҳосил қилдик.

— Дон Тоға қаерда? — сўради мен билан гаплашган киши.

— Сиз... Ахир телефонда... Сўзлашиб... — дедим тутила-тутила.

— Сендан «Дон Тоға қаерда?» деб сўрайпти! — ўдағайлари иккинчиси.

— Эгасиз, ҳовли бор... Икки-уч кўча нарида... Ташландиқ... Ўша ерда ётиб қолди, мазаси йўқ... Менга муз опкелишни буюрганди...

— Ўзим ҳам овозидан сездим-а! Нега имиллаб, бу ёқларда ивирсиб юрибсан? Биродарингни нақ ўлдириб қўяй дебсан-ку!

— Йўлни кўрсат! — бақирди иккинчиси.

Қанчалик шошилмайлик, биронта такси тўхтатмадилар. Эсанкираб қолган эканман, бошқа кўчани кўрсатиб юборибман. Бир вақт хароба ўрнида ялтироқ ҳовли намоён бўлди.

— Шуми ташландиқ уй?

— Нарига кўча... — дедим. — Ад... адашибман...

— Ҳозиргилар ўз шаҳрида ҳам адашади! Биз қаёқлардан келиб сени топдик! Бу ерларга қадамим етмаганига йигирма йил бўлди-ёв!

— Ўн тўққиз, — дўриллади иккинчиси.

Хароба уйга кириб борганимизда Дон Тоға бехуш ётарди. Телефонининг қуввати ҳам айнан шу вақтда тугабди. Музни юлқиб олишди-да, Тоганинг баданига

ишқалай бошлашди. Үлиб қолишдан құрқиб, бир чеккада мунгайиб ўтиардим. Чироқча ёруғида Дон Тоганинг оғзи-бурнидан буғ күтариғлғаны қүрінди. У қув-қув йұталди. Кейин күзлари очилди.

- Муз беринглар,— деди мени ҳайрон қолдириб. Овози хийла дадил чиқди. Сүнгра менга қаради:
- Барибир ёлғиз үзинг эплөмабсан-да. Майли, бу бириңчиси. Бундан кейин дадилроқ бұласан.

Уни турғизиб қўйиши. Чўнтағимдан тўппончани суғуриб олган шериги қувурни ҳидлади.

- Ўқ узибди, эшитдингми, Дон?
- Биз ўқ овозларини ҳамиша эшитамиз. Ахир, у симфониямиз-ку, — жавоб берди Тоға.

Учаласи гулдираб қулиши.

Ҳалигилар кетмоқчи эканини уҳ тортганларидан сезиб, енгиллашдим. Одам қанча кам бўлса, ўзимни шунча бехавотир ҳис этардим. Аслида Дон Тоға билан қолғанимда ҳам ҳеч нима ўзгармасди. Улар шундай йўл тутишдики, энди ўз ихтиёrim билан уйга қайтолмайман. Фаройиб, телбасиғат кимсаларнинг шериги эдим гўё.

- Хайр, Ориф, — дейишиди менга, — у ёқда учрашгунча.

Табиийки, «Қаёқда учрашгунча?» деб сўраёлмадим, қўл узатиб, бош қимирлатиб хайрлашдим.

- Тўппонча бу болага керак бўлмайди, — деди улардан бири сал нарига етганларида.

- Бугун туғилган куни, — хириллади Дон Тоға.
- Кимнинг?
- Орифнинг.
- Туғилган кунида ўғирлаб кетаётган экансан-да?
- Ҳа, тўппончани совға қылсаммикан, деяпман.

Қоронфилик қўйнидан икковининг кулгиси эши-тилди:

— Тұппонча билан тағликтіннің фарқыга бор-
майсанмы, Дон?

5. Отa қароргоҳи сари

Тоға мени орқа әшикка бошлади.

— Тез бұлсанг-чи, — қистади дағдаға аралаш, —
улардан аввал боришимиз керак.

— Қаерга?

— Отанғыннің ұзурига! Нима, қулоғинга танбур
чертдімми? Қаерга дейди-я!

Машмашалардан кейин яна пиёда йүлга тушдик. Онам құлымга пул тутқазиб, автобусда кел, деса, баъзан уйга одам гавжум, хавфсиз күчалардан яёв қайтардим. Пиёда юриш ёқарди. Автобус бошдан-оёқ ташвиш эди. Күпинча тик турардим. Бүш үриндиққа үтириш ҳам мен учун катта муаммо эди. Агар үтирсам, ёши катта келса, жой беришим керак, кичик келса-чи? Кимдир тик турса, үз-үзидан хижолат чекаверардим. Гоҳида мендан кичиклар «Тур үрнингдан», деб дүқ уриб, жойимни олиб қўйишарди. Ич-этимни ердим: «Нега үтирдим? Мана, шарманда бўлдим!» Айниқса, бекатга яқинлашган сайин юрагим гупиллаб уриб, «Эсон-омон тушиб олармиканман? Нариги бекатга үтиб кетмасмиканман?» дея азобланардим. Бекатда тушолмаган пайтларим қўшни маҳалла бекатига келиб қолардим. У ерда безорилар орқамдан тепиб, масофа сақлаб қувлардилар. Атайн тутиб олмай, эрмак учун қувлашаётганини тушунсам-да, қўрқув устунлигига югураверардим.

Оз бўлса-да, киши қалбида шумлик яшайди.
Сўрадим:

— Улар машинага үтирса, биз орқада қолиб кет-
маймизми?

Дон Тоға шляпасини хиёл кўтариб қўйиб,

қадамини секинлатди. Сездимки, у мен билан очилиб гаплашмоқчи.

— Машинаға ўтирмайди иккови ҳам, — деди кибрұаво билан. — Бунинг учун қайғурма. Чунки уларнинг юраги меникидан баттар муз. Мотор иссифига дош беролмайди.

Дон Тоға ва унинг икки таниши — учаласига ўхшаш одамларни илгари ҳеч учратмагандим. Құчага кам чиқардим, балки шу важдандир? Йўқ, барибир бунақа одамлар антиқа: узун қора плаш, шляпа, этик, түппонча, муз юрак.

— Биз улардан олдинроқ етиб боришимизга асос шуки, мен ўғирлаб келиш буюрилган одамни олиб келяпман, улар эса топшириқ учун энди боришаپти.

— Ким... Кимни? — сўрадим тутилиб.

— Бунча қўрқмасанг-а? Сени икки марта ўғирлаб бўлармиди? Мана, қўлимдасан! Демак, улар бошқа бирорвни ўғирлашга жўнатилади.

Кайфиятим сезилар-сезилмас яхши томонга ўзгараётган эди, Доннинг бу гапи сескантириб юборди. Яна кимни ўғирлашмоқчи? Отам ҳақидаги гаплари уйдирма бўлиб чиқса-чи? Бирорнинг уйига бир туки қилт этмасдан бостириб кирадиган, йўлини тўсган такасалтанг билан муроса қилиб ўтирмайдиган одамларни ким деб аташ мумкин? Уларни юборган инсонни-чи?

— Биз сен ўйлаганчалик ёмон эмасмиз, — деди Дон Тоға кўзларини олайтириб. — Бошқача яшшимиз орзуларимизни рўёбга чиқармаган, холос.

Фикримни ўқиётгани мени ночор ҳолга солди. Култ этиб ютиниб, бош эгганча кетавердим. Қоронги жойга келгандагина ўгринча қараб қўйдим.

— Э-эҳ, отанг қандай одам эканлигини билмайсан-да, — деди у. — Қўрмаганингга ўн саккиз йил бўлдими? Айтгандай, ҳеч қачон қўрмагансан-

Азамат ҚОРЖОВОВ

ку! Ҳаётимда у каби сардорни учратмаганман. Афсуски, одамнинг умри қисқа, жуда ҳам қисқа. Қиши яқин, отанг эса ўлмоқчи. Тавба, одам ҳам қишида ўладими!

Навбатдаги чироқ тагида Дон Тоға афт-ангоримга нигоҳ ташлаб, саволимни тушунди.

— Ҳалигилар кимни тутиб келиши қизиқтирияптими? Улар икки киши эканидан билавергинки, қиз болани ушлашга боришаётпти. Лекин қиз ўғирлаш демаса ҳам бўлади, чунки отаси хабардор.

— Кимнинг отаси?

— Қизнинг.

— Қизнинг отаси ким?

— Айтсан танирмидинг?.. Э, тағин синглим ёки бўлажак келин экан, деган ҳаёлга борма. Бояқиши қиз Исмоилнинг касрига... Ие, тақиқланган исмни айтиб қўйдимми? Юз лаънат!

Ҳеч вақони тушунмаган бўлсам-да, Дон Тоға ўзини сўкиб, ерга туфлади. Сўнг елкасига қоқиб, деди:

— Отанг Исмоилни тутолмади. Энди қизини ушлаб, ўлдирмоқчи. Терисини тириклайин шилдирса керак.

Шунга амин бўлдимки, Дон Тоға, бояги кимсалар, мен ҳали кўрмаганим отам — барчаси каллакесарлар эди. Онам раҳматли бежиз отамни судга беришни хаёлига келтирмаган, ахтармаган, таърифини достон қилмаган, мени яширмаган. Ҳайрон қолдираётгани — уларга нега ҳеч ким чора кўрмайди?

— Балки ёқиб қолса, келин қилар? — Дон Тоға менга синовчан боқди.

— Билмасам...

— Қизни сенга хотинликка берса, Исмоил ҳам, қизи ҳам бир умр азобга қолади, — димофида кулди Дон Тоға. — Бу феълинг билан ҳар қандай хотинни тириклай гўрга тиқасан-да-қўясан.

— Касби нима? — деб сүрадим ўттиз-қирқ қадам сукут сақлаганимдан сүнг.

— Кимнинг?

— Унинг.

— «У» деганинг ким? Қизми, Исмоилми?

— Отам...

— Ҳе, шунақа ҳам жумбоқли гапирасанми? — елкамга қоқди Дон Тоға. — Отангнинг асосий касби озиқ-овқат маҳсулотларини музхонада сақлаб, қишида қимматроқ сотиш.

— Бирорни жазолаш менга ёқмайди, — дедим. — Нима учун керак... жазолаш? Унинг ҳам худоси бор...

— Худо битта, — Дон Тоға гапимни кесди. — У шерюрак бандаларига истаган нарсасини беради. Писмиқ ва қўрқоқлар нега шармандаликка учраши ни тушундингми? Уларга мукофот бериб бўладими? Ҳўш, сенга қайсиниси ёқади, йигитча? Калтак еб юришми, калтаклашми?

— Иккови ҳам Яратганга хуш келмайди... — дея ўз фикрларимни айтмоқчи эдим, журъатим етишмади.

Дон Тоға барча жиноятчилар сингари ўз фалсафасини тўқиган эди. Юрагимда оғриқ уйғониб, безовта бўла бошладим. Дарвоқе, мени қизнинг устидан ўқилган даҳшатли ҳукм тинч қўймаётган эди.

— Кучли одамларни Худо юборади, — ҳамон вайсаб борарди Дон Тоға. — Ҳеч замонда ночор, иродасиз, бир тийинлик қадри йўқ кимсаларга бўйсинган халқни кўрганмисан? Асло! Чунки одамларни тўплаш, ортидан эргаштириш, гапини ўтказиш учун кучли бўлишинг шарт. Юз минг одам ўлиб кетса ҳам фикрингда қатъий тур...

Сўзлаётиб менга кўз қисиб қўйганини пайқадим. Назаримда, у шаҳардан чиққанимиз сайин дилкашга айланмоқда эди. Кўприкка етдик. Бу ерни биламан:

Азамат КОРЖОВОВ

пастлика да жойлашган маҳалла устидан кўприк қурилган, нариги боши шаҳардан ташқарида, дарахтзор қўйнида.

— Бу ердан ҳамма уйлар ялпоқ бўлиб кўринади.
— Дон Тоға кўприк суюнчигини муштлади. — Уйингнинг олдида нима қилаётганингни кўприкдан ўтаётгандар томоша қилишади. Шу яхшими? Албатта, ёмон. Афсуски, болалигим шундай маҳаллада ўтган. Агар бошқа жойда яшаганимизда онам ўлмасмиди, отам қамалмасмиди! Эҳ, бойликда ҳикмат кўп! Тақдир нима учун отамга бойлик бермаганини кеч тушундим. У пулни ёмон кўрадиган одам ҳам яшаган бир вақтлар. Умри аянчли якун топди, аянчли.

Ўн дақиқалардан сўнг кўприк секин-аста пастлаб, биз дарахтзорни кесиб ўтган йўлга етдик. Туманинг ҳарир пардаси ёйилди. Сирли қадам товушларимизга қулоқ солиб, кимсасиз кўприкдан кетавердик. Онам билан бу ердан ўтганимга бир йил бўлмаган эса-да, нариги томонда бутунлай бошқа манзарани кўрдим. Икки томонда қуюқ ўрмон қад ростлаган эди. Дарахтлар қачон бунчалик ўсиб кетди? Бойўғли сайраб, номаълум жонзотлар чийиллаганига қараганда, мен билган икки юз қадами кичик дарахтзор эмасди. Адоғи йўқ асфальт йўлда машиналарнинг чироқлари олисдан турнақатор кўриниб, яқинлашганда кўзни қамаштириб, шувиллаб ўтиб кетаётганидан ҳам ҳайратда эдим. Улар қаёқдан келиб, қаёққа шошилишяпти? Ҳозиргина жимжит, кимсасиз йўлда эмасмидик?

Постга етмасимиздан Тоға мени чапга бошлади. То постни айланиб ўтгунимизча бўларим бўлди. Ниҳоятда ҳолдан тойдим. Бу ҳам етмагандек қамиш

оралаб тизза бўйи сув кечдик. Бир амаллаб қирғоқقا чиққанимда, Дон Тоға:

— Орифбой, машинамгача оз қолди, — деб далда берди. — Анави шарпани кўряпсанми? У менинг тойчофим. Маркасини айтсам, барибир тушунмайсан. Ўзи ҳам соатига икки юз километр босади. Қойилмисан?

Охир-оқибат отамнинг уйи қаерда эканини сўрашни улдаладим:

— Қаерда уйи?

— Утопияда.

— У... қаер?

— Тоғлар орасида. Денгиз сатҳидан беш минг метр баландликда.

— Беш минг? Ўҳ-ҳў.

— Узр, адашибман, олти минг метр.

— Ўҳ-ҳў...

— Жиннига ўхшаб «ўҳ-ҳў» деяверасанми? Қайси мамлакатдалигини сўрамоқчисан шекилли? Одатда, бундай баланд тоғлар Қирғизистонда ёки Тоҷикистонда, демоқчисан. Утопия ҳеч қайси мамлакатга қарамайди. Ўзи у мамлакат ҳам эмас. Отангнинг шахсий ферма-давлати.

Янтоқзордан тўғри боравердик. Қулоғимга гап кирмай қўйди. Атрофга аланглар эканман, қайси мамлакатга келиб қолганимни барибир билолмадим. Хаёлимда биз узоқ йўл босиб, бутунлай бошқа қитъага келиб қолган эдик. Қанчалик содда ва болафеъл бўлсам-да, эртакларга ишонмасдим. Бироқ олға юрганимиз сайин дараҳтлар ортини сирли тепаликлар ўрай бошлади. Бир оламдан иккинчи оламга ўтаётганимни тушундим. Энди мени ҳеч ким ахтариб тополмайди. Абадий йўқолдим.

Бир оз юрганимиздан сўнг Дон Тоғанинг маши-

Азамат ҚОРЖОВОВ

насига етдик. Уни сақицдан чиққан суратда күргандим. «Жип» дейишади, филдираги қучоққа сифмайды, кабинаси худди юк машинасиникидек баланд.

— Ўтириш, — деди Тога эшикни очиб.

Кабина уч кишига мослаштирилган бўлиб, орқаси очиқ юхона эди.

— Ма, кийимларингни алмаштириш.

Тоганинг ўзи ҳам устки кийимларини ечиб, ҳатто узун соchlари-ю сўйлоқ тишини-да юлиб олди. Ёнимда турмуш ташвишларидан эзилган, офтоб урган, эллик ёшлардаги бутунлай бошқа киши — хокисор тиришқоқ, муте банда пайдо бўлди.

— Қандай ширин совуқ! — чуқур нафас олиб, ёқасини очди у.

Совуқ унга шунчалик ёқишига ҳайрон эдим. Октябрь кечасида бу аҳволда юриши... «Уҳ-ҳу, уҳ-ҳу!» Яна, йўталди.

— Иссиқда узоқ қолиб кетдим, — деди кўксини ишқаб. — Одамни касал қилди.

Кийимларимизни тўплаб, бензин сепди ва устига гугурт чақди. Рулга ўтириб, моторни юргизди. Кучли ёруғликда дарахтлар сирли қўл силтагандек туюлди. Ватан билан видолашиб, номаълум ўлка сари кетаётган эдим. Кўнглим бузилиб лабимни тишиладим. Пешанам бунчалар шўр бўлмаса. Ахир, бугун онам вафот этганига қирқ кун тўлди. Чироғини ёқиб ўтириш ўрнига аллақаёқларга гум бўляпман. Ҳаётимнинг ўн саккизинчи кузи бунчалар бехосият келмаса...

— Йўлда кимлигингни сўрашса, манави ҳужжатдаги йигитсан, — деди у менга паспорт узатиб. — Касбинг иш юритувчи, яъни, менга ёрдамчилик. Вақтинчалик исм-фамилияянгни билиб ол.

Паспортга менинг суратим ёпиширилган эди. Сохта исм-фамилиям Қосимов Нурали Отаконович эди. Бурнимни тортиб, күз ёшимни артдим. Кайфияти күтарилигтан Дон Тоға құшиғини бошламоқчи эди, nochor ҳолимга раҳми келди чоғи, сочимни тұзғитиб, енгил уриб қўйди-да, хитоб қилди:

— Яшаш қийин! Яхши яшаш ундан ҳам қийин! Қани, қовоғингни оч! Сен бутунлай бошқа дунёга кетяпса-а-а-н!..

У машинасининг қутичасидан алланима ўралган матони олиб узатди.

— Туғилган кунинг билан, Орифбой!

Гарчи иссиқ ҳолида сочиққа ўраб қўйилган бўлсада, аллақачон совиб қолган гўштли нонни қимтинибигина ея бошладим. Ўзгалар ҳузурида овқатланиш ноёнгай юмуш эди. Кунбўйи овқатланмаганим учун очлик ҳаммасидан устун чиқди.

Кўп ўтмай довонга етдик.

— Совуқ ўлкаларнинг биринчи шарти — почапўстин, қозондай телпак, пийма, қўлқоп, шарф, — дея санаб ташлади Тоға. — Мендайларнинг ҳам жонудили! Совуқни яхши кўрадиганларга иссиқ кийим нима учун керак, деб тажанг бўлма. Қаёқдан биласан, балки иссиқ кийиниб қорга кўмилиб ухлашни яхши кўрарман? Эҳ-ҳ, сен бунинг завқини ҳис қилолмайсан!

Йўл патрул хизмати назоратчиларининг постига яқинлашганимизда даҳшатли ўхшатишни мисол қилди:

— Одамни қамалиш учун ўлдирмайдилар. Қотиллик қилишни истаганлари учун ҳам нариги дунёга жўнатадилар.

Назоратчи қўлини чаккасига қўйиб, ўзини танишитирди. Сўнг:

Азамат КОРЖОВОВ

— Нимәйди бу? — сүради брезент тагига ишора қилиб.

— Ие, командир, фирма «Сибир»ку!

Ходим сергак тортди.

— Ҳужжатларингиз...

Дон Тоға иккимизнинг ҳам ҳужжатларимизни тутқазди. Текширув ниҳоялагач, бизни изгириң довон қарши олди. Йўл тор, бир томон қиялик, тубсиз жарликлар.

— Эркак тарбиясини кўрмагансан-да, — фижинди Дон Тоға хокисор банда кайфиятини яна тарқ этиб.

— Боя гапирмасанг ҳам энди гапир, Ориф! Ухлаб қолсам, жарликка қулаймиз. Бу ерда ўқ отиб бўлмайди.

— Нимани?.. Билмасам...

— Қўрқма, — давом этди у, — ҳеч кимга қаратса отмайсан, шунчаки ҳавога ўқ узасан. Ўтган йили қор кўчириб юбордим, оддий шу тўппонча билан. Шовшувини газетада ўқиган бўлсанг керак?

— Йўқ.

— Қор кўчкисини айтмаяпман, довондаги воқеа қайтишдаги эрмак, холос. Биз пастликдаги ишни битириб келаётгандик. Ўшани!

— Газета йўқ эди уйда...

— Етти киши ўлдириб кетилган. Эсладингми? Ҳеч бўлмаса, радиодами, телевизордами гапиришгандир?

Қўрқа-писа бош чайқадим.

— Худо ё тавба, лоақал шивирини эшигандирсан?

«Йўқ» дейишга қўрқдим ва астагина бош чайқадим. Тоға рулни муштлаб, ўзига-ўзи:

— Қанийди бир тепиб машинанинг эшик-пешиги билан жарликка учирив юборсам! — деб гапиринди. — Унга ўҳшаганларни ҳеч қачон аямаганман! Айниқса, Магаданда биттаси бўларди, қилтириқ ва ипирисқи! Ўша ярамас овқатни яхши еёлмайди, футболга терс ўгирилади. Эшак, бирпас чапилламасдан телевизорга

үгирил, ҳозир Марадона гол уради, дедим. «Ким у Марадона?» – дейди ифлос. Э, бу воқеага ҳам күп бўлди. Ошхона ойнасига сачраган қонлар... Ишқилиб, сен футболга қизиқасанми?

– Мен... унчаликмас... Синфдошларим кўп тортишарди футбол ҳақида...

– Бўлди, ортиқ чидаёлмайман!

– Маканаки ҳозир қаерда экан? – деган савол оғзимдан чиқиб кетди.

– Нима? Маканаки дедингми? – Дон Тоға қийқириб юборди. – Ё алҳазар, у Маканаки деди! Тушимми, ўнгимми?

Дон Тоғанинг ҳовури бир оз пасайди.

– Футбол спорт тури эмас, – деди у.

– Спорт эмасми?

– Йўқ деяпман-ку! У жанг! Иккита қўшин ўртасидаги очиқ жанг! Футбол инсониятга курашлар завқини қайтарди. Э, футболсиз ҳаёт ҳам ҳаётми? Маканаки энг севимли футболчим эди. Мени Маканаки дейишларини истардим. Афсус, Дон Тоға Иккинчиман. «Сибирь» фирмасининг иккинчи одами. Тағин «Отам Дон Тоға Биринчи» деган хаёлга борма. Дон Тоға Биринчи Помирда ўлган. Унга ачинмайман, чунки шунга муносиб эди. Ёлғиз отанггина ишончли ва садоқатди дўст! Отанг қандай валламат эканини билмайсан-да, Ориф! Нимжон ва юраксиз бўлиб вояга етишинг ҳам отангни кўрмаганлигингдан. – Сўнгра қўшиб қўйди: – Ҳойнаҳой, онанг раҳматли товуқ ҳам сўйдирмаган кўринади. Пичоқ кўтарғанмисан умрингда?

Довоннинг юқори нуқтасига чиқдик. Шамол ваҳимали увиллар, олисдаги чироқлар хира милтирас, гунг тошлар машина фаралари ёргида шарпаларга ўхшаб кетарди. «Агар шу ерга ташлаб кетса борми,

Азамат ҚОРЖОВОВ

— күнглимдан кечди, — Эртасига одамлар ўлигимни ҳам тополмасалар керак».

Оғзини маймундек очиб эснаган Дон Тоға түйқус мени бир урди.

- Ухлаб қоламан, гапирсанг-чи?
- Нимани?

— Оғзингга келганини. Маканаки ҳақида мен-дан эшитганларингни такрорласанг ҳам майли. Футболчилар ҳақида эшитиш жон-дилим.

— Маканаки футболчи бұлған, — дедим. — Күп чемпионатларда қатнашган, голлар урган. Уни миллион-миллион одам ҳалигача танийди...

Дон Тоға яна эснади ва:

- Дадилроқ гапир, — деди.
- Одамлар ўзларини “Маканаки” деб аташларини истардилар. Бу ном күпчиликка ёқарди. Чиройли исем...
- Иsem әмас, фамилия.
- Чиройли фамилия... Маҳалламиздың унга ўхшаган бола бор эди. Унга Маканаки деб лақаб қўйишганди.
- Вў-ў, буниси қизиқ, — Дон Тоганинг юзи ёришди.

Менинг эса жаҳлим чиқа бошлади. Юрак ҳо-вучлаб кучукваччадек унинг измида кетавериш нафсониятимга тегаётган эди. Отам ўғирлаб келишни буюрган экан, хизматкорининг эрмагиманми? Модомики, «падари бузрукворим» онамнинг қорни-далигимдаёқ ташлаб кетган ва энди кўриш истагида экан, ҳурматимни қилсинг. Кўнглимга қил сифмаяпти, ахир. Ҳолдан тойган эдим. Балки довонда ҳалокатга учраганимиз минг марта яхшидир? Ота маконда қандай favғолар кутаётганини билмайман-ку. Шу тобда ҳеч қандай мерос баҳтли қилолмаслигини ҳам тушундим. Отамнинг қўл остидагилар пул учун мени гумдон қилиб юборишлари ҳеч гап әмасди. Энг катта душманим ўзим эдим. Феълим, руҳиятим,

дунёқарашим бошимни емасдан қўймайдиганга ўхшади.

— Маканаки деган ном менга ёқмайди, — дедим. — Маъносига тушунмайман. Нотаниш тилдаги, бизга бегона фамилия.

Дон Тоға анграйиб қаради.

— Аям тиқ этган товушдан қўрқарди, — тилим алжирашни тўхтатмади, — кечалари мени қучоқлаб ётарди. Бармоғимга тикан кирса, йигларди... — Кўзимга ёш қуйилди. — Отам алдаб кетганида, қаттиқ руҳий зарба еган. Биздан ҳамма юз ўгиргандек эди. Одамлар аям ҳақида ёмон фикрда эканини билардим. Буни билиб яшаш азоб.

— Тил бор экан-ку сен бола-да, — дўриллади Дон Тоға.

— Бирорларни тушунишни хоҳламасдим. Тушунганим сайин ҳамма нарса жирканч туюларди. Маканаки яхши отdir, лекин одамларнинг тақлид қилиб... телевизордан лақаб, исм, фамилия топишларини ёмон кўраман. Кўрлик бўлиб кўринади.

— Кўрлик? Қизик!

— Сизни эмас, ҳаммани айтяпман. Одамнинг йўқолиши исмдан бошланади.

— Йўғ-е?

— Мен йўқолиб кетсам ҳам исмим ўзимда қолади.

— Биз сенга юмшоққина қилиб «Тош» деб лақаб кўйиб олсак-чи? — деди Дон Тоға.

Унга норози нигоҳ ташладим. Вазифамни бажардим шекилли, уйқуси очилган алфозда:

— Яшавор! — деб елкамга қоқди. — Сал ҳаракат қилсанг, одам бўласан! Ҳа, отанг ўлим тўшагида бежиз йўқламаган кўринади. Сенда нимадир бор, бо-о-р... Фақат журъат йўқ. Юрагинг нўхатдек. У ҳам ғужанак. Биз кенгайтирамиз, улғайтирамиз, гуриллатиб олов ёқамиз. Менинг фикримча,

Азамат КОРЖОВОВ

бу дунёда ҳеч ким қўрқоқ бўлиб туғилмайди. Қўрқоқлик – тарбия маҳсали. Сен биологик жиҳатдан қўрқоқ эмассан, тарбиянг бир оз носоз. Агар сенга эркинлик берилса, дунёда ҳаққинг борлиги тушунтирилса, одам бўлиб кетасан. Дунёга сен ҳам хўжайин бўлишинг мумкин. Бошқаларнинг ҳаққи борми, сенинг ҳам ҳаққинг йўқ эмас. Масалан, тентакларнинг ишини бажартириб кўриш ҳам асрий тошни жойидан силжитиши мумкин. Бир силжидими, юмалаб кетаверади. Ма, от!

У шундай деб тўппончасини узатди-да, ўнг томондаги ойнани очди. Изфирин юзимни чимчилади.

- Қаёққа отай? – тўппончани маҳкам ушладим.
- Истаган томонингга.

Тепкини босганимда, пақиллаб ўқ учди. Дон Тоганинг амрига кўра ўқдан бўшагунча отдим. Ҳар гал пақиллаганда, у ҳайқириб олқишлиарди. Мен кино оламига тушиб қолгандек ҳис этардим ўзимни. Ҳудди қароқчилардек от чоптириб, ҳавога ўқ узиб, қийқириб кетяпмиз.

– Осон эканми? – Дон Тога қуролни олаётib ўқрайди.

Бошимни лиқиллатдим. Тога тўппончасини қайтадан ўқлаб, қўйнига тиқди-да, ойнани ёпди. Машина айланма йўлдан тобора юқорилаб, ҳозиргина юрган йўлимизнинг тепасидан ўта бошладик. Денгиз сатҳидан беш-олти минг метр эмас, ўн-ўн беш минг метр баландлаб кетгандек эдик, назаримда.

Довонда бошқа машиналарнинг чироқлари ҳам кўринди.

– Кел, сенга отангнинг тарихини гапириб берай, – деди Дон Тога. – Кейинроқ айтмоқчи эдим. Ўзинг юз йилда ҳам сўрайдиганга ўхшамайсан. Исм-фамилияси Шохол Умаров. Бахтингга сендан бошқа фарзанди йўқ. Яккаю ёлғиз меросхўрисан. Бироқ

талтайиб кетма. Отанг имтиҳон қилиши мумкин. Синовидан ўтолмасанг бойлик ҳам қўлингга тегмайди, уйингга ҳам қайтолмайсан. Ким ҳам шунча бойликни ҳе йўқ-бе йўқ умрида кўрмаган боласига ташлаб кетади?! Ота-болалик қондан ўтмайди. Ота-болалик, бу – муносабат. Гап қонда эмас, муносабатда эканини ҳеч қачон унутма. Қачонки битта оила булиб яшаса, шундагина ота-бола ҳисобланади. Акс ҳолда ҳужжатда фарзанд, юракда эса бегона. Тушундингми?

– Тушундим.

– Отанг менга ўхшаган одам. Шохи ҳам йўқ, түёғи ҳам. Ойдан тушмаган, Ернинг боласи. Боболаринг қаерлик эканлигини билмайман, ҳеч нима демаган. Буни ўзинг сўраб оласан. Сўраганда ҳам шунаقا аниқ қилиб сўрайсанки, менинг бир армоним ушалади. Билсанг, шунча йил бирга ишлаб, асли қаерлик эканлигини аниқлаётганим йўқ. Агар аниқласам эди...

Тоға оғир бош чайқаб, айиқдек хириллади. Унга қарадиму аллақандай режаси борлигини сездим.

– Хуллас, онадан туғилади, инга-инга дейди, оёқчаларини, қўлчаларини типирчилатади, таглигини вақти-вақти билан ҳўллаб қўяди ва ҳоказо. Хуллас, улғая бошлайди. (Мен яхши ҳикоя қилолмайман, Ориф, тағин эзма экан, деб ичингда сўкма!) Уруғаймоги казо-казоларнинг хизматида эди-ю, косаси оқармасди. Уй-пуйидаги, тўй-маъракасидаги қора ишларни қилишган, холос. Ҳонадоннинг обрўйи йўқ, ўтган ҳам сўқади, кетган ҳам. Ота-она қандай бўлса, бола ҳам шундай. Отангнинг болалиги даврида гўёки ҳамма тенг эди, йўқолсин бойлар, деган шиорлар ҳар қадамда учради. Ҳақиқий ҳаётда эса барибир нағма бошқача эди. Янги бойлар пайдо бўлганди: обком секретари, райком секретари, колхоз раиси, ферма

мудири, совхоз директори... «Ахир, улар билан оддий ишчини тенглаштириб бўладими» демоқчимисан? Отангга раҳмат! Одам билан одам баб-баравар бўлолмайди. Мабодо шеър ёзмайсанми?

— Ёзишни билмайман, — дедим айбдорларча.

— Шеъриятни салтанат деб эшигтганман. Шоирлар салтанат султонлари эмиш. Қара, ростдан ҳам кўчада эски папкани қўлтиқлаб, қалин қўзойнак тақиб, тимирскаланиб юрган оддий шоирнинг ҳам султонлиги бор. Папка қўлтиқлаган шахснинг ишини катта амалдорлар ҳам бажаролмайдиган пайтлар бўлармиш. Битта шеър юзта амру фармондан кучли таъсир ўтказаркан жамиятга. Демак, гоҳида қудратли шахслар миттигина одам қиласидиган ишни бажаролмаслиги мумкин. Бу дегани одам ҳеч қанақасига тенг эмас. Қонунларнинг олдида тенглик бошқа бир баҳсли масала, мен уни айтмаяпман.

Дон Тоғага шубҳа билан кўз ташладим. У на билимдон, на тажрибали, деган хulosага келдим. Бахтига постларда машинасини тинтиб кўришмаяпти. Акс ҳолда қўлга тушишимиз турган гап эди.

— Отангни ана шу тенгсизлик одам қилди, — деди у. — Қараса, уй ичи қул: ога-она ҳам, ака-ука ҳам, опа-сингил ҳам. Қизиқ воқеа! Ўшанда отанг ўн икки ё ўн учда бўлган. Қайсиdir амалдор шаҳар ташқарисидаги томорқасидан ўт ўришга рухсат беради, аниқроғи, садақа қиласиди. Отангнинг оиласидагилар ўша ёққа кетади. Нима бўладию туш чоғи бобонг ва момонг қайтиб келиб, отангни ёрдамга юборишади. Отанг томорқага етиб борганида, акаларини шу ерлик «участковой» ўз ҳовлисига фишт туширишга олиб кетган экан. Ўтлар устида сигарет чекиб ўтирган амалдорнинг жияни отангни кўриб: «Чалпак, тезроқ кел», деб чақиради. Кейин «Шу ердан уйларинггача шир яланғоч чопиб бора

оласанми?» дейди-да, ҳириң-ҳириң кулади. Отанг «Бу олифта бежиз кулмаяпти, акаларимни нағмасига ўйнатган шекилли», деган ўйни күнглидан ўтказиб, дейди: «Жұра, нега унақа гап гапирыпсан? Сенга ҳеч нарса демадим-ку!» Олифта иршайди: «Тепангга қара, чалпак, осмондан қурбақа ёғяпти!» Отанг тушунадики, акаларига шунақа гаплар айтиса, қандайдир масхарабозлик қилишган. Аммо отанг қовоғини уйиб: «Тентакмисан ё үзингни овсарликка соляпсанми?» дейди. Бойнинг жияни қулоқларига ишонмайди. Үртада олишув бошланади. Ҳалиги олифта тоғасига ишонған қуруқ гавда экан. Отанг оғзи-бурнини қон қилиб уради. Күчадан ўтаётгандар қарасалар, мақтанчоқ томорқа оралаб ялиниб қочаётгандиши: «Бұлди, Шохол, урма! Ўлдириб құясан, урма!» Отанг баттар қутуриб кетади. Билиб қўй, у тумшуғини күтариб кейин пусиб қоладиганларни ҳозиргача жини сўймайди.

Шундан сўнг «Шохол псих бўп қолганмиш» деб гап тарқалган. Гапнинг маънисига боряпсанми? Ўз фурурини ҳимоя қилган одам ҳаммага жинни бўлиб кўринган. Ҳалойиқ ҳам қизиқ-да! Аслида ким жинни? «Осмондан қурбақа тушяпти, қоч», деса бошларини ушлаб, пана жой ахтарган масхарабоз қўрқоқлар эмасми? Қўрқоқлар бор экан, олифталар қутурмай ким қутурсин!

Бобонгнинг жанжалини айтмайсанми! Бутун оила отангга тармашган. Нега бойнинг жиянини урасан? Оёғини ўпиб, кечирим сўра!..

Биласанми, Ориф, ўзбекчиликда отага қўл кўтариш, яқинларини ташлаб кетиш оғир жиноят. Бир неча йил ўтиб, отанг охири шунга ҳам қўл уришга мажбур бўлади. Эшит! Бу ҳам бир тарих! Бир куни қўшниникида тўй бўлади. Ҳовлиларда ўтказиладиган тўйларнинг югар-югури кўп эди.

Азамат КОРЖОВОВ

Меҳмонлар ресторандагидек бир хил вақтда келмасди. Чошгоҳдан асрғача эшилган-эврилган меҳмонларнинг кети узилмасди. Бутун маҳалла елиб-югуриб хизмат қиласди. Отангга беш кетаман-да! Бормайди! Нима, улар бизницида хизмат қилганими, дейди. Бойникида тўй қизигандан қизийди. Отангга акалари бир капгир ош чиқариб бермайди, эшитяпсанми? Гап ош ейишда эмас. Гап кимдан нафратланишда! Нимадан нафратланишда! Отанг ҳимоя қилган бўлса, ўз шаънини ҳимоя қилган, оиласини ҳимоя қилган...

Жигарлари манқурт эдилар. Манқурт кимлигини биласанми? Мустақил фикрламайдиган, хўжайин қаёққа етакласа кетаверадиган одам. Аслида одам ҳам эмас.

Қисқаси, манқуртнинг қўлидан ҳар бало келади. Ўшанда тўйхонадан ўртоқлари чопиб чиқишиб, «Шоҳол, Шоҳол, бу ёққа юр, отанг туфли тозалаяпти», дейишади. Шоҳол бечора югуриб борса, отаси ростдан ҳам зўр бериб туфли тозалаётганмиш. Қориндор, калондимоф кимса атрофдагиларга кулиб, Шоҳолнинг отасини мақтаётганмиш. Биласанми, ўша кимса шаҳардаги вино заводи директори бўлган. Кимдир бехосдан ялтироқ туфлисини босиб олган. Тўй эгаси бобонгга «Чоп, чўтка-крем опке» деса, дарҳол келтиргану шундай «улуг зот»нинг қўлига тутқазишга ҳайиқиб, шартта энгашган-да, ўзи тозалашга киришган. Тўй аҳли гўдайиб турган вино заводи директорини-ю унинг оёғини зўр бериб тозалаётган деҳқонни гоҳ ачиниш, гоҳ масхараомуз, гоҳ ижирғаниб томоша қилишаётганди. Бу даҳшатли манзара Шоҳолни титратиб юборади. У олдидан чиқсан одамни туртиб-йиқитиб яшин тезлигига оломонни ёриб ўтади-да, энгашиб ўтирган отасининг елкасидан

тутиб, давра ўргасига итқитади, вино бутилкаси билан директорнинг қоқ пешонасига солади. Ҳамма ҳангы манг. Ҳатто куй-қушиқ ҳам тинади. Шу лаҳзада уч-түрт йигит отангга ташланади. Отанг қўлидаги бутилка синифини ғазаб билан улоқтиради. Афсуски, йигитлар чап бериб қолишади-ю сал нарида ҳиринглаб ўтирган қора костюм, оқ кўйлак, қизил бўйинбоғли савлатдор меҳмоннинг кўзига тегади. Меҳмон бир зумда кўзидан айрилади. Тўй фожиага айланади. Кўзидан жудо бўлган меҳмон ким дейсанми? У туман прокурори эди...

Ҳикояси шу жойга етганда Тоға жимиб қолди. Машина рулинни чаққон буриб, навбатдаги муюлишдан ўтаркан, давом этди:

— Отангни қамаб юборишиади. У ўлимга маҳкум этилган маҳбуслар билан турманинг ер остидаги энг пастки камерасида ўтирган. Зах ва совуқ. Шифтдан тинимсиз ифлос томчилар томади. Баъзи кунлари камерадаги сув тизза бўйига етган. Маҳбуслар бир парчагина супада ғужанак бўлиб ётишган. Ёпинишга ҳеч вақо беришмайди, номардлар. Камерадошларининг ички аъзолари адойи тамом бўлгач, бирма-бир чиқариб, отиб ташлайдилар. Шу тариқа ҳукм ижро этилади. Отанг суд томонидан ўлимга маҳкум этилмаган эди. Сен шўро қамоқхоналарини билмайсан. Отишга ҳукм қилинган кимса осонгина қутулмаслиги учун уни икки йил азоблашарди. Яна бир мақсад — то қатл этилгунча маҳбуслинг ички аъзоларини атайин касаллантиришган. Турма жарроҳлари ички аъзоларини сотиб юбормасин, дейишганми, у ёғини аниқ билмайман.

Ўша пайтда отангнинг камерадошларини бир ўрис аёл отган экан. Кейинчалик аёл ақлдан озади ва қамоқхона жаллодсиз қолади. Маҳкумларни энди ким ўлдиради? Улар тор йўлак охиридаги эшикка

Азамат ҚОРЖОВОВ

түппонча ўрнатишади. Ўлимга маҳкум кишини ҳаммомга олиб чиқишиади-да, йўлакка киритиб юборишади. У йўлак охирига юради, «ҳаммом» эшигининг тутқичини тортади: пақ! Калит тешиги деб ўйлаган жойдан сараган ёлқиннинг маъносини у ё англаб, ё англамасдан жон беради.

Буларнинг бари отангнинг дийдасини қотириб юборади. Ундан ҳам баттари, отангда файритабий ўзгариш юз бера бошлайди. Секин-аста совуққа мослашади. Нафақат мослашади, у муз юракли одамга айланади. Назоратчи ҳайрон: нега бу йигитча икки йилда ҳам совуқ хонада соғлигидан ажрамади? Аллақачон касалликдан ўлиб кетиши керак эди-ку?! Прокурорининг илтимоси нима бўлади?

Шу орада прокурор пора билан қўлга тушиб, қамалади. Қамоқхона бошлиғи ҳам ишдан бўшатилиб, икки йилдирки ертўлада ноқонуний ётган маҳбус, яъни отанг меҳнат колониясига жўнатилади. Ахир, Шохол Умаров нари борса, саккиз йилга қамалган эди-да.

Ўзим жиноят йўлида юрибману, отангнинг йўқолган орзуларига юрагим ачишади. У бошқача инсон бўлиши мумкин эди. Муҳит мияни ўзгартиради деганлари айни ҳақиқат. Биз кўриб турган мана шу дунё ҳаммага ҳар хил. Даҳрий учун жаннат. У қора ер тагига кириб, қуртларга ем бўлгунча яшаб қолиши керак. Ейди, ичади, майшатини суради, бойлик тўплайди. Диндор учун синов майдони. У ўтар дунё учун эмас, охират дардида яшайди, умрини ибодату яхши амаллар билан ўтказади, майшатпарастликка яқинлашмайди. Чунки ўлганида қуртларга ем бўлмаслигини, руҳи жаннатга тушишини, бу дунё жаннатга тенглашолмаслигини англайди. Жиноятчи учун дунё уруш майдони. У

енгиб чиқиши, рақибини йўқ қилиши, талон-тарож этиши, ўғирлаши лозим. Дунёни бундан ўзгача тасаввур қилолмайди. Унга тушунтиrolмайсан ҳам. Масалан, мендан «Милицияни нега ёмон кўрасиз?» деб сўра. Уларни кўргани кўзим йўқ. Дунёда бирорта ҳам милиционер ёки полициячи қолмаслигини хоҳлайман. Биз – жиноятчилар жамият тақдирини ўйламаймиз. Ҳуқуқ-тартибот ходимларисиз дунё остин-устун бўлиб кетади-ку. Йўқ, биз фақат ўзимизни ўйлаймиз, бутунжаҳон мантиқларидан кўз юмамиз. «Қорадори» ёмон эканлиги ҳаммага маълум. Унга ҳар йили минглаб ёшлар ўрганишади, минглаб оиласлар бузилади, минглаб ўғирлик, қотиллик, зўрлашлар содир этилади, минглаб болалар етим қолиб, гиёхванд оталар ҳаётдан кўз юмишади. Ноғиронларни айтмайсанми! «Дори»ни сотаётганлар инсониятга қарши ана шундай жиноят содир этишаётганига ақли етмайдими? Етади, Ориф, етади.

Дон Тоға бурнини ишқалади.

– Агар очиқчасига рухсат этилса, – деди у, – дунё тамом бўлиши аниқ. Била туриб назоратлар кучайтирилганидан нолишади. Мантиқсизликми? Албатта, мантиқсизлик. Бироқ қайси жиноятчи ўзини ушлаб беради?

Машина довоннинг айланма йўлини ортда қолдириб, равон йўлга тушди, тезлик оширилди.

– Ҳар қандай инсонда, – давом этди Тоға, – эзгулик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат туйғулари яшайди. Отангни ашаддий жиноятчи қиёфасида тасаввур қилма. Унинг ишлари дунё мамлакатлари қонунларига кўра жиноий хатти-ҳаракат бўлса-да, ўзи яхши одам. Қамоқдан чиққач, уйига қайтиб бормади. Мустақил ҳаёти ўшандаги бошланган. Мен бир неча марта ота-боболарини яширинча суриштирдим.

Азамат КОРЖОВОВ

Қаердаги түйда прокурорнинг кўзига шиша тегиб, кўр бўлиб қолган, деб қанча-қанча одамдан сўрадим. Бироқ натижа чиқмади. Бунақа воқеани ҳеч ким эшиитмаган. Агар отанг аждодларинг ҳақида сўз очса, илтимос, қаерданлигини сўра, қандай бўлмасин мен билай. Хўпми?

Дон Тоға ҳикоясини эзмалик билан чўзаркан, кутилмаганда қўйнидан хўрозқанд чиқарди-да, оғзини катта очиб ютоқиб ялай бошлади. Унинг ҳар бир сўзидан муҳим маълумот олаётган бўлсам-да, ҳикоя кўнглимга сифмаётган эди.

Навбат марҳум онам фожиасига келди. Тоға менга тез-тез қараб кўйгач, томоқ қириб шундай деди:

— Шохол улоқиб-адашиб бир шаҳарга келиб қолади. Биласан, сенлар томонда қиш калта, ёз узоқ. Иссиқ кунлар февралдан бошланса, декабрь бошларигача давом этади. Собиқ маҳбус бунақа иқлимда яшаёлмасди. Ахир, у неча йиллар муз ва зулмат ҳукм сурган камерада ўтирган. Аллақачон совуқ ўлкаларга жўнаб қоларди. Онангга ошифу шайдо бўлади. Эҳсонойни деб шаҳардан кетмайди, музхонага ишга ўтади. Шундай қилиб, ота-онанг бир-бирига маъқул келади...

— Аям раҳматли бирон марта... бир-бирига маъқул келганига ўхшаш гап айтмаган. Сиз адашяпсиз, Дон Тоға, аям ҳамиша қўрқиб яшарди.

— Сен нимани ҳам биласан!

— Аям ростгўй, виждонли, оққўнгил аёл эди, — дедим. — Ростини айтсан, хўжайнингизни отам деб ҳисобламайман. Менинг отам йўқ, ота деган зотни йўргакдалигимда ҳам билмаганман, тобутимда ҳам билмайман.

— Отанг топилганига хурсандсан десам...

— Ўфиrlаб келяпсизлар-ку!

— Барибир у отанг! Қаёққа ҳам қочасан!

— Аям тирик бүлганида, бир оғиз айтганида, майли эди... Энди менга отанинг кераги йўқ.

— Каллаварам, — деди Тоға, — ҳеч қурса бойликларни ўйласанг-чи!

— Бироннинг бойлиги-ку! Кўп нарсага ақлим етмайди, ёшман... Лекин мен... мен... У киши отам бўлиб чиқсаю аям ўлмаган бўлса... Аямнинг ижозати билан ҳам бойликни олмасдим...

Дон Тоға хўрозқандни қасир-қусур чайнади.

— Тутылмасдан гапир, нима демоқчисан? Отанг билан учрашасан ва ҳеч нарсангиз керак эмас, дейсанми?

— Пуллари меники эмас-ку?

— Бойлиги қанча эканини билмайсан-да! Қозистон, Қирғизистон, Тоҷикистоннинг бир қисми, Хитой ва Мӯғулистаннинг ҳам бир қисми, Сибирнинг ярими, Алясканинг ярими...

Тушунмадим. Бу ҳудудлар нимани англатади, ақлим етмади. Яна сўрадим:

— Ўша ерларда бойликлари борми?

— Бойликлар эмиш! Ўзи сен бойлик деганда нимани тушунасан, хомкалла? Картошка экадиган далаларими ёки кўй боқиладиган яловларни?

— Билмасам, — дея елка қисдим.

Дон Тоға чуқур нафас олиб, бўрондай ҳаво чиқарган эди, ойна терлаб кетди. Қўзларим равшан эса-да, шундоқ ҳам йўлни зўрга кўриб борардим. Тоғанинг бу аҳволда машина ҳайдаши ажаблантирумокда эди.

— Фирманинг ҳақиқий даромад манбанини фақат Шохол Умаров айтиши мумкин. Масалан, мен ўзими хўжайин ҳис этолмайман. Қўлимдан қелмайдиган иш йўқ, аммо раҳбарлик қилолмайман. Жиддий эмас эмишман, одамларни ўзимга оғдиrolмасмишман. Ёшим қайтаётган бўлса ҳам, билагим тўла куч.

Пичоқбозлик, отишма, муштлашишда беназирман. Шунинг учун кўп ҳам муомалам йўқ. Начора, бу борада отангнинг фикри тўғри. — Тоға ялт этиб қаради. — Эй худойим, тағин отанг сендан раҳбарликни умид қилаётган бўлмасин! Ҳойнаҳой, болам ўзимга тортган бўлса керак, деб умид қилиб ётгандир.

Шундан сўнг бутун гавдасини силкитиб қулди. Йўллар баҳайбат тоғлар орасидан чиқолмаётган қўрқинчли тун эди. Туғилиб-ўсан шаҳрим қанчалар олисдалигини ўйлаб, дод солгим келди. Юрагим питирлаб, ўзини ҳар ёнга урар, мен каби у ҳам ҳеч қаёққа қочолмасди.

6.Учрашув

Тонгга яқин рўпарамиизда девордай тик тоғлар пайдо бўлди. Йўл четидаги баъзи лавҳаларда ҳиндча ёзувлар кўзга ташланарди. Бироқ биз Ҳиндистонга келмаганимиз аниқ эди. Нари борса, ё Қозоғистонга, ё Қирғизистонга етдик. Россиягacha эса анча юриш керак.

Кимсасиз тор асфалътга бурилдик. Бир соатлар, чамаси, тоғ ён бағридан юрганимиздан сўнг чапга қайирилдик. Шу ерда йўл тўсиб қўйилган эди.

— Бола келтирилдими, генерал? — икки киши ичкарига мўралади. — Шуми?

Тоға тўсиққа ишора қилди. Ҳалигилар югурибелиб, йўлни очишли. Машинани юргизаркан, Тоға савол берганни имлади. Яқинлашган ҳамоно юзига мушт солди.

— Эй аҳмоқ, — деди у, — бола дейишга қандай ҳаддинг сифди? Ахир, у хўжайнинг ўғли-ку! Қани, салом бер, тўнғиз!

Бироқ саломни кутмасдан газни босди. Кўп ўтмай қулогимга даҳшатли гулдурос эшитилди. Юзлаб,

минглаб устунлар, симлар, улкан темир қутилар күзга ташланғач, яқын-үртада ГЭС борлигини англадим. Ҳақиқатан, ваҳшатли шаршара пойидан чиқиб қолдик. Эллик қаватли уйдек баландликдан дарё оқиб тушяпти, унинг олдида «жип» гугурт кутисидек ҳам келмасди.

Машина бурчакдаги уч қаватли бино сари юрди, дарвоза ҳам унсиз очилди. Гаражга кирдик. Бу билан ҳам йўл тугамади. Девор бир томонга сурилиб, ичкаридаги нимқоронги хонага йўл олдик. Шундан кейингина машинадан тушдик.

Белим қотиб қолган эди. Мармар полда букчайиб, оқсоқланиб икки қадам ташлагандим, Тоға елкамга залворли кафт қоқди.

— Туққан аёлларга ўхшаб қийшайма. Бу шундай салтанатки, бўшашсанг ҳуррак отдай тепворади, етти иқлим нарига учиб тушасан.

— Ҳи-ҳи-ҳи... — Кулди қўл қовуштириб турган дев-келбат йигит.

— Оғзингни юм! — Тоға олақарашиб қилди унга. — Бу Ориф Умаров! Ҳўжайниннинг ўғли!

Қўриқчи ранги оқариб, деворга суяниб қолди. Тоға лифт тумасини босиб, у томонга ўгирилди.

— И smoил қўлга тушдими, Эшимбой?

— Йўқ.

— Қизи ушландими?

— Конибодомдан хабар келди, қиз қўлимизда. Икки одамимиз ҳам ўша ёқда.

— Тушунмадим, қайси Конибодом?

— Тожикистандаги бўлса керак?

— У ёқда нима қилиб юрибди?

— Қочган бўлса керак, Дон Тоға.

— Ким?

— Қиз, — дея Эшимбой кўзларини пирпиратди.

— Битта шаҳарда дейишганди-ку!

Азамат ҚОРЖОВОВ

Бу пайтда лифт эшиги очилди. Тоға мени итариб киргизаркан, құриқчига бақирди:

— Икковини ҳам отаман! Қыз болани тузукроқ ушлолмайдими? Овсарлар! Мен уларни аллақачон қизни тутишган, деб ўйлабман-а!

Лифт юқори қаватга күтарилади деб ўйлагандим, аммо у пастга шүнғиди. Ҳаво етишмай құнглим озды, үзимни шундай лоҳас ҳис этдимки, бир бурчакка қисиниб олдым. Ана йиқиламан, мана йиқиламан. Ҳатто үзимни Тоғанинг оёғига ташлаб, «Қутқаринг!» деб чинқиришга ҳам тайёр эдим.

Хар қандай даҳшат ниҳоя топади. Бир пайт лифт сiltтаниб тұхтади. Эшик очилиб, күз үнгимда йүлак пайдо бўлди. Кетиб боряпмиз. Юзимга муздек шамол урилади. Назаримда, онам вафот этгач, тақдир тақозосига кўра мен ҳам нариги дунёга келиб қолган эдим.

— Отанг тұшакда ётибди, — дели Тоға қия назар ташлаб. — Салом бериб кир, құлини ўп. Мұхими, ҳеч қачон довдираш. Довдираш битта сени эмас, авлодларингни ҳам бахтиқаро қиласы.

Бир қадам ташлар-ташламас томоғимдан гиппа бўғиб, деворга тақади. Қўзларини олайтириб вишлади:

— «Хўп бўлади» дейишини қачон ўрганасан? Агар мол каби кўринсанг, отангнинг ҳафсаласи пир бўлади. Фирмани тугатишни қарор қилса, ягона айбдор сенсан! Сен! Сен! Бунинг учун сени ўлдирамиз, сасиган жисмингни ҳам топишолмайди, уқдингми?

Ихтиёrsиз равишда бош ирғадим. Бир-биридан совуқ башаралару чиркин ниятлилар Шохол деб аталмиш инсоннинг бойликларидан таъма қилиш, юлиш, улуш учун яшаб юришарди.

Мени қўйиб юборган он зарҳал эшик очилди.

Бүйнига фонендоскоп таққан узун бўйли, қирғибуюн киши қўлларини халати чўнтағидан чиқармай гап қотди:

- Муҳтарам Ориф ўғлимиз шуларми?
- Шулар, — деди Тоға.

Оқ халатли киши ичкарига таклиф этди ва мен Дон Тоғадан халос бўлдим. Кенг хона сутдай ёритилган эди. Шифт ялтироқ, тўлқинсимон мегаллдан ишланган, деворларнинг ярми ёғоч, ярими мармар. Бурчакдаги камин олдида қўлда тўқилган қадимий палос тўшалган. Унда шарти кетиб, парти қолган қоқсуяк ит мудраб ётарди. Каминда олов кўринмасди. Эҳтимол, ҳеч қачон ёнмагандир.

Хона тўридаги икки кишилик, йўқ, таъбир жоиз бўлса, тўрт кишилик баҳайбат қора диван ўртасида бир одам ўликдек қотиб ётарди. Сочлари оппоқ, кўзлари ботиб кетган. Унга яқинлашганимда бурнимга минг хил дорининг аралаш-қуралаш, ўткир ҳиди урилди. Шу пайт қай гўрдандир пашшасимон мавжудот учиб келиб, атрофимда айланишганди ҳамки, заифгина «ғувв» этган овоз эшитилди-ю «махлуқча» кўздан йўқолди.

Шифтга қарадим. Парракли гаройиб ускуна зараркунандани «ютиб юборган эди».

- Кел, ўғлим, — деган сас эшитилди тўшакдан.

Сесканиб тушдим. Касалнинг файритабиий овозидан эмас, унинг ҳақиқатан менга ўхшаш эканидан. Куйиб қўйгандек ўзим, десам янгишаман. Бироқ қирқ йилдан кейин шу қиёфага киришимни кўнглим сезди.

- Яқинроқ кел, ўғлим, — имлади у.

Ҳозиргина Дон Тоғадан дўқ-пўписа эшитганимга қарамай, bemорга салом бермадим. Онам бир умр чўчиб яшаган шахс қаршимда ўлим тўшагида ётар-

Азамат ҚОРЖОВОВ

ди. У онамни бахтсиз қилди, хор-зор яшашга маҳкум этди. Энди үзини нима деб оқлар экан?

Шифокор унинг бошига яна бир ёстиқ қўйди. Бу меҳрибончилик қанчалик маҳорат билан бажарилмасин, жон кирмади, зўрға кўз очиб, менга синчиклаб тикилди.

— Ўхшабсан... Худди үзимсан...

Лабимни тишлаб, оёқ учларимдан кўз узмадим. Кўзларим нам тортиб, пойабзалимга томган томчиларни кўрдим. Устига-устак бурнимдан ҳам сув келди.

Шифокор мени еб қўйгудек кузатиб турарди. Афтидан бизнинг гапимизга аралашиб тақиқланган, лекин нимадир демоқчи эди.

Дарвоқе, у «рўмолчангни ол, отанг билан кўриш» деб имо-ишора қилди. Қўлимни чўнтағимга тиқдим. Онам вафот этгандан бери шахсий ашёларим ўз жойидан топилмасди, ҳозир эса ногаҳон яп-янги дастрўмолга қўлим тегди. Бурнимни артдим.

— Кел, — шивирлади шифокор беморнинг бош томонида туриб, — Қу... чоқ... ла...

Диванга тиззаларим тегар даражада яқинлашдим. Қучоқлашиб кўришиш учун диванга чиқиб, бир ярим қадам судралиб боришим даркор эди. Шу масофа менга минг чақирим туюлди.

— Бери кел, ўғлим... Мен отангман... Сен ҳали Шохол Умаров деб эшитмагансан-да... Айтгандай онанг...

— Аям ўлди, — дедим.

— Менинг ҳузуримда уни «ая» деб гапирма, «она» де.

— Хўп.

— Онангнинг ўлганидан хабарим бор... Ярангни тирнамоқчимасман... У нега сенга Ориф Салтошов деган сохта ном қўйган? Шунисига ҳеч тушумадим...

- Онам ўз фамилиясини берган.
- Йўқ, Сен Ориф Шохолович Умаровсан. Кўзгуга қара, ўғлим эканлигингга шубҳа йўқ.
- Менинг отам... — Унга қўрқа-писа тикилдим. — ...Отам йўқ...
- Бизни ҳоли қолдир. — Бемор шифокорига қаради. Оқ ҳалатли дарров эшик сари юрди.
- Энди гапир.
- Отам йўқлиги мени қийнамайди, — дедим.
- Қариндошларим йўқлиги ҳам ғалати эмас.... Қўникиб қолганман. Фақат... фақат онам ўлганига қўниколмайман... Онам азобда яшаб ўтди...

Беморнинг қошлари чимирилди. У мени энди кўраётгандек кўз узмасди. Ёши олтмишга ҳам бормаган эди.

- Нима у? — сўради ҳадиксираб.

Беихтиёр атрофга алангладим. Бирон шарпа кўриндимикан? Кимдир гап пойлаяптимикан? Қари ит бош силкиди, балки шуни пайқагандир?

Бемор кўрпа тагидан қарға оёғидек қўлини чиқариб, кўрсаткич бармоғини менга, аниқроғи, кўксимга қаратди. Бир оз баланд овозда такрорлади:

- Нима у?
- Бу кийимни, — дедим тушунмай, — Дон Тоға берди...
- Кийимни сўрамаяпман. Унинг ичидагини...
- Майкам...
- Кийимни сўрамаяпман! — Беморнинг овози қалтиради. — Ундан ҳам ичкарида нима бор? Нима бор деяпман?!
- Билмасам... Нимани сўраяпсиз?
- Қўзимга қўрқув кўриняпти. — Бир оз нафас ростлагач, заифроқ товушда сўради: — Нега?.. Нима учун бу кўйга тушдинг, болагинам?

Азамат КОРЖОВОВ

Ерга қараб, миқ этмадим. Бемор алланималар деб пичирлади. Қулоғимни динг қылсам, у: «Қайси гуноҳим учун? Уни нима жин уриб, бұшант бұлиб қолди?» деб нола-ю фифон қилаётганди. Шифтга қадалган күзларида таърифлаб бўлмас алам зоҳир эди.

— Бери кел, — деди ахийри тақдирга тан бериб.

Тўшак четига ўтириб, бир қарич силжидим.

— Яқинроқ.

— Эшитаман.

— Ўғлим, ҳеч қачон афсусланмайман... Умрим зое кетмади... Юзлаб одамлар қилолмаган ишларни қилдим. Кучли бўлиш кимнинг орзуйида йўқ? Мен кучли бўлдим! Ҳар ким ҳам ўз истакларини амалга оширолмайди... Билиб қўй, отанг барчасини уддалади. Сен эса жуда ҳам... Очиғи, кутмагандим... Бу қадар эканингни кутмагандим...

— Мен зўравон бўлишни хоҳламайман.

— Йўқ, йўқ, зўравонлик бошқа нарса, яшашга интилиш бошқа... Бу ер... Бу Ер сайёраси ҳеч кимнинг шахсий мулки эмас... Майли, ҳали бир мисқол умрим бор... Сени синовга тайёрлашларига буйруқ бераман... Бунга улгурман...

Беихтиёр бош қимирлатиб розилигимни билдиридим. Аммо-лекин синов дегани турли қийноқлар эмасмикан деб юрагим така-пуга бўлди.

— Синовга тайёргарлик шунинг учунки, — деди у, — сени тўсатдан имтиҳон қилиш катта аҳмоқлик. Аввал тайёргарликдан ўтишинг керак. Негадир одамларни тарбиялашга кўпинча эътибор беришмайди. Ерга туфлама, сўкинма, навбатда тур, ҳовлиқма, машина сигналини чалаверма. Муаммолар кўп. Тушундингми?

— Ҳа.

— Буларнинг бари нима учун, деб миянг қотяпти-ми?

— ...

— Ҳаммасини сенга қолдирмоқчиман. Фирмани, банкдаги пулларни, уй-жойни, ҳатто одамларимни ҳам. Тоғлар бошидаги бу ҳудудга келганимда ҳароб макон эди. Уни гуллатдим, яшнатдим, озиқ-овқат омборхоналарини қурдим. Мен нимани орзу қилганман? Суви, гази, электри абадий, озиқ-овқати туганмас, боғ-роғлари яшнаб турган ҳовлини, энг кучли зилзила ҳам вайрон қилолмайдиган иморатни. Йиллар ўтди, барчасига эришдим. Онангни севардим. Ишон! Үлим олдидан алжираш деб ўйлама. Аслида мендек кучли севган инсон йўқ. Кўчаларда қўлтиқлашиб юрганларни кўрганмисан? Уларнинг севгиси севги эмас. Битта ўқ билан қизларни Farbga, йигитларни Шимолга ҳайдаб солишим мумкин. Севги учун жон фидо қилиш керак, севги учун бойлик орттириш даркор. Хатоларим ҳам қўп. Мен кечикдим. Кеч тушундим хатоларимни... Арвоҳи шод бўлади онангнинг... Айтгандай, Эҳсоной осон ўлдими?

— Касал бўп ётди...

— Қаерга дафн этдинг?

Буни Дон Тоға ҳам сўраганида, жавоб бермаганимни эсладим.

— Қабристонга... «Қози бобо»га... — дедим.

— У қаерда?

— Маҳаллага яқин жой.

— Қабртош қўймадингми?

— Йўқ.

— Маъракаларга харажат қўп бўлдими?

— Маҳалла ёрдам берди.

Бемор янада тумшайди. Сўнг:

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Сен шунча мулкка эга бўлаётганингдан хурсандмасмисан? — деб сўради.

Атрофга ҳафсаласиз кўз югуртирдим. Тўғрисини айтсам, уйга кетгим келаётганди.

— Ўз уйимда яшасам дегандим... — дея минирладим.

— Ма, бу энг сўнгги ҳисоб, — деди бемор кўрпа ичидан қалькулятор чиқариб.

Рақамларга қарадим. Миллионми, миллиардми, нолларини санаёлмадим.

— Кўрдингми?

— Ҳм.

— Бу доллар ҳисобида. Ҳаммасини ҳисобладим, ҳаммасини. Қани, энди манави тугмани бос.

Ёстиқ ёнига ўрнатилган қизил тугмачани босгандим, эшикдан бирин-кетин тўрт киши кириб келди. Иккитасини танидим: Дон Тоға ва шифокор. Қолган иккови ўттиз беш ёшлардаги бақувват йигитлар эди. Айниқса, кўзойнак таққанининг юзи қон томгудек қизил.

Бемор уларни менга таништириди:

— Ёрдамчим Дон Тоға. Биз у билан «Сибир»ни тетапоя қилиб, оёқقا турғаздик. Ўзимизга қарамадик, аммо фирмани одам қилдик, салтанат даражасига чиқардик... Уҳ-ҳу, уҳ-ҳу... Қалайсан, Дон, яхши бориб келдингми? Ўғлим харҳаша қилмадими?

— Йўқ, у энди кетолмайди, — менга нигоҳ ташлади Тоға. — Маҳалласидагиларнинг адабини бердим.

— Ўлдирдингми?

— Юмшоқ жойдан пичоқ ейиш, қулоғидан айрилиш, оёқ болдирини ўқ тешиб ўтиш одамни ўлдирмаса, демак, улар тирик. Ориф ҳам қараб турмади, биттасини отди. Умуман олганда, айб уларнинг ўзларида. Кечаси bemavrid сандироқлаб юрадиган тўнкалар бир кун эмас, бир кун панд

ейишлари шундоқ ҳам аниқ эди. Пивохўрлар ҳам, кашандалар ҳам Ер шарининг бактериялари, Шохол.

— У отдими? Йўқ, бекор қилибди. Жиноятлар даври тугаб, макр замони бошланяпти. Ким ақлли бўлса, ўша ғалаба қозонади. Қудратли давлатларни ҳам қурол-яроғ билан эмас, макр билан енгадилар. Маданиятини ўзгартиришади, динини емиришади, янгича урф-одатлар олиб киришади, минг-минг-лаб муҳожирларни жўнатишади. Ҳеч бўлмаса, мамлакатда ароқ заводларини кўпайтириб, спиртли ичимликлар дўконларининг сонини ошириб, секинаста тубжой авлодларни пиёснистага айлантиришади. Бу — даҳшатли уруш. Миллионлаб оиласлар бузилади, автоҳалокатлар ва қотилликлар сони минг баравар ошади. То уларнинг ўрнини янги аҳоли эгаллагунча ифлос одамлар майхоналарни тўлдириб ўтираверади, кўчалар ҳам булғанаверади.

— Тана ҳароратим жуда кўтарилиб кетди, — деди Дон Тоға. — Ўғлингиз менга муз келтиришга жўнади. Йўлда безорилар хираки қилган экан, оёғидан яralабди.

— Ҳамма айбни ўз бўйнингга оласан, Дон.

— Албатта, хўжайин.

Бемор тирсагига таяниб, надимларига деди:

— Узр, аввал бу йигитни таништиришим керак эди. У менинг яккаю ягона фарзандим, сизларга айтганим ўша одам... Янги хўжайин... Агар имтиҳондан ўтса, албатта... Ориф... Орифжон Шохолович Умаров...

Атрофимдаги кўзларга тик қарашга журъат этолмай нигоҳимни полга қададим. Бемор кўрпа тагидан иккинчи қўлини чиқарди.

— Унга барча-барчасини мерос қолдирмоқчиман, — деди калькуляторга қўлини қўйиб. — Кўпни кўрмагани учун аввал ҳаётга тайёрлашларинг керак... Унинг тарбияси билан шуғулланолмайман...

Азамат ҚОРЖОВОВ

Бұладиган йигит эканлигини, мана, Дон айтди...
Хүш, бу одам, — Шохол Умаров қайрилган бар-
моғи билан шифокорни күрсатди, — таниб қўй:
Искандар. У минглаб касалликларни даволайди,
юзлаб заҳарлар тайёрлайди. Одамнинг оғриқ сезиш
бўйича ўта нозик жойларини... уҳу-уҳу...

Беморни йўтал тутди. Шифокорга шундан ке-
йингина синчиклаб қарадим, ярим рус, ярим корейс,
гаройиб кимса эканини кўрдим.

— Анави кўзойнакли... — деди bemor, — Адвокат...
Қонуншунос... Қишлоқнинг боласи... Лақаби ҳам
Адвокат... Сенга дунёдаги жамики қонунларни
ургатади. Ёнидагиси Уста Бола. Тахаллуси шунаقا.
Уни мураббий ҳам деймиз... Ёш ходимларимиздан...

Бемор ҳолдан тойди. Искандар парвона бўларкан,
бизга «чиқиб кетинглар» ишорасини қилди-да,
шприцни тайёрлади.

7.Синов

Уста Бола лип этиб ёнимда пайдо бўлиб, би-
лагимдан тутди.

— Кетдикми, Ориф?

Унга эргашдим. Эшикка етганимизда bemor хи-
риллади:

— Бошланглар...

Уста Бола хитойлар каби таъзим қилди. Бир қадам
ташламасимиздан яна овоз эшитилди:

— Исмоил жазосини олдими?

Дон Тоға қулочини ёйди.

— Афсуски, Шохол, у бизниkilарга яна чап берди.
Якка-ю ягона қизини ушлашибди. Ҳозир йўлда. Тез
орада шу ерга келтиришади.

Шифокор шприц поршенини босди, bemornинг
уни ўчди.

Йўлакка чиққанимизда, Дон Тоға Уста Болага деди:

— Биринчи бўлиб сен шуғуллан Ориф билан. Спорт унинг руҳиятини очади, — шундай деб менга кўз қисди. — Синовдан ўтасанми, йўқми, худо билади. Уста Боланинг этагидан маҳкам тут. Нима бўлса ҳам, бу ердан энди аввалги Ориф қайтиб чиқмайди.

Биз либослар хонасига кирдик. Уста Бола мен учун кузги кийимлар танлади. Сўнг оқ эшикни кўрсатди.
— Ювениб чиқ.

Ҳаммомдан чиқиб, Уста Боланинг қаршисида тўхтадим.

— Йўқ, — афтини бужмайтирди у, — сартарош ҳам керак экан сенга. Нега одамлар ўзларига қараб юришмайди-я?! Ахир, ўзинга ўзингга бегона эмассанку!

Сартарош келди.

— Тўхта, — деди Уста Бола сочим олингач, — Тирноқ!.. Керагидан ортиқ тирноқ билан муштлашибишиб ҳавфли.

— Ўзим... — дедим ўнгайсизланиб.

— Неча миллиметр қолдириш кераклигини биласанми? — Уста Бола менга тикилди.

— Йўқ...

Сартарош тирноғимни ҳам бир текис олди-қўйди. Бунақа кийимларни шу вақтагача киймагандим. Ойнага қараб ўзимни таниёлмай қолдим. Уста Бола елкамга дўстона уриб қўяркан:

— Келажак олдинда, — деди. — Фақат уни қўл қовуштириб кутмаслик керак.

Овқатландик. Йўл чарчогига бир кун дам, деб ўйладим. Қаёқда, уч соат ўтгач, уйготиши. Кимдир устма-уст сим қоқиб, тайёргарлик хусусида сўрарди. Ахийри, Уста Боланинг ҳам жаҳли чиқди.

— Менга бир қоп қарам берганингиз йўқ, Дон Тоға! — қичқирди гўшакка. — Ахборотингиз учун у

Азамат ҚОРЖОВОВ

ноль бола. На күчада муштлашган, на спорт билан шуғулланган, на ҳарбий хизматни ўтаган. Қасам ичаманки, ўша занглаган қуролингиз ўзи отилиб кетган...

Эшикда важоҳатли Дон Тоға пайдо бўлди. Уста Бола эса ҳамон гўшакка кўзини олайтганча вайсарди.

— Йигитча! — чақирди у.

Уста Бола бошини бурди, шу заҳотиёқ залворли мушт еб, анча нарига учиб тушди.

— Кўп гап эшакка юк! — деди Тоға. — Ишла, ярамас! Бу энди сенга ноль бола ҳам эмас, хўжайин, ҳа, ҳақиқий хўжайин!

Шундан кейин спорт залига кирдик. Боксчиларнинг кийимини кийиб, рингда туардим. Устма-уст зарба ёғдира бошлади. Дастреб қайта-ришга уриндим, аммо тумшуғимдан иккита зарба еб, кўзимдан ўт чиқиб кетди, қўлимни ҳам қимирлатолмай қолдим. Юзимни четга бурганим ҳам иш бермади. Уста Боланинг кучли қўллари қулоғимга, қорнимга, биқинимга гурсиллаб тушарди. Оёқда қандай тик турганимга ҳайрон эдим. Уятчанларга хос хусусият: на қочардим, на уришни тўхтатишни илтимос қиласадим.

Уста Бола Дон Тоғадан еган муштининг аламини мендан чиқараётгандек эди. Ахийри, нафас йўлимга уриб, ҳушдан кеткизди.

Эртасига отамнинг ҳузурига киргизиши. У кечагидан хийла дадил эди. Ҳузур қилиб совиган қаҳва ичарди.

— Бунча шалвирама, — деди мазах қилаётгандек.
— Сен кутган, сен ўйлаган воқеалар юз бермайди. Чунки кутганинг ҳам, ўйлаганинг ҳам бемаънилик. Хўш, кошонам ёқдими?

Уста Бола ўргатгандек жавоб бердим:

— Ёқди... ота...

Беморнинг кўзлари йилтиллади. Қаҳвани патнисга қўйиб, шифокорга им қоққан эди, четга қўйди.

— Яна бир қайтар, — буюрди bemor.

— Ёқди, ота.

— Баракалла, ўғлим. Даставвал кўзларингга қараб мендан умрбод нафратлансанг керак, деб ўйлагандим. Энди ўзингга келяпсан. Шу вақтгача сени тарбиялайдиган одам бўлмаган-да...

— Онам тарбиялаган.

Бемор кулди.

— Хафа бўлма, сени тарбиясиз демоқчимасман.

Тарбия деганда курашга тайёргарликни тушунаман.

— Кимга қарши курашаман? Менинг душманим йўқ.

Беморнинг лабида истеҳзоли кулимсираш кўринди.

— Ўрнингда бошқа фарзанд бўлганида, ёлғиз она унинг йўлини тўсиб қололмасди. Қўни-қўшни, маҳалла-кўй, кўча, мактаб, бозор, шаҳар ола-ғовури роса тобларди. Ўшанақаларнинг душманлари яқъол кўзга ташланади, сенга ўхшаганларнинг душманлари эса пинҳон бўлади. Унутма, душmansиз одамнинг ўзи йўқ. Гардсиз, паҳтадай юмшоқ, ҳалим одамларни қўя турайлик, мана, сен, нега душманим йўқ дейсан? Ҳамма душман сенда-да!

У яна кулган эди, қўшилиб кулмоқчи бўлдиму, эплаёлмай фалати илжайдим.

— Ҳатто, отангнинг гапига ҳам хушомадомуз тиржайма, — деди менга ўқрайиб. — Эркак жиддий ва самимий бўлиши шарт. Ҳингир-ҳингир, ножиддий каслар бола-бақрага, янга-пангаларга ҳазил гаплар айтиб, вақтичоғлик қилишни билишади, холос. Тўраларни кўрса, тўрvasи тушади унақаларнинг. Уста Болани чақир! Бўл!

Азамат ҚОРЖОВОВ

Эшикка қараб чопмоқчи эдим, бемор чапак чалди.

— Ҳой, тұхта! Менинг ўғлим құл остидаги одамни чопқылаб бориб чақирмайди. Жойингдан жилмасдан уни бу ерга ҳози्रу нозир қил.

Атрофга жавдирашим. Қари итнинг парвойи палак. Шифокорнинг ҳам бир туки қылт этмаган эди.

— Нега чақирмаяпсан? — ҳайрон бүлди бемор.

«Кечадан бери ақл ўргатаётган, муштлашишдан сабоқ берәётган кишини қандай чақирсам экан?» — ўйладым мен.

— Нима бүлди сенга? — отамнинг қоши чимирилди.

— Ҳеч нарса...

— Чақирсанг-чи, ахир!

Ирода аталмиш хислат титроқ танимнинг ҳеч қаерида күрінмасди.

— Бүл! — деди бемор.

— Уста Бола!..

Шарманда бүлдим, овозим қизларни кидек чи-йиллаб, қалтираб, заифона чиқди.

— Касалмисан? — сүради бемор. — Йүлда совуқ үтиб кетдими?

Бош чайқадим.

— Дадилроқ чақир, бүлмаса!

Кучимни тұплаб бақирдим:

— Уста Бола! Ҳұв...

Бемор яна чақиришимни кутиб, ўқрайди. Үнга ёқмаётганим аниқ-равшан эди. Ниҳоят, вужудимдағи жамики тортинчоқликка құл силтаб:

— Уста Бола! — деб қичқирдим.

Эшик очилиб, эпчил ва мушакдор мураббийим кириб келди.

— Лаббай, — дея беморга таъзим қилди.

— Ўғлим билан шуғулландингми?

— Шуғулландим.

— Бұладими?

- Кечирасиз...
- Нима кечирасиз? — Бемор тирсакларига таянди.
- У сизнинг ўғлингиз, демак, қўлидан келади, хўжайн. Ҳеч қачон муштлашмагани учун тепки ва муштлар ҳозирча қўрқинчли туюляпти.

— Тепки ва муштлар? Ҳм-м...Уни бирданига спорт машғулотларига кўмиб ташламанглар. Адвокат ҳам шуғуллансин. У, авваламбор, руҳият қонунларидан дарс ўтсин, жамиятницидан эмас.

Шу пайт эшик ланг очилиб, Дон Тоға кўринди. У бизга хўмрайиб қараганча айиқдек лапанглаб келди.

— Шохол, — деди шляпасини ечиб, — Исмоил одамларимизни қувиб етибди. Довонда тўхтаб қолишибди.

— Қайси довонда?

— Бургутлида. Улар ҳозир қиз билан бирга анча ичкарига чекинишибди. Эски кулбада, аниқроғи, қуршовда биқиниб ўтиришибди. Агар атрофдаги бирор давлатнинг чегарачилари сезиб қолишса, та- моммиз.

— Нега тамом?

— Тушундим, Шохол, бир йўлини топамиз.

— Одамлар кетдими?

— Ҳозиргина эшитдим, энди йўлга отланмоқчи...

— Жўнанглар! — bemornining ofzidan tупук сачради.

— Ўлимим олдидан мени хурсанд қилишни нега орқага суряпсанлар? — У ўзини ёстиққа ташлаб, кўзларини ола-кула қилди, боши бир томонга шилқ этиб тушди.

Негадир отамнинг шу кўйи жон беришини истадим, бироқ кўкраги тез-тез кўтарилиб-тушаётгани ҳали жони узилмаганидан дарак берарди. Совуқ хонада шифокор билан bemorni қолдириб, тор, нимқоронги йўлакдан лифтга шошилдик. Йўл-йўлакай Дон Тоға Уста Боладан сўради:

Азамат ҚОРЖОВОВ

- Орифни нима деди?
- Энди Адвокат шуғулланиши керак экан.
- Құлига қурол берамиз, — афтини бужмайтириди Тоға. — Адвокат кейин шуғулланади.
- Қанақа қурол?
- Түппонча.

Лифтта кирганимизда, Тоға елкамга құлини ташлади.

— Отанғдан аввал ўлишни истамасанғ, ҳеч нарсадан құрқма. Тағин ўзингча ҳар хил хаёлларга борма. Сенинг ўлигинг биронтамизга керакмас. Ўрнингга ўтирадиган кимса бұлғанида, сени уйингдаёқ отиб кетардик, тушундингми? Ким ўлдириб кетилса, унинг ўрни кимгадир керак бұлған ҳисобланади. Пасткаш талончиликдан ташқари, албатта.

- Хүп, — дедим.
- Ҳеч вақоға ақлинг етмади-я?

Назаримда, Дон Тоға жуда мураккаб гап гапирғандек эди. Боз устига хәёлимни ҳеч тұплаётмаётгандим.

Машиналар қатор-қатор турған залға чиқдик. Бу ер отамнинг салтанатига кириб келған жой эмасди. Шифт тагидаги деразалардан тушаётган ёруғликни құриб, ниҳоят, ер устига чиққанимиздан енгил тортдим.

Яна бир киши — Адвокат бизнинг машинага ўтириди. Дон Тоға деди:

- Қонунни бузишни қонуншунослар бошлаб беради.

Менга узатилған түппонча яп-янги эди. Уста Бола күз қисиб қўйди. Қора машиналар бирваракайига олға интилди.

- Табриклайман, — қўл узатди Дон Тоға.
- Табриклайман, — деди Уста Бола ҳам.
- Камарни тақиб олинг, — қовоқ уйди Адвокат.

8.Асира

Машиналар манзилга шошиларди. Тоғларга қарканман, уйимдан нақадар олисдалигимни ўйлаб юрагим сиқилди. Ўрта Осиёдаманми, Россияядаманми ё умуман бошқа қитъя, бошқа оламга тушиб қолганманми, ҳамон фарқлаётласдим. Ўн саккизга кирган куним чақирилмаган меҳмон келди ва мени уйимдан ўғирлаб, тоғлар бошидаги ота мулкимга келтирди. Дон Тоға «Утопия» деб атаган кичкина ферма-давлатчага әғалик қилишим керак.

Ҳа, инсон ҳаёти бир кунда шунчалик ўзгариб кетишига ишониб-ишонмай атрофга меровсираб боқардим. Бир кўнглим тўппончани шартта пешонамга тираб, тепкини босишни ҳам ўйлардим. Шунда ҳаммасидан қутуламан-қўяман. Аммо қуролни кўтариштга-да куч тополмай, кўзларим пирпираб шерикларимга ўгринча кўз ташладим. Афтидан улар мутлақо хотиржам эдилар. Шунчаки тушлик қилишга, тўйга ёки футбол томоша қилишга кетаётгандек.

Уста Бола менга ўгирилди:

— Бирон марта ўлик кўрганмисан?

Дон Тоға уни туртиб:

— Нима, яқинда онаси ўлганидан хабаринг йўқми? — деди.

— Узр, бехабар эдим.

— Шаҳаншоҳингнинг хотини вафот этади-ю хабаринг йўқми?

— Шохол aka ёлғиз деб юрардим...

— Э!.. — Дон Тоганинг кулгиси қистади. —

Орифбойни унда ким деб ўйладинг?

— Ўғли.

— Спорт зални тозалайвергунча миянгни ҳам тозалаб тур. Жа чанг босиб, хиралашиб кетибди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

- Дон Тоға менга қайрилиб, деди: — Айтгандай, отанғдан сүрадингми?
- Н-німа... Нимани?
- Қаерданлигини.
- Йўқ.
- Сен ҳам эсидан чиқадиганлар тоифасидансан шекилли. Бу охиргиси бўлсин.
- Балки пўписа қилмаганингиз маъқулдир, — деди Уста Бола, — Ахир, бўлажак хўжайнимиз.
- Хўжайнлик осмондан тушмайди. Марҳамат, ҳозироқ, хўжайнликни бошласин. Бир вақтлар қамоқда бир довдир кимса билан камерада бирга ётганман. Катта ташкилотнинг ҳисобчиси бўлган экан. Унинг бир гапи менга ёқмаган. Айрим ходимларга қарши чора кўрмаганини «ўзбекчилик» деди, ярамас. Нега ландовур ва аҳмоқлигини менталитетга бориб тақайди? Башарасига битта мушт солдим. Ўша куни менга Шохол овқат юборган экан, дастурхон ёзиб, ҳисобчини ҳам меҳмон қилдим. Қарасам, қовоқ уйиб, қандайдир қўрққандек овқатланяпти. «Ўв, — дедим, — сени нега урдим? Нотўғри гапирганинг учун. Шу билан бу масалада орамиз очиқ бўлди. Дастурхон бошида аразингни йиғишти». Хуллас, мен уни меҳмон қилаётганимда ҳам еган муштни эслаб ўтиргани мияси чириганидан дарак беради. Иш бошқа, зиёфату тўй-маърака бошқа, оила бошқа, кўча бошқа. Ким уларни аралаш-қуралаш қилиб, битта қолипга солса, у қип-қизил аҳмоқ. Масалан, Уста Бола, сен Орифбойни машқ пайтида дўппосладингми?
- Дўппосладим, — деди Уста Бола.
- Агар овқатланаётганимизда ҳам Ориф «Уста Бола мени урди» деб хаёлидан кеткизолмаса, қўрқса ё хижолат чекса, у ҳеч қачон одам бўлмайди. Иш

— иш, ош — ош, уқдингми, Ориф? Ишда иш талаб қилинади, ошда ош ейишү хушчақчақлик. Мен йигитларни ишда сўкаман, бурнини ерга ишқайман, зиёфатда эса бир дастурхон атрофида ўтириб, маза қилиб чақчақлашаман, бирга рақс тушаман, асқия айтишаман. Бу аслида менинг феълим эмас, дунёдаги ҳамма жамиятларнинг қонунлари! Буни ҳеч қачон унутманглар! Кимда-ким бир дастурхон атрофида ўтирганман ё эски танишим бўлади деб қўл остидаги одамга қаттиқ гапиролмаса, иш буюролмаса, ишдан бўшатолмаса, ундан ўлса ҳам раҳбар чиқмайди. Нафақат раҳбар чиқмайди, бор ташкилотни ҳам йўқ қилиб, дунёнинг мувозанатини бузади. Камерадошим бўлмиш ҳисобчи кимсага ўхшаб «ўзбекчилик» деб ўз халқига тұхмат қилиб ўтиради. Биласизларми, камерадошим менинг муштимдан кейин нима деган?

— Нима деган? — сўради Уста Бола.

— «Агар вақт орқага қайтса, эски таниш-билишчилигу қариндош-уругчиликка қараб ўтирмай ишни талаб қилардим, ҳеч кимдан тортинмай дангал ишлардим, файрат билан ишлардим, шунда қамалмасдим. Билсангиз, уларнинг юз-хотири учун ўз мансабимни қандай суиистеъмол қилиб қўйганимни билмай қолдим. Ҳозир ҳаммалари озодликда мени фийбатлашяпти», деди йигламсираб. Афсуски, жаноб ҳисобчи ҳақиқатни кеч тушунди. Одамларни ишлатиш керак. Эркалатиш ёки улардан тортиниш ўзингнинг ҳалокатингдан бошқа нарсага олиб келмайди. Дунёни меҳнат қутқаради. Меҳнат бўлмаса, Нью-Йоркда битта ҳам баланд бино бўлмасди. Айримлар Нью-Йоркнинг гуллаб-яшнашини бизнесда деб ҳисоблайди. Бизнес нима? Меҳнат ҳукмдорлиги эмасми?

— Ориф сиз айтган тоифаларга ўхшамаяпти, — деди Уста Бола. — Ишқилиб, ўзини отиб қўймасин, деб хавотирланяпман.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Дон Тоға елкамга қоқди.

— Бу йигитча одам бүп кетади. Бир оз фурсат керак, холос.

Икки соатдан сүнг довонга етдик. Кечагина милициядан құрқаётгандим, энди эса қуролли тұда эканлигимизни пайқаб, бизни тутишларини истадим. Эшитганман, жиной гуруұға мажбуран құшиб олинғанларга, қотиллик қилмаганларга оғир жазо берилмайды.

Машиналар секинлашды. Қарасам, йүл четида милиция машинаси, ҳарбий формали уч киши. Бирида автомат ҳам бор. «Хайрият», дедим ичимда. Бироқ Тоға машинадан тушмади ҳам. Қайтага улар хушомадомуз честь беріб, құришгани құл чүзді.

— Дон ака, үзларими? — дея илжайди командир рус тилида. — Тепада оби-хаёт қандай? Бинойими?

— Бинойи. Үзларингда нима гап? Пулемётда турибсиз?

— Хизматчилик.

— Довонни шу ҳафта қор босади, қиладиган ишларимиз күп. Хайр. Ишларингга омад.

— Оқ йүл, — деди формали киши.

Машина жойидан құзғалди. Шу тобда ходимлардан бири менга зимдан нигоҳ ташлаб, чуриллатиб ҳуштак чалди. Уста Бола автомат сақлагиchinи тортиб, машина тормозини босди. Киприк қоққулик фурсатда формалилар мурдага айланиши мүмкінligини ўйлаб юрагим уришдан түхтаб қолаёзди.

— Бу йигитча ким? — сұради ходим.

Автоматини оёқлари остига яширган Уста Бола норози оқангда:

— Нима демоқчисизлар ўзи? — деди.

— Менга қаранглар, — құlinи пахса қилди Дон

Тоға, — биз орқасидан ҳуштак чалинадиганлардан эмасмиз. Яна нима истайсизлар?

— У күзимга ғалати күриняпти.

— Нимаси ғалати?

— Текшириб күришга рухсат берарсиз? — деди ходим. — Сизда бирон гап бор демоқчимасман. Йигитча шубҳа туғдиряпти.

— Вой нодўстлар-ей, — сўкинди Тоға, — мендан пул ундиromoқчимисизлар? Ҳа, майли, олинглар!

Тоға бир қисм АҚШ долларини деразадан улоқтириб:

— Ҳайда! — деб машинани муштлади. — Тешиб чиқсин!

Орқани кўрсатувчи ойнадан муюлишгача кўз узмай борди. Сўнг Уста Болага қаради.

— Лаънатилар пулни теришмади.

— Олишади, Дон Тоға, олишади. Камида беш юз доллар сочдингиз. Қайси аҳмоқ шунча пулдан воз кечади?

— Қўлига берсангиз бўларди, — норози пўнфиллади Адвокат.

— Тиланчи эканини ҳамма билади, аммо садақани яширинча олади. Қани бу ерда мантиқ? Қонун, бу — мантиқ деганими?

— Йўқ, мантиқ, бу — қонун дегани, — уҳ тортди Адвокат. — Нарсаларнинг икки томони ҳамиша ҳам бир хил бўлавермайди.

Дон Тоға анча вақт миқ этмади.

— Нимадир ўзгаряпти, — тишларини фижирлатди у ҳайбатли тоғларга юз буриб. — Нимадир аниқ ўзгаряпти. Шохол Умарович оёқда юрганида бу лайчалар кўзимга тик қараёлмасди.

— Мактабда тарих дарсидан зўр ўқиганман, — деди Адвокат, — лекин кўп нарсага ақлим етмаган.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Масалан, саркарда ўлса, лашкар енгилади. Шоҳ ўлса, салтанат таназзулга юз тутади. Нима учун? Ўша жойдан давом этиб кетаверса бўлмасмикан, дердим. Энди кўряпманки, бу осон эмас экан.

Тоға қўл силтаб, бир нималар деди. Кейинги гапларини илгадим. У «Бошсиз чавандоз... Шунинг учун ҳам орқадагиларга керак... Ўлигини музлатиб қўямиз...» деб ваҳимали тўнфиллади.

Дунё яна чексиздек кўринди. Шунча йўл, шунча тоғ. Ҳеч тугамайди. Булар орасида инсон зоти қазғоқдек ҳам келмайди-ю, таҳди迪 олам жаҳон. Ер сайёрасини кунпаякун қилиш шашти бор.

Мудрай бошлабман. Бир вақт кучли силтанишдан уйғониб кетдим. Иккала машина асфальтдан чеккага, аллақандай ўнқир-чўнқир йўлга бурилган, машиналар тўхтаб, йигитлар Дон Тоға билан муҳокамага киришганди.

— Бўлди, бас! — деди Тоға ахийри. — Агар гранатамётчиларни пистирмага қўйган бўлса ҳам, тўппа-тўғри бостириб борамиз. Майда-чуйда режаларингни отишмадан сўнг айтасанлар. Маъқул келар эканми ёки келмас эканми, мурдалар устида таҳлил қиласиз. Қани, олға!

Машиналар олдинма-кетин илгарилади. Уста Бола дам йўлга, дам қояларга аланглар, автоматини пайпаслаб қўйишини ҳам унутмасди.

Тоға менга қаради.

— Отишма бошланса, ғужанак бўлма. Аввало қуролингни жанговар ҳолатда тут. Иккита нарсани умуман каллангга келтирма. Бири — ўлиб қоламан деб ўйлама. Иккинчиси — ушлашса ҳолим нима кечади, дема.

Одатим бўйича бош силкидим. Шу онда отамнинг одамлари эмас, бутунлай бошқа кишилар ўлим билан таҳдид солишаётганини тушундим. Ҳа,

исталган сонияда тошлар орасидан ўқ учеб келиб, миямни тешиб ўтиши мумкин эди. Миям тешиб ўтилганини сониянинг бир бўлагида англайман. «Ҳаёт билан қандай видолашсам экан?» дея ўйлашга ҳам фурсат берилмайди. «Нега дунёга келдим? Нима учун яшадим? Қандай мақсадларим бор эди-ю ким учун нима қилдим?» Бу саволларга жавобим йўқ эди. Ўлдим нима-ю тирик қолдим нима, ҳеч кимга қизиқ эмасди ҳозир.

— Нега менга бунчалик қўрқиб қарайсан? — жиғибийрон бўлди Тоға. — Наҳотки, одамхўрга ўхшасам? Тағин бизни ўзингга душман санаётган бўлмагин! Ҳақиқий душманни ҳозир кўрасан.

Тоға энди Уста Болага ўқрайди.

— Қамоқда бундан баттарларини учратганман. Ўзи жиноят қилишга қилган ярамас, беш-олти йилга қамалган, яна де, мени ёмон кўради. Ҳа десам, сен жиноятчисан дейди. Тавба, у ҳам маҳбус, мен ҳам. Иккимизнинг фарқимиз бор эмиш. Уни пора билан ушлашган, мен эса босқинчилик қилганман. Босқинчи, бу — ҳақиқий жиноятчи эмиш. Пораҳўр — йўлини қилаётган оддий одам! Оппоқ одам! Замонавий одам! Жагига иккита мушт қўйдим. Шундаям бўш келмади, лаънати. «Пора олаётган, пора бераётган кишилар ҳеч кимни ўлдирмайди, қонга беламайди, керак бўлса, обрў қозониб, оиласининг, қишлоғининг, шаҳрининг ҳурматли инсонига айланади», дейди. Босқинчи эса ҳамманинг бошини ермиш. Оиласининг, қишлоғининг, охири ўзининг ҳам. Ёқасидан судрадим-да, бир қизнинг номусига тегиб қамалган йигитнинг ёнига олиб бордим. «Мендан фарқинг бор экан, манавиндан фарқинг йўқ!» — дедим. Пораҳўр «чўнтақ» аталмиш «қиз»ларга тегинадиган зўравон. Ўшандা афтангормини кўрсанг, танимасдинг. Тўгри-да, нега у

Азамат ҚОРЖОВОВ

жиноятчи бўлмас экан? Порахўрлар мендан ёмон бўлса ёмонки, яхши эмас. Босқинчи эдим, қароқчи, эдим, ўғри эдим, Худога шукр, порахўр эмасдим.

— Порахўрларни жуда ерга уриб юборманг, Тофа, — деди Адвокат. — Уларнинг ичida ҳам сизга ўхшаган мардлари бор.

— Сафсата!

— Отам пора билан тушган.

— Йўғ-э! — Дон Тофа қаҳ-қаҳ уриб кулиб, менга кўз қисди. — Айтдим-а, қовоқ-тумшуқлари осилиб қолди деб!

— Отамни ҳалол пора эди.

— Ё алҳазар...

— Чунки отам ёмон ишлайдиганларнинг айбини топиб, кўзини мошдай очиб қўйиш учун пора олган. Яхшиларга тегинмаган. Ёмонлар катта пулга тушмаслик учун тер тўкиб ишлай бошлиганлар. Жон куйдиргандан ҳам, куйдирмагандан ҳам бир хил пора сўраш номардлик. У ҳолда одамлар амалдорнинг нархини молнинг нархини белгилагандек белгилаб қўйишади. Фалончига шунча беришинг керак, писмадончига бунча! Нима, одам чорва эмас-ку, қандайдир бозорчилар уларни нархласа!

— Қўй, бошимни қотирма. Енг ичida иш қила-диганларни, орқадан пичоқ санчадиганларни ёмон кўраман, тамом-вассалом!

— Шохол Умаровичнинг «Утопия»си нега ҳозиргacha бор? — деди Адвокат. — Европа-ю Америкага пора берилгани учун. Буни унутманг, Тофа.

Шу пайт харсангтошлар орасида бир бош кўринди. Унга фақат менинг кўзим тушди чоги, ҳамроҳларим индашмади. Ҳалиги одамнинг қўлида қора калтак пайдо бўлди. Ҳаял ўтмай ўт чақнади. Машина ойнаси қарс этди-ю бармоқ сиққудай ўйилди-қолди.

— Қаердан отди? — бақирди Тоға. — Анави ёққа бур! Күрсатиб құяман уларга!

«Мерседес» четга бурилиб, силтаниб түхтади. Дон Тоға душман үқларини ҳам писанд қилмай машинадан түшди-да, харсангтошларга қарата пайдар-пай үт очди.

Уста Бола яраланган эди. Бечора оғриққа зұрға чидаб үтирад, ранги бұздай оқариб кетганди.

— Лаънатилар... — сүқинди у ва бор кучини түплаб қуролига құл узатди, лекин қонга бүялған құли автоматни ожиз сийпалади.

Отишма шовқини кучайди. Бақир-чақирлар душмангами ёки футболдагидек жамоадошларнинг бирбирига хитобими, фарқлаёлмай қолдим. Уста Бола ташқарига чиқолмай, үңг ёнига оғди. Мендан уни бир энлик масофа ажратиб турарди.

— Нима қип үтирибсан? — ҳансиради ярадор. — Чиқ!

Эшикни итардим. Очилмаётганини баҳона қилмоқчи эдим, дайди үқлардан иккитаси олд ойнани тешиб үтди. Қулоғим тагидан чийиллаб үтгандек янада пастроққа пусиндим.

— Бизни үлдиради!.. — қичқирдим даҳшатта тушиб. — Ҳозир үлдиради бизни!..

Уста Бола машина ғаладонидан зұрға сигарет топди-да, лабига қистирди ва менга бўридек совуқ нигоҳ ташлади.

— Спорт ва сигарет... — деб гугурт чақди. — Сенга маслаҳатим, Ориф, ҳозир «Мерс»дан чиқ-да, кўкрагингни оч, битта ўқ билан қулатишин... Пуф... — тутун пуркади у. — ух-ху... ух... Бўлмаса, қийналасан... Биз соғ одамлар эмасмиз... Улар ҳам... Ўртада бекорга улоқ бўп кетасан... Ким вақтида ўлмаса, қийналади... Инфаркт, инсульт, чўлоқ бўлиб саксонга киришни

Азамат ҚОРЖОВОВ

айтмаяпман, ундан бошқа азоблар... Азоблар күп... Ўлимдан қочма... Агар ўлим сендан аразласа, хор бўласан...

Уста Бола сигаретини ушлашга ҳам мажол то-
полнай автоматига секин бош қўйди. Шу ҳолида
елкаси силкиниб кулмоқда эди у.

Ўқ ёмфири тошларни чатнатиб, чийиллаган-ва-
ранглаган ҳолда машинани ҳам савалаб ўтди. Олд
ойна буткул тўкилиб тушди. Кимлардир овозлари
борича чақира бошлашди:

— Ориф!

— Ори-и-ф!..

Тўппончамни қидирдим. Қарасам, қўлимда маҳ-
кам қисиб ўтирибман. Уста Бола кула-кула жон
таслим қилган эди. У «Ўлик кўрганмисан?» деб яна
бир бор сўрагандек туюлди. Машинадан чиқиб, Дон
Тоға томон югурдим. Кўз очиб-юмгунча ёнига етдим.

— Соппа-соғ экансан-ку! — У тўппончамни отишга
шайлаб берди. — От, ота ўғил! Душманни жангда
аяма!

Дон Тоға қулоғимни қоматга келтириб, тоғ йўлига
ўқ ёғдирди ва бирдан елкамдан тутиб, тош панаси-
дан чиқди.

— Бурилишда турган машинани кўряпсанми? Оқ
«Тойота»! Ўша ёқقا қараб от!

Аммо зудлик билан яна панага тортди. Автоматига
янги ўқдан қўйиб, иягини қашиди.

— «Физрук» тирикми? — деб «Мерседес»га имо
қилди.

— У кишими?.. У... ётибди... Ҳамма жойи қон...

— Майли, майли. Сен анграйма. Тез-тез теп-
кини босиб, дарров ўтириб ол. Қайси бирини
ўлдиришингни фарқи йўқ. Умуман, бошқа томонга
отсанг ҳам розиман.

Түппонча анча қўпол эди, ҳар тепки босганимда қарсиллаб ўқ чиқарар, мўлжал ўзгариб қолар, биронта нишонга ўқ теккизишим амри маҳол эди.

— Кетдик! — Дон Тоға кетма-кет ўт очиб тоғ йўлига тушди-да, имо қилди, отамнинг икки йигити чақонлик билан йўл ёқалаб югуриши.

Қоялар ортидан қасир-қусур ўқ овозлари эши-тилди-ю дарров тинди. «Тойота» ёнида бир одам чўзилиб ётарди..

Бир оздан сўнг пастликдаги тош уйча кўринди.

— Ҳой, тириклар борми? — бақириб сўради Тоға.

Уйчадан менга таниш ўша кимса — муз ахтариб юрганимда учраган одам ўғриси чиқиб келди. Биз пастликка туша бошладик. Совуқ тоғ шамолиданми, отишма таъсириданми дир-дир титрардим. Ўйладим: «Бу одам билан шериги қиз ўғирлаган, наҳотки, ҳозир қизни кўрсам?»

— Чавдақ ўлди, — деди ҳалиги кимса. — Нима, учкиши бўлиб келдингларми?

— Йўқ, саккизта, — дея Тоға менга қаради, — Ориф билан тўртовимиз қолдик. Қизиқ, нима учун сенга учта бўлиб кўриняпмиз?

— Бу тирмизакни ҳам бизнинг одам демоқчими-сан? — қиз ўғриси менга ўқрайиб қаради-да, ерга туфлаб, қалин лабларини артди. — Аллақаери таниш туюляпти.

Дон Тоға уйчага кираётиб:

— Мен билан кўргансан уни, — деди, — у ёқда, Ўрта Осиёда.

— Ростдан ҳам ўғли бўлиб чиқдими?

— Ўғли бўлиб чиқиш ҳам гапми! Бор, оёғига йиқил. У энди сенинг хўжайининг.

— Йўғ-э, — кимса иршайганча менга яқинлашди,

— У энди бизга хўжайинми? Кўникиш нақадар қи-

Азамат ҚОРЖОВОВ

йин бұлса керак... Ҳм, нима ҳам дердим... Шохолбек акамнинг ўғлига таъзим қилиш ҳеч қачон заар қилмайди.

У қучоқламоқчидек қулочини ёзди, лекин бирдан тұхтади. Күзларимга тикилганида, сохт-сумбатида нафақат муз юракни, устига одам териси тортилган тошни күргандек бұлдим. Тугмамни ушлади.

— Хуш келибсан, — деди масхараомуз оқанғда, — Омадинг чопган йигит экансан. Отангнинг бир тола сочи сендан юз баравар кучли. Бу гапларнинг мағзини чақ. Масалан, мендан үн баравар кучли. Шундай экан, атрофға қара, ҳар бирилизнинг пешонамиздаги ёзувиң үқи.

У бир тортиб тугмамни узди. Құлида ўйнатиб, сүңг елкамга погондай ёпишириди.

— Ҳеч қачон ҳеч кимга тугмангизни уздирманг, хұжайин.

Үйчада қызы бола қичқирди. Беихтиёр бир қадам ташладим. Ҳалиги кимса билагимдан тутиб, күзимга айёrona тикилди.

— Тұхтанг, хұжайин, сизге мумкинmas.

— Ундай қилманглар... — зорландым мен. — Илтимос... Отамга үзим жавоб бераман...

Манфур кимса хохолаб кулганча уйчага кирди, ортидан чопдим. Тұппончамни ҳамон маҳкам сиқимлаб олғандим. Тоға қайтиб чиқаётіб күксімдан итарди.

— Кетдик, Ориф... Ҳа, юрмайсанми?

У афт-ангоримга тикилиб, туйқус ўзгариб қолғанимнинг сабабини англаға. Уйчага ўғирилиб:

— Палабийқ, — деди, — асирани құрқитма. Шохолбекнинг ҳузурига эсон-омон етказишимиз керак.

— Кейин қўйнидан хўроzқанд чиқарди. — Ейсанми?

— Йўқ, — дедим.

Тоға мени четга суриб, совуқ шамолдан күкраги-ни түлдириб симирди. Палабийқ деганлари уйчадан юпун кийинган ўн олти ёшлардаги қизни етаклаб чиқди-да, менга иршайди.

— Қўйиб юборинг уни! — деб хитоб қилганимни билмай қолдим.

Жиноятчилар менга анграйиши. Тўппонча ушлаган қўлимни силтаганман шекилли, Палабийқ сал нарида турган йигитларга буюрди:

— Ёш хўжайин билмасдан тепкини босиб юборса, қушчамиз ўлиб қолади. Илтимос, тўппончани чўнтағига солиб қўйинглар.

Дарров қуролимни олишди. Ўқдонни текшираётганларида вужудим кўзга айланиб, асирага тикилдим. Ё тавба, қизни танидим. Имоним комилки, уни аллақаерда кўргандим. Бечора совуқдан кўкарган лабини тишлаб аввалига менга маъносиз қараб қўйди, уч-тўрт одим ташлагач, ортига ўгирилди.

— Сиз бу ерда нима қиляпсиз? — сўради у қалтироқ овозда.

— Менми? Мен...

— Эҳсоной опанинг ўғлимисиз?

— Ҳа...

Тоға ўшқириб берди:

— Таниш чиқиб қолишиди-ю! Нега қараб турибсан, Палабийқ? Вақтимиз оз қолди, торт уни!

Шу лаҳзада арчазор томондан ўқ овози эшитилди. Палабийқ ҳам, қиз ҳам йиқилди. Ҳамма, шу жумладан, мен ҳам ўзимни қорга ташладим. Яна отишма бошланди. Бизга ўқ узаётган киши ёлғиз эканини, фақат милтифи борлигини, ё ярадор, ё ўқи камлигини сездим. Бу сезги менга ютуқдек туюлди, аммо дарров фикру хаёлимни қиз эгаллади. У мени таниди. Ким экан?

Азамат ҚОРЖОВОВ

Судралиб борар эканман, мерган менга ҳам икки марта ўқ узди. Биринчи ўқ бошимдан бир қарич нарида қорни түзфитиб юборди, иккинчи ўқни ўз кўзим билан кўрдим: арчазорга қараганимни биламан, бир нима ялт этди, айни дамда ялтиллаш шундоққина кўзим олдида ҳам кўринди. Бу бир энлик қизғиши чўф эди. Ўқнинг ҳавони ёриб ўтишини эшитдим, иссигини ҳам ҳис этдим.

Палабийқ қимир этмай ётарди. Етиб келганимда, қиз фужанак бўлиб олди.

- Мени танийсизми? — сўрадим ундан.
- Бошингизни кўтарманг, — деди у. — Дадамнинг одами сизни аяб ўтирамайди.
- Қаердансиз?
- Тиллазордан.
- У қаерда?
- Эшитмаганмисиз? Кўчангизда қариндошимиз бор. Уларникига тез-тез меҳмонга бориб турардим. Холаваччаларим сизни тўрт-беш марта кўрсатишган. Ҳар доим аянгиз билан қаергадир кетаётган бўлардингиз.
- Аям ўлиб қолди, — дедим.
- Эшитдим, Худо раҳмат қилсин, — юзига фотиҳа тортиди қиз. — Касал эдими?
- Ҳа. Ота-онангизга анавилар ҳеч нарса қилишмадими?
- Йўқ, мени холамнидан ўғирлашди. Қиз бола меҳмонга бориши бирам қийин. Дадамга кучлари етмаганлари учун пусиниб юришибди-да булар. Эртандин дадам барибир мени топади, ферма-пермаси билан Ер юзидан супуриб юборади.

Қизнинг ҳуснига эмас, жасурлигига маҳлиё бўлдим. Уни ёвуз душманлар ўғирлаб, ватанидан олисларга келтириб, довонда юпун кийимда олиб

ўтиришибди, атрофда ўликлар, келажакда кутаётган азоблар...

— Исмингиз нима? — сүрадим ундан.

— Ойгул. Сизникини эсладим, Ориф! Шундайми?

— Ҳм.

— Холаваччаларим сизни Фиро дейишарди, шунинг учун эсимда қолган.

— Фиро? Нима у?

— Сиз ҳамма ишни тескари қиларкансыз. Исмингизни ҳам тескари айтишарди. Тағин улардан хафа бўлманг. Сиз ростдан ҳам фалатироқсиз.

У «овсарсан» деёлмади. Шу тобда нима деса ҳам ҳаққи бор эди. Мен дунёдаги энг бахтсиз одам эдим.

Ўйлаганим бехосдан тилимга чиқиб кетди:

— Дунёдаги энг бахтсиз одамман.

Ойгул тимқора кўзларини пирпиратди. Кейин оҳиста бош чайқади.

— Исмимни айтинг, менинг исмимни, — деди у, — шивирлаб, аммо менга эшитиладиган қилиб айтинг. Қанақа одам эканингизни шундан биламан.

Зўр-базўр минфириладим:

— Ойгул.

— Эшитмадим, — деди қиз Палабийқнинг мурдасига яқинроқ сурилиб. — Сал баландроқ... Жудаям совқотяпсизми?

— Ой... гул... — овозим бу сафар ўзимга ҳам эшитилмади.

Қиз елкамдан ушлаб ўзи томон тортқилади.

— Ориф ака, панароққа ётинг. Ўқлар одамнинг яхши-ёмонини танламайди.

Бир-биримизга сўзсиз тикилиб ётдик. Умримда илк бор қиз боланинг кўзларига термулишим эди.

— Анави ёқقا қочишимиз керак, — деб юз қадамлар наридаги жарликка ишора қилдим. — Улар бизни отмайди, тириклайн керакмиз.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Дадамнинг одамига сиз тириклийн керак эмассиз, — эътиroz билдириди Ойгул.

— Энди менга барибир, — деган эдим овозим қўрқувдан эмас, ҳаяжондан қалтираб чиқди.

— Тез югурасизми?

— Ҳа. Менда тўппонча ҳам бор, мана!

Бу вақт ичиди Дон Тоға ва икки йигит арчазорга ўқ уза-уза ахийри милтиқли мерганни ўлдиришди.

— Учта қолдинглар, — кулимсиради қиз.

— Сиз ҳам мени ҳисобламайсиз-а? Ахир, улардан-ман-ку, Ойгул.

— Қаранг, — қиз кўрсаткич бармоғини арчазорга қаратди, — Дадамнинг шу йигити ўлигини ўзи титпит қилиб юборади. Нега улар шунаقا, ҳеч тушунмайман. Диндан хабардор, ҳеч риоя қилмайди.

Дон Тоғанинг ёнидаги йигит қадамини тезлатиб, мурданинг бошига келди ва одамгарчиликни бутунлай йигиштириб уни тепди. Ёвузликни кўрмаслик учун бошимни бурган ҳам эдимки, гумбурлаш эшигилди. Арчазорга ялт этиб қараганимда, қор тўзони аро ҳавода қорамтири бўлаклар чирпирак бўлганини кўрдим. Ҳатто Дон Тоға ҳам бир наафс ҳайкалдек қотди.

— Исмимни айтишингизни сўраганим, — деди Ойгул мени хунрезликдан чалфитиб, — тоза қалб билан талаффуз қилдингиз. Биласизми, ҳар қандай йигит ҳам қизлар исмини ҳаё билан айтольмайди.

— Мен... Ҳеч...

— Биламан, сиз қизлар билан гаплашмагансиз. Ҳуштак чалсак ҳам қарамайди, дейишарди холамнинг қизлари. Манави киши, — Ойгул Палабийқнинг мурдасини турткилади, — сиз ҳақингизда гапирганда, ҳаммасини тушундим, дадангиз менинг дадамнинг душмани экан. Барча бойликларини сизга мерос қолдирмоқчи эмиш. Шунча вақт сизни

ахтариб яшагани ростми? Ахир, мен ҳам, дадам ҳам сизни танирдик. Биздан бир оғиз сүрамабди-да.

Дон Тоға хитоб қилди:

— Ҳой, қайси бириң тириксан?! Қимирлаётган оёқ кимники?

Бошимни күттардим. Ойгул ҳам ўрнидан турди.

— Қизни маҳкам ушла, у эчкидай чопафон, — деди Тоға. — Биз ҳозир...

— Ориф ака, — ширали овозда сўйлади Ойгул, — Дадангизни топганингиздан хурсандман, лекин «отанг боласи эмас, одам боласи бўл» дейишган. Тушунишимча, дадангиз кўп жиноят содир қилган, жуда ҳам кўп. У киши вафот этса, номи яна булғанади, одамлари навбатма-навбат хор бўлади. Сиз бойликка эмас, жинояларга меросхўр бўлиб қоляпсиз. Бу жуда ёмон.

— Мен ҳеч нарса қилмадим...

— Энг ёмони, бирон иш қилганингиз учун жавоб бермайсиз. Меросхўр бўлмоқчисиз, тўғрими?

— Йўқ, мени ҳам ўғирлаб келишди.

— Ўз оёғингиз билан келмаслигинги тушунаман, аммо...

Отамнинг малайларига беҳад тушқунлик ила қараб турардим. Ойгул эса қўрқинчли гапларида давом этди:

— Ориф ака, сизни бойликдан бенасиб қолдирмоқчи эмасман. Шунча йил камбағал бўлиб яшаганингиз жонингизга теккандир. Лекин бойликка бундай эришманг. Аслида бу сизнинг бойлигинги эмас.

— Мен нима қилай? Айтяпман-ку, аслида сизга ўхшаган асирман.

Жойимизда узоқ туриб қолганимиз Дон Тоғани шубҳалантириди шекилли, у ортига ўтирилди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Нигоҳларини бир қадам наридан кўраётгандек этим жунжикди.

— Қўлимдан ушланг, — пицирлади Ойгул. — Уларнинг олдига етаклаб боринг, акс ҳолда сизга ҳам қийин бўлади шекилли.

Қизни етаклаб, жиноятчилар сари юра бошладим. Бироқ оёқларим бўйсунмади.

— Юрсангиз-чи! — пицирлади Ойгул. — Мен асирикка розиман.

— Қочаман... Ўзимни милицияга топшираман... У ёқда... Ватанимда бир йигитнинг оёғидан отганман... Ҳаммасини тан оламан... Менинг ўз ҳаётим бор...

— Унда... мен аввал югураман, — деди Ойгул. — Сиз ортимдан... Агар ушлашса, мени қувганлигинизни айтасиз.

Ойгулнинг қандай олислаб кетаётганига сеҳрланиб қараб қолдим. Кейин тўппонча дастасини маҳкам қисиб, қизнинг изидан югурдим. Жарлик томон тизза бўйи қор экан, Ойгул ҳам, мен ҳам дамбадам йиқилардик. Орқамиздан қувишаётганини сездим. Жарлик лабига яқинлашганимизда биринчи ўқ отилди. Ортимга қарадим: ўқ узаётган йигит, шубҳасиз, Ойгулни ўлдириш пайида эди.

Хайрият, қиз ўзини пастга ташлаб, қўздан йўқолди. Жон ҳолатда жарлик лабига етдим. Сирғалиб тушган қиз илонизи жилға бўйлаб қочиб борарди. Ҳадемай ростдан ҳам қутулиб кетиши мумкин эди...

Ха, даҳшатли тушимнинг охири кўринмасди. Ёки бу кино оламимикан? Қаёқдан тушиб қолдим бундай дунёга? Ким қутқаради мени?

Йўқ, ҳамма гап ҳаракатда. Мени мендан бошқа ҳеч ким қутқармайди. Нимадир қилишим керак.

Жарликка сакрадим. Қияликни қоплаган қалин қор устига йиқилиб, мувозанатни сақлаёлмай, ўн-ўн беш бор умбалоқ ошиб, қорга кўмилиб қолдим.

Ниҳоят, вужудимда ёввойи күч уйғонғанды. Сакраб туриб, жон-жаһдим билан югурдым. Миямда алланечук ўзгача хаёллар қайнай бошлади: «Кутулиб кетаман... Ойгулни ҳам құтқараман...»

— Ойгул! — қичқирдим овозим борича.

Туман қуюқлаша бошлади. Тұсатдан рұпарамдан дараҳт ёки харсанғтош чиқиб қолса, ўзимни тұхтатишига улгуролмас даражада пастликка эниб борардим.

Күтганимдек шох-шаббага дуч келдим: шохлар қарсылаб синди, биқиним ачишди, қор күрпасига чалқанча йиқилдим.

— Ориф ақа, туриңг! — Шу аснода қиз билагимдан тортди.

— Ойгул, қочинг... Мен уларга айтаман...

— Нимани айтасиз, турсангиз-чи! — Қиз құлимдан күч билан тортқилади.

Йүл юришимиз қийинлашды. Аллақандай тошлоқ чангалзорға тушиб қолғандек әдік. Бир қанча вақт ўтмай жилға кекишишта мажбур бўлдик. Музлаб қолган оёқларим илиқ сувда бир зум ором олди. Сувдан чиқиб, юқорилай бошладик. Туман сийраклашиб, тоғнинг ҳиссиз деворлари кўланкадек кўринди.

— Ана! Довон йўли яқин! — деди Ойгул.

У кўрсатган томонга қарадим: тоғ бағридаги машиналарнинг сарғиши чироқлари кўзга ташланди. Овозимизни эшитиб, кимлардир ёрдамга келишларидан умид қилолмасдик. Боз устига қуролланган жиноятчиларга қарши қайси ҳайдовчи курашоларди?

— Етиб бороламизми? — сўрадим қиздан.

— Ориф ақа! Тушкунликка тушманг! Қаранг, ҳаво илиқлашяпти. Совуқни ҳечам сезмаяпман. Юринг... югуриңг...

Яна бир оз юрдим. Атрофга мўлтираб қарадим.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Йиқилсам музлаб ўламан, йиқилмасам мадор йўқ.
Олдинда чидаб бўлмас машаққатли йўл.

— Дадам сизга иш топиб беради, — деди Ойгул. —
Ҳаётингиз йўлига тушади. Бу кунларни кўрмагандек
бўлиб кетасиз.

— Ўзимнинг уйимга борсам бўлди.

Оқсоқланаётганимни кўрган қиз тўхтади.

— Минг лаънат уларга! — деб қарғади юзимни
кафтлари орасига оларкан. — Бўри ҳам уларчалик
эмас! Бизни шу ҳолга солгани учун Худойим жазоси-
ни берсин!

Қарасам, қиз йифлаяпти. Ҳозиргина менга далда
берган жангаратибият қиз ўрнига онам пайдо бўлиб
қолгандек кўзларим ярқ этиб очилди.

— Мен уларни отаман! — дедим ғазабланиб. —
Ўлсан ўламан, қамалсам қамаламан!

Тўппонча сақлагиchinи туширдим. Ойгул қўлимга
ёпишди, довон йўли томон тортқилай бошлади.

— Ожизларгина қотиллик қиласди! — деди у.

— Ожизлар ўлиб кетади, — жавоб бердим мен.

— Бу ҳаётдаги яхши одамлар, сизнингча, ожиз
экан-да? Ким ўлдирса, у кучли ҳисобланса, демак,
биз ёввойи ҳайвонлар тўдасимизми, Ориф ака?
Ҳаётга бундай кўз билан қараманг! Жанг жадалларда
душманни ўлдирганларни айтмадим. Тўғри йўл
туриб, жаҳлинини жиловлай олмаганларни назарда
тутяпман.

Ўзим юрдимми, Ойгул судрадими, эслаёлмайман.
Юқорига олиб чиқадиган зинапоясимон қияликка
етдик. Ойгул бир қадам ташлаган эди, осмондан
тушгандек жиноятчи кимса — Дон Тоғанинг омон
қолган сўнгги йигити пайдо бўлди. У қизни бир
тепиб йиқитди. Оғзига келган сўз билан сўкиниб,
бояқиши Ойгулнинг қўлларини қайириб, боғлашга
киришди. Сўнг менга ўшқира кетди:

— Ўв бола! Шохол аканинг ҳаққи-хурмати сенга тегинмадим! Бу қизни деб нечта одам ўлди!

Негадир индамай, серрайиб туравердим. Миям тезкор қарор қабул қилолмасди.

— Нима, гаранг-паранг эмасмисан? Ё уни деб...

Шу пайт түппонча тутган қўлим ўз-ўзидан кўтарилиди. Мени бегона куч бошқаарди, кўзларим томошабин эди, холос.

Жиноятчи шундагина түппончамни пайқади. Гашимни келтирган ўша оҳангда:

— Ўв... — деди ижирганиш ила.

Тепкини босдим. Йигит худди артистлик қилаётгандек ўзини отиб юборди-да, қимир этмай қолди. Ойгул ўрнидан турди. Энди унинг ҳам тетиклиги сезилмасди. Биз титраб-қақшаб юқорилай бошладик. Қулогимизга машиналар сигнали чалинар, сўнаётган умид шамларини ёқар, шунча азобларга чидаб, тирик қолганимиз катта қаҳрамонлик бўлиб туюлар эди.

Асфальт йўлга хийла яқинлашдик. Афсуски, қочиб қутулмаган эканмиз. Зинасимон қиялик бизни баскетбол майдончасидек текисликка олиб чиққанида, қаршимиздан келаётган одамни таниб, қўл-оёғимдан мадор қочди. У Дон Тоға эди.

Автомат тепкисидан бармоини олмай менга еб қўйгудек тикилиб келаверди.

— Отоласизми? — пицирлади Ойгул.

Индамадим.

— Агар ўқингиз хато кетса, «Калашников»ни ишга солади, — деди қиз. — У жуда ёмон қурол, соғ қолмаймиз.

— Мен унга... — дедим тишларим такиллаб. — Мен унга ҳаммасини... ҳаммасини тушунтираман...

Дон Тоға кела солиб түппонча ушлаган қўлимга бир тепди. Учиб тушган қуролни олиб, ўдагайлади:

— Ким ўқ узди ҳозир?

— Билмасам... Тога... Нега бундай бўляпти? Нималар қиляпсизлар? Буларнинг баридан барибир чегарачилар хабар топишади-ку! Ҳозир қочиб қутулганимиз билан ортимиздан қувиб ушлайди! Ҳаммаёқда ўликлар! Отишма излари...

— Ҳа, сенга ўхшаганлар гўргаям қочиб қутулмайди, — деди Тога ва тўппонча ўқдонидаги ўқларни ағдарди. — Ие, битта ўқ кам-ку! Сенга тўлиқ ўқдонни ўқлаб бергандик. Демак...

У важоҳат ила қиялик лабига келиб, пастга қарди. У ердан йигитнинг мурдаси қорайиб кўринарди.

— Сен ҳали шуни деб... — Дон Тога автоматни кўтарди, қолгани эсимда йўқ...

9. Қароргоҳга қайтиш

Кўзимни очсан, бошим оғримоқда. Машинанинг орқа ўриндиғида ҳам, олдингисида ҳам Ойгул кўринмайди.

— Ойгул қани? — сўрадим юрак ютиб.

— Ойгул! Ойгул! — жиғибийрон бўлди Тога. — Сен бола картошка экансан-ку! Ахир, уни деб кимни ўлдирганингни биласанми? Қўлингга қурол берган биз аҳмоқ! У отангнинг энг яхши йигити эди! Агар боргунимизча отанг жон бермаган бўлса, терингга сомон тиқади!

— Ойгул қани? — ўжарлик билан саволимни такрорладим.

— Жуда кўргинг келаётган бўлса ёнида бирга ётишинг мумкин. У юхонада.

Тўғон йўлига бурилганимизда, ёғаётган қор қулоқлашди. Тога машина ойнасидан қўл чиқариб бораркан, ўз-ўзига гапирди:

— Ажойиб ҳаво! Лекин расво кун! Саноқли одамимиз қолди.

Тоганинг «Биз юзтамиз! Мингтамиз!» деб кўкрак

керганини эсладим. Наҳотки, битта отишмадан сўнг саноқли одам қолган бўлса? Бу ерда бошқа гап борга ўхшайди. Вазият шиддат билан бошқа томонга ўзгаряпти чоги. Менга қолса, бундай тўданинг адойи тамом бўлгани яхши. Отам ўлими олдидан ўғлига, яъни сариқ чақалик фойдаси тегмаган, алалхусус, фойдаси тегиши у ёқда турсин суюнган чинорларининг қулашига сабабчи йигитга яхшиликни раво кўришига асло ишонмаётган эдим.

Машина улкан гаражга кирган заҳоти дарвоза гувиллаб ёпилди. Соқчилар югуриб келиб, юхонани очишди-да, беҳуш қизни кўтариб, аллақаёқقا шошилдилар. Дон Тоға ёқамдан ушлаб судраб кетди. Лифтдан пастга тушдик. «Отам ўлган бўлса буларга керагим йўқ... — ўйлардим ичимда. — Балки отамнинг ўлгани яхшироқдир? Отам тирик бўлса, ҳеч қачон кечирмайди... Йўқ, бу одамларга негадир керакман. Акс ҳолда отамнинг қандай йўл тутишини билган Тоғанинг ўзи довондаёқ пешанамдан дарча очарди...»

Бемор ётган хонага яқинлашганимизда йўлак охирида турган Адвокатни кўриб ҳайратландим. Мен уни довондаги отишмада ўлган деб ўйлагандим.

У авзойи бузилиб жаҳд билан келди-да, Дон Тоғага дағдаға қилди:

— Сизга неча марта айтганман, Дон, ўзингизни ёввойи шердай тутманг деб. Ҳаммасини расво қилдингиз! Энди нима бўлишини биласизми?

Тоға мени нари итариб, қўлларини белига тиради.

— Кўрмадингми, қўрқоқ Адвокат! Бутун атрофда пистирма эди!

— Қўрқоқ эмасман, мен ҳукуқшуносман. Ёввойиларнинг жангиди қатнашиш менинг касбим эмас.

— Шундоқ ҳам сени одам сонига қўшганим йўқ.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Аввал оғзаки келишиш керак эди! — бақирди Адвокат. — Музокарага ишонганим учун боргандим!

— Ё тавба, ким биринчи бўлиб ўқ узди? Оғзаки келишишни истаганлар оғзидан ўқ еб, довонда ётибди-ку! Қизиқ экансан! Сен ҳам сиёсатчиларга ўхшаб кучли армияни пеш қилиб музокара ўтказмоқчи эдингми?

— Худди мана шунинг учун... — депсинди Адвокат.

— ...мана шунинг учун энди калламиз билан жавоб берамиз. Боядан бери шаҳардагиларга ялиняпман! Илтимос қиляпман! Жиноят изларини йўқ қилиб беринглар деб! Аслида мен сизларнинг ҳуқуқларингиз билан шуғулланишим керак эди. Жиноятни яшириш, яна бир марта айтаман, менинг қасбим эмас.

— Қозонга тушдингми, бирга қайнайсан! Ё до-вондаги жангда сен ҳам иштирок этганингни айтами?

— Мен гувоҳман, иштирокчи эмасман!

— Бу гапинг бекор гап!

— Шаҳардагилар кўнмаяпти.

— Албатта, кўнмайди-да, — қўл силтади Дон Тоға.

— Сенинг чўпчагингни эшлишишни ҳеч ким истамайди. Отишма қулоқларига етиб борибдими, тамом.

— Нима, қочмоқчимисиз? Агар чивинга айлансангиз ҳам... агар қўнғизга айлансангиз ҳам...

Дон Тоға Адвокатни фиппа бўғди.

— Мен жангчиман! — бақирди йўлакни тўлдириб.

— Шохолбекнинг жангчисиман! Унинг учун сўнгги қоним қолгунча олишаман. Шохолбек мени довонга юборган экан, душманни йўқ қилишини кўзлаган. Қачон кўргансанлар улар билан адидади айтишганимни? Бунинг устига Исмоилнинг одамлари биринчи бўлиб ўқ узишди. Сен айтгандек,

аввал музокара қилиш керак бўлганида, улар ҳам ўзларини одамдек тутишлари лозим эди. Қарс икки қўлдан чиқади, уруш ҳам икки тўдадан!

— Қўйворинг! — Адвокат бир силтаниб Тоғанинг чангалидан халос бўлди. — Дон! Билиб қўйинг, шаҳар тўнини тескари кийдими, тоғларидан садо чиқдими, «Сибирь» ҳам бегона.

— «Сибирь» деб фирмамизни айтаяпсанми?

— Фирмами, фермами, фарқи йўқ! Кулгимни қистаётганингиз шуки, Дон Тоға, сиз ҳали ҳам муз фирмасидан, мана шу ферма-давлатдан умидингиз борми? Бугунги севимли жангингиздан кейин ҳам-а?

— Нималарни алжираяпсан?

— «Сибирь» фирмаси, ушбу қароргоҳ, Шоҳол Умарович, сиз, мен, манави меросхўр — баъчамиз хавф остидамиз. Қурол кучи билан ҳеч нарса қўлмайсиз, Дон! Битта йўли — келишув. Қанча пул кетишидан қатъи назар, улар билан келишамиз. Аниқроғи, оёги остига йиқилиб, товонини ялаймиз.

Дон Тоға у ёқдан-бу ёққа юриб, йўлак деворини муштлади. Кейин деворга суяниб ўтириди.

— Адвокатбой, — деди фалати овозда, — майли, сен келиш. Лекин, айтиб қўйай, гапимизга кирмаган хавфли унсурларни олдиндан маълум қил. Ўтган ҳафта шаҳарда бир одам билан танишгандим. Биз шаҳарда ҳам душман ўлдирамиз...

Адвокат Тоғанинг ёнига чўқди. Тоғага қарамай деди:

— Дон, сиз тенги йўқ одамсиз. Гапларимга қулоқ солинг, чуқурроқ мулоҳаза қилинг. Ҳозир суиқасднинг мавриди эмас. Ўтган ҳафта шаҳарда нималар билан банд бўлганингизни ҳам улар сезишиган. Янги аср «Инсоният айёргилии асли» деб аталишини Шоҳол Умаров ҳам айтган.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Шаҳарда нима билан банд бўлганимни се-зишганини қаёқдан билдинг?

— Гап мазмунидан.

— Изимдан одам қўйишибдими? Унда Ўрта Осиёга бориббу йигитчани, — Тоға менга афтини буриштириб қаради, — ўғирлаб келганимни ҳам билишар экан-да?

— У ёғидан хабарим йўқ, лекин сиз гаплашган шаҳарлик нусхалар давлат одамларига ўҳшаяпти.

Эшик очилиб, шифокор кўринди.

— Нима қилдик? — деб сўради Адвокат ундан.

— Тамом, ҳушига келмайди, — деди шифокор. — Афсуски, гапи чала қолди.

— Музлатишни бошлаймиз, — ўрнидан турди Адвокат, — ҳамма ҳужжатлар тахт. Ярим асрдан сўнг қайта тирилса, чала қолган ўша гапини айтади. Менимча, у сўқинмоқчи бўлган. Ахир, биз сўнгги тилагини — Шоҳ Исмоил қизини унинг олдида жазолашни уддалаётмадик.

Дон Тоға лабига сигарет қистирди. Шифокор ва Адвокат менга қаради, нигоҳлари билан «Ортимиздан юр» ишорасини қилишди. Тўрталамиз bemornining хонасига кирдик. Отам ўлиқдек қимир этмай ётарди. Қари ити ҳам ўлаётганди.

— Мен совқотяпман, — дедим.

Отамнинг одамлари мўъжизани кўришгандек анграйиб қарашибди.

— Отангнинг ҳузурида совқотма, — деди Дон Тоға.

— Бунга уял...

— Юқори хонага юборармиз, эҳтимол, — сўз қотди шифокор аҳволимга эътибор бериб. — Уззукун бункерда яшашни соғлиги кўтармайди, у жуда нозик йигит. Довонда абжағи чиққани ҳам кўриниб турибди.

— Буям кам! — деди Тоға.

— Сизнинг унда ҳаққингиз йўқ, — эътироҳ билдири-

ди Адвокат. — Бунақа оҳангда гапиришингиз нотўғри. Нима бало, бўлажак хўжайинга қўл кўтардингизми?

— У йигитларимдан бирини отиб ўлдирди.

— Буни исботлаш керак.

— Исботласам-чи!

— Илтимос, Шохол Умаровичнинг бошида тортишманглар, — ўртага тушди шифокор. — Ориф бундан бу ёққа «Сибирь» фирмасининг қонуний директори. Мана, Адвокат минг чандон ортиқ тушунади бунақа ишларни.

— Демак, шу довдир шу сониядан бошлаб бизнинг қонуний сардор! Шундайми? — деди Дон Тоға.

— Қанақа сардор? — қовоқ солди шифокор. — Бугундан бошлаб «сардор», «Шохолбек», «суиқас» сўзлари энг хавфли заҳардан ҳам баттар бало бўлади бошимизга. Бир нима десангиз-чи, Адвокат!

Улар бирдан жимиб қолишли. Кейин шифокор биринчи бўлиб қўлимни қисиб табриклиди. «Отангнинг мулкини мерос қилиб оласану бошингга ғалва ағдарилиб, бир кун ҳам баҳтли яшолмайсан», деяётганга ўхшашарди. Ҳаммаси тугаган кунда майдонга чиқишим дунёдаги энг катта аҳмоқлик эди. Бироқ мени Ойгулнинг тақдири ҳам ўйлантирмақда эди. Ҳеч бўлмаса, битта қизни қутқариб қолишга улгурарман.

Дон Тоға юзимга қайрилиб ҳам қарамади. Чуқур-чуқур нафас олиб, камин сари юрди. Жон берастган қари ит шилпиқ кўзларини унга қадаб ғалати фингшиган эди, Тоға ҳайвон бечоранинг қорнига бир тепди. Итнинг бўғзидан фийқ этган овоз чиққан кўйи камин ичига тўпдай учиб кириб кетди. Ҳавода отамнинг итининг рангсиз юнглари бир лаҳза муаллақ турди-да, секин паствлади.

— Бу сизнинг охирги голингиз, — деди Адвокат. — Сиз Маканаки каби моҳирсиз.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Дон Тоға менга ўгирилганида, юзида изтироб аломатларини күрдим. Бир томчи ёш йилтирагандек туюлди. Тиззалари аста букилди. Бошидан шляпасини олди.

— Мана Ориф, — деди у, — мен таслимман. Ҳализамон аскарлар босишади, кунимиз битади. Биз бошқа жиной тұдаларга үхшаб янги замонга мослашолмадик, ҳалол бизнес түнини киёлмадик.

— Дон Тоға, лекин бутунлай әмас, — минфиллади Адвокат.

— Тушунмадим?

— Таслимият, — деди Адвокат.

Шундай дея у елкамга оғир құлини ташлаб, эшикка бошларкан:

— Бутунлай таслим бўлиш тентаклик, — деб аллақандай ишора қилди. Рӯпарамиздан бир хил тусли бир неча йигит чиқди. Улар отам томонга шошилишди.

10. Шохолнинг бойлиги

Ва ниҳоят, олов гуриллаб ёнаётган хонада иссиқ кийимда қайноқ чой ичиб ўтирадим. Муз одамлар салтанатида бу мұъжиза эди гүё. Пардаси суриб қўйилган дераза. Тўғон ортидаги сув ҳавзаси кинолардагидек қўкимтири манзара касб этган. Адвокат Ойгулга ҳам иссиқ чой берилганини айтгани учун ҳарҳолда кўнглим бир оз бўлса-да хотиржам эди. Автомат қўндоғи бошимни фурра қилгани, биқинимни шох тилгани шифокорни заррача ташвишлантирмади. Умуман олганда, у довондаги жангда кўпроқ керак эди, ўлаётган беморга әмас.

Бир пайт мени ҳайратга солиб, остонада қора костюм, оқ кўйлак, қизил бўйинбоғ таққан Дон Тоға бўй кўрсатди. Жойимдан сапчиб турдим.

— Ҳаммасини тушуниб етдим, — дея унга пешвоз чиқдим.

— Нимани тушундинг? — Тоға түғри печка ёнига борди, оловни ўчирди. Кейин музлатгични очди-да, музли сувдан қултиллатиб ичди.

— Отам сув хұжалиги билан шуғулланадиган киши...

— Қисман түғри, — креслога ўтириб оёғини ча-лиштириди.

— Бунинг учун фирма ташкил қылган...

— Ҳа, күр әмассан-ку. «Сибирь» фирмаси деб юз марта эшитдинг, кар ҳам әмассан. Нимани тушуниб етганингни қисқароқ айтарсан.

— Сув билан шуғулланиш бир қанча жиноятларни келтириб чиқарған.

Тоға уф тортди, юқори тұгмасини бұшатиб, яна музли сув ича бошлади.

— Бу гапларни чакки гапирияпсан, йигитча. Мавриди келса ҳаммасини үзимиз тушунтирамиз. Олдинда ҳали терговлар турибди, ўнлаб, юзлаб сўроқлар, дўқ-пўписалар, ҳаттоқи азоблашлар. Аффуски, биронтасига бардош беролмайсан. Шунинг учун сирлардан воқиғ бўлишинг, фақат ўзингга зиён. Биз, — қулочини ёзди Тоға, — тегирмонга тушса бутун чиқадиганлармиз.

— Барибир мендан сўрашади...

— Нимани?

— Кимсан, қаерликсан, бу ерда нима қиляпсан, фирма ҳақида нималар биласан...

— Улар бункер ҳақида билишмайди. Тинтув бошланганда сен бункерда, аниқроғи, ер ости саройида бўласан. Биз сени уларга кўрсатмасликка қарор қилдик. Ишлар ими-жимида ёпилгач, фирма директорлигини амалда қўлга киритасан. «Амалда» деганимнинг боиси, отангнинг курсисига ўтирасан. Ҳозирча шу.

Азамат КОРЖОВОВ

— Ҳеч нарсага тушунмадим.

— Ү-ү, гап оқангингдан сезиляпти, анча дадиллашиб қолибсан. Қулоқ сол, бу ерга атрофдаги ҳукуматлардан одамлар келишади. Ҳамма хоналарни текширишади, ходимларни тергов қилишади. Ҳеч қайси давлат ўзларига чегардош ҳудудда хавфли унсурлар уя қуришини истамайди. Бунинг устига тўғон ҳам бизга қарайди. Улар келганда, сен ерости саройида бўласан. Ерости саройи борлигини билишмайди деяпман-ку, энди тушундингми? Биз «мехмонлар»ни рози қиласиз, ҳужжатларни халқаро қонунларга мослаштирамиз. Дунё ҳамжамиятидаги кўплаб давлатлар шунаقا усулда ишлашади, биз ҳам ўрнак олсак нима қилибди? Сўнг бункердан чиқиб, фирма директори сифатида иш бошлайсан. Бу отангнинг васияти... Йўқ, васият деб бўлмайди, буйруқ. То қайта тирилгунча фирма сенинг номингда бўлиб туриши ҳақидаги буйруқ.

— Отам ўлдими?

— Чала ўлди.

— У қанақа ўлим?

— Организми тамом бўлаёзган. Даволаш, отдай қилиб юборишга ҳозирги тиббиётнинг кучи етмайди. Шунинг учун Шохолбек ўз танасини музлатиб қўйишларига розилик берди. У тириклик чоғида ҳам музни яхши кўрарди, муз унинг қисматига айланди. Ориф, эллик йил ўтиб, тиббиёт шу даражага етган бўладики, отангни қайтадан ўзига келтириб, бутунлай соғлом кишига айлантириб юборишади. Ўз танасини музлатиб, келажакда ҳаётга қайтишни истаганлар Америкада бор эди. Биз катта пул эвазига бу ерда ҳам Шохолбек учун лаборатория қурдик. Бугун унинг танаси музхонага киритилади. У ўша ерда эллик йил дам олади.

Отанг қайтганида сен олтмиш саккизга кирган чол бўласан. Афсус, пешонангга бир умр отасиз яшаш ёзилган экан.

— Лекин йўлда сиз отамнинг ўлишидан хавотир олгандингиз?

— Нима, буни ўлим деб атаб бўлмайдими? Эллик йил, эҳтимол, юз йилдан кейин қайтадиган одам замондошлари учун ўлган. Шохолбек қанчалик пухта иш кўрмасин, нималарнидир сир сақлаётгани маълум эди, шу мени ташвишга солди.

— Мени кутган...

— Бу ҳеч қанақа сир эмас. Ҳужжатларинг, қон таҳлилинг, ростдан ҳам Шохолбекнинг ўғли эканлигингни тасдиқловчи гувоҳлар — ҳамма-ҳаммаси сени ўғирлаб келмасимиздан аввал тахт қилинганди. Йўлда эканлигимизда отанг ўлганида ҳам унинг меросхўри бўлиб қолардинг. Икки-уч бор айтдим, уддалаёлмадинг, отангнинг асли қаерданлигини аниқлаш керак эди. Бу қанчалик муҳимлигини тушунмаяпсан.

Бир оз ўйлаб жўяли гап тополмадим. Чуқур уҳ тортдим-да:

— Отамнинг қаерлик эканлиги тақдиримни ўзгартирмайди, — дедим. — Ҳеч кимим йўқ бу дунёда... Улар... Отамнинг қариндошлари... ҳеч ким...

— Улар менгаям керакмас, — ўқрайди Тоға. — Бошимизга урамизми?!

Миямда кутилмаган чақмоқ ярқ этди.

— Дон Тоға, — дедим ҳаяжонланиб, — онамнинг қаерданлигини аниқлашим керак. Ака-укалари, опасингиллари бор... қаерлардадир... Балки ота-онаси — менинг бобом, бувим ҳаётдир...

Дон Тоға соатига хўмрайиб кўз ташлади. Тиззасини қоқиб (бу эски одати шекилли) ўрнидан турди.

— Кетдик, саройга тушамиз. Отангнинг биринчи

Азамат ҚОРЖОВОВ

ҳаёти якунига етди. Уни икки дунё оралиғига кузатиб қўйишимиз керак.

Иккимиз чўғдек гилам тўшалган сокин йўлакка чиқдик. Дон Тоғанинг биқини бўртиб турарди. У ҳали ҳам қуролини ёнидан қўймаётганининг сабаби менга қундек равшан эди.

— Сен касалсан, Ориф, — деди у тўсатдан.

— Йўқ.

— Нима, «йўқ»? Кимларни ахтармоқчисан ўзи? Ахир, ҳаётинг бутунлай ўзгаряпти, атрофингга улуғ шахслар тўпланяпти. Сен эса улардан бирини отиб ташладинг, бутунлай бошқа қутбдаги кимсаларни ахтариб топмоқчисан. Вақт ўтди, Ориф, энди тоғаваччалару амакиваччалар чивиннинг ўлигичалик ҳам керакмас. Улар бошингга битган текинхўрлар сифатида майдонга чиқади. Умрингда кўрмаган одамларингга хайр-эҳсон қилиб яшамоқчи бўлаётганинг яна ўша муаммога тақалади. Сен ОДАМ қандай мавжудотлигини билмайсан.

— Хайр-эҳсон қилишни ўйлаганим ҳам йўқ.

— Топ, кейин кўрасан.

— Сиз нега отамнинг қариндошларини ахтаряпсиз?

— Айтдим-ку касалсан деб! . Уларни бошимга ураманми?! — Дон Тоға уч-тўрт қадам юриб тўхтади.

— Майли, мавриди бўлмаса ҳам ростини айтай, барибир энди шерикмиз. Аввал қасам ич.

— Қанақа қасам?

— Агар Дон Тоғанинг сирини айтсам тириклай гўрга кирай де! Қани, бўл!

Унинг қасамини такрорладим. Забардаст қўлини чўзди, эркакчасига ваъдалашдик. Тоға атрофга ўғринча қарагач, деди:

— Отанг «Болалигимда яхши кўрган тепалигим бор эди», деб кўп гапиради. Бир куни иккимиз

сандиқчага тиллаларни жойлаштиридик. Бункерга яширдик. Кунларнинг бирида сандиқ ғойиб бўлганини кўрдим. Отангга айтганимда, у хотиржам қўл силтаб: «Дон, – деди, – борган сайин мазам қочяпти. Шифокорлар қайта тирилтирган замонгача «Сибирь» қашшоқлашиб қолиши мумкин. Шунинг учун бойликларнинг бир қисмини тиллага айлантириб кўмиб қўйдим».

«Тиллага айлантиридингиз, гувоҳман... – дедим зўрға. – Мендек дўстингизга ишонмай... Уни қаерга кўмдингиз?»

«Қаерга бўларди, Дон, жонажон тепалигимга-да»,
– деди у.

Шохолбекнинг жонажон тепалиги қаердалигини билмоқчимисан, марҳамат, болалиги ўтган жойни аниқла. Сендан шуни илтимос қилгандим, оғзингни очиб ўтиридинг. Кўп йиллар муқаддам қайси тўйда прокурорнинг юзини шиша кесиб кетганини суриштириб чарчадим. Ҳеч қандай натижа чиқмади.

– Отам рост гапирганикан?

– У ёлғончи эмас.

– Менга тилланинг кераги йўқ, – дедим зинадан тушаётганимизда. – Пулни ҳам ишлатолмайман.

– Бу – аҳмоқнинг гапи.

– Ойгулни кўришим керак. Унинг азоб чекишини истамайман.

– Бу энди эшакнинг гапи.

– У ҳимоясиз қиз бола-ку! Отасидан ўч олиш керак эди, қизида нима айб?!

– Отаси кимлигини биласанми?

– Исмоил ака.

– Тфу! Исмини сўрамадим! Исмоил аслида кимлигини биласанми деб сўраяпман! У сени шу кўйга солган абллаҳ!

– Мени шу кўйга солган? Ишонмайман.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Сенингча, айбдор фақат биз! Чунки иссиқ түшагингдан ўғирлаб келдик, құшни мамлакатдаги тоғда, ер ости саройида тутқундай яшаяпсан, тирик қолишингга умидингни сўндирадиган одамлар ат-рофингда сон-мингта! Ичингдаги гапни айтдимми?

Дон Тоға тұхтаган эди, илк марта унга очық нафрат билан боқдым. Жиноятчи камаридағи қуролни маҳкамроқ қистириди-да, менга тумшуғини чўзди.

— Ҳаммасини кўзинг айтиб турибди.

— Яқиндагина шундай эдим, ҳаммасини кўзим айтарди. Ҳозир адашдингиз.

— Мен ҳеч қачон адашмаганман, — деди Тоға. — Жиғимга тегма.

— Сиз ҳақингизда ёмон хаёлларга борганим йўқ, сандиқни топиш йўлини ўйлаяпман.

— Нима?

— Ўша сандиқни... — дедим ўзим кутмаган жасурлик билан. — Унинг менга ўн сўмлик аҳамияти йўқ, лекин алмашшим мумкинлиги қизиқтираяпти.

— Сен уни алмашасанми?

Бир юқорига, бир қуйига эҳтиёткорлик ила кўз юргутириб, зинадан бир пофона тушдим.

— Онамнинг қариндошларини топсак, эҳтимол, отам қаерданлиги маълум бўлар.

— Хўш?

— Ўшанда олтинлар кўмилган тепаликни аниқлардик, сандиқни топардик. Кейин уни алмашардим... Ойгулга...

Дон Тоғанинг истеҳзоли кулгиси оғир ботди. У устимдан кулишни қойиллатадиган, мени қумурсқачалик кўрмайдиган одам эди. Секин-аста уйғониб келаётган, аниқроғи, исён кўтараётган фурурим яна тўлғонди.

— Таклифим шу, — дедим. — Кўп йиллар отамнинг қаерданлигини аниқлаёлмаган экансиз, биргаликда

онамнинг қариндошларини ахтарайлик. Балки улар отамнинг қаерданлигини айтиб беришар?

— Тилла сандиқни-ку топамиз. — Зинапоя суянчифидан ушлади Тоға. — Мени ўйлантириб қўйдинг. Нима учун Ойгулни ҳимоя қиласан? Айтдим-ку унинг отаси сени сарсон-саргардон йўлга буриб юборган кимса.

— Исмоил акани кўрмаганман. Оддий бола билан унинг нима иши бор? Кўриб турибманки, саргардон бўлишимга отамнинг ўлим олдидан қилган тилаги сабаб бўлган. Агар отам мени йўқламаганида...

— Фалча! — сўқинди Тоға. — Нима учун ўша лаънатилардан шубҳаланмаяпсан? Балки Дон Тоға рост гапираётгандир, демайсан ҳам, а?! Билиб қўй, Исмоил сенга бегона эмас. У онангнинг узоқ қариндоши. Энди фаҳмлагандирсан қандай ўйин бўлганини!

Икки-уч ҳатлаб Тоғанинг йўлини тўсдим. Биз биринчи қаватга яқинлашиб қолгандик. Ер ости саройи деб аталмиш шахтамонанд бункерга элтувчи йўлакда ҳам ҳеч зоф кўринмасди.

— Буни отам ҳам билармиди?

— Ҳа, Исмоилнинг сенга тоғалик жиҳатлиги борлиги сир эмасди. Яхши ўйлабсан. Онангнинг узоқ қариндошлари, мисол учун, акасими, опасими, топилса, улар Шоҳолбекнинг қаерданлигини айтиб беришар, эҳтимол. Сенга йўлда айтдимми, йўқми, онангни ота-онаси оқ қилган, барча қариндошлари воз кечган. Бу воқеага сал кам йигирма йил бўлганлигига қарамасдан улар раҳматли онанг қаерлик йигит билан қочганлигини яхши эслашади. Бундан умид қиласиз.

— Онам «болалар уйи»да ўсган.

— Қайси она ўз фарзандига «Мен ота-онамнинг юзига оёқ қўйганман, шунинг учун улар мени

Азамат ҚОРЖОВОВ

оқ қилишган», дейди? «Болалар уйи»да ўсганман, чақалоқлигимда эшик тагига ташлаб кетишган, дейиш минг чандон осон. Яна сен ўғил боласан! Эркак кишига онаси ўз саргузаштини ўлса ҳам гапириб бермайди.

- Ойгулнинг отаси биладими?
- Нимани?
- Онам қариндоши эканини.
- Албатта!
- Нега шунча йил у... индамай юрган?
- Индамай юрган дейсанми? Севгилисини

Шохолбек тортиб олгач, индамай кетган-да. Қолаверса, у анча узоқ қариндош. Яна бир ҳақиқат
— Шохолнинг энг яхши кишиси бўлиб, мен унинг аслида қаерданлигини аниқлаёлмаганман, Исмоил қаёқдан билсин? Онангни у ҳам севган. Шохол билан ўша пайтлари келишмай қолган. Балки Исмоил бўлмаганида отанг билан онанг тинч-тотув яшармиди? Шунга айтаман-да сарсон-саргардонлигинга ўша тўнгиз айбордлигини. Сен эса, галварс, келиб-келиб Исмоилнинг қизига раҳм қилиб ўтирибсан.

— Исмоил aka отамнинг қаерданлигини билмас экан, онамнинг бошқа қариндошлари ҳам бехабар бўлса-чи?

— Мен ва сенга маълум Шохолнинг қишлоғидаги тепаликда сир бекитилгани. Шунинг учун улар отангнинг асли қаерлик эканини суриштириб ҳам ўтиришмаган. Жигарлари бир вақтлар онангдан шунчаки гап орасида эшитган бўлишлари мумкин Шохолнинг қаерлик эканини.

Кўнглим кичик боғдан иборат мўъжаз орол эди. Бутун атроф қоп-қора сувдан иборат уммон. Туйқус бўрон кўтарилди.

Дон Тоға елкамга қоқди-да, бункер томон эргаштириб кетди. Йўл-йўлакай қулоғимга:

— Миянг чакки ишламайди, — деди. — Гапинг тўғри, биргаликда онангнинг яқинларини топишимиз керак. Бир илож қилиб Исмоилдан сўраб кўрсак ҳам ёмон бўлмайди. Ахир, унинг қизи қўлимизда-ку.

— Ойгулни хафа қилишларингизни истамайман.

— Хафа қилиш нима деган гап! Уни ўлдириш хусусида буйруқ бор.

— Нима, музокара-чи? — юлқиндим мен.

— Қанақа музокара? Исмоил қанчалик кучайиб кетмасин, барибир музокара бўлмайди. Ҳаммаси алдов! Қиз ҳозирча тирик, аммо бу кўпга чўзилмайди.

Ер остига элтувчи лифтдан чиққанимиздагина миямнинг фувиллаши тўхтади. Бу дўзахдан ўзимни ҳам, Ойгулни ҳам қутқаришим керак эди.

11. Музга айланган одам

Ер остига биринчи тушган жойимдан ҳам пастроққа, оғир темир эшиклар ортига тўпландик. Жами ўн чоғли киши эди. Отамнинг музлатилган жасади маҳсус хонага олиб ўтилди. Биз ойна орқасида жимгина қараб турадик. Очигини айтганда, хаёлим Ойгул билан банд эди. Уни шаҳримизгача соғсаломат етказиб боришимга ақлим бовар қилмасада, умидсизликка тушмаётгандим. Қўрқоқ ва қўлидан бир иш келмайдиган инсон бўлиш жонимга текканди.

Эсимни таниганимдан буён маҳалла четидаги уйда онам билан яшадим. Суядиган қариндошимиз ҳам, бирон ёрдамчимиз ҳам йўқ эди. Исмоил деган киши уйимизга қадамини ҳам босмаган. Маҳалламиизда Ойгулнинг холаси (шунингдек, Исмоилнинг божаси) яшаган экан, на онам, на Исмоил билган бир-бирини учраштирадиган

Азамат ҚОРЖОВОВ

кўча мавжудлигини. Ё онам билгану, аммо қариндошларини кўришни истамаганмикан?

Шу тобда ўзим билан ўзим олишардим. Онам ҳаёт бўлганида ўзгарганимни кўриб қувонарди. Кўзи очиқ кўр фарзанд эканман. Яккаю ёлғизимнинг дардига малҳам бўлиш ўрнига сўнгги нафасигача арзандалик қилдим, овсарлик қилдим, тентаклик қилдим. Атрофимизни шу қадар чалкаш қора сирлар ўраб турган экану сўқирликда яшаганман. Ҳатто, отам борлигини ўйлаб кўрмасдим. Ҳар бир инсоннинг отаси бор: ё ҳаёт, ё марҳум...

Шу пайт Шохолбекнинг қофоздек оқариб кетган юзи кўринди. Шифокор тугмачани босди: ялтироқ девор ёпилиб, Шохолбек кўздан йўқолди. Яна аллақандай тугмачаларга бир-бир бармоқ қўйгач, хонадан чиқди, ичкарида тумансимон нимадир кўринди, ойна олдигача сузис келди.

— Алвидо, Шохолбек! — деди Дон Тоға ҳаммага эшилтириб.

Шифокор маҳсус хона эшигини қулфлаётиб, Тоғага норози қаради.

— Нега видолашяпсиз? Хўжайн ўлгани йўқ. Эллик йилдан сўнг...

— Эллик йилдан сўнг мен бу ерда бўлмайман, — чўрт кесди Тоға. — Балки эртагаёқ ўларман.

Адвокат енгимдан секин тортди. Негадир унга салом бердим. У ҳам саломлашди. Кейин эса:

— Яна саломлашдик, а? — деб ҳайрон бўлди. — Асабларим чарчабди. Бу мия нималарни ўйламаяпти!..

12. Сирли салтанат сирлари

Лифт бизни бункернинг юқори қаватига чиқарди. Юқори қават деганлари ҳам ер юзидан камида ўн метр пастда эди. Ўйлаб, юрагим сиқилиб кетди. Тўғон ёнидаги икки қаватли уйнинг иккинчи қаватида, олов ёниб турган иссиқ хонада (деразадан

куёш кўриниб туришига нима етсин) пайдо бўлиб қолишни истадим.

— Шу ерда овқатланамиз, — деди Адвокат металл шифтли узунчоқ хонага кирганимизда.

Таом тортилди.

— Гап бундай, — деди Тоға овқатни жимгина еб бўлгач, — ҳаммангиз эшитган, билган гапларни яна такрорлайман. Буни расмиятчилик деб ҳисобласангиз ҳам майли. Қисқаси, манави йигит Шохолбекнинг ёлғиз фарзанди. Янги паспорт бўйича Умаров Ориф Шохолович. Ёши ўн саккизда. Қонун-қоидалар, аниқроғи, Шохолбекнинг вақтинчалик васияти шуни тақозо этадики, Ориф шу бугундан бошлаб «Сибирь» фирмасининг директори. У фирма-давлатни, яна уни ферма-давлат деб атасак ҳам бўлади, хуллас, шу мулкни тўлиқ бошқаришга, турли юртлардаги банкларда сақланаётган пулларни сарфлашга ягона ҳақли одам. Ҳаммамизга маълумки, фирма сув захиралари ва сув хўжалиги билан шуғулланади. Шарқдаги ер усти ва ер ости сув захиралари бевосита бизнинг монополиямизга айланади. Сув чегара билмайди, ҳар бир мамлакат истайдими, йўқми, фақат ўз ҳудудидаги сув билан чекланиб қолмайди. Унга қайсиdir дарё оқиб киради ёки ҳудудидан оқиб ўтади. Ҳеч бўлмаганда, ер ости дарёлари орқали бу жараён бошидан кечади. Гапларни майдалашиб такрорлаётганимга сабаб, Ориф ҳамманинг олдида билиб қўйсинки, отасининг фирмаси оддий ташкилот эмас. Ер ости бўйлаб минглаб чақиримга эга мустақил сув салтанати. Шарқнинг ярми Шохол салтанатига қарашли ерлар эканини яқин келажакда ҳамма тан олади. «Сибирь» ҳам аслида туркий тилдан олинган «Сувли ер» деган сўзлардан пайдо бўлган. Гарчи бизнинг номимиз Россиядаги Сибирга адаш эса-да, ундан ўта муҳим жихат билан

Азамат ҚОРЖОВОВ

фарқ қиласы. Бироқ охирғи вақтларда вазият анча таранглашды. Бизга қарши бош күтарғанлар күпайиб қолди. Шулардан бири Исмоил номи билан донг чиқарған шахс. У эски бүрилардан. Ҳозир қизи құлымизда. Билсанглар, биринчи қылган иши шамол парраклари орқали ер ости сувларини тортиб олиш эди. Яъни пишма кран, оддий қилиб айтганда «качалка» ернинг юзароқ қисмидаги сувни оддий құл кучи билан тортади. Баҳайбат пишма кранларга улкан шамол парраклари үрнатиш эса ҳеч қандай двигателесиз узлуксиз сув чиқаришни таъминлайды. Тасаввур қилинглар, ер ости сувлари кечаю кундуз шариллаб оқиб ётади. Ахир, бу нафақат бизнинг ғоямизни ўғирлаш, балки бойлигимизга ҳам тажовуз қилишdir. Сувни камайтириш, баъзи жойларда эса, аксинча, тошқинлар уюштириш — бизнинг қуролимиз. Бунга бурнини тиққан одам жазоланиши керак...

— Жуда ҳам узун нутқ, — дея ўрнидан турди Адвокат. — Ориф вакти-соати келиб тушуниб олади. Олдинда халқаро текширувлар кутаётганини ҳам унутмайлик. Қолаверса, ҳозир Орифнинг қулогига бунақа гаплар кирмайди. Отасини шунча йилда топди-ю яна йүқотиб қўйди. Қандай эзилаётгани юзидан кўриняпти.

Шифокор менга кулимсираб қўяркан, «Бу гапларга индамай қулоқ солавер» дегандек бош силкиди.

— Унга, — давом этди Адвокат, — фирманинг душманлари-ю яширин мақсадлари ҳақида камида бир йилдан сўнг ётиғи билан тушунтириш мумкин. Банкдаги пуллар ҳозирча тўрт киши билан келишилган ҳолда бошқарилади. Мен, Дон Тоға, Искандар aka ва...

— Қанақа «ва»? Ахборотинг учун «ва» ўлдирилди.

Довондаги отишмада! – Дон Тоға қовоқ уйған эди, важоҳатидан от ҳуркадиган қиёфага кирди.

Ичим шув этди. Ойгулни ҳимоя этиш мақсадида отиб ташлаганим ўша йигит эсланади, деб юрагим така-пука бўлди. Яхшиям, гап Уста Бола ҳақида экан.

– Уста Бола яхши йигит эди, – деди шифокор.
– Шоҳолбек унинг ўлганини эшитса, фазаб отига минади. Келажаги бор эди-да бечоранинг.

– Бу ерда ҳамманинг келажаги бор, – илмоқли оҳангда сўзлади Адвокат. – Тўпланишимиздан яна бир мақсад ҳам шу ҳақда эди. Барча ҳужжатлар, аввали, менинг қўлимдан ўтади, ҳатто банк қофозлари-гача. Умумий ҳисоб бўйича ҳар бир ходимнинг ойлик даромадига беш юз доллардан беш минг долларгача қўшимча ҳақ қўшилади. Бу ерда ўтирганларга эса ундан ҳам кўп улуш тегиши ҳаммамизга маълум. Чунки юқори бошқарув аъзолари чет элга яширинишга имконияти бор шахслар бўлмоғи лозим. Бизга ҳамиша йўлак очиқлигича қолади. Буларнинг бари шахсий ва умумий пулнинг миқдорига боғлик.

Ўтирганлар орасида жонланиш рўй берди. Назаримда, улар пул ва хорижга чиқиш йўлаги хусусида ўйлай бошладилар.

– Лекин қўшимча ҳақ ҳозирча берилмайди, – деди Адвокат. – Шу бугундан бошлаб банкка юборилади, Швейцарияга. Ким Шоҳолбек Умаровичдан кейинги янги даврда синовлардан муваффақиятли ўтаверса, банкда тўпланиб қолган пулларини ҳар олти ойда олаверади. Ходимларнинг хулқи билан Дон Тоға шуғулланади. Бу ҳам Шоҳол Умаровнинг васияти.

Адвокат ўтириди. Хона совуқ бўлишига қарамай дастрўмол ила пешонасини артди, бўйинбоини бўшатди. Сездимки, у хийла асабийлашаётган эди.

Ўз-ўзидан сўз гали Дон Тоғага қайтганди. Тоғага, Адвокатга, шифокорга бир-бир кўз ташлаб,

Азамат ҚОРЖОВОВ

раҳбарлик иқтидорини пайқамадим. Гүё учаласи ҳам бир-биридан хавфсирап, ходимлар олдида ўзларини садоқатли, кучли кўрсатишга тиришар, агар фирмани ростдан улкан салтанат деб тасаввур қилсак, у шаҳаншоҳсиз қолгани аён эди.

Тоға муштларини тугди. Афтидан бу одам қўлидан келадиган юмушни – зўравонликни мароқ билан давом эттиришга шошилаётган эди.

– Ходимлар хулқи деб бежиз айтилмади, – деди у.
– Яна эслатиб ўтаман, «Сибирь» оддий фирма эмас, у чек-чегараси йўқ ҳудуд устига қурилган улуғ салтанат. «Якудза» мафияси одамларидек татиуровкада, скинхедлар сингари сочни қириб аллақандай ташқи белгиларимизни сақлаб қолишимиз шарт эмас. Муҳими, ички олам. Ҳар бир одамимиз мана шу ер ости саройи каби бункерсифат бўлмоғи шарт. Яъниким ичида нима борлиги ташқаридан сезилмайди, ҳужумлардан ҳам ҳимояланган. Қўшимча ҳақ тўланади дедик. Тўғри, тўланади. Бироқ ҳар бир киши профессионал даражасида бўлиши шарт. Хоинларга, эҳтиёткорликни унугланларга, кўрқоқларга – ўлим! Хорижга чиқиш йўлагидан қачон, ким фойдаланади, буни ҳам биз ҳал қиласиз. Хоинларни Шохолбекдек сўроқ қилолмайман, шартта отаман-қўяман. Ориф Умаровнинг олдида айрим гапларни очиқ айтишни халқаро терговдан олдин бошлаб юбордик. Майли, у ҳам ҳаракат қилса, ўсадиган йигитга ўхшаяпти. Ўзим устозлик қиласман. Шохолбек қайтгунча салтанатни нафақат сақлаб қолишимиз, балки ривожлантиришимиз ҳам керак.

Ходимлар маъқуллашса-да, нимадир уларга ёқ-маётганини кўзлари айтиб турарди.

– Ходимлар тақдирини фақат сиз ҳал этмайсиз,
– деди эшикка яқин ўтирганлардан бири. – Янги хўжайин, Адвокат, Искандар aka борлар. Улар ҳам...

Дон Тоға ўқрайди, аммо ҳозир қаҳрини сочол-маслигини фаҳмлади.

— Тұғри, — деди Дон Тоға, — мен айтмоқчиманки, «Шохол кетди, эрким ўзимда» деган түйфу бұл-масин. Шохол давридагидан ҳам қаттиқ интизом ўрнатмасак, ҳолимизга маймунлар йиғлайды. Биз құм тұлдирилған қопга ўхшаймиз. Қорнимизга пичоқ урилса, секин-аста ҳаммамиз тұқилиб кеттамиз. Аслида ҳеч бириңиз «Сибирь» фирмасисиз яшолмайсиз. Собиқ бұлдингизми, изингиздан одам тушади. Қайси тұдаларнинг ёки қайси органларнинг одамлари эканлигини айтиб ўтирумайман. Қисқаси, улар томонидан бошларингиз таналарингиздан жудо қилинади, — Дон Тоға құлинни appa қилди. — Бункерга тушганнынг қисмати бир.

Шу нарса равшанлашдики, отам эллик йилда ҳаётта қайтгунча шу ерда биқиниб ўтираман. То биронта исөнкор отиб ташламагунча мени ҳеч ким ўлдирмайды. Отам менга бир умрга етгулик тутқунликни раво күрган эди.

13.Тунги жувон

Хобгоҳимни күрсатиб қўядиган бўлишди. Қарасам, Дон Тоға ва бошқалар қизил йўлакка бурилишяпти.

— Тоға, — дедим тұхтаб, — сизда гапим бор.

У менга хўмрайди. Адвокат ва шифокорга бир-бир кўз ташлаб, деди:

— Мен ҳозир...

Ёнимга келгач, деди:

— Ҳамманинг олдида мени чақирма. Бунга ҳали эрта. Қани, нима демоқчисан? Агар олтинлар ҳақида оғиз очмоқчи бўлсанг, билиб қўй, буни фақат ўзим сўраганимда... Ҳм... тушунарлимис? Шохолнинг ўнг йигитларидан бирини отганингни ҳам ҳозирги йиғилишда айтмаганимнинг сабабини англағандирсан?

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Ойгул ҳақида сўрамоқчиман.
— Тавба! — гижинди Тоға. — Сен ҳақиқатан жиннисан, қип-қизил жинни! — Шундай деб мени кузатиб қўювчи йигитга имлади. — Бери кел, буни хонасига жойлаштириш.

— Агар қиз ўлдирилса... — дедим.
— Хўш?
— Агар у ўлдирилса, мен қотил бўламан. Бунинг учун... ҳеч кимни кечирмайман... Ўзимни ҳам.

— Қиз ҳозир ухляяпти, — деди Дон Тоға. — Ер юзида соат неча бўлганини ўйла! Ярим кеча.

Қўзимга ёш қўйилди. Бу одамларнинг қаршисида қўз ёш тўкишни истамасдим Уларни йиғлаб енгиб бўлмайди. Ё куч билан, ё мияни ишлатиб мақсадга этиш мумкин.

— Илтимос, мени тушунинг, — дедим хотиржам гапиришга уриниб. — Ойгулда гапим бор.

— Қўрқма, у ўлдирилса, сен қотил бўлмайсан. Номусига тессалар ҳам сенга дахл қилинмайди. Хонангга кир, ухла. Яхши бола эканлигинг ҳаммамизга маълум. Кўрсатишинг шарт эмас.

— Дон Тоға...

У костюмининг тугмасини қадаб, тез-тез юриб, йўлак охирида кўздан йўқолди. Бу кайфиятда тонггача мижжа қоқмаслигим тайин эди.

— Ойгул билан гаплашишим керак! — деб қичқирдим.

— У ёлғиз ухлашни истамаяпти шекилли, муаммони тезда ҳал этинглар, — деган садо келди йўлак охиридан.

Бурнига ип ўтказилган буқадек ювош фулом эргаштириб кетди. Хонам тор эмас эди. Эшик очилиб, мендан ўн ёшлар катта соҳибжамол жувон кириб келгунча у ёқдан-бу ёққа юрдим. Жувон тор,

калта күйлакда эди. Ёқимсиз илжайди. Хонани атириф орти тутди.

— Бу хонага кирмаганимга бир йил бўлибди,
— қувончини яшиrolмади у ва гир-гир айланниб
буюмларни ушлаб кўра бошлади. — Ҳа-а, мана,
топдим. Ичига чаён қотирилган биллур. Нимагадир
жуда ёқади. Сизга-чи, акажон?

— Кимсиз?

— Қизиқ савол... — жувон жавонни титкилади. —
Йўқ-ку. Ўтган йили кўп эди.

— Бирон нима ахтаргани кирдингизми?
— Вой, ажойиблигини...
— Бункер аёллариданмисиз?
— Ҳа, мен аёлман, — дея жувон тўхтади. — «Бункер»
деганингизга тушунмадим, акажон?

— Сиздан кичикман.
— Нима қипти? Шунга мен бункер бўламанми?
— «Акажон» деганингизга айтаяпман-да сиздан
кичиклигимни.

Жувон шарақлаб кулиб юборди-да, ўзини диванга
отиб, шифтга термулди.

— Кимни севасиз? — сўради у.
Тақдир мени ким билан учраштирганини ту-
шундим.

— Нега гапирмайсиз, ака? Келинг, ҳеч бўлмаса,
қулоғимга айтинг.

— Чиқиб кетинг. Уйқум келяпти.
— Вой, қаёқча кетаман?
— Ойгул билан гаплашмоқчи эдим. Улар бошқа
хаёлга боришли.
— Ойгул деганингиз ким? Танимайман.
— Гапни айлантиrmай, чиқиб кетинг! — дегандим,
жувон жиддий тортди.
— Ростдан ҳам ҳайдаяпсизми?

Азамат ҚОРЖОВОВ

- Ҳозироқ, күзимдан йўқолинг!
- Жувон бирдан тиз чўкиб, күзимга илтижоли боқди.
- Илтимос, менга раҳм қилинг.
- Миянгиз тескари ишлайдими? Раҳм қиляпманку.
- Йўқ, ҳайдаманг мени. Улар аяб ўтиришмайди.
- Сизни қандай аҳволга солишганини, наҳотки, ҳар куни кўзгуга қараганда кўрмайсиз? Сиз аёлсиз, ахир! Кимнингдир қизи, опаси, синглиси, онаси бўлсангиз керак?!

Жувоннинг кўзларида инсонга хос маъно жи-
вирлади.

- Яҳши йигитга ўхшайсиз, — деди у гиламга ўтириб, бош эгаркан. — Лекин уларни... анавиларни алдайсиз, хўпми?

Терс бурилиб, мен ҳам бошимни ҳам қилдим.

- Опа, ўзингизни алдаб юрибсиз. Бу — энг катта хатойингиз.

Жувон хўрсиниб, ҳазин товушда пичирлади:

- Тўғри айтасиз, ука. Ўзимни алдаб яшаяпман.
- Йўқса, адашиб-улоқиб, Европага келиб қолармидим.

- Европадаман, деб юрибсизми?
- Бу ер Испания эмасми?
- Йўқ, сиз Осиёдаги тоғларнинг бириласиз. Бир томонингиз Марказий Осиё, бир томонингиз Си-
бирь, бир томонингиз Хитой...

- Ҳазиллашаяпсизми?
- Қўрқманг. Бирор кун кўзингизни боғлаб, яна келган жойингизга ташлаб келишади. Сиз бу ер ҳақида ҳеч нарса билмаганингиз яхши.
- Жа ҳеч нарса билмайди, деманг. Бир куни деразадан қарасам, атроф тоғлар билан ўралганини кўрдим. «Қаердаман?» десам, «Испаниядаги тоғлар орасида», деб жавоб беришди.

— Деразадан тоғларни күрдингизми? Ер устига қандай чиқдингиз?

— Бүшіндең күндерінде ошпазга ёрдамлашаман. Чиқдиларни ташиш учун баъзан юқори қаватларга чиқардик. Катталар бўлмаган кунларигина шундай вазиятлар бўлиб қоларди.

— Бошқалар билан ҳам шундай гаплашганмисиз?

— Йўқ.

— Сизга қанча пул берсам, кўнасиз?

— Қанақа иш учун?

— Биз бу ердан қочишимиз керак, — дедим. — Мен ва Ойгул.

— Ё тавба, сизлар асирамисизлар?

— Ҳа, аслида сиз ҳам асириз. Ошхонанинг ахлат қутиси каттами?

Жувоннинг кўзлари пирпираб, оғзи хиёл қийшайди.

— Жиддий гапиряпсизми, укажон?

— Пўчоқ идишининг ҳажми каттами, йўқми, деяпман?

— Яримингизча келади. Сизлар қочсангиз, мени соғ қўйишмайди.

— Сиз, Ойгул, мен — учаламиз қочамиз. Хизматингиз эвазига ўттиз миллион бераман. Розимисиз?

— Сўмдами? Розиман, аммо ўттиз миллион беришингизни нима билан кафолатлайсиз?

— Кафолат нима керак? Бир жойда отамнинг пули бор. Ўттиз миллион нима бўпти!

— Отангиз ким?

— Ўзингизни билмаганга оляпсизми? Мен шу ернинг хўжайинининг ўғлиманинг ку.

— Ҳа-я, айтишганди. «Асираман» деганингизга шубҳаланиб қолдим-да.

— Ойгулнинг отаси ҳам бой одам. Сўраган пулнингизни беради.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Жувон икки йўлдан бирини танлаёлмай қийналарди.

— Сизга омад қулиб боқди, — дедим.

— Ҳар бирингиз учун ўттиз миллион! — кўрсаткич бармоғини нуқиди жувон.

— Мен учун пулнинг аҳамияти йўқ, пул сиз учун қадрли. Ҳатто, ўзимнинг ҳаётимни ҳам ўйламаяпман. Ойгулни бу ердан қутқаришим керак. Кўп юрмаймиз. Ватан чегараси яқин.

— Унда... — жувон юзимдан ўпид олди-да, эшикка юрди. — Менга озроқ вақт керак. Фурсат келганда айтаман.

Хонада ёлғиз қолдим.

— Шунча одамдан, темир тўсиқлардан қочиб қутулишимиз керак, — дедим ўзимга. — Аввал-бошдан сал бошқача бўлганимда, фақат бир кишидан — Дон Тоғадангина қутулишим керак бўларди... Лекин Ойгулни ҳам учратмасдим.

14.Дон Тоғанинг таклифи

Сайр қилиш учун фақат спортзалга боришим мумкин эди. Бир бурчакда хаёлларга кўмилиб ўтирадим. Уста Боласиз ҳувиллаб қолган залга мендан бошқа ҳеч ким кирмасди. Адвокат ҳам дарс ўтмади. Ҳамма ўзининг дарди билан банд шекилли. Мен сифмаяпман, шундай улкан қамоқхонага сифмаяпман. Отаси бунёд этган ер ости саройидан боласи қочиб қутулолмай гаранг.

Онамнинг маъракасида мулла айтган гап ёдимга тушди. Одам вафот этгач, ўликни тезроқ дафн этиш керакмиш. Маҳтал қилиб, арвоҳни азобга қўйиш инсофдан ҳам, имондан ҳам эмасмиш. Спортзалга кўз югуртиарканман, кечагина турс-турс машқ бажарган Уста Бола кўз олдимда жонланди. У битта ўқ билан ўлди. Спорт устаси бўлиб дунёга донг

таратиши ҳам мумкин эди. Бироқ спортни утопик давлат қиролининг манфаатлари учун сарфлади. Қирол қандай одам эди? Мулк учун куч-қудратини аямади. Одамлар манфаати учун эмас. Касалликдан ўлар ҳолатга келгач, танасини музлатиб, эллик йил сақлашга васият қилди. Кейинчалик янги замон шифокорлари жонлантириб, даволармиш. Балки азоб чекаётган арвоҳи ҳозир «Илтимос, жаноза ўқиб, дағн этинглар» деб ёлвораётгандир. Аммо умр поезди кетиб бўлди, овозини ҳеч ким эшитолмайди.

Хонамга қайтиб, телевизорни ёқдим-да, кечаги жувонни ўйладим. Жувон хонамга кириб чиққа, ювощ тортиб қолганимни ҳар ким ўзича тушунди. Ўртада қандай сиримиз борлигидан ҳеч ким хабардор эмас...

Кутилмаганда бошимдан совуқ сув қўйилгандек сесканиб тушдим. Жувонга ўз оғзим билан ўттиз миллион сўм ваъда бердим. Қайси газнам ҳисобидан? Албатта, отам тепаликка яширган бойликка ишондим. Бу ердан қочиб-қутулиб, ватанимга етсам, тепаликни топсам, сандиқни ёлғиз қазиб олсам, жувонга улушкини берсам... Ҳа, мен олтинларни ўзимники деб ҳисоблаётгандим. Бундан чиқди, томирларимда ҳақиқатан Шохол Умаровнинг қони оқяпти, вақт-соати келиб, барибир отамга тортаман. Қўзгуга боқдим. Автомат қўндоғидан қашқа бўлган юзимни ҳисобга олмасам, мен ҳозирча зоҳиран ўзгармаган эдим.

Дон Тоға кириб келди. Телевизорга қараб афтини бужмайтириди.

— Шу ҳам фильм бўптими? — дея бўш кўрсига ўтириди. — Менга қара, юқорида тафтиш ишлари тугади. Марказий Осиё давлатлари ҳам, Россия ҳам, Европа ҳам бункерни сезмади. Афсуски, Америка олисдан туриб, айнан фазовий кемалари билан бир

Азамат ҚОРЖОВОВ

нимадан хитланганга ўхшайди. Ердагилар билмаган нарсани фазодагилар билиши ноҳақлик.

Унга индамай қарадим. Жаҳон ҳамжамиятига чап беришларига ишонмасдим. Осиёдаги пурвиқор тоғда ҳеч қайси давлатга қарашли бўлмаган мулк бор экану ва унинг бункерида асирлар яшар экан, қачонгача сир тутиш мумкин? Атрофдаги мамлакатлар чегарасида жиноий тўдалар бир-бирининг гўштини еганларидан кейин ҳам-а? Патрул ходимлари йўлда мендан шубҳалангандаридан чи-

— Гапимга қулоқ сол, — деди Тоға, — сени бошқа жойга кўчиришга қарор қилдик. Янги макон бункер эмас, очиқ осмон остидаги уй. У ерда сенга битта хавф таҳдид солади: Шоҳолбекнинг ашаддий душманлари яшайдиган ҳудудда кун ўтказасан. Сир сақлашни биласанми? Шоҳолнинг ўғли эканингни айтсанг, гўштингни қиймалашади. Бу ерга келишингдан аввал ҳеч бир жиноят қилмаганман, ювош, беозор боламан, деб керилардинг. Энди оддий болакайга айланиб қолган тақдирингда ҳам шафқат қилинмайди. Айбинг — тахт вориси эканлигинт. Иккинчи хавотирим шуки, сенга отангнинг олтинлари ҳақида гапиришга бир оз шошилибман. Қашқирлар қўлига тушсанг, сирни очиб қўяссанми, деб қўрқяпман.

Тоға бир нафас ўйга толди. Сўнг кўзимга ёввойи мушукдек тикилиб:

— Бундай қиласиз, — деди. Бироқ гапи оғзида қолди, ниманидир ўйлаб пешонасига муштлади. — Бу ерда қолишинг хавфли, у ёқقا кетишинг ҳам. Вақт бўлганида иккимиз онангнинг қариндошларини ахтарардик. Афсуски, уч йўл ҳам нобоп. Демак, Ойгул ва отаси! Ҳа, бу ишни Исмоилга юклаймиз! Нима дединг?

— Мен ҳам шуни ўйлаб юрибман, — дегандим, балога қолдим.

— Ўйлаб юрибсан? Сен ўйлаб юрибсанми? Нима, шунча ақллимисан? Биласан, Исмоилни күришга кўзим йўқ. Унга аввалдан шарт қўйишим мумкин эди, лекин ёқтирмайман. Шохол менинг қадрдоним. Шунча йил бир уйда яшаганман. Лаънати Исмоилга нима дейман? «Раҳбарим бўлмиш қадрдоним Шохолбекнинг асли қаерлик эканини билиб берсанг!» Э, ўлганим яхши эмасми! «Дўстинг сенга ишонмайди, ҳатто таржимаи ҳолини ҳам сир тутибди», демайдими? Шундогам Исмоил неча йилдирки менинг куч-қудратимни тан олмайди. Қилган илтимосим Шохолнинг ҳузурида ҳеч ким эмаслигимни исботлайди.

— Бўлмаса, нима қиламиш?

— Юр, қизни ўртага олиб, Исмоил билан гаплашасан. Нега анграясан? Бу масалада мен унга бир оғиз ҳам гапирмайман.

— У ерда қанча олтин бор?

— Ишинг бўлмасин, тирранча!

— Швейцария банкида пулларингиз кўп экан, битта кичкина сандиқ учун шунча ҳаракат қилаётганингизни тушунмаяпман-да.

— Олтин сенинг ватанингда, — пицирлади Дон Тоға, — тепаликда ётибди. Ўйла, чет элдаги банкка бир миллион доллар қўйгансан, аммо ташландиқ тепаликка кўмилган ўн кило олтиндан ҳам хабардорсан. Хўш, банкда пулларинг кўплитига қаноатланиб, сандиқдан воз кечасанми?

— Кечардим.

— Сен ўз эркингдан ҳам осонгина кечдинг-ку, — масхаромуз ҳиринглаб қўиди Тоға.

15.Кутилмаган хабар

Ниҳоят, Ойгулни кўрадиган бўлдим. Лифтга кирдик. Ер қаърига гувиллаб тушяпмиз. Ҳоли нима кечди экан, деб ич-ичимдан ёнардим.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Тұхта, — деди Тоға йұлакда. — Унинг хонасида телефон ийүқ. Бу ёққа олиб келаман.

Кимең тажрибаонасига үшаш жойга кирдик. Бадбүй ҳиддан үқчиб юбормаслик учун оғзисбурнимга кафтимни босдим. Аксига олиб электр чироқлар ҳам тез-тез хиралашиб үчиб-ёнарди.

— Бу ерга нега келганимизни кимдир сұраб қолса, Ойгул билан учрашмоқчи эканимизни зинҳор айтма, — деди Тоға. — Отанғдан кейин ичимизга шайтон оралади. Мақсадимизни билса, олтингларга шерилек даъво қилишади. Үзинг ҳам үйлаб күргандирсан, нима учун тиллани ахтаряпмиз? Нима учун сени шерик қиляпман? Чунки пулларда фақат иккимизнинг ҳаққимиз бор. Сен үғли бұлғанинг учун, мен фирмани шу даражага етказишда отанғнинг ягона ишонган одами эканлигим... Ҳей, ким бор?

Дон Тоға тұсатдан атрофға алғанлади. Шифтдан томаёттан томчининг овози әшиналди, холос.

— Минг лаънат! Қай гүрдандир сув сизиб чиқяпти. Бу ёмон, жуда-жуда ёмон. Темир деворлар дарз кетса, сувга фарқ бұламиз.

Тоға калитларни шақырлатған күйи чиқиб кетди. Бурчакка писиниб, стулга секин үтирдим. Темир әшик шарақлагани, йұтал овози әшиналди. Чироқлар яна үчиб, қоронғилик ва сукунат чўкди. Сұнгра чироқлар ғингиллаб, тажрибахона ёришди, яна томчи чакиллади. Шу дамда үзимга тикилиб турған ғалати жониворга кўзим тушди. Дастреб кўзларимга ишонмадим. Ахир, у каламуш эди. Мактабда қотирилған нусхасини кўрганман. Шунчалик қўрқардимки...

Лип этиб яна биттаси пайдо бўлди. Пробиркалар тушиб, часир-чусир синди-да, бирданига тўртбештаси столларга ўрмалаб чиқди. Махлуқларнинг кўзлари совуқ йилтиради. Улар пийлдираб, бир оз

яқинлашди. Дон Тоға маҳалладаги йигитларнинг кечқурун пиво ичиб, писта чақиб, асфальтга туфлаб ўтиришганини кўрганда, азбаройи ғазабланганидан қотилликка қўл уришига бир баҳя қолганди. Ўзларининг маконида эса каламушлар ўйнаб юришибди.

— Тоға, — дедим эшикка мўлтираб.

Каламушларнинг янги тўдаси эшик томондаги столни эгаллашга киришди. Улар мени қуршаб олиб, оч бўрилардек ташланишни режалаштираётганга ўхшарди. Ўзимни ҳимоя қилиш учун қурол қидирдим. Мана, топдим. Бу оғир чопқи эди. Ҳар ҳолда тўқнашув бўлмайди, деган умидда эшик сари юрдим. Бироқ аллақандай челакка сурилиб кетдиму худди челак ичидан думалаб чиққандек семиз, ялтироқ, силлиқ думли каламуш йўлимни тўсди. У шунчаки йўл тўスマган экан. Ногаҳон оёғимни мўлжаллаб юргургилаб қолди. Оппоқ тишларини яққол кўрдим. Ўзимни орқага отдим ва шу аснода чопқи билан бошига туширдим. Ҳаммаси шундан сўнг бошланди. Чийиллаган, питирлаган овозлар, шишаларнинг синиши мудҳиш бир талончиликдан дарак берарди. Биринчи марта жиним қўзиди. Хўрламаган битта шу каламушлар қолдими деб яқинлашганини бир зарб билан қонга белайвердим. Аҳмоқ кемиравчилар шунда ҳам чекинмасди. Жароҳатланганлари ҳам нари кетмас, танамга бир бор тиш ботириб ўлишни истарди гўё. Овозим борича бақириб, ҳужумларни даф қиласвердим. Чопқи уриш орасида қўлимга илакишган стул, кути, шиша идишларни ҳам улоқтиардим. Бир лаҳза гафлатда қолсан ярамас заараркунандалар болдиримдан оларди.

Шиддат билан кечган ўн дақиқалик жанг ҳолдан тойирди. Олиша-олиша йўлакка чиқиб, эшикни қарсиллатиб ёпдим-да, калитни бурадим ва қон-

Азамат ҚОРЖОВОВ

дан қизарған чопқини жаҳл билан улоқтирдим.
Жаранглаган овоз тингач, Дон Тоға сүкінди, кейин:

— Семисан? — деб ажабланди. — Нима бало
қиляпсан?

— Тажрибахонада каламуш боқяпсизми? — дедим
хансирағ.

— Биронтасини үлдириб қўймадингми? — Ал-
лақандай занжирлар билан овора Тоға пичинг қилди.

— Улар менинг қадрдонларим.

Шу пайт нимқоронғи йўлак деворига суюниб
турган шарпани пайқадим. Чопиб бордим, у Ойгул
эди.

— Ойгул... Ойгул... — деб қўлларидан тутдим.

Қиз бояқиши менга маъносиз тикилди. Ундан
ёқимсиз ҳид анқирди, аъзойи бадани шишган,
совуқдан кўкарган. Айниқса, йиртилган кийимла-
ри-ю тирналган оёқ-қўллари этимни жунжиктириб
юборди.

— Нима қилдинглар уни? — қичқирдим Тоғага. —
Одам эмас, ҳайвон экансанлар!

Қизни суюб йўлак бошига юрдим. Дон Тоға бир-
бир қадам ташлаб ортимиздан келаверди. Лифтга
етганимизда, деди:

— Қаёққа, Орифбойвачча? Менимча, бу қиз кеча
хонангда тунаган жувон ўрнини босолмайди. Кўриб
турибсан, ночор аҳволда.

— Ҳали сен билан ҳисоб-китоб қиласман! — дедим.

— Боядан бери кимни сенсираяпсан?

Бир-биримизга нафрат билан тикилдик. Шу тобда
мен қисматимга ҳам, отамга ҳам, қаршимда турган
одам қиёғасидаги иблисига ҳам лаънатлар ўқирдим.

— Сен ҳурмат қилинадиган одам эмассан! — дедим
ташланиб. — Мақсад-муддаонг нима? Ўша чириган
темир қутию сариқ металларми? Топиб бераман!
Телефон қаерда?

У бизни лифтга итариб киргизиб, мушти билан пүпіса қилди.

— Мен шунақа бұлсın дебманми? Ҳаммаси манавининг отасидан! Нега у бўйсунишни истамади? Нега ўзбошимчалик қилди? Булар ҳам майли. Бизга қарши зимдан курашишига қандай ҳадди сифди? Исмоил ҳеч қандай тоза одам эмас. Ҳалол бизнес қилганида эди, биз ҳақимиздаги барча маълумотларни, мана шу бункерни ҳам атрофдаги давлатларга сотарди. Нега атрофдаги давлатлар тўрт томонимиздан ёпирилиб келиб, тоғни эгаллаб олмаяпти? Нега биз ўртадаги вакуум давлатча бўлиб қолдик? Ҳа, Исмоил кўп нарсани тушунади. Тушуниб туриб, зимдан иш қиласи.

— Зимдан иш қиласа, сизлар ҳақингизда хабар берарди! Сотганини қаёқдан билардиларинг?

— Бир тўда жайдари ит тўдаси! Агар оддий одам бўлганида у билан ҳам, қизи билан ҳам заррача ишимиш бўлмасди! Ақлинг етмаган ишга аралашма!

Дон Тоға кафти билан пешонамга туширди, бошим лифт деворига урилди. Қиз сесканиб тушди, аммо ун чиқаролмади. Дир-дир титраётгани баттар хўрлигимни келтириди.

— Гапларингда ҳам, ўзингда ҳам тутурук йўқ, — дедим бўш келмай. — Аслида каламушларни эмас, сени ўлдиришим керак эди.

— Ўчир деяпман! Йўқса... — Тоға ханжар дастасини чангаллади.

— Менга ва ҳимоясиз қиз болага кучинг етади сенларнинг! — жазавамга яна мой сепилди. — «Оддий одам бўлганида» дейсан! Мен ким эдим? Тутуригинг бўлса айт-чи! Уйдан чиқмаган фўр бола эдим! Нега ўғирлаб келдинглар? Нима гуноҳим учун сассик қонунларингга бўйсундиряпсанлар? Меросхўр бўлганим учунми? Менга керак эмас пулларинг,

Азамат ҚОРЖОВОВ

мулкларинг, бунақа мерос! Мен меросхўр бўлишни хоҳламайман!

— Сен туғма жиноятчисан! — фиппа бўғди Тоға.
— Кимнинг боласи эканингни унутма! Энг муҳими, қочиб кетмадинг. Ўшандা қўлингга қурол бериб, музга юбордим. Нега ички ишлар органига бормадинг? Бунинг устига ширақайф йигитларга ўқ уздинг. Ёлғонми?

— Улар ҳақорат қилишди, мени урмоқчи бўлишди.

— Раҳмат, ўзингга келяпсан! Сен аслида сочингдан тирноғинггача бизникисан! Яхши одам давлат қонунларини ҳурмат қиласди. Яна ўзингни оқлашингни қара-ю! Давлат қонунларини ҳурмат қилганингда ўн саккиз ёшинггача уйингда текинхўр бўлиб яшармидинг? Маҳалла-кўйингдан узилармидинг? Ҳеч қанақа касб эгалламаганинг ҳам қонунларга тупурганингдан далолат беради. «Мен билан бирга юр» деса, юраверасанми? Курашмайсанми уйинг, маҳалладошларинг, ватанинг учун? Йўқ, сенга ўз жонингдан бошқаси керакмас. Кимлигинги билмасдан менга эзгуликдан вაъз ўқима!

Дон Тоға аразлаган каби қовоқ ууб, лифт эшигига юз бурди. Эшик очилди, биз гилам тўшалган ёруғ йўлакка чиқдик.

— Нима гап, Дон? — пешвоз чиқди Адвокат. — Ахир, қизни пастдаги хонада сақтаймиз деб...

— Бошимни қотирма! Сал бўлмаса, асирилизни каламушларга ем қиласдик. Қонунларни сув қилиб ичгансану асиrlарни сақлаш қоидаларини тан олмайсан! Искандар қани? Қизнинг аҳволи яхшимас.

Ойнаванд хона пардаси орасидан кимdir мўралади, йўлакнинг нариги томонида яна иккита йигит кўринди. Сездим: ҳамма бизга шубҳаланиб қарамоқда. Афтидан Дон Тоға исён кўтарди, деб ўйлашяпти. Ойгулни ким халос этса, «Сибирь»

салтанати устига түпланган қора булутлардан осонгина қутулиш имконини құлға киритарди чоги. Қолаверса, «Сибирь» бункери шундай бир қамоқхона эдики, маҳбуси ҳам, қоровули ҳам ўзлари эдилар. Отам бундай тизимни кашф этишда даҳо бўлганига шубҳа қилмасдим.

Шифокор етиб келди. Ойгулни озода, ёруғ хонага киргизиб, күшеткага ётқиздик.

— Нима қилай? — Дон Тоғага ҳайрон бўлиб қаради шифокор.

— Ҳозирча ўлмай турсин, — зарда билан гапирди Тоға. — У керак, тушундингми?

Шифокор Ойгулга яқинлашди.

— Барибир ўлдирасиз, — деб пичирлади Дон Тоғага. — Даволашимнинг нима кераги бор?

Ойгул алаҳсираётгандек нималардир деди. Адвокат мени четга имлади.

— Уни нима қыммоқчисиз? — деб сўради мендан. — Нега пастки бўлмага тушиб, бу ёққа келтирдингиз?

Кўзига ғазабнок нигоҳ қадаган эдим, отамнинг малайи донг қотди.

— Бу қиз инсон, — дедим. — Инсон боласи! Бечорага ёрдам бермасак бўлмайди.

Шу пайт Дон Тоға ҳам бизга қаради. Адвокат унинг ёнига шамолдай учиб борди-да, мени қўрсатиб:

— Нималар бўляпти? — деди. — Ҳалитдан ҳуқуқларни ким беряпти? Тушунмаяпман сизга, Дон!

Дон Тоға Адвокатни йўлак охирига етаклади.

Ярим соатдан сўнг учаламиз: мен, Ойгул, Дон Тоға битта хонада эдик.

— Бу Европа орқали алоқага чиқиладиган маҳсус телефон, — деди Тоға гўшакни силтаб. — Қаердан қўнғироқ қилаётганимизни ит ҳам аниқлаёлмайди. Тўғридан-тўғри қўл телефонига чиқамиз. Иложини топиб, отангнинг ҳам қаерданлигини сўрайсан.

Азамат ҚОРЖОВОВ

У Ойгулга қофоз ва ручка тутқазди.

— Даданғынг телефон рақамларини ёз. Ёзмасанг ҳеч қачон уйингга кетолмайсан.

Қиз ҳамон караҳт эди. Катта бесұнақай рақамларни қалаштириди. Дон Тоға рақамларни териб, гүшакни менга тутқазди. Нариги томондаги одам ҳам гүшакни күтарди.

— Ассалому алайкум, Исмоил акамисиз?

— Ким билан гаплашыпман? — Салобатли овоз мени довдиратиб қўйди.

— Мен Орифман.

— Э-э, Ориф Шохолович! Қачон келдинг?

— Келганим йўқ.

— Бундан чиқди, ҳалиям ўша ёқда экансан-да?

— Ҳа, Ойгул ҳам ёнимда.

— Унга бармоғингни теккизсанг ўласан, — деди Исмоил ҳамон хотиржамлигини йўқотмай. — Гүшакни бер-чи қизимга.

Дон Тоға бош чайқади ва «Мақсадга ўт» деб шипшиди.

— Беролмайман.

Нариги томондан совуқ кулги эшитилди.

— Кимлигимни айтишдими?

Ичимга титроқ кирди.

— Ҳа.

— Сени ҳам яхши биламан. Оиласандан фақат ўзинг қолгансан. Қийналган, мажруҳ, ақли қусур боласан. Үмуман олганда, қизим сенинг қўлингда эмас. Бир уюм баклашкалардан биттасисан. Неча кундирки қўнғироғингга зор эдим. Мана, яширин рақамдан бегона йигитчанинг овозини эшитдиму сенлигингни сездим. Хуллас, гапимга қулоқ сол! Биринчи ва охиригина илтимосим шуки, ҳозир қаердалигингни айт!

Дон Тоғанинг кўзлари олайди, мени туртиб «Мақсадга ўтасанми, йўқми?» деб пичирлади.

— Мен шуни сўрамоқчийдимки... — деб мужмалландим.

Исмоилнинг энсаси қотди.

— «Сибирь» ҳудудидамисан?

— Сиздан шуни сўрамоқчиманки...

— Тушунмадим, мендан нима сўрамоқчийдинг?

Бунча чайналдинг? Нон еганмисан?

— Онамни танир эдингиз-а? Яқинда вафот этди. Онамнинг қаерданлигини билмоқчийдим.

Исмоил тамшанди чоғи, чалпиллашга ўхаш овоз қулоғимга чалинди. Кейин «ҳм» деб хийла узун товуш чиқарди.

— Демак, менга шунинг учун қўнғироқ қилдингми?

— Ҳа.

— Анави аҳмоқ Мамашарифдан рақамимни қандай олдинг? Ё ўзлари топиб беришдими? Онанг учун топиб беришганига ақлим бовар қилмаяпти.

— Мамашариф акани танимайман.

— Дон Тоға Иккинчи деган сохта кимсани танирсан?

— Дон Тоғаними? Танийман.

— Худди ўша нусханинг асл исми Мамашариф. Ўзи бир тийинга қиммат, фирт тентак одам.

Дон Тоға тишларини фижирлатди. Унинг қанчалик фазабланаётганини кўриб юрагим гупириб урди, томирларимда титроқ уйғонди.

— Кечирасиз, — дедим гўшакни қулоғимга маҳкам босиб, — У кишининг кераги йўқ... Онамнинг қаердан эканини айтсангиз... Ойгулга ҳеч нима бўлмайди.

Исмоил хаҳолаб кулиб юборди.

— Мамашариф шундай деяптими?

— Ўзим...

— Кечирасану онангнинг асли қаерлик эканини мен билишимни қандай аниқладинг? Қизимдан

Азамат ҚОРЖОВОВ

телефон рақамимини олиб, менга шарт қўйишинг ҳам фалати. Ўзинг ана ўламан-мана ўламан деб жар ёқасида турибсану Шохолнинг одамлари ўғирлаган қизимнинг ҳаёти сенинг қўлингда бўлиб чиқадими? Шохол ҳам, малайлари ҳам томи кетган телба сувараклар экани бизга маълум. Агар уларда Адвокат бўлмаганида, Европадаги қояларга илгак отиб, арқоннинг бир учидан ушлаган кўйи тубсиз ўпқон узра осилиб олмаганларида, аллақачон жаҳаннамга равона бўлишарди. Ёвропанинг валлади зино етимчалари ҳозир телефонни эшишиб ўтиришгани ҳам шак-шубҳасиз! Бир тўда ювуқсизлар тоғнинг бошида битта ГЭС, озиқ-овқат омборлари, тоғ боғдорчилиги, сув ости ва сув усти омборлари қуриб, бутун Осиёга таҳдид солишмоқчими? Сув – тинчлик элчиси. Ким ундан уруш йўлида фойдаланса, охири ўзига вой.

– Онам қаерданлигини айтинг, илтимос?

– Ё тавба, бу сенга нега керак? Тириклигила хабарлашмаган оқибатсиз қариндошларни мен ахтармасдим.

Дон Тоға Ойгулнинг социдан бураб, гўшакка энгаштириди. Бечора қиз аламли ингради.

– Аблаҳлар, қизимни хафа қилманлар! – ғазаб отига минди Исмоил. – Уни хафа қилиш сўнгги чораларинг! Акс ҳолда мен ҳам охирги чорамни қўллайман! Шохолдан ҳам, ўзимдан ҳам ном-нишон қолмайди! Шуни истаяпсанларми?

– Нега бунча бераҳмсиз? – дедим. – Ахир, Ойгулнинг отасисиз-ку, Исмоил ака! Қизингизга ёрдам беринг. Одам ҳайвондан фарқланиши керак.

– Кимни ҳайвон деяпсан, мишиқи бола?

– Нега тушунмайсиз? Қизингиз ҳозир бир аҳволда ётибди. Врачнинг хонасига олиб келдик. Агар онамнинг қаерданлигини айтмасангиз, у ўлади.

— Шунақа де, — Исмоилнинг овози бўғилди. Сўнг томоқ қиргач: — Чакки иш бўпти, — деди. — Сенларни ҳеч қачон кечирмайман.

— Бунақа бўлишини хоҳламагандим. Уни қутқармоқчи бўлдим. Ҳатто одам ҳам ўлдирдим. Ишонмасангиз қизингиздан сўранг. Исмоил ака, менга отам ҳам, сиз ҳам керак эмассизлар. Ҳеч кимга хусуматим йўқ. Тўғри айтдингиз, бу ерда ҳеч кимман. То ўғирлаб келмагунларича дунёда шунақа ишлар борлигини билмасдим.

— Одамзот ваҳший эканини, ҳайвонми?

— Нега қизингизни ўйламаяпсиз?

Дон Тоға турткилаб, деди:

— Сўра, сўра деяпман.

— Онам қаерлик эканини айтинг, Ойгулнинг ҳаёти сақлаб қолинади. Улар шундай дейишяпти, Исмоил ака. Тўғри, қизингиз менинг қўлимда эмас, лекин умид бор. Ишонинг.

— Майли, айтаман, бироқ сўзларингта қандай ишонсам бўлади?

— Агар Ойгул сизга бегона бўлганида ҳам шу бир оғиз маълумотни қизғаниб, нима зарил эди сизга? Онам ўла-ўлгунча болалиги, қариндошлари ҳақида ҳеч нима гапирмаган. Буларнинг бари онамнинг ўлимидан қирқ кун ўтиб, ўн саккизга кирганимда бошланди.

— Яхши, аммо мен онангнинг ўтмишини билишимни ким айтди сенга? Отангми? Ҳозир суҳбатимизни Шохол, Дон Тоға, Адвокат каби музлатгич сувараклари эшлиб туришибдими?

— Йўқ.

— Ёнингда ким бор?

— Дон Тоға.

— Отанг қани? Нега бу муаммони отанг билан ҳал қилмаяпсан? Онангнинг қаерданлигини билиш

Азамат ҚОРЖОВОВ

учун қизимни гаровга олишмагандир? Онанг ҳақида отанғ күп нарсани билади, ахир!

Дон Тоға менга секин бош чайқади.

— Отам бошқа хонада, — дедим.

— Ақлым етмаяпти, нега кеманинг курсини бунақа ўзгартирди экан бу иблизлар?

— Сиздан сұрашим керак эди, сұрадим.

— Нималарнидир тушунгандек бұляпман. Майли, гүшакни Ойгулга бер.

Дон Тоға «Аввал айтсін» деб күzlарини олай-тирганча вишиллади.

— Бераман. Аввал айтинг.

— Оббо, қайсар-ей. Аммо менга ёқяпсан, жиян. Балки сени күёв қилиш ҳақида ўйлаб күришим керакдир? Нима дединг?

— ...

— Эшит, Эхсоной менга она томондан узоқ қарындош эди. Аниқроғи, онамнинг отасига жиян бұлмиш аёлнинг қизи. Тушундингми? Менинг шаҳримдан сал кам юз чақирим шарқда. Самарқанд-га борғанмисан?

— Ыуқ.

— Самарқанд вилоятіда Чивинтепа деган жой бор...

Бир вақтлар онам туғилған, атак-чечак бўлған, қизалоқлик даври ўтган жойларни кўраманми, деб юрагим севинчга тўлди. Онамнинг болалиги ўтган қишлоқ, ўқиган мактаби, юрган кўчалари, ака-ука-лари-ю опа-сингиллари, эҳтимол, ҳаёт бўлса, ота-онаси, яъни бобом ва бувимни кўраман, танишаман...

— Сенинг баҳтиқаро онанг худди ўша чивинтепалик. Менга қара, сен ҳам отанғга ўхшаб музюрак эмассан, деб умид қиласман. Гап-сўзларингга қа-раганда, қалбингда эзгулик олови ёнаяпти. Лекин

шунча йил онангнинг жигарларини суриштирмай қандай яшадинг?

— Афсусдаман. Уйдан сўроқсиз бир қадам ҳам чиқмаганман.

— Бўлиши мумкин. Онанг сени аждаҳодан аяган.

— Отам қаерданлигини ҳам билмайман...

— Етар, бас! — деди Исмоил. — Гўшакни Ойгулга бер. Барибир жумбоқларингга тушунмадим.

Қиз гўшакни олди. Отаси билан ҳол-аҳвол сўрашмади ҳам. Фақатгина «Ҳа» деганини эшиздим.

Шу заҳоти Дон Тоға гўшакни юлқиб олиб, жойига қўйди-да, Ойгулга тарсаки туширди. Мен Тоғага ташландим. Тоға ёввойи отек бир ирғиб мени хона ўртасига улоқтириб юборди.

— Кимсан? Кимсан деяпман? — деб бўкирди Тоға асиранинг ёқасига чанг солиб.

Хонага Адвокат ва шифокор чопиб кирди. Дон Тоға уларга қараб аламли кулди.

— Бу қиз, — деди у, — Исмоилнинг боласи эмас! Палабийқ алданган! Биз ҳам! Айтдим-а Исмоил нега ўзини хотиржам тутяпти деб. Ҳозиргина гаплаштирдим. Исмоил: «У ўлдими?» деб сўради, қиз: «Ҳа», деди. Шохол йўқлиги энди душманларга маълум.

— Шу етмай турувди, — деди Адвокат.

— Бўлиши мумкинмас, — оқариб кетди шифокор.

— Биз фафлатда қолиб, ўз уйимизда жосусни сак-ляяпмизми?

— Жосусни ўлдиришдан фойда йўқ, лекин тирик ҳам қўйиб бўлмайди, — дея Дон Тоға тўппонча оғзи-ни Ойгулнинг чаккасига босди.

Кутилмаган ҳақиқатдан мен ҳам лол эдим.

— Айт кимсан? — сўради Тоға. — Учгача санайман. Бир, икки...

— Айтаман, — деди қиз.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Дон Тоға түппонча оғзини шифтга қаратди.

— Раҳмат, — қиз миннатдорчилик билдири. — И smoил аканинг қизи эмаслигим рост. Улар мени шунга мажбур қилишди.

— Ҳар ким ҳам уддалаёлмайды, — деди Адвокат. — Соғ қиз бунақа ишга ўлса ҳам рози бўлмайды. Сен аввалроқ маҳсус тайёргарликдан ўтгансан. Қани, гапир, кимсан? Қўлдан келганча ҳаётингни сақлаб қолишга ваъда бераман.

— Исмим чиндан Ойгул. Ўн саккиз ёшдаман. Тўққизни тугатиб, ҳеч қаерда ўқимадим. Онам писта сотарди, ёрдамлашиб юрардим. И smoил aka мени ишга таклиф этди. Шунақа ишга. Пул учун кўндим.

— Қанча тўлашди сенга? — силтади Дон Тоға.

— Бунинг нима аҳамияти бор? — фижинди Адвокат.

— Отам бир неча йилдан бери оғир касал, — давом этди Ойгул. — Укаларим айни ейдиган, ичадиган ёшда.

— Сени қаерда тайёрлашди? — ёқасидан маҳкамроқ чангллади Дон Тоға. — Балки И smoилдан бошқаларга ҳам хизмат қиласидиган бўлиб чиқарасан?

Ойгул ҳолсизликдан тобора сўлиб борарди. Дон Тоға қўйиб юборгач, стулга зўрға етиб борди. Негадир менга қаради.

— Кечиринг, — деди айбдорларча, — сизни ҳам алдадим... Пул учун ҳаётимни тикдим...

— И smoил сени қандай топди? — сўради Адвокат.

Ойгул теграсидагиларга кўз юргутирди. Кўзларида зоҳир бўлган мўлтирашни кўриб ичим ачишиб, бўғзимга нимадир тиқилди. Пул учун ўзини асирага айлантирди, зах камерага тушди, ўлим кўланкасида қолди, қиз бола боши билан.

Ойгул учун ичимда йиғлардим.

— Ҳеч қанақа жосуслик мактабида ўқимаганман, — деди Ойгул. — Бир куни писта, сигарет, сақич

сотиб ўтиргандим. Бир киши писта сотиб олди. Кутганимдек пул бермай, күчанинг нариги томонига юрди. Бирдан машина зарб билан уриб юборди. Мен нима қилишим керак эди? Қарасам, ўлиб ётиби. Бу ёқда писта пули тұланмаган. Онамга нима дейман? Бир стакан пистани марҳум ўзи билан олиб кетди, дейманми? Мурдага яқынлашдим. У мингталикларни сиқимлаб ётарди. Битта мингталикни олиб, ўрнига беш юзталикни ушлатиб қўйдим. Милиция бир ҳафтача терговга чақирди. Ниҳоят, қутулдим деган күним яна бир шубҳали киши писта сотиб олди. «Ўликдан қўрқмайсанми?» – деб сўради дабдурустдан. «Буни нега сўраяпсиз?» – ҳайрон бўлдим. «Ички ишлардан эмасман, – деди у. – Биттасини машина уриб кетганини узоқдан кўриб қолдим. Одатда бунақа воқеанинг гувоҳи бўлган қизлар ё ҳушидан кетади, ё чинқириб қочади. Сен эса ўликдан пул олиб, қайтим ҳам қайтардинг. Совуққонлик, лоқайдлик, бағритошлик деб ҳисобламайман. Бу ҳақиқий романтика. Тўғри, рўпарангда одам ўлиб ётганда, сен хотиржам ўтириб писта сотсанг, кўпчилик ёмон хаёлга боради». «Қўлимдан бошқа нима ҳам келарди», дедим. Шунда нотаниш киши атрофга ўғринча қарагач, рўпарамга чўкди. «Қўлингдан кўп иш келади, – деб жилмайди. – Шу вақтгача ҳеч ким тузукроқ иш таклиф этмаган кўринади. Ташқи кўринишингдан қизимга ўхшаркансан. Сендеқ ботир қизлар ҳозир анча камёб». Хавотирланиб: «Сизга нима керак ўзи?» – дедим. У бир боғлам пул бериб, ишхонасининг манзилини айтди. Менбоп ҳалол иш борлигини айтди. Бордим. Яна пул берди. «Қизимнинг ишларига қарашган бўласан, кейинроқ бир жойга юбораман, у ерда душманларим сени ўғирлаб кетади, қўрқма, сал ўтмай қутқариб оламан», деди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Ойгул полга ўтириб, тиззаларини құчоқлади. Бир оздан сүнг елкаси титрай бошлади. Ўзига раҳми келиб, хұрланиб йиглаётганини кузатган Дон Тоға полга туфлаб, ҳамтвоқларига қаради.

— Яхшиямки, Шохол йўқ, нақ ўлиб кетарканмиз.

— Шохолбекни тинч қўйинг, — деди Адвокат. — Кизни нима қилмоқчисиз?..

Дон Тоға тўўпонча тепкисига бармоғини қўйиб, бояқиши қизни мўлжалга олди. Файритабий куч билан ўзимни Ойгул томон ташлаб, гавдам билан тўсарканман:

— У бункер ҳақида ҳеч кимга оғиз очмайди, — дедим. — Бу ердан чиқармаймиз. Ким яхши, ким ёмон, энди фарқлаяпти. Ахир, Исмоилнинг талаби билан шу кўйга тушди. Шундан кейин ҳам уларга хизмат қиласиди, деб ўйлайсизми, Тоға? Йўқ, мана, Ойгулнинг ўзи ҳам айтяпти... Ойгул... Ойгул...

Киз ҳушидан кетган эди.

16. Қочоқлар

Ўша куни кечқурун хонамнинг эшиги тақиллади. Ўрнимдан турган ҳам эдимки, тақиллатувчининг ўзи эшикни қия очиб, лип этиб кирди. У ўтган ҳафтадаги жувон эди.

— Бугун кечаси ошпаз билан юқори қаватга, чиқиндилар тўқиладиган бўлмага чиқаман, — деди у. — Ахлат қутисида жой бор. Уни шахтага ағдаришса, чиқиндихонага тушасизлар. Унчалик баланддан йиқилмайсиз. Қиялиги бир оз узун, холос. У ёғига паналаб қочса бўлади. Мен ҳам изингиздан сакрайман. Айтгандай, бир нарса сўрамоқчиман. Сиз Ойгул деб анави шифокор даволаётган, бугун 26-хонага ётқизилган қизни айтмаяпсизми? Мен уни танидим. Аввал қаерда кўрганимни сўранг.

— Қаерда? — дедим сергак тортиб.

— Аёллар қамоқхонасида. У одам ўлдирган.

— Балки янгишаётгандирсиз?

Жувон кескин бош чайқади-да:

— Қасам ичаманки, у бир тийин ҳам топиб беролмайды, — деди. — Бой-бадавлат одамнинг қизиман деса, лақقا тушаверманг. У собиқ маҳбус. Пистафурушнинг қизи.

— Тұғри, — дея пешонамни ишқаладим, — кимлигини бугун билдім. Барибир мен билан кетиши керак. Уни олиб чиқишининг иложини қилинг. Айтган пулимга құшаман.

— Қанча?

— Ұзимга қанча берсам, унга ҳам шунча.

— Орифжон, — деди жувон, — хафа бұлманг, сизга ишончим йүқолаяпти. Нега денг?

— Устимдан куляпсизми? Құлингиздан келмаса, ваъда берманг эди.

— Үттиз миллион сүмни қаердан топиб берасиз? Мана, менинг нега ишончим йүқолаяпти.

— Бүш-баёв бола деб ўйлайпсизми? Ҳа, шунақа здим. Энди ўзгардим.

Жувон масхараомуз кулиб юборди.

— Бүш-баёвлигингиз билан нима ишим бор? Жонимни хатарга қўйиб сизларни кутқараману уйимга бир тийинсиз бораманми? Орифжон, укажон, акажон... пулингиз йўқлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Агар бу ердан кетишини жуда истаётган бўлсангиз... — Жувон атрофга аланглади.

— Эшитишимча, номингизга банкка пул қўйилармиш. Ҳужжатлари сал чатоқроқ дейишди. Мени тушунгандирсиз?

— Тушуняпман.

— Банкдан пул олиш йўлини қилинг. Масалан, юристдан ҳужжатларингиз ҳақида сўранг. Адвокат

Азамат ҚОРЖОВОВ

деган киши бор экан-ку, дангал бориб сўрайверинг. Ишқилиб, уларсиз ҳам банкдан пул ололадиган бўлинг-да.

— Банкдаги пуллари ўзларига сийлов, — дедим ва ҳеч қачон айтмасликка онт ичганим сирнинг учини чиқардим: — Отам бойлигининг бир қисмини тилла-га айлантириб кўмиб қўйган. Қаерга кўмилганини биламан.

— Бу гапингизга қандай ишонаман? — кўзларини катта-катта очди жувон.

— Ишонмас экансиз, нега келдингиз? Мен ёлғончи эмасман!

— Сизни ёлғончи демадим-ку.

— Ёрдам беришни хоҳламасангиз, чиқиб кетинг! Пул, пул, пул! Умрингизда бир марта бировга беминнат хизмат қилинг, сизга ўша ҳаром пуллардан кўтаролганингизча бераман.

Жувон бир лаҳза синчков қараб қолди. Кейин ёнимга мушукдек яқинлашди.

— Ишонаман, Орифбек, ишонаман, — деди.

— Қўлимдан келгунча ёрдам бераман деяпману! Тўғриси, бу ерда ишлаш жонимга тегди. Тушларимда сув босиб кетадими-ей, ер қаърига ўпирилиб тушадими-ей...

У чиқиб кетгач, ўй-хаёллар исканжасида узоқ ўтиридим. Жувон гоҳ халоскорим, гоҳ фитначи бўлиб туюларди. Нима бўлса ҳам, қўл қовуштириб ўтиришни истамасдим. Ҳар бир сония ғанимат эди. Балки кечаси Ойгулни ўлдириб қўйишар, балки эртага бункер фош этилиб, бошим адоқсиз терговлардан бўшамай қолар...

Орадан уч соат ўтди. Кутавериб, тоқатим-тоқ бўлганди, кимнингдир қадам саслари яқинлашди. Эшик очилди.

— Яхшимисиз, жоним? — деди жувон лабларини

чүччайтириб. — Хонангдан бир қадам ҳам чиқма дейишганми, нега қоқилган михга ўхшаб бир жойда ўтирибсиз? Қалинроқ кийиндингизми? Юринг.

Хеч қандай түсиқсиз ошхона эшигигача етиб бордик. Афтидан ер ости салтанатининг нозик томони шу аёл эди. Ошхона бўлмасига ўтадиган эшик тақа-тақ берк экан, жувон қалин ойнани қўрқа-писа чертди.

— Ойгулни ичкарига киритганман, — деб шивирлади у, — қути ичида ётибди. Боя қўлга тушишимиздан Худонинг ўзи асрари, Дон Тоға келиб қолди.

Юрагим гуп-гуп уриб жувонга қарадим.

— Ҳа, Дон Тоға, — дея у ҳам менга қўрқа-писа кўз ташлаб қўйди. — Ойгулни пайқаганида борми, жойимизда ўлдирарди. Нима қилиб юрганимни сўраганди, ошпаз чақирганини айтдим. «Ошхонага ҳам чақирадими, чўчқа?» дедиу изига қайтди. Ҳозир яна мени учратса, бунинг устига сиз билан, тамоммиз. Қалин кийимларимиз ҳам фош этиб қўяди.

Жувон гапириб турган чоф ичкарида бир йигит пайдо бўлди. Унга кўзи тушган жувон сесканиб тушди. Йигит мийифида кулиб эшикни очди.

— Яна келдингми? — сўради у.

— Уч кундан бери қорамни кўрсатганим йўғу, — ноз-карашма қилди жувон, — нима бало, тушингизда кўрдингизми? Мана, янги хўжайн. Айтгандай, ошпаз акам қани?

Ундан қутулиш учун салкам ярим соат вақт кетди. Умримда ҳеч бунчалик тоқатим-тоқ бўлмаганди. Ахийри, жувон мени ахлат қутисига жойлаштириб, устимга пўчоқ, бўшаган идишлар, овқат қолдиқларини ағдарди. Бир зумда оёғим увишди, нафас олишим қийинлашди. Ойгул касал ҳолида анча вақтдан бери қутида эканини ўйлаб,

Азамат ҚОРЖОВОВ

күнглим баттар қоронfilaшди. «Чидашим керак, бу ҳам ўткинчи... бу ҳам ўткинчи...» деб ётавердим.

Хайрият, ошпаз ва жувон күп куттирмай қутиларни лифтга киритиши. Юрагинг сиқилиб кетганида ҳаракатни ҳис этишинг алланечук таскин бераркан кишига. Лифт умидбахш ғувиллади. Биз юқорига – ер устига чиқмоқда эдик. Бир оздан сўнг қоровулнинг гапи эштилди:

– Яна икки қутими? Дарров тўлиб қолдими?

Жувон ҳазиллашди:

– Еб-ичишида ҳеч ким ўйламайди, ювинди-ю пўчоқларга келганда, тан олмайсизларми?

– Еб юборганларимизнинг шунча пўчоги чиқдими, деб ишонгим келмаяпти-да.

Ошпаз ҳам гап қўшди. Ўзаро алланималар деб ҳиринглашдилар. Улар қутиларни қалдир-қулдир қилиб йўлакдан судраб кетаётгандарида күнглимдан «Наҳотки, жаҳаннамдан қутулаётган бўлсан? Кучли қўриқланмас экан-да?» деган севинчга тўла хаёл ўтди. Аммо қувонишга эрта экан. Йўлак охирига етмасимиздан Дон Тоганинг ваҳшатли овози янгради:

– Хой, бу аёл чиқиши йўлагида нима қилиб юрибди? Сендан сўраяпман, ит? Рухсатимсиз саройдан чивин ҳам учиб чиқмаслиги керак, дегандим. Уста Бола ўлган бўлса, унинг вазифасини бажаришга одам тайинланган. Қани қоровуллар бошлиғи?

– Кечиринг, у ҳар замонда бу ёққа чиқади, – ошпазнинг тили зўрга айланди.

– Нега рангинг оқариб кетди? Қочириб юбормоқчимисан? Ўзи бугун хаёлимдан пўчоқлар ташланадиган шахта ўтган эди-я!

– Йўғ-е, Дон Тоға, бу ердан қочиб бўлмайди-ку. Қаёққа ҳам қочарди.

– Ҳар бир хоинлик ўлим, – деди Тоға қутига яқин келиб. – Хоинни тутиш юз минг доллар мукофот деб

үнинчи марта вайсаяпман! Ҳұв, сен икковинг! Шу буйруқни эшитмаганмисан?

Қоровуллар ҳам каловланиб қолишиді. Бири:

— Дон Тоға, орамизда сотқин йўқ, — деди. — Бўлиши ҳам мумкинмас. Агар ниманидир сезганимизда, юз минг доллар учун эмас, ўзимиз учун, сиз учун қатъий чора кўрардик.

— Шундай экан, бу нима аҳвол? Рухсат берилмаган аёл юқори қаватга чиқса, сайд қилиб юрса, кўра била туриб ўтказиб юборсаларинг!

Эътиrozлар эшитилмади. Дон Тоға бир неча сония ўйлагач, деди:

— Майли, сен чиқиндини тўкиб кел, пастда гаплашамиз. Оғир вазият ҳукм суряпти, пойлаб юрганлар кўп. Бунча нарсани кимлар еяпти деб бошларини қотириб кўрса, биладики, «Сибирь» фирмаси тагида бункер бор, бир тўда мол охурдан бош кўтартмай кавшаняпти. Эртага бошқа чора ўйлаб топамиз. Сенларга биринчи ва охирги огоҳлантириш! Ўта муҳим жойда соқчиликка қўйилдингми, буйруқларни сўзсиз бажар! Бункердан рухсатсиз ҳеч ким чиқмасин! Пўчоқлар ташланадиган шахтадан ҳам бирор суварак ўрмалаб кирмасин бу ёқقا! Сен эса мен билан юр!

— Дон Тоға... — Жувон ялинчоқ овозда нимадир демоқчи эди, тарсаки тушди.

Ахлат қутиси яна ҳаракатлана бошлади. Қаергадир етиб тўхтади. Бирдан қиялади-ю гужанак ҳолимда чиқиндиларга қўшилиб ифлос ўрага қуладим. Ойгул ётган қути ҳам ағдарилди: қиз устимга жонсиздек оғир тушди, қимир этмади. Нимадир гувиллаб, совуқ шамол уфурди. Жувон айтган қия туйнукнинг оғзи очилаётган эди. Ойгулни маҳкам қучоқладим. Темир қопламали узундан-узоқ, ойнадек текис қияликдан пастга шувиллаб боравердик. Юз қадамлардан сўнг

Азамат ҚОРЖОВОВ

ташқи оламдаги чиқиндиҳонга шалоп этиб қуладик. Түйнукнинг икки одам бўйи юқорида қолган иккинчи оғзи ҳам автоматик тарзда гувиллаб ёпилди. Биз ёлғиз эдик, озод эдик, барча ғам-ситамлардан қутулаёзган эдик. Отамнинг салтанатидан халос бўлишнинг фақат шу йўли бор экан, бундан асло хафа эмасдим.

Юзимга ёпишган кўкат қолдиқларини сидириб, баклашқаларни қачир-қучир бужмайтириб Ойгулга талпиндим. Нимқоронфиликда афт-ангорини яхшилаб кўролмасам-да, қофоздек оқариб кетганини билдим. Нафас олиши ҳам сезилмасди.

Бир четга чиқардим. Юрагига қулоқ тутдим: оҳиста-оҳиста урмоқда эди. Атрофга боқдим. «Сибирь» фирмасининг ўшшайған идорасининг орқа томонидаги чиқиндиҳонадан осмонўпар тоғлар сўппайиб кўринарди. Тўғондан отилиб тушаётган сув даҳшатли гулдиради.

Қочиш йўлини чамаладим.

Ҳаммасидан ҳам муҳими, қиз ҳушига келиши керак эди. Совуқданми, умидсизликданми, титраб-қақшаб Ойгулга ёлвордим:

— Кўзингизни очинг, ер юзига чиқдик. Ишонмасангиз қаранг, ҳозир сизга осмонни кўрсатаман. Юлдузлар... ҳеч бўлмаса, булат кўринадику... Ҳеч бўлмаса, тоғни кўрасиз... Сал нарига этиб олайлик, тоза ҳавога... Ойгул... Ойгу!..

У ожиз ингради. Забтига олган аёзда тоғ йўлида бир неча чақирим йўл босишини, давлат чегарасига этишини тасаввур ҳам қилолмадим. Ойгулни шу аҳволда қаергача ҳам кўтариб борардим? Жони икки дунё оралифида илиниб турмаганида ҳам бошқа гап эди.

Кўзларимни чирт юмдим. Энг қийин юмушни — отамнинг сирли саройидан қочиб чиқишни

уддалагандим. Ўлсам ҳам ер остига қайтишни истамайман. Ойгул ҳам у ёқдан тирик чиқмайды. Менга сохта паспорт ясашди: Ориф Шохолович Умаров. Текшириб күрилса, бошқа мамлакат фуқароси эканлигим исботланади: Ориф Салтошович Салтошов. Ўз уйимдан үғирлаб кетилганим ҳам тасдиқланади, албатта. Ўша куни Дон Тогани күрган болалар, ундан жабрланган йигитлар бор. Безорига беихтиёр ўқ узганимни-ю Ойгулни ҳимоя қилиш асносида довондаги йигитни отиб қўйганимни – барча айбларимни тан оламан. Модомики, суд олдида жавоб бериб, виждон амрига итоат этар эканман, мен озод инсонман. Тезроқ юртимга етиб боришим керак. Бораману Ойгул ҳақида ҳам хабар бераман.

Бир қарорга келиб, Ойгулни қулайроқ ерга ётқиздим. Қофоз қутилар билан кўздан пана қилдимда, тоғ йўлига тушиш учун симтўсиқлардан үтдим, қувурлар ичиди эмакладим. Ниҳоят, торгина асфальт йўлга чиқдим. Қаердадир ит ҳурди. Чегарачилар пойлаб туришган бўлса, тез орада қўлга тушаман ва отамнинг қора салтанатидан бир умрга қутуламан, дедим.

Совуқ суюк-суягимдан ўтиб кетса-да, чидашга мажбур эдим. Тўхтасам, музлаб ўлишим тайин. Билакларимни чанглаб, биқинидан ўқ еган аскардек букчайиб чопардим. Ҳайрон эдим шу азобларга чидаётганимга. Кечаси ҳожатхонага ёлиз боролмасдим-ку. Бугун ўлим оғзидан қочиб бормоқдаман. Ярим кеча. Аёз. Бўрилар изфийдиган йўллар.

Ўпкам ачишиб кетди. Бир чақирим юрдимми, икки чақиримми, билмайман. Ногаҳон ортимда машина пайдо бўлди. Ҳеч қаёққа қочолмай йўл ўртасида ҳансираганча туравердим.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Машина тормози фийқиллади. Чироқлар ёруғини барваста гавда түсди ва устимга шошилмасдан келаверди. Дон Тогани таниб, аламдан инграб юбордим.

— Жаноб Ориф, — деди рұпарамда тұхтаб, — қочяпман де. Яхшимас. Олтину жавоқирларға фақат үзим эга бұлай деб номарднинг ишини қилиш йигитта түғри келмайди. Тилла сандиқда менинг пешона терим бор. Шундайми, жаноб қочоқ?

Қанийди тоғларни бошимга күтариб ҳайқирсам, қаршимда турған касни уриб, тариқдек сочиб юборсам.

— Ҳа, бунча үқраясан?

— Сиз ҳам, олтингларнинг ҳам мен учун йүқсиз!

— Ахир, сен меросхұрсан-ку. Дунё ёшлари ичидә эңг бойларидан биристан. Үрнингда бүлишни қанчадан-қанча ёшлар орзу қиласы. Отаси ким бүлишининг фарқи йүқ, муҳими, бой бұлса бас. Отангнинг мулкини битта шу бункерда, Швейцариядаги пулларда, тепаликдаги сандиқда деб билма, бола! Түғоннинг қурилишига неча миллион доллар сарфланғанини ўйла! Ундан келадиган фойда-чи! Очифини айтганда, тепаликдаги сандиқ улкан тоғнинг бир зарраси. Феълим қурсин, ўша заррага ҳам ошиқман-да. Сен ўзинг-чи? Бойликдан воз кечоласанми?

— Кечаман... Кечганман ҳам...

— Унда нега ҳалиги жувонга бизнинг ҳисобдан мүкофот ваяда бердинг? Қўлингдан келса, ўзинг пул топ эди. Ёки пулсиз ишлайдиган сотқин топишинг керак бўларди. Ундейларни сен «дўст» деб атайсан. Тўғрими?

— Қўйиб юборинг, мен кетаман.

— Чегарачиларнинг қўлига тушасан-ку, жинни! Умринг қамоқда ўтади. Мени ўғирлаб кетди, деб

даъво қиласанми? Қандай жиноятларинг борлигини эшитиб, ҳайратдан ёқа ушлайсан. Ўшанда кеч бўлади.

— Кеч бўлаверсинг...

Дон Тоға машинаси томон судради.

— Худо жазоларингни берсинг! — дедим.

Осмонни бир чети очилиб, катта-катта юлдузлар ёрқин порлади. Мен уларга етишолмадим. Улар мени кўрмади. Отамнинг умри ўтган маконга қайтиб келдим. Дон Тоға чиқиндиҳона четида ётган жасадни кўрсатиб:

— Қара, у сенинг дастингдан ўлди, — деди. — Бу ерга пул ишлайман деб келган енгилтак эди. Сен эса ундан хоин ясадинг. Енгилтаклик учун бизда жазо йўқ, нега уни жиноятчига айлантиридинг, Ориф? Сени деб ўлиб кетди ёш нарса.

Жувонни танидим. Дон Тоға мурда ёнида тўхтаб, хўро зонд ялади.

— Қон музлашга улгурибди, — деди у. — Бу йил қиши ҳузурижон бўлади.

— Ойгул қани? — сўрадим мажолсиз ҳолда.

— Кечамиди Жеймс Бонд ҳақида кино кўраётганинг? Барибир Бонд бўлолмайсан. Қизни ҳам унут.

Ойгул ҳеч қаерда кўринмасди. Агар Тоға уни ўлдиришни қасд қилганида, панароқ жойга судраб бормасди. Демак, ҳозирча тирик.

— Юз минг долларни эшитиб ўз жонини сотган аёлни биринчи кўришим, — деди Дон Тоға. — Бир цент ҳам ололмади.

17.Меҳмонлар

Бир ҳафта ўтди. Назаримда, бу хонада бир йилдан бери қамалиб ўтиргандек эдим. Ахийри, фалакнинг раҳми келди чоғи, бункердан халос бўладиган фурсат насиб этди.

Йигитлардан бири каттакон жомадон кўтариб кирди-да, тишлама қулфни визиллатиб очди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Кийимларингиз, — дея шарт бурилиб, хонамни тарк этди.

Жомадонда қалин шим, ботинка, жемфер, пальто, ҳатто қўлқоп ва шарфларгача бор эди. Наҳотки, уйга кетсам деб юрагим ҳаприқди. Дон Тоға кайфиятимни дарров пайқаб, мийифида кулди.

— Хурсандсан-а? — деди у. — Биз эса хафамиз. Нега деб сўра, бемеҳр ўғил. Жуда қайсарсан, сўрамайсан. Майли, эшит. Биз бункерни ёпишга қарор қилдик. Шоҳолбек ичкарида қолади. Отам деб бир оғиз сўрамайсан ҳам. У қанақа одам эди, эҳ-ҳ!. Юрса тоғлар зирилларди, овозидан довоннинг ортидаги қарғалар қагиллаб қочарди. У Ўрта Осиёнинг сув ҳукмдорига айлана олди. Энди уни ёлғиз қолдириб, бункерга кириш йўлини бетонлаб ташлаймиз.

— Чивинтага бориб келдингизми?

— Ҳозир у ёқларга бориш биз учун хавфли, — деди. Кейин ниманидир ўйлаб, юзи ёришди. — Яқинда бирга боришимизга имкон туғилади, ташвишланма.

Адвокат ва шифокор кириб келди. Юзларида ташвиш кўланкаси акс этарди.

— Хато қилдик, — жиғибийрон бўлди Адвокат, — бошиданоқ ҳисоб рақамларни учаламиздан биттамизга ёзишимиз керак эди. Болани бекор аралаштиридик. У рўйхатда ҳам йўқ эди.

— Шоҳол Умаровнинг буйруғи бу! — деди Дон Тоға.

— Ҳаммамиз биламиз, — уф тортди Адвокат. — Шоҳ фақат саройда ҳукмрон, ташқарида бошқа томоша эди!

— Ақлларинг кеч кирибди, — дея Тоға шерикларига ўқрайди-да, мени хонадан етаклаб чиқди.

Етти кун мобайнида Ойгулни кўрмаган эдим. Унга ҳам қишки кийим беришибди. Биз жимгина, сўзсиз, маҳзун саломлашдик.

Лифт тўрт кишини кўтаролмади. Мен пастда

қолдим. То ер юзига чиққунимча юрагим шу қадар питирладики, жоним бўғзимга келди. Гўё ажал комида ёлғиз қолиб кетадигандек эдим. Аввал Адвокат совуқ хайрлашди. Шифокор эса бағрига маҳкам босиб:

— Бир вақтлар сендеқ ўғлим бор эди, — деб шивирлади. — Агар қайтиб кўришмасак, мени ҳам эслаб тур. Аслида камина жиноятчи эмасман... Қизил хоч... қизил... Биласан-ку, нейтрал.

Бошқалар менга хўмрайиб қарашди. Уларга бош силкиб қўйдим, холос.

Орқа ўриндиқда Ойгул иккимиз ўтирибмиз. Ҳамон жиммиз. Бу геологларнинг баҳайбат машинаси эди. Бизни ўнқир-чўнқир сой йўлидан аллақаёқларга олиб кетмоқда. Рулдаги одамни биринчи кўришим. Дон Тоға ҳар замонда унга гап қотади. Ҳайдовчи анча камгап, фўлдираб қўяди. Сездим, уни бу ишга мажбурашган. Йўлда тўхтатишса, «Сибирь» фирмасининг одамлари хавфсизлиги учун жавоб берга оладиган шахс.

Кечқурун йўлга тушган бўлсак, ярим тунда манзилга етдик. Китоб ва хариталарга тўлган чоғроққина хонада, шундоққина полга тўшалган палос устида мизфилик. Тонг-саҳарда юқ машинаси сигналидан уйғондим. Мўйлови шопдек, қорни мешдек кимса машина ёнида бизни кутарди. Атрофга кўз юргутириб, юртимизга яқин жойга етиб келмаганимизни тушундим. Қўшни мамлакатларнинг бирида эдик.

Брезентдан чодир қилинган бортга чиқиб, шкаф, тумба, китоблар оралаб, тўрга ўтдик. Ҳайдовчи ашқол-дашқолларни қалаштириб бизни бекитди. Ойгул яна ухлади. Дам унга, дам Дон Тоғага кўз ташлардим.

Юқ машинаси ҳам охирги манзилга бормас экан.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Туш чоғи күримсиз бир ҳовлига кириб, фийқиллаб тұхтади. Брезент йиртиғидан кузатиб ўтирганимни күрган Тоға:

- Қалай, казарма ёқдими? — деб сұради.
- Қаердамиз ўзи?
- Савол берма. Савол умрни қисқартыради.

«Казарма» деб аталмиш ташландық қароргоҳда роппа-роса бир сутка қолиб кетдик. Ахийри, оқ «Тойота»да икки йигит келди. Дон Тоға улар билан гаплашғач, мени чақырди.

— Ориф, биз яна қачон учрашамиз, билмайман, — деди. — Иккаланғ манави йигит билан кетасан. Бир ой, узоги билан уч ой уларнинг уйида яшайсанлар.

— Құрқманглар, ижара ҳақи тұланған, — йигитлардан бири — сепкиллеси ҳазил құлмоқчи бұлды.

Тоға қовоқ уйди. Сұнг менга маңноли қараб құйиб, бошини сезилар-сезилмас қимирлатди. «Келишганимиздек сирни ҳеч кимга айтма», дегани эди.

— Мен, — деди у кетар өнімді, — Ойгулни үлдирмадым, ёнингга құшиб қўйдим. Үйлаб қарасам, қиз аллақачон жазосини олиб бұлған. Шуларни тушуниб, ортиқча қилиқ құлма. Қасам ичаманки, үзбошимчалик бошингга бало бұлади. Сенларни үзим олиб кетаман. Келишдикми?

Шундай қилиб, янги қароргоға жүнадик. Кичикроқ, посёлка четидаги салкам бир гектарлық ҳовлида ертұлали оппоқ бино қад күтарған эди. Ойгулни ертұлага, мени эса шифт баравар печкали муҳташам хонага қамадилар. Улар бир оғиз илтимосимни эшитишни исташмас эди.

Умидим ҳазил қилған сепкилли йигитдан эди. Ҳеч бұлмаса, ёлғиз рүпара келганида дардимни эшитар.

Хархолда янги макон бункердан минг марта яхши эди. Деразадан соатлаб термулиб ўтирадим. Суткалаб телевизор күриш ҳам одатга айланди.

18. Исён

Лайлакқор ёққан кунда улар мени шийпончага чиқаришди. Кейин Ойгулни ҳам келтиришди. Улар негадир бизга тиржайиб қараашарди.

— Хүш, бизни ким деб ўйлаяпсизлар? — дедим сепкилли йигитта.

— Ҳеч ким.

— Биронтангиз «Ҳеч ким»ни қўриқладиган аҳмоққа ўхшамайсиз. Ҳабарларингиз бор, мен бой одамман. Ҳатто, Швейцариядаги банкларда ҳам пулларим ачиб ётибди. Хоҳласам, Англиядан бошпана сўраб, энг баҳтли одам бўламан.

— Сендан бу қиз ҳақида сўрамоқчимиз, — илжайди биттаси. — Икковингни юзма-юз қилганимиз ҳам бежиз эмас. Тоза ҳаво — ростлик гарови. Айт-чи, Ойгул эрга тегиб чиққанми?

— Йўқ.

Сўнгра улар Ойгулдан сўрашди:

— Энди сен айт, Ориф уйланганми?

— Билмайман.

— «Ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бер! — ўшқирди сепкилли. — Нима, ўлгинг қелдими?

— Йўқ, — деди Ойгул алам билан.

Эртасига бизни ўша шийпончада яна юзма-юз қилишди. Иккаламиздан ҳам қаерлик эканлигимизни сўрашгач, жойимизга қайтаришди. Индинига ёшимизни сўрадилар.

Сепкилли йигит энг ёмони бўлиб чиқди. Масхараомуз ўйин уюштираётган эди у. Қўриқлайвериб зериккан шекилли. Эс-хуши жойида бўлса, ҳар куни шийпончага чиқариб, тиржайганча бир оғиз гап сўраб, яна эринмасдан хонамизга қайтарармиди?

Кўп ўтмай терговлар менга маъқул тушиб қолди. Кун сайин тўлишиб бораётган Ойгулни кўриб туриш, очиқ ҳаво, айниқса, қочиш режасини тузиш... Яна

шуни ўйлардимки, салтанати қулаган шоҳларнинг зурриёдлари тарихда мендан кўп азоб чекишган. Уларни менинг ётган жойимдан ўн баравар ёмон турмаларда сақлашган, соқчилар ҳам ўн баравар кўп бўлган. Тергов гуруҳи-ю азоб берувчи жаллодларнику айтмай қўя қолай. Демак, мен баҳтсиз меросхўрлар ичидағи энг баҳтли меросхўрман.

Кейинги гал чақирганларида қочишга уриниб кўришга аҳд қилдим. Бундай ўтиравериш барibir яхшилик билан тугамаслиги аниқ эди.

Оппоқ қордан кўзларим жимиirlади. Осмон шу қадар тиниқ эдики, кўм-кўк борлиқقا сингиб кетарди нигоҳларинг.

Қори куралган фиштин йўлакдан шийпончага яқинлашяпмиз. Дарвозадан кираверишда «Тойота». Ҳовлининг нариги четида ишчи кийимидағи кексароқ киши куймаланмоқда. Оқ бино деразалари қорамтири, соқов ва кўр.

Шу пайт шийпонча бурчагига қисиниб олган Ойгулга кўзим тушди. Қора плаш, қора кўзойнакли йигит алланималарни уқтироқда, урмоқчидек қўл силкимоқда эди. Биронтасининг қуролини тортиб олиб, дарвозани очишни буюришни ўйлаб қўйгандим. Шийпончадаги манзара fazabimga мой сепди. Кўзимга кўринган илк қурол — қор курагига ўзимни отдим. Ортимдан келаётган йигит «Хей!» дейишга улгурди, холос. Курак қирраси юзига шиддат билан урилиб, қон сачради. Шийпончага югурдим. Сепкилли йигит шийпонча зинасида мени тепишга уринди, лекин куракнинг қиррадор томони билан аввал оёғига, кейин бошига солдим. Зарбалар ўйлаганимдек кучлироқ тегмаган эса-да, йигит букчайиб қолди. Куракнинг металл қопламаси ажраб, фанери синган эди. Яхшиям, у оғир заранг дастали экан, акс ҳолда бас келиб бўлармиди.

— Тұхта, йигит, үзингни бос, — деди құзойнакли,
— мінг уринма, бу ердан қочиб кетолмайсан.

Шунда Ойгул унинг оёқларига ташланды, гүё
қопқон қисиб қолғандек эди. Оний лаҳзалар тақдирни
ұал этди: түппонча чиқарғунча зарбам етиб борди.

Зудлик билан түппончасини олдым, ўқланмаган
экан, ўқладым. Бошқаларида қурол йүқ эди

— Дарвоза калити кимда? Бермасанглар отиб
ташлайман!

Сепкилли йигит калит узатиб:

— Йүқолсанг тезроқ йүқол! — деди. — Сенга
ҳам, отанғга ҳам, Донга ҳам тупурдим! Лаънати
диктаторлар! Жонга тегдинглар!

— Машина калитини олинг, — деди Ойгул, — мен
ҳайдай оламан. Бўлсангиз-чи тез!

Бир неча сониядан сўнг биз «Тойота»да посёлка
кўчасида ўқдек учиб бораардик. Писта сотувчининг
қизи қаочон «Тойота» ҳайдашни ўрганган, ақлим
етмади. Ҳақиқатан шайтон экан, ҳеч вақодан тап
тортмайди-я, жиблажибон.

Магнитофон тугмасини босди. Шўх хориж қўшиғи
янгради. Ортга қараб ҳеч ким қувмаётганига ишонч
ҳосил қилдим. Ва:

— Думимиз йўқ, — дедим. — Сал секинлатинг,
йўлдан чиқиб кетмайлик.

Ойгул машина тезлигини пасайтириди.

— Қаёққа кетяпмиз ўзи? — деб кулди.

Хаёлим унинг таржимаи ҳоли билан банд эди.

— Ойгул, тўғрисини айтинг, мактабда ўқиб юр-
ганингизда қотиллик учун қамалганмисиз?

— Ана холос! Кимдан эшитдингиз?

— Бизга ёрдам берган аёлдан.

— Қаранг-а!

— Ростми?

— Айтдим-а таниш кўринди деб...

Олис уфқларга чўзилган водийга эмас, яқинроқ-

Азамат ҚОРЖОВОВ

даги тоғ томон рулни бурган қыз менга синчков назар ташлади. Тұгмани босиб, бошқа қүшиқни қўйди. Оғир-вазмин шарқона куй, дардли эди.

— Отам оғир касал деб сизларни алдаганман, Ориф ака. Мен отамни үлдириб қўйғанман. Шу вақтгача бирор марта отам ҳақида ёмон гапирмаганман, фақат сизга айтаман. Мени ваҳший қотил деб ўйламанг... Йўқ-йўқ, ўзимни оқламайман... Ҳеч қачон...

Ойгул чуқур уҳ тортди. Заҳарханда кулди. Негадир заҳарли кулгиси ўзига яраши.

— Ҳар бир йигит эртага улуғ унвонга муносиб бўлиши учун тайёргарлик кўриши керак, — деди у.

— «Улуғ унвон» деб оталик баҳтини айтяпман. Ота бўлишни ҳамма билади, балки кимларгадир фарзанд насиб этмас, лекин улар ҳам ота бўлишларига ишонадилар, ҳеч бўлмаганда, уйланмасдан аввал ўйлаганлар. Тўғрими? Ҳа, шундай экан, «Қандай қилиб муносиб ота бўламан?» деб қайфуришлари шарт. Ичиб келиш, ёш боланинг олдида чекиш, сўкиниш, ўз хотин, бола-чақасига «Нима еб-ичасан, нима киясан, ишим йўқ, бошимни қотирманглар» дейиш, уриш, ҳақоратлаш, ўз боласининг устидан кулиш... Йўқ, мен бунақа нарсаларни тушунмайман... Миям қабул қилмайди... Бойми, камбагалми, фуқароми, президентми, ота ўз фарзандларини тарбиялаши керак.

— Ориф ака, ё гапим нотўғрими? Бир марта бериладиган умринг, бир марталик болалигинг, ёшлигинг балчиққа қорилса, баъзан чидолмай кетасан. Бир кунмас бир кун фалокат бўлади. Хўп, фалокат бўлмади дейлик. Бутун бошли хонадон аянчли кун кечирса, шунинг ўзи фалокат-ку! Эртага бу хонадонлар бутун бошли мамлакатни ташкил қиласа-чи?! Тағин гапларимни кўнглингизга олманг, сизни ҳам отангиз бахтсиз қилган.

— Бу ҳақда энди-энди ўйлаяпман, — дедим сүлғин ҳолда.

— Сиз бошқачасиз. Менинг аксим. Ҳамма нарсага күниб яшайверасиз.

— Ойгул, мана, отамни кўрдим, видолашдим. Унга газабимни сочмадим. Ваҳоланки, отам онамга чексиз бахтсизлик берди. Биласизми, отам ёшлигида бир тўйда отасини урган. Замон чархпалаги орқага қайтиб, отамга ҳам ўз фарзанди тарсаки туширмади. Ойгул, мен ўзимни бахтсиз деб ҳисобламайман. Отам онамни бахтсиз қилди, мени эмас.

— Фикрингизга қўшиламан, — Ойгул машина тезлигини бир оз пасайтирди. — Сизни бахтсиз қилиш осонмас.

— И smoил аканинг қизлари мени «Фиро» деб аташини қаёқдан биласиз? Бу ҳам бир ёлғон эдими?

— Мени тайёрлашган, — деди Ойгул. — Бункер қанчалик чуқурда, қанчалик темир-бетонлар билан маҳкамланган бўлмасин, у ердаги игнанинг тешигидек жойдан маълумот учиб чиққан.

— Қанақа маълумот?

— Соддасиз-а, Ориф ака? Ахир, сизнинг ўғирланишингиз ҳақида-да.

Қори эриган ўнқир-чўнқир асфалт йўлда катта тезликда юриб бўлмасди. Рулни гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга буриб, ўзи ҳам чайқалиб кетаётган қиз менга бебош ўғил болани эслатди. Унга ҳавасим келди. Бироқ отасини ўлдирганини ўйлаб, кўнглимда енгиб бўлмас совуқлик ҳукм сура бошлади. Қиз отасини ўлдириш орқали замонни ўзгартиrolмаган эди. Замон ўғри ва қотилларнинг эмас, бошқа кучларнинг қўлида эди.

19. Қоратахта йўлида

«Тойота» сойга тушди. Атрофга сув сачратиб юқорига интилди. Бир чақиримлардан сўнг эски кўрага дуч келдик. Ўнгда тош ҳам, асфалт ҳам

Азамат ҚОРЖОВОВ

ётқизилмаган хароб йўл илон изи бўлиб, қирлар орасида кўздан йўқолганди. Бошқа на бино, на тирик жон кўринарди.

— Менимча, анави йўлдан қочганимиз маъқул, — деди Ойгул. — Йўл бора-бора Қоратахтага олиб борса керак.

— Қоратахтада нима қиласми?

— Кечаси Қоратахтадан йўлга чиқиб ўн-ўн беш чақирим пиёда юрсак, каналга етамиз. Каналнинг нариги томонидаги далалар юртимизга қарайди.

— Хозир Қозоғистондамизми?

— Йўқ, Ойдасиз, — кулиб юборди Ойгул.

Киз чақмоқ бўлса, мен гугурт чўп эдим. У момақалдироқдай гулдираса, мен йўталардим. Аммо нафратланмасди. Жасурлигига жасурлик қўшилиб, газни эмас, тормозни босди.

— Сиз ўтира туринг, мен ул-бул опкелай. «Бардачок»да пул йўқмикан, қаранг-чи!

«Тойота»дан сариқ чақа ҳам топилмади. «Хе, бунинг аҳамияти йўқ, чўпонларни алдаш осон» деб Ойгул қўра томон жўнади. Унга эргашдим. Бизни деразадан кўрган аёл дарров пешвоз чиқди.

— Салом, чеча, — деди Ойгул, — нон, қаймоқ борми?

Аёл дабдурустдан берилган саволдан довдиради. Далда бўлиш учун узроҳ жилмайдим. Бироқ Ойгул:

— Вой, нега анграясиз? — деди. — Иссик чой ҳам керак. Иложи борича, термосга солиб беринг.

— Ичкарига... ичкарига кирингислар... — тили зўрга айланди хотинининг.

— Вақт йўқ, — деди Ойгул. — Қани, опчиқинг тез, пулини Қортахтадан бериб юборамиз. Овулнинг номи нима?

— Ойдўст.

— Салқам менга адаш экан.

— Пулларингизнинг кераги йўқ, — хотин бурилиб, уйига кириб кетди.

— Нима керак шу нарсалар, — дедим. — Йўлдан олармиз.

— Сиз айтаётган йўл мана шу ер. Худо билади, Қоратахтагача одам боласи учрайдими, йўқми.

— Ортимиздан қувиб келишлари мумкин.

— Тўппончани беринг, бу сафар улар билан ўзим гаплашиб қўяман.

Ойгул тўппончани олди.

— Эҳтиёт қилинг, — дедим. — Чегарага яқинлашганимизда, қумга кўмиб ташлаймиз. Саргузаштимиз ҳам тугайди.

Эшик фийқиллаб очилиб, тугун кўтарган аёл чиқди. Ойгул хотинга раҳмат ҳам айтмай тугунни олиб машинага шошилди.

— Бериб юборамиз... бериб юборамиз... пул... — дедим тутилиб.

Яна йўлдамиз. Биздан олдин ўтган машиналар қорда қўшоёқ из ҳосил қилган эди.

— Улар бизни қувмайди, — дея ўз фикримни айтдим. — Қоратахтага телефон қилиб, «кутиб олишни» ҳамтовоқларига буюришади.

— Умид қиласманки, фафлатда қолдирамиз, — деди Ойгул.

— Машина ҳозир бизни қутқариб кетяпти, лекин узоқдан таниб олишларига ёрдам беради.

— Сотиб, бошқасини оламиз.

— Ойгул, қиз бола бошингиз билан ўнта эркакнинг ишини қиляпсиз, раҳмат! Лекин ҳаёт сизга Америка киноси эмас. Машинани ҳужжатсиз кимга сотасизу кимдан бошқасини оласиз? Ҳатто, паспортингиз йўқ-ку!

— Қонун бўйича эмас, албатта, — деди у. — Тўппончани бекорга кўтариб юрибманми?

— Нима қилмоқчисиз?

— Нима қилмоқчиман? Эшитинг! Сизни бу ерлардан қутқариб, юрtingизга, жонажон уйингизга

Азамат ҚОРЖОВОВ

элтиб қүймоқчиман. Чин қызлик сўзим, Ориф ака! Келажакда судим бўлса, газеталарга ишонманг!

Уф тортиб, қиздан юз ўғирдим. Кутилмаганда у рулни ўнгга буриб, машинани қор босган сувсиз ўзанга бурди. Қаттиқ силтаниш оқибатида бошимни урдим. Ойгулнинг кўзларида важоҳат акс этарди. Юз қадамлар юриб, тўхтадик.

- Тушинг, — деди у, — пальтони ечинг.
- Нима деяпсиз?
- Қордаги изларимизни супуриб ташлаймиз. Қор ҳам тез ёғяпти, ҳатто супурилган из ҳам қолмайди.
- Бизни ҳеч ким қувиб келмаяпти, Ойгул, Қоратаҳтада кутишяпти.
- Айтганимни қилсангиз умрингиз фойдага қолади.

Икковимиз ишга киришдик.

20.Кўр камшир

Кимсасиз қир-адирлар, сойлар оралаб юра-юра, ахийри, илонизи йўлга чиқдик. «Тойота» ҳалигача панд бермаган, биз иссиққина жойда мусиқа тинглаб, нотаниш ўлканинг қор кўрпаси узра кезиниб юрадик. Ойгул ёқилғи кўрсаткичига қараб лаб тишлиб, менга имо қилди. Қизил чироқчани кўрдим.

— Пешонада ёзилганидан ортиқ бўлмайди, — деди Ойгул.

Негадир бу гапи ҳам жигимга тегди. У кўзимга ўзбошимча тентак қиздан бўлак ҳеч ким бўлиб кўринмасди.

Адир ёнидаги йўлдан пастга энишимиз билан қор либосини кийган дарахтлар, бостирма ва том кўринди. Икки-уч уйдан иборат кичик қишлоқчага яқинлашиб борардик. Фақат битта мўридан тутун чиқаётган эди. Ҳақиқатан, тикилиб қарасам бошқа уйлар аллақачон ташлаб кетилган, эшиги ҳам, деразаси ҳам йўқ.

Тутун чиқаётған уй орқасига, шалоқ арава ёнига түхтадик. Ойгул машинадан тушиб түппонча сақлагичини ширқ эткизиб тортди. Иккимиз эшикни топиш учун девор ёқалаб юрдик. Бу на эшиги, на деразаси бор түртбурчак даҳмага ўхшарди.

Олд томондаги нақшинкор синиқ эшикчага кўзим тушди. Ойгул түппонча дастаси билан уч бора қаттиқ-қаттиқ урди. Ҳеч ким эшик очмади. Атрофга синчиклаб кўз югуртиридим: бўшаб ётган қўйхонаю молхоналар, ўпирилиб тушган сомонхоналар. Атроф билч-билч лой, гўнг, чуқурчалар... Бункерли кичик давлатлар атрофида шундай қашшоқ қишлоқлар кўпайишини англадим.

— Амаки, ҳов амаки! — чақирди қиз.

Шу пайт чанқовуз овози эшитилди. Ойгул менга қош учирди.

— Қулоғи том битган чўпон ижод қиласпти, Ориф ака, — деди ва эшикни куч билан итарди.

— Ойгул, аввал мен кирай...

Ҳар доимгидек Ойгул чаққонлик қилди. Олдинмакетин кириб борганимизда ўртадаги печка ортида қозондай даканали кампир кўринди.

— Чироқларим, — деди оғзидан чанқовузни олиб, — хуш келдинглар! Қани, печкага яқинроқ ўтиринглар. Совуқ ўлкада жонга аро кирадиган нимадир то-пилишидан умидвор бўлиб роса тентирабсизлар-да. Оббо, шириントйларим-ей.

Мен Ойгулга, Ойгул менга қаради. Қурол туширилди. Кампирнинг башоратомуз гаплари бизни янада ҳайратга солди:

— Пўстак эски бўлса ҳам, иссиқ. Тортинмасдан ўтираверинглар. Мен — мияси суйилган момоларинг жуда қариб қолганман, қўзларим нурдан мосуво бўлганига қирқ йилдан ошди. Мен Бухоро амирлиги тарбиясини олган муслима аёлман. Болаларим

Азамат ҚОРЖОВОВ

қазо қилиб, бу қора дунёда ёлғиз ўтирибман-да, айланайлар. Күп йиллар күзингни очмай дунё сукунатига қулоқ солсанг, ажыб садоларни эшитар экансан. Адашмасам, сенинг исминг Ойгул, шундайми? Сеники эса Ориф...

— Ҳа, лекин сиз буни қандай билдингиз? — ажабланди Ойгул.

Кампир бор кучи билан тамшанди. Менимча, фазаблангани шу эди.

— Қизим, илтимос, гап құшма, — деди у. — Индамай ўтир. Нега десанг, сен йўқсан!

— Бу нима деганингиз?

— Йўқсан, дедимми, тамом... Орифжон болам, яқинроқ кел, — кампир Ойгулнинг саволига жавоб бермасдан менга интиқ бўлди. — Бу ҳаммаси сенинг тушинг! Ҳаммаси тасаввуринг! Ахир, онанг ўлган, сен эса ожиз бир бандасан, қўлингдан ҳеч вақо келмайди. Миянг зўриққан. Ҳозир ўз уйингда сал кам беҳуш ҳолда ётибсан. Яратган куч-қувват берса, эсон-омон уйғонасан. Лекин Бухоро амирлигининг тарбиясини олмасдан уйғонасан.

Кўз олдим жимиirlади. Бир жиҳатдан ҳаммаси тушга ўҳшарди. Ер остидаги музхонада яшайдиган отам, унинг ҳеч қайси давлатга қарамайдиган мулки, Дон Тоға, Адвокат, шифокор ва ниҳоят, Ойгул деган қиз. Айтдим-а чегаралардан нега осон ўтяпмиз деб.

— Уйғон, кўзингни оч, чирофим, — деди кампир.

— Дунёни ғафлатда ўтказсанг, бу ЯШАМАДИНГ дегани. Ҳозир ҳаммаси тугайди...

У печка устидаги тутантариққа қўл чўзган эдики, Ойгул қичқириб юборди:

— Тўхтанг!

Момо сесканиб тушди.

— Тўхтанг, илтимос, — Ойгул тиз чўкди. — Бизнинг исмимизни, Ориф аканинг онаси ўлганини

түгри айтдингиз! Бунинг бари туш деяпсиз ва бизни уйғотиб юбормоқчисиз. У ҳолда ҳаммамиз ҳақиқий ҳаётда бормиз ва бир-биримизни туш күрятпиз. Үнгимизда учрашсак бўладими?

— Қизим, халақит беряпсан. Ҳар бир банда яхшилик остонасида уйғонишини истайман. Ориф, сен ўша маҳлуқ келган бехосият оқшом чоғида кўз очишинг ҳам мумкин. Агар шундай бўлиб чиқса, тақдирингни ўнгингда такрорлама.

— «Махлуқ» деб Дон Тогани назарда тутяпсизми?

— Ҳа.

Ойгул менга пичирлади:

— Дон Тога, Палабийқ, бункер ҳақида сўранг.

Кампир қаддини хиёл кўтарди. Кўзлари бутунлай юмуқ бўлса-да, худди кўраётгандек гоҳ менга, гоҳ Ойгулга юз бурди.

— Улар хаёл маҳсули, — деди кампир. — Бирортаси ҳам ҳақиқий ҳаётда йўқ.

— Нега унда уйғонганимизда яна келади дедингиз?

— Уйғонганингда биласан. Ҳеч ким тушида ўнгингин таъбирини айтмайди. Сен Бухоро амирлигини ҳам хоҳламайсан, босмачи бўлишни ҳам, коммунистликни ҳам. Сен янги одамсан.

— Э, уйғонсак уйғонибмиз-да, — Ойгул тўппончани чўнтағига солди. — Фақат илтимос, мени бункерда ётган ҳолимда уйғотманг. Зўрға қутулиб чиққанимизни билсангиз эди.

Кампирнинг жимиб қолганидан ташвишга тушдим. Унинг яна сўзлашини юрак-юракдан истардим. Ойгул хонани тинтуб қилиб чиққаҷ, момо ёлғиз яшамаслигини қулоғимга шипшиди. Бу мени деярли қизиқтирмасди, эсу дардим туш ҳақидаги гапда. Шу даражада аниқ туш бўладими?

— Бензин керак, — деди Ойгул.

— Ўғлим келса топиб беради, бир оз кутинглар, — тамшанди кампир.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Тұқ бор экан-ку, — ҳайратланды Ойгул. — Шуни бошидан айтмайсизми, моможон?

У телевизор қўйиб, экран ёришишини кутаркан, менга қараб чапак чалди. Экранда қўшиқчилар кўринди, пишиллаб овоз ҳам чиқарди. Ойгул устабилармонлик-да у ёқ-бу ёғига тегинган эди, овоз тиниқлашди.

— Анча вақтдан бери рақсга тушмагандим, — дея пальгосини ечди.

У кўп ўйнади, ўзи ҳам хиргойи қилди. Қизларга хос саришталик туйгулари жўш уриб, уйни супуриб-сидирди, овқатга уннади. Менинг эса кўзим илинди. Тўсатдан ўз уйимда кўз очиб, барчаси тушга айланишини истардим. Барчаси туш бўлиб чиқса, дунёдаги энг яхши инсонга айланардим. Мендай файратли, мўмин-қобил йигитни ҳамма алқарди...

21.Куни битган тўда

Ойгулнинг қичқириши-ю жон-жаҳди билан силташидан чўчиб уйғондим. Даҳшатдан юрагим ёрилиб ўлишимга сал қолди. Кўр кампир айтганидек ҳаммаси туш бўлиб чиқмади. Ойгул кўзларини чақчайтириб, телевизорга ишора қиласиди. Даставвал ҳеч вақога тушунмадим. Кейин ўзимга таниш жойларни кўриб, сергак тортдим. У — бункер эди. Неча-неча инсоннинг, жумладан, онамнинг ҳам умрига зомин бўлган ер ости саройи, муз юракли отамнинг қароргоҳи.

— Ҳаммасини қўлга олишибди, ҳаммасини! — қичқирди Ойгул. — Кўряпсизми, қора тутунларни. Дунёнинг тинчликпарвар кучлари тўрт томондан ҳужум қилишибди. Ие, анави Адвокатнинг жасади-ку! Қонунларга зид яшаган ҳуқуқшуноснинг ўзи одил судга етолмай, ноқонуний ўлдирилибди-да!

Бутун вужудим кўзга айланиб, экранга тикилиб қолгандим. Гоҳ тўғон атрофи-ю икки қаватли

бинони кўрсатишса, гоҳ бино ичидаги отишма асоратларини-ю бетоннинг бузилаётганини, бункер йўлакларини, маҳсус хоналарни намойиш этишарди. Кучли ёритқичлар ёрдамида музхонанинг ҳам тасвирини кўрсатдилар. Мана, отамнинг музлатилган танаси. У ҳамон салобат билан ётибди.

— Бу анча вақтдан бери гумон остида юрган Шохол Умаровнинг музлатилган жасади, — деди шарҳловчи. — Мустақил давлат шаклидаги «Сибирь» корпорацияси ходимлари ўз раҳнамоларини музлатгичгасолиб, бункергакириш йўлларини бетонлаб ташлаганлар. Маълумотларга кўра бункер бундан ўн саккиз йил аввал қурила бошлаган. Маълумки, «Сибирь» фирмаси номи билан машхур бўлган бу ҳудуд Ўрта Осиё республикалари ҳудудига оқиб кирадиган асосий дарёлар чорраҳасида жойлашган. Шунингдек, Шохол Умаров бир неча йил бурун ер ости сув захиралари билан шуғулланишга ҳам буйруқ берган эди. Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга буриш, секин-аста сув салтанатига асос солиш Шохол Умаровнинг асосий мақсади эди...

Ҳозир менинг суратимни ҳам кўрсатиб, қидирув эълон қилишганини айтса керак, деб ўйладим. Йўқ, Ойгул ҳақида ҳам ҳеч нарса демади. Сўнгра шифохонадан олинган лавҳани намойиш этишиб, бизга таниш ўша Искандар исмли шифокорнинг жонлантириш бўлимида ҳаётдан кўз юмганини айтишди. Сув билан таҳдид солувчи қудратли салтанатга асос солмоқчи бўлганлар шу тариқа хор бўлиб ўлган эдилар.

— Дон Тоға-чи? — деб шивирладим. — Унга нима бўлган экан? Айта қолса-чи!

Кутганимдек экранда Дон Тоғанинг сурати акс этди. Кимда-ким у ҳақда маълумотга эга бўлса, ҳуқуқтартибот идораларига хабар берилиши сўралди.

— Айнан мана шу одамни ушлаш керак эди, — ер

Азамат ҚОРЖОВОВ

муштлади Ойгул. Кейин менга ялт этиб қаради: — Ориф ака, у қаерга қочиши мумкин? «Тойота»нинг эгасиникига кетгандир. Қўнғироқ қилиб, тахминимизни айтамизми? Агар уни ушлашса, душманимиз йўқ ҳисоби.

Деворга суяниб, ўйга толдим. Назаримда, Дон Тоға қаерга жуфтакни ростлагани менга аён эди. Банкдаги пуллар қўлдан кетган, фақат хазина қолди, отамнинг болалиги ўтган макон яқинидаги тепаликка кўмилган сандиқ.

— Ойгул, бензин топишимиз керак, — дедим шошиб.

Киз кампирнинг ёнига келиб:

— Момо, ўғлингиз қачон келади? — деб силтади.

— Хоҳлаган пайтда, — жавоб берди кампир. — Тавба, бу қанақа жондор ўзи? Намунча силтамасанг? Тур-е!

— Ойгул, у кишини тинч қўйинг, — дея ўрнимдан турдим. — «Сибирь» одамлари қириб ташланган, лекин банк ҳужжатлари ҳарбийларнинг қўлида, паспорт ҳам. Демак, улар энди мени излашади.

— Бензин топсак, бу ерлардан суриб қоламиз.

— Эҳ, — деб ташқарига отилиб чиқдим, — улар аллақачон изимга тушишган.

— Буни қаранг-а? Банкдаги пулларингиздан айрилибсиз-да?

— Пулларнинг менга қизиги йўқ. Ўз ҳаётимга, ўз юртимга қайтишим керак.

— Буларнинг бари туш-ку! — заҳарханда кулди Ойгул. — Нимадан қўрқасиз?

Яна икки соат кутдик. Қор шундай қалин ёғдики, кампирнинг айтишича, 1968 йилдаги қиши қайтиб келганмиш.

— Ана энди бензин топилса ҳам ҳеч қаёққа кетолмайсан, шайтон қиз, — деди кампир охирги

туршагини шимиб. — Инсон тақдирини нефть ҳал қилади.

Келган одам ўзини Худойберди деб таништириди.

— Бензин топиб келсангиз, — унга тушунтириди Ойгул, — машинанинг ортиқча филдирагини берамиз.

Худойберди ерга қараб қулди.

— Филдиракнинг пулига битта новвос оласиз, — таъкидлади Ойгул.

Худойберди ёш боладек қизариб, ердан кўз узмай қимтиниб-қисиниб қулди, кулаверди. Қоп-қора мойи чиққан пиджак кийган, телпагинининг бир қулоғи осилган, резина этикдаги йигит телба бўлиб туюлди менга.

Охирида у шундай деди:

— Кимлардир юзта одам юз йил яшайдиган ер ости· саройи қуради, кимлардир сабзи ўра ҳам кавлаёлмайди. Кимлардадир машина бору, бензин йўқ. Кимлардадир бензин бору машина йўқ.

Хуллас, у фалсафа сўқиб бўлгач, уй олдидаги сабзи ўрасига ташлаб қўйилган бакни олди-да, бизга совфа қилди. Биз «Тойота» филдирагини бердик.

Кетаётганимизда кампир яна чанқовуз чала бошлиди. Мен ичимда дедим:

«Эй момо! Онам вафот этгандан кейинги кўрган-кечиргандаримни бир тушга йўймоқчи бўлдингиз. Қанийди тушга айланса. Онам ҳётлик чоғларида уйғонсам эди...»

22.Қутқарилган ёшлиқ

Бир амаллаб Қоратахта йўлига чиқиб олдик. Кучая бошлаган шамол йўл устига қор учирар, ҳар замонда учраб турадиган яккам-дуккам иморатлар олдида тирик жон кўринмасди. Бахтимизга ҳеч қандай постга рўпара бўлмай Қоратахта остонасигача етиб келдик. Юқ машиналари тизилиб турган аллақандай бозор биқинида тўхтадик.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Ҳов, амакијон, бу қандай бозор? — ойнани очиб сүради Ойгул.

— Металлом.

— Қанақа металлом?

— Алюмин, мис...

— Орқага ўтириңг, гап бор, — орқа эшикни очди Ойгул.

— Хизматингизга мунтазирмиз-да, оппоқ қиз.

У орқа ўриндиққа жойлашиши билан Ойгул түппонча ўқталди.

— Сумкани беринг бу ёққа!

— Бола-чақамнинг пули! — довдиради эркак. — Доллар, Российский, қозоқ тангаси...

— Нима бало, бола-чақанғыз банкда туғилғанми? Күп вайсаманг-да, сумкани чўзинг! — Ойгул сумкани қўлга киритгач, деди: — Пуллар бизга, машина сизга. Ўн баравар арzon олаётганингиз учун хурсанд бўлсанғиз-чи! Машинанинг ҳужжатлари йўқ, аммо эгаси ҳам йўқ.

Эркак бошини силкиб, қўлини кўксига қўйди. Машинадан тушган заҳотимиз рулга ўтирид-да, газни босди.

— Ҳаром мулкка бунча ўч-а? — дедим мен.

— Чўпон хотиндан қарздор бўлиб қолдик-да, — деди Ойгул.

— Ҳар бир қадамимиз қарз. Бу қадамлар ҳақини тўлагунишимизча умримизнинг ярими ўтади.

Бир такси бизни Қоратахтага элтиб қўйди. Ошхонага кириб бўккунча овқатландик. Бозордан устбош харид қилиб, бошдан-оёқ ўзгардик.

Кечки аёзда «Ҳаёт» каналидан сузиб ўтдик. Кимсасиз далаларни қоплаган қорни кечиб, бир қишлоққа кириб бордик-да, ижара уй топдик.

Эрталаб иссиқ чой ичиб ўтиргандик, радиодан хабар янгради:

— «Сибирь» фирмаси билан бөглиқ бошқа жи-
ноят илдизлари ҳам бирин-кетин фош этилмоқда.
Жумладан, кече кечқурун «Исмоил» номи билан донг
таратған жиной гурух раҳбари ҳам құлға олинди.
Маълумки, у ер ости сувлари захираларини ер усти
захираларига айлантириш учун шамол ёрдамида
ишлайдиган бир неча мингта парракли пишма кран
үрнатған...

Автобусга чиқдик. Ойгулнинг елкасига бош қўйиб,
ухлаб қолибман.

Хотима

Кўзимни очсам, уйимда ётибман. Аввалига туш
кўряпман, деб ўйладим. Шифтга, деразага, эски
шкафга тикилдим, ўрнимдан оҳиста турдим. Эшикни
очдиму туйқус сесканиб тушдим. Тащқаридаги қор
гойиб бўлган, ўша илиқ куз оқшоми эди. Кўзгуга
қарадим. Юзимдаги моматалоқдан асар ҳам йўқ.
Шоша-пиша кўйлагимни кўтариб, биқинимга ҳам
кўз ташладим. Довонда шох тирнаб кетган жароҳат
изи ҳам йўқ, гўё ҳеч нима бўлмагандек ҳаёт ўз
қозонида аввалгидек бир маромда қайнарди.

Деразамиз тагида маҳалла болалари ёқалаша
бошлилди. Бир бола иккинчисидан ёшини сўради.
Ҳа, аввал ҳам ҳаммаси шундай бўлган эди. Вақт
орқага қайтибди. Демак, ҳозир Дон Тоға келади.

Ташқарига чопиб чиқдим-да, маҳалла чорраҳаси
ҳисобланмиш майдон ўртасида тўхтадим. Коронги
кўчаларнинг биридан Дон Тоға чиқиб келди. Ўша
кундангидек шляпа кийган, парикда, қора плашда.

- Ориф деган йигитча сенмисан? — сўради у.
- Ҳа, мен.
- Ортимдан юр.
- Ҳеч қачон сизга эргашмайман. Қанча бойлик

Азамат ҚОРЖОВОВ

ваъда берасиз, ҳатто отамни ҳам топиб берасиз, ҳеч бири керак эмас.

— Сенга ҳаммасини етказишдими?

— Отамнинг боласи эмас, одамнинг боласи бўлсам дейман. Энди кетинг, биз бошқа-бошқа одамлармиз. Шу элнинг боласи бўлмоқчиман. Отамга етказиб қўйинг гапларимни.

Дон Тоға қўлини қўйнига солди.

— Ўлим билан ҳам қўрқитолмайсиз, — дедим.

Маҳалла болалари ўйиндан тўхтаб, бизга анграйиб қарашди. Ўткинчилар ҳам тўхташди.

— Аблаҳ! Менинг ким эканимни биласанми ўзи? — депсинди Дон Тоға.

Үйларнинг эшиклари-ю деразаларида ҳам одамлар шарпаси кўринди.

— Мамашариф ака, отамнинг олтинлари қаерга кўмилганини билмайман, — дедим. — Билганим шуки, сиз адашган бандасиз. Адашган бандалар бошқалар ҳам ўзи каби адашади, деб ишонишади.

Қаердандир милиция машиналарининг сиренаси эштилди.

— Шунақами? — тишлари фижирлади унинг.

— Ким экан у зўравон? — хитоб қилди қўшиларимдан бири. — Йигитлар, ушланглар уни!

Дон Тоға фазаб билан туфлади-да, қоронги қўчага кириб, кўздан йўқолди.

Кўп ўтмай участка нозири келди.

— Танийсанми? Ким эди? — деб сўради у.

— Хаёлотимдан чиққан одам, — дедим.

— Нега ҳаётинг бунча оғирлашиб кетяпти, ҳеч ўйлаб кўрдингми? — дея нозир уй ичига кўз югуртириди.

— Хаёл суришни қачон ташлайсан?

— Бугун туғилган куним, — дедим нозирга тик боқиб.

— Ие, нечага кирдинг? — чеҳраси очилди нозирнинг.

— Қайта туғилдим, — деб ўрнимдан турдим-да, уни қучоқлаб олдим. — Ҳаётим оғир эмас, ичимдаги салтанат оғир эди, ака. Энди ҳаммаси тугади. Эртадан бошлаб, енг шимариб, ишга киришаман.

— Ўртоқлар, Орифнинг туғилган кунини нишонлашимиз керак! — деди участка нозири маҳалла аҳлига. — Ҳар ким уйида борини олиб келсин! Йигит ўзгаряпти! Йигит қайта туғиляпти! У нафақат ўзини, балки ўз уйини, маҳалласини, ватанини ҳимоя қиласидиган ўғлонга айланади!

Қўшнилар елиб-югуриб хизмат қилишди, уйлардан таомлар келтирилди. Базму жамшид қизиган маҳал кўчамиздаги бир хонадонга келган меҳмон қизни ҳам таклиф этишди.

— Ойгул? — ҳайратдан қичқириб юбораёздим. — Сиз ҳам шу ердамисиз?

— О-о-о, меҳмон қизни кўз остига олиб юрган эканлар-да! — чапак чалди маҳалла аҳли.

Бу кеча сўнгги текинхўрлигим эди. Эртасига ҳожи онанинг ўғлига қарашли цехга ишга ўтдим. Ҳойнахой, олтинларни ахтариб топган, деб ўйлајисизми? Одам олтинларсиз ҳам баҳт қурса бўлади. Ё ишонмайсизми?

— Илоё, қўша қаринглар, — деб дуога қўл очишиди онамнинг ота-онаси бизнинг никоҳ тўйимизда.

Шундай қилиб, аждодларимиздан duo олдик. Энди авлодларимизга баҳт-саодат мерос қолади.

Ўша баҳорда қудуқдан ҳам, дарёдан ҳам ширин, зилол сув келиб, халқ суюнди.

ҚОРОНФИ ЧОРБОФ

Мардлар учун ҳам алоҳида эшик бўлса керак.

Муаллиф

I

Кунларнинг бирида Чирчиқ шаҳридаги оҳори тўкилган тўрт қаватли уй олдидаги чинор тагида ёлғиз ўтирган жингалаксоч, қийиқ кўз, норфул йигитнинг телефони жиринглади. У ҳечам шошилмасдан калта шимининг чўнтағига қўл солдида, телефонни олиб, дарз кетган экранчасига эриниб боқди ва худди ёнида бирор «Қўнғироқ қилаётган ким?» деб сўрагандек, «Билмасам» деган маънода лаб буриб, елка қисди. Бегона рақам эди. Ким бўлди экан? Яххиси, ўчириб қўяди. Ҳозир телефонда гаплашишни эмас, ижара уй балосидан қутулиб, шаҳарда ўз бошпанасига эга бўлиш ҳақида ўйлашни истаётганди.

Аммо телефон иккинчи марта безовта қилди. Йигитнинг кўнгли янгиликни сезди ва яшил тугмани босди.

— Алло!.. — Бир четга чирт этиб туфлади у.

— Кенжи, сенмисан? — дағал овоз эшитилди нарёқдан. Кейин қўнғироқ қилувчи жавобни ҳам кутмасдан ҳол сўради: — Қалайсан, укам? Кўринмайсан?

Дарҳақиқат, йигитнинг исми Кенжақул бўлиб, айрим кимсалар, хусусан, дордан қочганлар тўдасининг собиқ аъзолари «Кенжи» деган лақабсифат ном билан чақиришарди. Қишлоқда фақат Тоштемир тогаси эшитганди унинг лақабини.

- Кимсиз? — сүради Кенжи.
- Танимаслигинг мумкинмас, — деб жавоб берди күнфироқ қилувчи.

Кенжи ўтмишдаги каламушлардан бири тавбасини унугиб, қандайдир жиноят саҳифасини очмоқчи эканини фаҳмлади. Уни икки йилдан бери эски тұдадан ит ҳам сұрамай қўйғанди. Тўғри-да, Кенжи на қарз бера олади, на ўғриликка ёрдамлашади. Билагида кучи бўлса-да, нафақат эски танишлари учун, ҳатто бутун бир жамият учун деярли кераксиз бандага айланиб қолғанди. Тошкент вилоятидаги бу шаҳарчага дастлаб новвойчилик, кейин ароқ дўконида юқчилик ишлари бўйича келди. Иккисида ҳам ишдан ҳайдалиб яна олис вилоятдаги туманига — ота қишлоғига қайтиб кетди. Тоштемир тоғасининг қишлоғига эса қадам босмади. Мактаб давридан бери негадир кўнгли қолғанди. Учинчи гал Чирчиқдаги бир таниши дискотекага ишга чақирди. Кенжи табиатан курашга мойил, йиқитишга иқтидорли йигит эди. Уйидан уч юз эллик чақирим наридаги дискотекада «тинчлик посбони» вазифасини баҗаришга киришди. Эсини таниганидан бери муштлашувдан қайтмаган. Бир қараашда ўз касбини топганга ўхшаса-да, аллақачон зериккан ва мана ҳозир ҳам ишга боришини ўйламаслик учун ижара уй олдиди ҳеч нарса ёқмай, бекорчихўжалардек ўтиради.

- Кимсиз? — қайта сўради Кенжи.
- Вой-бў, ишқилиб Кенжимисан?
- Ҳа, менман.
- Ҳасан газчиман. Танидингми?
- Йўқ.
- Аввал инжекторчи эдим. Энди танидингми?
- Йўқ, барибир танимадим. Рақамимни кимдан олдингиз?

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Раха акадан олдим. Мени танимаслигингга келсак, битта далил айтаман, танийсан-құясан. Уғам дарёси бүйидан олиб кетганман, Чорвоқ чорраҳасида хунар күрсатғандынг. Чилонзорга кела-келгунча қонингни артгандым. Флойд Мейвейзердек зүр уришардинг.

Кенжи бошини қашиб, үриндиққа суюнди. Яқин үтмиш қаъридан эски таниш қандайдир манфаат сабаб бүй күрсатаётган эди. Тошкентта илк марта келган кезлари Раханинг турли ҳамтовоқларии танишлари билан у ер-бу ерда юзма-юз бўларди. Масалан, туғилган кунларда, чойхоналарда, дам олиш масканларида. Раха ҳар доим «бу бола мард йигит, менинг туғишган укамдай» дерди. Айримларини Кенжи мастиликда учратгани учун ҳушёрликда кўча-кўйда дуч келса танимасди. Бугун йўқлаб қолишибдими, янгилик эшитади, аниқроғи, таклиф.

— ...Беш йилдан ошибди, укам, — деди қўнфироқ қилувчи.

Ўшанда Ҳасан газчи даврада иштирок этмаган бўлса-да, Чорвоқ чорраҳасида Кенжининг улфатларига дуч келган, ҳол-аҳвол сўрашиш асносида шерикларидан бири Уғам бўйида қолиб кетганини эшитган ва машинасида ўзи бориб, Кенжини топиб келганди. Кенжи харсангтошлардан сакраб-сакраб, нариги қирғоққа ўтган ва улкан қизил тош устида чўзилиб ётганча, ухлаб қолганди. Йиллар ўтди. Машина тузатадиган устанинг исми Кенжининг эсидан чиқиб кетганди. Раха билан ҳам алоқа узилган, ҳаёт бошқа давраларда давом этарди.

— Раха aka телефон рақамимни кимдан олибди? Билмасди-ку, — деди Кенжи.

— Эзма бўп қолибсан, бекорчиликда ўзи шунаقا эзмаланади одам, — кулди Ҳасан газчи. — Мен танинг пайтлари бунақа эмасдинг.

— Ака, мақсадга ўтинг. Чорвоқ чорраҳасида ул-фатларимни дўппослаганимда, адашмасам сиз «йигит қисқа гапиради, шу қисқа гапи ҳам ақлли бўлади» дегандингиз.

— Баракалла! Ҳозир Чирчиқдамисан? Дискотекада ишлайпти дейишди.

— Шунаقا.

— Зўр иш бор, ука, Тошкентга кел.

— Устачилик қилмайман.

— Хаёлингга ҳар хил ўйлар келмасин. Ўғриликни ташлаганман, яхши одамман, қўли гул газчи устаман. Ҳамма гап шундаки, сенбоп бир иш чиқиб қолди, айнан сенбоп.

— Қанақа иш?

— «Коронфи чорбоғ» деган жойни эшитганмисан?

— Чорвоқ деяпсизми?

— Чорвоқ сув омборини айтмаяпман, чорбоғ деяпман.

— Ака, гап бундай. Мен билан ўйин ўйнаб вақтингизни бекорга кеткизманг. Ишингизни ўзингиз қиласверинг. Ўша тинч.

Ҳасан газчи қаҳқаҳ уриб кулди.

— Ҳой, Кенжи ука, — деди у, — ростдан ўзинг яшайдиган шаҳарчанинг одамларига ўхшаб қолибсан. Сенга илтимос қилмайман, буюрмайман ҳам. Илтимос ва буйруқнинг ўртасидаги гапни айтаман. Шундоқ кўчага чиқ-да, таксига ўтириб, «Чилустун»га ҳайдат, бекатдан ўтгандаги кўча бошида сени кутаман. Бир одам йўлингга интизор қараб ўтирибди. Бир оғиз гаплашасан. Маъқул келмаса, қайтиб кетасан. Тағин анави Коронфи чорбоғни кўргансан деган гапимни ҳазил дема. Ўнгингда аниқ кўргансан. Вилоятингдаги айнан сен туғилган туманга қўшни ердаги Фозтепа қишлоғи эсингдами?

— Тоғамнинг қишлоғини айтяпсиз.

Азамат ҚОРЖОВОВ

- Унинг қабристони-чи? Эсингдами?
- Қанақа қабристон?
- Одам дафн этиладиган гўристон-да, яна қанақаси бўлиши мумкин?!
- Шундай ҳам дейлик...
- Шундай ҳам дейлик? Нима бало, Кенжи, охирги пайтларда касал-пасал бўлмадингми? Фозтепага бормаганмисан? Боргансан. Ота-онанг вафот этганида, қариндошингнида яшамаганмисан? Яшагансан. Қишлоқнинг чорбони кўргансан. Кўрмаган, эшифтмаган бўлишинг мумкин эмас. Мен сенга айтаётган иш ўша чорбоғ билан боғлиқ. Чорбоғ шундоқцина қабристон биқинида жойлашган...

Кенжи Қоронғи чорбоғни эслади. Онаси раҳматлининг амакиваччаси бўлмиш Тоштемир тоғанинг қишлоғидаги қабристоннинг жарликка тулашган томонидаги боғни одамлар «Қоронғи чорбоғ» деб аташарди. Худди чала туш каби фира-шира ёдида экан, қачонки эслатишганда хотирасида уйғонди. Қизиқ, бунинг Тошкентда яшаётган Ҳасан газчига не чоғлик алоқаси бор?

- Биламан, — деди Кенжи ўзини бепарво тутишга уриниб. — Чорбоққа нима бўпти? Ҳазина кўмилганимкан?
- Ўзинг нима дейсан?
- Ҳазина йўқ, чунки тилла-пилланинг иси чиққанида, мени ёрдамга чақирмасдингиз.
- Одамни хафа қилдинг, — ўпкалади Ҳасан газчи. — Сенинг тоға юрtingдан топилган ҳазинани фақат ўз жигилдонимга урвормасдим. Ҳарҳолда, бир товоқдан ош еганмиз. Қисқаси, бир соатдан сўнг айтилган жойга кел.

Кенжи чўпчакларга ишонмасди. Фозтепа хуро-фотпарастларининг юрагига ваҳм соладиган қаровсиз боғ ҳам қизиқтирмасди. Эҳтимол, Ҳасан газчи-

нинг құл остига Фозтепадан келган бирор йигит ишга үтганды «Қоронғи чорбоғ» афсонасини құшиб-чатаң ҳикоя қылғандыр ва газчи үйлаб қараса, Кенжи Фозтепада болалигиды маълум муддат яшаган, шу боис эндиликда ҳазиллашмоқчидир. Ахир, Кенжи Фозтепа қишлоғидаги тоғасиникида ярим йилча яшаганини бир неча марта Рахага гапирган, жумладан, Ҳасан газчига ҳам айтгандыр...

Орадан бир соат үтгач, йигит айттылган бекатдан үтиб, машинадан тушди-да, ён күчага кирди. Ҳасан газчи эски «Жигули»да кутиб үтирган экан. Пешвоз чиқиб, куч синашмоқчидек құл сиқиб күришди, ҳатто ёш йигитлардек бөш уриштириди. Доим офтоб тиғида юрадиганлар сингари қорайиб кетган, ҳамон күзләри олма-кесак терарди. Кенжи бир қаращаңдақ билди, букрини гүр түғрилайды – бу одам яна бир ёмонлик пайига тушган.

– Холироқ жойда гаплашамиз, – деди машинасида кетаётгандарыда. – Қалай у ёқлар? Тошкентдан яхшими дейман? Келмай қўйдинг?

– Кўп келаман, лекин биз учрашмаймиз, – эътиrozини айтди Кенжи. – Бугун менга боғлиқ қандайдир иш чиқиб қолиб, чақиртирдингиз. Бўлмаса, минг йил үтсаям сўраб-суриштирмасдингиз, «келмай қўйдинг» деган гапингиз ноўрин.

– Бунча осмондан гапирасан? У ишни сенсиз ҳам эплайман. Аммо энг яхши вариант сенсан.

– Ўғрилик, қотиллик, товламачилик... Шулардан қайси бири?

– Ҳеч қайсиси.

– Қўрамиз-да! Қани, нимани таклиф қиларкансиз! Ҳасан газчи мийигида кулди.

– Дискотекада ишләяпсанми? Нега ёпишиб олдинг маймунхонага?

Азамат ҚОРЖОВОВ

- Ишга чақирди, келдим. Мени у ердаги танишимдан бошқа ҳеч ким чақирмай қўйган.
- Кесатифинг чиройли чиқди. Айбимни бугунги таклиф билан юваман.
- Сизни унутиб юборганман, ака, шунинг учун кесатик бошқаларга аталган.
- Дискотекага ишга ўтмасдан аввал қишлоқдаги уйингга кетганмидинг?
- Ота-онамдан қолган уйда амакиваччам яшайди. Маконим бошқа ерларда.
- Амакиваччанг уйни олиб қўйганми?
- Чироғи ёниқ туриши учун бола-чақаси билан яшашяпти. Қачон уйлансам, қишлоққа қайтиб борсам, уйни бўшатишади.
- Сен уйланасан, Кенжи.
- Нима?
- Сени уйлантириш учун чақиртирдим, — жиддий тортди Ҳасан газчи. — Гапим ёлғон бўлса, тил тортмай ўлай.
- Қайнатса қонингиз қўшилмайди-ю менинг уйланиш-уйланмаслигим билан нима ишингиз бор? — олайиб қаради Кенжи.
- Тfu бемаъни гапга! — деб газчи машинасини анҳор бўйидаги ошхоналарга элтувчи кўчага бурди.
- Улар чеккадаги айвонсифат жойни банд этиб, тамадди қила бошлашди. Кенжи кутганидек, учинчи одам, яъни Кенжини сўроқлаб келган шахс йўқ эди. Ҳамма гап Ҳасан газчининг ўзида экан.

II

Ўша кунгача Кенжи ҳақида эшитмагандим, танимасдим. Оилам билан вагон ёнида хайрлашдим. Қизиган темир тафти юзга урилиб, вокзал перронидан мой иси анқирди. Ёзинг бир ойини қишлоқда

ўтказишга ижозат бериб, бугун шаҳарнинг гавжум вокзалидан кузатиб қўймоқдаман.

Мен энгашиб фарзандларимни қучдим, кейин бирин-кетин манглайларидан ўпдим.

— Уйни тоза тутинг, сувораклар ҳаммаёқни босиб кетмасин, — деди хотиним.

Уйда хотинисиз яшарканман, албатта ювуқсиз идишлар, кир кийимлар, ушоғи тозаланмаган дастурхон пайдо бўлади. Ўтган йили ёзда ҳам оилас қишлоққа менсиз кетган, июнь, июль, августда меҳнат таътили ололмайдиган камина журнал таҳририятида ишга кўмилиб қолавергандим. Ҳар куни кечқурун кимсасиз уй кутарди. Ноң ушоқлари ҳар ерда сочилиб ётганидан ва идишлар ўз вақтида ювилмаганидан тез орада хонадонимизни сувораклару пашшалар босиб кетарди.

— Санжар... — дедиму тилимни тишладим. Айтгандай, жияним Санжар июннинг бошидаёқ иккичи курсни тамомлаб, қишлоғига жўнаб кетганди.

— Жиянингизнинг амакиваччаси ўқишига топширмоқчи эди, келмади-да, — деди хотиним афсусланганнамо. — Абитуриентлигида бизницида яшаса, овқат қилиб, уйга қараб турарди. Жуда қўл-оёғи чаққон, меҳнаткаш бола эди. Қишида келиб, бизницида бир кун ётиб кетганида, Санжар билан бирга палосларни лифтдан тушириб, қорда ўхшатиб қоқиб, тозалаб берганди.

— Исми нима эди?

— Файбулла.

— Эсладим. Қишлоғининг номини сўраганимда, роса куйиб-пишиб тушунтирганди.

— Қишлоғини Фозтепа дейишаркан. Сиз «қишлоқларингда гозлар тепаликда яшаганми?» деб сўрагандингиз. Оқтепа, Учтепа, Ўратепа деб эшигандман, Фозтепаси ҳам бор экан-да, дегандингиз.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Тұғри...
— Айниңса, «Қоронғи чорбоғ» деган жойнинг тарихи билан қизиққандынгиз. Фозтепа қишлоғининг қабристони четида шунақа номли бөг бор экан.

Поезд «Қоронғи чорбоғ» номини эшитиб чүчигандек безовта ҳуштак чалиб, жойидан жилишидан дарак берди. Оилам вагонга чиқди. Биз яна бир марта хайрлашдик. Танбурда хотинимнинг овози жаранглади:

— Хайр, дадаси! Овқат қилиб енг! Кийимларингизни тоза туting!

Болаларим ҳам чуғиллашды:

— Хайр, дада!..

— Хайр, дадажон...

Поезд жұнаб кетганидан сұнг вокзалда бир оз турдим. Бироқ кимсасиз уйға қайтишга мажбур әдим. Эртага иш, айрим таҳрирларни якунлаб қўйсам, душанба енгил кечади.

Метрода тушиб, салқын вагонда ухлаб қолибман. Қўзимни очганимда, вагондагилар ҳам мудрарди. Аввал ўнгга, кейин сўлга нигоҳ ташладим. Қўзларим юмилиб, бошимни кўксимга осилтирган ҳам әдимки, таниш юз кўз ўнгимда жонланди. У ким бўлди экан?

Қўзимни очиб, вагон бурчагига кўз ташладим ва жиянимнинг фозтепалик амакивачасини одамлар орасидан бир лаҳза кўрдим. Тошкентга келмади деганида хотиним янгишган эди чоғи, ана у, уйға ботиб ўтирибди. Ҳойнаҳой, қаердан ижара уй топсам, деган хаёл тинчини кемираётгандир? Ёки уй манзилим ёдидан кўтарилиб, қандай топиб боришни ўйлаяптимикан?

Шу пайт поезд метронинг мен тушадиган бекатида тұхтади. Одамлар ўринларидан гувва туриб, эшикка талпинишли. Мен йигит томонга шошилдим, лекин етиб борганимда, ўрни бўм-бўш эди.

Бекатга чиқиб, атрофга аланглай-аланглай эскалаторга етдим. Сүнг зинага чиқиб, йұловчиларни кузатганча юқориладим. Санжарнинг амакиваччаси зеҳнли ва зийрак эди. Уйимга қайси метро бекатининг қайси томонидан чиқиб боришни эслаб қолганига шак-шубҳа йўқ.

Уни ер устидан ҳам тополмадим. Уйга мендан олдин бориб, йўқ экан деб қайтиб кетмасин деб хонадонимга шошилдим. Подъездда турган қўшним мени ҳеч ким сўраб келмаганини айтди. Уйга кириб, муздек сув ичдим ва кўзгуга қараб, пешонамга шап этиб урдим.

— Балки ўхшатгандирман, — дедим ўзимга ўзим.
— Охирги пайтларда кўз нурим пасайган, кўзойнак олишим...

Гапимни тугатмаган ҳам эдимки, эшик уч марта тақиллади. Эшик кўзчасидан қараб лотореядан ютгандек қувониб кетдим. У ўша эди — метрода кўрганим йигит. Дастёр ўз оёқлари билан ҳозиру нозир.

Меҳмонни очиқ чеҳра билан қарши олдим. Йигит огоҳлантирмасдан тўғри бостириб келганидан хижолатда эди. Деразаларга парда тутилгани учун меҳмонхонам нимқоронфи эди. Негадир пардаларни очтирмади, электр чироқни ҳам ёқмаслигимни сўради.

— Янганг билан болаларни бугун қишлоққа жўнатдим. Ишонасанми, йўқми, вокзалда сен ҳақингда гаплашгандик. Ўқишига ҳужжат топширса, уйга қараб ўтиради, яхши бола эди, деб сени мақтагандик. Мана, келибсан, яхши бўлибди...

— Раҳмат, — синиқ жилмайди йигит. — Мен ўқиши ташвишида эмас, бошқа иш билан юрибман.

— Бошқа иш билан юрибман дейсанми? Ишга ўтмоқчимисан?

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Йўқ, ҳалиги... — дея Файбулла дастурхон четини ўйнади. (У кўзимга нафақат ғамгин, бир оз касалманд ҳам кўринди.)

— Мазанг йўққа ўҳшаяпти. Дўхтирга келдингми?

— Тўғрисини айтсам, бир йигитни ахтариб юрибман, ака. Бизнинг Фоузепага борганди. Битта иккита ишларда тескари бўлиб қолгандик. Унда ҳеч қандай қасдим йўқ. Фақат... Тошкентда нима иш қилаётганини билмоқчиман.

— Чойдан ич. Нима экан дебман-а!

Файбулла ўйга толиб ўтириди-да, сўнг бирдан ўрнидан туриб, бурчакка борди.

— Сизга оддий туюлдими? — деди у. — Бу оддий воқеамас...

— Нимани гапиряпсан ўзи? Тинчликми? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Сизга гапириб бермасам, мени тушунмайсиз.

— Хўп, гапириб бер, тушунай.

— Қишлоғимизнинг номи Фоузепа эканига қизиққандингиз. Қабристон четидаги Қоронғи чорбоғ ҳақида эса мақола ёзмоқчи эдингиз.

— Мақола эмас, ҳикоями, қиссами.

— Умуман олганда, Тошкентга Қоронғи чорбоғ иши бўйича келдим. Бир бошидан гапириб бера-ман, битта шарт — тирик эканман, мендан эшит-ганингизни ҳеч кимга айтмайсиз.

— Ҳеч кимга айтмайман, ёзаман, холос.

— Ёзмайсиз!

— Кейинчалик ёзаман. Исминг ўзгаради, жой ҳам. Воқеалар ижодий лабораторияда қайнатилади, синтез қилинади, ўзинг ҳам танимайдиган даражага келтирилади. Агар менга барини тўкиб-солишни ўйламаганингда эди, уйимга келиб, бу ҳақда оғиз очмасдинг.

— Уйингизга келишимнинг сабаби битта эмас.

— Бошқа борадиган жойинг йўқлигини ҳам сабаб деб ҳисоблаяпсан. Сирли воқеалар журналида ишлашим — бу ҳам бир туртки. Қани, ўтири! Ҳархолда, махфий сирларни бурчакдан бақириб сўзлаб бермассан?

Файбулла деворга суюниб, бошини чангллади.

— Ҳаёт ўткинчи эканини одам ўз ақлинни таниганидан бери билади, — деб гап бошлади у. — Тўрт-беш ёшларимда бобом ва момом олдинмакетин вафот этишди. Одам ўлиши, жаноза, тобут... барини кўрдим. Мактабда ўқиб юрган кезларим айрим қариндошларим, таниган-билганларим ҳаётдан кўз юмди. Одам умр ўткинчи эканини болалигидан билади, тириклар ёши белгиланмаган илоҳий навбат билан кетаётганини кўради, аммо худди ўлмайдигандек яшайди. Бир кун келиб бари ўзгаради... Ўзимни фалати сезяпман. Гүёки мен мен эмас...

— Сенга бир нима бўлганини бекорга айтмадим.

— Қоронғи чорбог деган жой ҳақида гапириб берганимда, қизиқиб қолгандингиз. Болалигимизда мевасидан ўғирлаб еганмиз, чўзмакамалакка шоҳ синдирганмиз, мол-ҳолга ўт ўрганмиз... Бехосият жой эканини ҳам айтганманми?

— Бехосият эмас, қўрқинчли жой дегандинг. Айрим довюрак болаларгина бемалол ўтиб-қайтиб юришаркан.

— Сизда Қоронғи чорбог ҳақида оз-моз тасаввур бор экан. Энди бу ёфини эшитинг. Бизнинг қишлоқда ўғил болалар мактабга борганидан бошлаб синфларга ажратилади...

— Албатта.

— Ўрта мактабнинг «а», «б» синфларини назарда тутмаяпман. Бола мактабга борганидан кейин ижтимоий синфларга ажратилади. Ҳаммамиз би-

Азамат ҚОРЖОВОВ

ровларнинг фикрларига итдай эргашувчилармиз, синфларга ажралишимиз жуда осон.

— Худди бойлар ва камбағаллар, қоралар ва зодагонлар дегандек-а?

— Маънавий синфларга, ака. Мен ўқиган синф тўрт-бешта бузғунчи боланинг қўлида эди. Шулар бизнинг маънавиятимизни белгилаб беришди, жамият ёки ўқитувчилар эмас. Кимки уларнинг йўриғига юрмаса, болалардан ажратиб қўйишарди. Одам яккаланиб қоларди, ҳеч ким гапирмай қўярди. «Фалончини ажратиб ташлашибди» дейишлари шармандалик эди. Ажратиб юборилган болани кичик синфлар тўдалашиб қалтаклашарди, қизлар мазах қилишарди. Ота-онаси, акалари, қариндошларининг ўғиллари ҳеч қандай ёрдам беролмасди. Болаларнинг ўз дунёси бўлиб, ўз давлати, ўз ёзилмаган қонунлари ҳукм сурарди. Йиллар ўтган сайин биз ўша бузғунчи болаларнинг шахсиятига айлана бошладик. Мен ичишга, чекишга, тўйларда муштлашишга, бир тўда бўлиб туманимиз марказига бориб, безорилик қилишга ўргандим. Жўраларим «Ғайби зўр йигит» деб мақташарди. Шу мақтовни қўлдан бой бермаслик учун ҳам тиришардим. Қаердаки ишкан бўлса, менинг овозим ҳамманикidan баландроқ чиқарди. Кичкиналигимдан курашчи боламан. Жоними ни жабборга бериб солишардим, муштлашардим, рақибимни ииқитиб, тавбасига таянтирадим. Аммо ўғирлик қилмаганман, ака. Биздан — ўн тўртта боладан бирорта ўқимишли одам чиқмади. Ҳаммамиз туғма «иккичи» эмасдик, шунчаки синфимизга «лойиқ» йигит бўлишга интилдик. На ота-онанинг орзусини, на келажагимизни ўйладик. Умуман олганда, ота-оналаримиз ҳам қойиллатиб орзу қилишмаган.

— Қишида келганингда сени меҳнатқаш, тартиб-

интизомли йигит деб ўйлагандим. Айниңса, дарров уй ишларига ёрдамлашганинг, меҳмонман деб қараб ўтирганинг ёққанди.

— Яхши муҳитда яхшиман, ёмон муҳитда ёмонман. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, уйимда доим мўмин-қобил бола бўлганман. Отам ёки онам кўчадаги безориликларимни эшитиб ко-йишса, ичиб келганимнинг эртасига бақир-ча-қир қилишса, ердан кўз узмай ўтираверардим. Бирор марта гап қайтармаганман. Сиз журналист эмас, ароқхўр, нашаванд бўлганингизда, менга нуқсингиз тез уради. Худога шукр, ҳалол инсон экансиз. Дангасароқлигининг қарамай, қишида меҳнаткашлигим юзага чиқишига ундов бердингиз. Фозтепада буларнинг бари аксинча эди. У ерда эшакдек ишлаб, ҳузур-ҳаловат тополмайди киши. Муҳит кулади, муҳит четга чиқариб қўяди. Бошқалар нима қилса, шундан андаза олганлар «эл қатори» яшаб ўтади. Биласизми, қўлимга китоб ушлаганим учун ҳалигача устимдан кулишади. Университетга ҳужжат топширмаганимни энди тушунгандирсиз?

— Фаройиб экансан! Ўз фикринг йўқми?
 — Муҳитдан чиқиб кетиш айтишгагина осон.
 — Агар шундай бўлса, менимча, синфи бошқараётган янада катта куч бор. Тўртта мишиқи безори жамиятни ўзгартиrolмайди. Ақлли, ҳушли йигит эканинг кўриниб турибди, муҳитга қуллигинг қизик.

— Ҳа, янада катта куч бор. Ҳаммамиз ўша кучнинг таъсиридамиз. Мактабни битирсак ҳам бу кучнинг таъсиридан қутуолмадик.

— Унинг номи — онгсизлик.
 — Бизни онгсиз деяпсизми?
 — Жа «онгсиз» деб ҳақорат қилмоқчи эмасман,
 — дедим меҳмоннинг кўнглини оғритишдан қочиб.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Ҳеч ким ўз ақли билан яшамаслигидан жаҳлим чиқяпти, холос. Мен аъло баҳоларга ўқийман, сизларга құшилиб дарбадарлик құлмайман, келажакда касб әгаллашим керак деган бирорта мард бола чиқмадими?

— Йүқ, бизда етмиш беш ёшли чоллар ҳам сўкиниб гапиради, ичади, сигарет чекади, беҳаёл латифаларни гапириб кулади, ўтган-кетған хотинларни фийбат қилади. Фақат бир йигит... фақат у қобиқни ёриб чиққан.

— Ана, бўларкан-ку. Ким у?

— Кенжи.

— Кенжи? Лақабми бу?

— Испанинг бузилган шакли. У бизнинг қишлоқдан эмасди, бошқа жойдан келган. Исли Кенжақул эди. Мендан уч ёш катта. Лақаби Кенжи эканини яқында эшитдим, шу вақтгача Кенжақул ёки Кенжа дердик. Бир вақтлар, адашмасам, олтинчи синфдалигига қишлоғимиздаги Тоштемир деган одамникуга келиб яшаганди, мактабимизда олти ойча ўқиб кетганди. Ўшанда ота-онаси вафот этиб, етим бўлиб қолган экан. Мендан катта бўлишига қарамай, «ака» демасдим, сенлаб гапирадим. Фозтепа болалари аввалдан бегоналарни калтаклаган, ҳақоратлаган. Менда ҳам шундай кайфият устун эди. Қизифи, шу Кенжақул сиз айтгандек ўз ақлига қулоқ соладиган ягона бола бўлиб чиқди. Афсус, у кўп яшамади.

— Ўлдими?

— Бизнинг қишлоқда кўп яшамади. Ўзининг қишлоғидаги қариндоши, адашмасам, амакиси олиб кетди. Тоғаси оталиққа олса, Кенжақулнинг ҳовли-жойини сотиб юборади деган. Ҳақиқатан Тоштемир ака пулпараст, фойдакаш, қасамхўр одам эди. Кенжақул ҳам анойи эмасди. Қайсарлиги билан

алоҳида ажралиб турарди. Уни кимдир ўз фикрига кўндириб, оғдириб олиши жуда қийин эди.

— Масалан...

— Масалан, у Тоштемир аканикida яшай бошла-
гач, мактабимизга ўқишига келди. Синфидаги Берди,
Мўтти, Тариқ лақабли болалар ҳаммани бошқаарди.
Уларнинг чизган чизиқларидан чиқишнинг охири
вой эди. Айтишларича, Кенжақул синфга кириб
келиб, ўқитувчи кўрсатган партага ўтирган ва китоб-
дафтарини чиқариб, топшириқларини ёзган. Дарс
тайёрлашга ишқибоз янги бола синфдаги бирорта
ўғил бола тугул, қизларга ҳам ёқмаган. Бунинг устига
Кенжақул биринчи танаффусдаёқ Мўттининг
башарасини бузган. Мўттининг «Бугундан бошлаб
сенинг лақабинг Митти бўлади, иккимиз Ҳасан-
Ҳусангэ айланиб, битта онани, масалан, сенинг
онангни эмган ҳисобланамиз» деган гапи урушни
келтириб чиқарган. Бўлмаса болалар Кенжақулни
синфнинг «шef»лари билан таништиришган, бирор-
та бола билан ади-бади айтишишнинг оқибати янги
бола учун ниҳоятда ёмонлигини ҳам тушунтиришган.

— Юраги катта экан-да.

— Бу ёгини эшитинг. Дарслар тугаб, ҳамма уйига
қайтаётганида, Тариқ билан Берди «Янги болани
сой бўйига, Қоронғи чорбоғ олдига олиб тушамиз,
Мўтти ўчини олади» деб эълон қилди. Биз — ки-
чик синфлар ҳам муштлашиб ҳақида дарров
эшитдик. Болалар худди оломондек, оломондан ҳам
баттари ёввойи қабиладек Кенжақулни ўраб, сой
бўйига етаклаб кетишиди. Менинг юрагимда раҳм
яширинганди, ўшандা бечора Кенжақулга роса ичим
ачишган. Бироқ начора. Бегона қишлоқдаги бегона
мактабга келган болани овлоқ жойда ҳеч ким орзу
қилмайдиган қисмат кутарди. Ёнига яқинлашиб,
«Кенжақул, қочиб кетсанг-чи», деб шивирладим.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Бироқ бола мағрур эди, ҳеч қаёққа қочмади. Уни шу тобда ҳеч ким қутқаролмасди.

— Ўзидан бошқа, — дедим мен.

Файбулла бош силкиди.

— Тұғри айтдингиз, ака, — деди бүғиқ овозда, — янги боланинг жонига ўзидан бошқа ҳеч ким оро киролмасди. Ота-онаси ўлиб кетган, мактаб директори ва ўқитувчилар бехабар, Тоштемир тоғаси ишда. Бу қишлоқда боланинг дүсти ҳам йүқ, адолатли ҳакамлик қиласынан холис одам ҳам. Битта йүли — йиғлаб ёлворищ, кечирим сұраш, Мұттининг дүпослашига ўзини қўйиб бериш, ота-онаси вафот этиб, етим бўлиб қолганини айтиб, Фозтепа сардорларида раҳм-шафқат уйғотиши. Ҳарҳолда, мен ва бир неча бола шундай ўйладик, пичирлашиб фикрларимизни айтдик.

«Мұтти, бу ифлос етимча билан яkkама-якка чиқасан, — деди Берди. — Қўрқма, биз бормиз. Агар шундан енгилсанг, отимни бошқа қўяман».

Кенжи енгини шимариш баҳонасида боядан бери бошини эгиб миқ этмаётганди. Ҳамма «қўрққанидан дами ичидан чиқмай қолди, бугун роса калтак ейди» деб ўйлаётганди. Бироқ у Бердига қараб, деди:

«Тилингга кўп эрк бераркансан! Билиб қўй, бу югурдагинг мактабда тегишини олди, навбат сенга. Кел, яхшиси, иккимиз эркакчасига солишамиз. Ким ўзини йигитман деса, яkkама-якка олишаётгандарга халақит бермайди. Келишдикми?»

Синфдошлари «Бердига гап қайтардингми?» деб унга галалашиб ташланишди. Кенжи довдираб қолмасдан етти-саккиз чоғли болага қарши ёлғиз курашди. Агар уни йиқитиб олишса, тамом эди, шунинг учун Кенжақул яқинлашганини тепиб-уриб, кўзларини кўкартириб, бурунларини қонатиб, ортга чекина-чекина Қоронғи чорбоғнинг чириган иҳота

түсифига тақалиб қолди. Берди чопиб келиб тепган эди, Кенжақул шох-шаббани синдириб, чорбоғнинг одам оёғи тегмаган тизза бўйи ўт-ўланлари орасига йиқилди.

Болалар Бердининг зарбасидан завқланиб баъбаравар қийқириб юборишди, аммо Кенжи ўрнидан туриб, ўзини ҳимоя қилишга шайланди.

«Гапим таъсир қилмади, эркак эмас экансанлар», – деди у фозтепаликларга.

Синган тўсиқдан Бердининг якка ўзи ўтди. Ўтган заҳоти Кенжи унга қоплондай отилиб, бўйнидан қайириб йиқитди-да, чап қўли билан босиб туриб, ўнг қўлда кетма-кет ўнтача зарба туширди. Бундай жангни фақат кинода кўрган болалар тахтадек қотиб қолишиди. Тариқ тўсиқдан ошмоқчи эди, Кенжи қаддини ростлаб, қўлини бигиз қилди.

«Тариқ, сен аралашма! – деди ҳансираб. – Йигитчасига олишмоқчи эдиларинг, нега бундай қиляпсанлар? Наҳотки, Фозтепа қишлоғидаги ҳамма болалар хотинчалиш?! Ҳар ким ўзи айтган гапи учун жавоб бериши керак-ку! Йигитмисанлар? Йигитча иш қилинглар!»

Шундан сўнг Кенжи ҳаммамизга мурожаат қилди: «Болалар! Мен ўзимга ишонаман! Сизлар ҳам ўзларингга ишонинглар! Ким ҳозир галалашиб менга ташланган бўлса кечирдим! Орамиз очик! Бугун дарсда китоб ўқиганим учун мени ёмон кўриб қолдиларинг! Раҳматли онамни ҳақорат қилишид! Билиб қўйинглар! Бундан кейин ҳам китоб ўқийман! Ҳар куни дарсга келаман! Онасига тил теккизганларга эса ҳеч ким мулојим гапирмайди! Агар бегоналигим учун урмоқчи бўлсаларинг, қаттиқ янгишасанлар! Бу қишлоқ менинг тоға юртим! Мабодо мени бегона деб ҳисоблаймиз десаларинг, майли, розиман! Фақат бир нарсани унутманглар! У ҳолда мен учун сизлар

Азамат ҚОРЖОВОВ

ҳам бегона бұласизлар! Ҳар бириңни биттама-битта ушлаб, мана шу Қоронғи чорбоққа олиб кириб сүйман! Шунда биласизлар ота-онаси ўлган болани ҳақорат қилиш қандайлигини! Шунга йигитчасига келишамизми? Қани, ким рози?»

Бирортамиздан садо чиқмади. Кенжи юзи қонга беланған Бердини жойидан турғизиб, Тариқнинг ёнига сүяб келди. Тариқ Кенжига индамади, бошқалар ҳам шаштидан тушишди. Кенжи секин-аста ортига чекиниб, Қоронғи чорбоғға кириб, күздан фойиб бўлди. Янги боланинг тап тортмасдан Қоронғи чорбоққа кириб, нариги томонидан – қабристондан чиқиб кетиши бизни лол қолдирди.

Йиллар ўтди, ака, бир неча ой аввал Кенжақул яна қишлоғимизда пайдо бўлди. Тоштемир aka «жиян гўрковга шогирдликка келибди» деганида, ҳайрон қолдим.

– Қишлоқда гўрковликни касб қилиб ишлайдиганлар борми? Мисол учун, бизда марҳумнинг қариндошлари гўрковлик қилишади, ҳеч ким доимий касб қилмаган. Шогирдлик анъанаси ҳам йўқ.

– Биздаям шундай, ака, – деди Файбулла. – Ҳар доим ўзи кўнгилли бўлиб гўрковлик қиласидиган Маҳмуд aka деган киши қабр қазишда марҳумларнинг қариндошларига бош-қош бўларди. Унга дафн маросимидан, хайрия тушумларидан пул ажратишарди. Кенжи келиб, у ҳам норасмий гўрковга айланди.

– Айтгандай, йигитнинг лақаби нега Кенжи? Менга кимнидир эслатяпти, радиодан эшийтдимми...

– Лақаби Кенжи эканини яқинда Тоштемир aka гапи орасида айтиб ўтганди, унгача лақабини билмасдик. Мактабни битириб Тошкентга ишга кетганида, уёқдагилар «Кенжи» деб от қўйишиганимиз.

Шаҳарда ишлаб юрган йигитнинг бегона

қишлоқقا келиб, гүрковликни ўрганишга аҳд қилгани файритабий эмасми? Үзини тутиши қанақа эди?

— Ҳардамхаёлга ўхшаб қолганди. Бир қараща Кенжақулни танимадим. Соқоли олинмаган, хиёл букчайған, эски кийимдаги бу йигит мактаб чоғидаги мағрур болага ўхшамасди. Чап оёғини сезилар-сезилмас оқсаб босарди. Үз фикрида мардларча событ қолган бола келажакда ўқимишли одам бўлиб чиқмаганидан ичимда «эҳ, аттанг» дедим. Балки уни бирор сектага кирган диний фанат деб ўйлаётгандирсиз? Кенжақул мактабимизда ўқиб кетган пайтларида ҳам худога ишонмаган, яқинда келганида ҳам ўша-ўша — даҳрий эди.

— Ажабо! Даҳрий гүрков!

— Ўзи гүрковлик қиласман демаган. Тоштемир aka шунақа бир қизиққон, ҳовлиқма феълли киши. Кенжи баҳорда уникига келиб, уйида яшаб туришни сўраган, нима иш бўлса, қилишини айтган. Тоштемир аканинг қурилиш ишларига, дәҳқончилигига қарашган. Кенжи бу ишларни ёқтирамай, уқувсизлик билан қилганми, Тоштемир aka ниманидир ўйлаганми, ишқилиб гүрковга шогирдликни гапирди-ю, кўп ўтмай Кенжи бошқа бир одам туфайли ростдан гүрковга шогирд бўлиб қолди.

— Тошкентда нима иш қилган?

— Уч йил нима иш қилганидан бехабармиз.

— Фозтепада у билан боғлиқ қандай воқеа бўлди? Менимча, Кенжи билан боғлиқ қандайдир воқеани гапирмоқчисан?

— Асосий воқеага ўтай, aka. Муқаддас деган синфдошимни яхши кўрардим. Кўпчилик қатори мен ҳам қишлоғимиз яқинидаги лицейга ўқишга ўтдим, бошқача айтганда, мактаб биносидан лицей

Азамат КОРЖОВОВ

биносига күчдик. Муқаддас қишлоғимиз тугул, бутун туманда Аҳмадқұловлар деб донг таратган сулоланинг қизи, аниқроғи, Аҳмадқұлов деган мансабдор бойнинг невараси эди. Аҳмадқұлов қора күзойнак тақиб, атир буруқситиб, оқ шим, оқ күйлакда, шляпада юрадиган етмиш ёшлардаги кеккайған бир олифта чол эди. У туман ҳокимииятида ишлаган, сут заводида, кейинчалик вино заводида директор бўлган, нефть базасини бошқарган. Бир ўғил, уч қизи бор. Фарзандлари бирор каромат кўрсатмаган. Аҳмадқұлов нафақага чиқиб, бизнинг Фозтепа қишлоғимиздаги данғиллама ҳовлисида қарилек гаштини суроётганди. Қишлоқнинг катасиям, оқсоқолиям шу эди. Аҳмадқұловнинг яккаю ягона ўғли, яъни Муқаддаснинг отаси ювош, кўнгилчан, элга аралашмайдиган киши бўлиб, ҳалиги данғиллама ҳовлида турарди. Муқаддас худди шу ерда туғилиб ўсади. Уни отаси эмас, бобоси тарбиялади. Қайси қасбни танлашини, кимга турмушга чиқишини Аҳмадқұловнинг шахсан ўзи белгилаши кундай равшан эди. Мен кимман? Оддий тракторчининг ўғли. Отам ҳалигача ичади, улфатбозлик қиласи, топиштушишимизнинг тайини йўқ. Охирги пайтларда тракторимиз ҳам қўлдан кетган. Аҳмадқұлов отамни бир тийинга олмайди, ёқтирмайди, ҳамқишлоқ бўлгани учун тўй-маъракада рўпара келса, шунчаки қўл бериб кўришади, холос. Кўчада ижирғангандек икки қадам наридан ўтади. Айтганимдек, мен аслида ёмон бўлмасам-да, ташқаридан қараганда синфнинг энг bemазa болаларидан эдим. Кўчадаги юриштуришимдан, оилавий аҳволимдан, етти пуштимдан Аҳмадқұлов жуда яхши хабардор эди. Қолаверса, Муқаддас лицейни тамомлагандан ўқишига кириши, ўзи каби ўқимишли, келажаги порлок, нуфузли оила фарзандига турмушга чиқиши, бу пайтда, бизнинг

оила тўй қилишга қурби етиши у ёқда турсин, режага ҳам киритмаган бўлиши олдиндан маълум эди. Бироқ Муқаддасдан кўнгил узиш осон дейсизми? Унинг ҳусну малоҳатда тенгсизлиги, хушчақчақ ва шўхлиги, ҳаммага ёқадиган шириңсўзлиги бошқа қизларда учрамасди. Аҳмадқуловнинг невараси экани харидорларини ўн чандон кўпайтирганди. Ошиқларининг орасида ҳар хил йигитлар учарди...

— Кенжи уни севиб қолдими?

Файбулла «шошилманг» деган маънода бош чайқади.

— Муқаддас санъатга қизиқарди. Мактаб саҳнасида қўшиқ куйларди, интермедияларда роль ўйнарди, кичик синфларга режиссерлик қиласди. Лицейга ўтганида ҳам фаол эди. Аҳмадқуловга унинг санъатга қизиқиши заррача ёқмасди. Муқаддасни ҳуқуқшунослик институтига ўқишга жойлаштироқчи эди. Аҳмадқуловнинг хаёлида ишлар кўнгилдагидек кетаётгандек кўринса-да, вазият бобо ўйлагандан анча бошқача эди. Муқаддас севимли бобосининг эрка қизи десам янглишмаганимдек, «дунёқараш» жиҳатидан ҳам давомчиси эди. «Дунёқараш» деб қўштироқ ичидা айтяпман, ака, яъни ишқий саргузаштларни назарда тутяпман.

— Қанақа ишқий саргузаштлар?

— Оддий севги қиссалари. Бундай қиссалар Муқаддасда кўп бўлган.

— Кўп бўлган? Наҳотки, сен бир неча йигит билан севишган капалакдек бекарор қизни ёқтирадинг?

— Мени айбламанг, ака, кўнгилга буюриш айтишгагина осон. Муқаддас ҳам жа енгилтак эмасди, кулиб, ҳазиллашиб ёки сичқон-мушук ўйнаб, ошиқларини оро йўлда ташлаб кетаверарди. Мен унинг «буш қолишини» кутардим. Бир гал «Шундай юришинг тўғрими?» деб сўраганимда,

Азамат ҚОРЖОВОВ

у «Сен ҳам мени ёқтирасан, шуни унутмаки, бирортанг қўлимни ушлолмайсан», деб катта кетган. Бобосининг хотинларга суяги йўқ бўлган дейишади. Яқин йилларгача Аҳмадқұлов кўп шайтоний амаллар қилган. Муқаддас эса бешинчи синфда ўқиб юрганимиздаёқ ўғил болалар билан хат ёзишган. Бегона болаларни кўрса, қилиқ чиқариб қолиши аввал-бошдан менга ёқмасди, бобосининг қони тортади-да. Кенжи келмасдан сал аввал Муқаддаснинг навбатдаги ошиғи майдонга чиқди. У лицейда ўқийдиган пастки маҳаллалик Тўрабек исмли йигит эди. Иккиси Тўрабекнинг машинасида кечқурун туман марказидаги павильонда музқаймоқ ейишга кетаётганларида, автоҳалокатга учраб, йигит воқеа жойида тил тортмай ўлди. «Машинаада Аҳмадқұловнинг невараси – Муқаддас ҳам бўлган экан, бетинг қурсин уятсиз қиз Тўрабекнинг машинасида нима қилиб юрган экан?» деган гапсўз ҳаммаёққа тарқаб кетди. Буни эшитгач, мен ҳам Муқаддасдан нафратланганга ўхаш ёмон туйғуларни тыйдим, аммо ҳар галгидек ёмон кўриш тезда тарқади. Аксинча, энди йўл очилиб, менинг тақдирим Муқаддасга боғланадигандек туюлди. Аҳмадқұловнинг ҳам кайфияти бузилди, ғам босди. Келгусида Муқаддас ўқишини битириб, эрга тегаётганида, кимсан Аҳмадқұловнинг невараси деган олий рутбага эга бўларди. Энди-чи? «Йигитининг машинасида аллақаёққа кетаётганида, аварияга учраб, йигити ўлган қизми?» дейишлари муқаррар. Тўрабекнинг дағи маросимида ҳамма иштирок этди. Аҳмадқұлов ҳам муллалар ва бошқа катталар билан қабристонга борди. Мен одамлар орасида эдим. Қарасак, ер қаттиқ, қабр қазувчилар лаҳад деворини тўлиқ тайёрлаб улгуришмабди.

«Нега бўлмадиларинг? Майит кутиб қолсинми?!»
— дўқ урди Аҳмадқулов.

«Қабристоннинг бу четидан чўқиртош чиқишини билмагандик, раис бова», — дея ўзини оқлади Маҳмуд гўрков.

«Билишларинг керак эди! — ғазаб отига минди Аҳмадқулов. Кейин янги қабрдан сал нарироқдан бир учи чиқиб турган кўхна қабртошга кўзи тушди.
— Анави нима?»

«Урушдан кейин биз томонларга асиrlар келиб ишлаганда, ўлганларни шу ерга кўмишган, — деди гўрков. — Кўп эмас, битта асосий қабр бор».

«Сендан яхши биламан, Маҳмуд! Асиrlар қабри сал нарида, анави янтоқзорда эди-ку! Қандай қилиб бу ёққа келиб қолди?»

«Қабрлар силжимайди, раис бова, — деди Маҳмуд aka, — биз силжиб боряпмиз, ҳар йили қанчадан-қанча одам ўляпти. Номаълум аскарларга қўшилиб кетамиз».

Шу пайт янги лаҳад ичидан уст-боши чангга беланган Кенжақул чиқиб, қабр тайёrlигини айтди.

«Ким бу бола?» — сўради Аҳмадқулов тажанг кайфиятда.

«Тоштемирнинг жияни, — жавоб берди гўрков.
— Шу полвон бўлмаганида, майитнинг жойи минг бақирсангиз ҳам тайёр бўлмасди. Ёмон тиришқоқ экан».

Ўликни дағн этишди. Аҳмадқулов неварасининг номига доф туширган ҳовлиқма яхшироқ дағн этилганига ишонч ҳосил қилмоқчидек дўппайган қабрга охирги марта синчков назар ташлагач, оломонга эргашаркан, деди:

«Бугундан кейин Тоштемирнинг жияни гўрковлик қилсин. Маҳмуд, эшитяпсанми? Унга ҳам пул аж-ратинглар!»

Азамат ҚОРЖОВОВ

«Коронғи чорбогни ҳам топширинг, раис бова, – кесатди гүрков. – Яхшилаб обод қилиб, ўртада сизларга супа ҳам қуриб беради, пенсионерлар чиқиб, чой-пой ичасизлар».

Одамлар кулиб юборишдан ўзларини зўрга ти-йишиди. Ахир, Коронғи чорбогнинг чакалакзорида эшакни ўтлатишга ҳам ирим қилишарди-да.

«Коронғи чорбог сенга ўхшаган чўпчакчилар учун ёмон жой, аслида у ер уйингдаги боғ каби оддий дараҳтзор, – деди Аҳмадқулов. – Қўлларингдан келса, обод қилинглар, бориб чой ичайлик. Қани ҳалиги бола?»

Одамлар дарҳол Кенжини рўпара қилишди.

«Отинг нима?» – сўради Аҳмадқулов.

Кенжақул исмини айтган эди, Аҳмадқулов қа-ердан эканини, нега Фозтепага келиб яшаётганини суриштириди.

«Ота-онам ўтиб кетишган, яқин қариндошларим-дан бу ерда Тоштемир тоғам бор... Шунга... Тоштемир тоғамнинг уйида яшаб, ул-бул ишларига қарашсам деб келувдим...»

«Сенбоп ишлар кўп, шулардан бири Коронғи чорбог, – деди Аҳмадқулов. – Бизнинг одамлар сал хурофтпараст. Боғни обод қил, ўғлим! Ҳойнаҳой, Тоштемир тоғангдан Коронғи чорбог ҳақида ав-валлари эшитгансан. Мана, келиб кўрдинг. Нимаси хосиятсиз? Ишлайсанми?»

«Тоғамдан сўраб кўрай-чи, бова».

«Майли, сўра. Битта гапимни унутма: ҳеч ким менинг гапимни икки қилмаган! Яна шуни тушун-ки, Коронғи чорбогнинг қаровсиз қолганининг ўзи хосиятсизлик, гап унинг қанақа жой эканида эмас. Дараҳтларни эккан одамни яхши танирдим. Қабристоннинг этагидаги жарлик билан сойнинг ўртаси узоқдан хунук кўринади, шу ерни боғ қиласман,

деганди. Ҳақиқатан, сойнинг нариги ёғидан қара! Тепалик қишлоқ қабристони, пастлик жаннатдай боф. Бу боф сойга туташиб кетади. Ажойиб манзара эмасми?»

Кенжи бош силкиди.

Халқ қабристондан чиқди. Аҳмадқуловнинг Коронғи чорбоғ билан зифирча қизиқмаслиги илгаридан маълум эди, эндиликда қиладиган иши қолмаганим ёинки ҳукмдорлик иллатими, унинг диққат-эътибори қабристоннинг қаровсиз боғига қаратилган эди...

Файбулла ҳикоя қилишдан тұхтаб, ҳаво етиш-маётгандек ёқасини хиёл очиб, бүйнини ишқади. Мен унинг соғлигидан ҳамон хавотирда эдим. Шундай эса-да, Кенжи ва Коронғи чорбоғ воқеасига ҳам қизиқиш уйғонғанди.

— У Коронғи чорбоғни гуллатдими? — сўрадим мен.

— Ҳеч ким кутмаган ишларни қилди, — деб жавоб берди Файбулла оғир уҳ тортиб...

III

Ўша куни — Ҳасан газчи чақирған дамда Кенжи ўттиз чақиримча йўл босиб, Тошкентга келиб, анҳор бўйидаги ошхонанинг айвонида ўтирганида, газчи шундай деган эди:

— Менинг қаерлик эканимни билмайсан, укам. Тошкентлик, фарфоналик, жizzахлик... эмасман. Қон жиҳатдан тугул, географик жиҳатдан ҳам метисман. Томиримнинг бир учи сизлар томонга — нафақат вилоятларингга, балки туманингларга бориб тақалади. Беҳазил гап, Кенжи, бирор манфаат умидида гапирмаяпман. Угам дарёси бўйидан қайтаётган улфатларинг сенинг йўқолиб қолганингни айтиб ҳиринглашганида, қаерлик эканингни гаплари орасида айтиб ўтишган. Она юртимдан, яъни

Азамат ҚОРЖОВОВ

она томонимдан экан-ку, деган хаёл лип этиб үтгач, үзим сени ахтариб топдим ва дарёнинг нариги томонидаги тош устида ухлаб ётганинг ҳолингда учратдим. Йиллар үтди, сени яна суриштирдим ва улкан кашфиётга дуч келдим. Буни қара, сен Фозтепа қишлоғига бориб тураркансан, тогангнида яшаган экансан. Менга айнан у ерларга борган одам керак эди, үша ҳожатбарор шахс үзинг булиб чиқдинг. Қўлингни бер, укам! Эркакчасига қўл ташлашайлик! Ўйлайманки, менинг таклифимни рад этмайсан. Боя айтганимдек, хоҳласанг уйланасан, хоҳламасанг йўқ. Муҳими, катта мукофотни қўлга киритасан.

— Мақсадга етиб келдингиз, очиқ гапиrintg, — деди Кенжи қовоқ уйиб.

— Сен бола романтик эмассан, ҳатто Худога ҳам ишонмайсан, — Ҳасан газчи яна гапни айлантираётганга ўхшаса-да, мақсадга дарров кўчди: — Мен тескарингман, шунинг учун неча-неча йиллардан бери қасос ололмаётган одамим билан ҳисобкитоб қилмоқчиман. Унинг исми Рауф, фамилияси Аҳмадқулов. Эски корчалон, эски амалдор, эски тулки. Ҳозир Фозтепа қишлоғида яшайди, авваллари асосий қароргоҳи туман марказида эди. Изидан сени қўймоқчиман.

— Тескарим экансиз, Худога ишонаркансиз, нима керак сизга ўч-пўч? Бунинг устига үтмишда қолган ғалва экан. Минг йил олдинги муаммоларни кўтаргунча, ёшингизни яшаб, ошингизни ошамайсизми?

— Маслаҳат берма, Кенжи, хафалашиб қоламиз. Аҳмадқулов ёлғиз синглимни йўлдан урган. Синглим ўз жонига қасд қилганидан кейин ота-онамнинг соғлиги ёмонлашган. Лаънати Аҳмадқулов жуда пулдор эди, қаерга қўлинни чўзса етарди, тепада танишлари сон-мингта. Вазият чигаллашганида,

босди-босди қилиш учун синглимга Тошкентдан уй олиб бериб, иш ҳам топиб берган.

— Кейин-чи?

— Синглим Тошкентда бир кун ҳам яшолмади, ўзини ўлдирди. Уйи ўттиз йилдан бери ҳали ҳам турибди. Бир хонали галерейка. Ӯша уйни хизмат ҳаққингга бераман. Ҳоҳласанг яша, ҳоҳласанг сотиб юбор. Құряпсан, бугун синглим ҳам йүқ, ота-онам ҳам. Яқында хотиним вафот этди. Бу дунёда ёлғиз қолдим. Тұғри, қызыларим бор. Бири Озарбайжонда, иккінчиси Россияда. Улар ўзларига түқ. Ҳозирги уч хонали уйим мендан кейин қызыларимга қолади. Аналы уйни эса... пул кераклигіда минг марта сотиб юбормоқчи бұлғанман, қызифи, нимадир сабаб булиб, ҳеч сотолмаганман. Нотариусга борамиз, уйни гаровга қўйиб, сендан йигирма минг доллар қарз олғанимни расмийлаштирамиз. Бу — уй сенга ўтди дегани. Шартим, Аҳмадқұловнинг қизини... узр, қизи дебман, неварасини олиб қочасан ва уйланасан. Бизни чақириб, кичикроқ түй қиласан. Түй харажати ҳам мендан.

— Қасос шуми? — кулди Кенжи.

— Кулма, бола! Сен томондан бир йигит құлымда ишлаб кетган, — олдинга энгашди газчи. — Бир ой аввал түйига айтди, одатда узоқларга бормасдим, бу сафар бордим. Баҳонада Аҳмадқұлов ҳақида маълумотларни құлға кирилдім. Неча йиллардан бери юрагимни ўртаб келаётган, айниқса, ёлғиз қолганимдан сұңг кекашу кундуз тинчлик бермаётган ишни амалға оширишга тақдир сигнал бергандек туюлди. У неварасига жуда суюниб қолибди. Айтишларича, невараси соҳибжамол қиз, бу йил мактабни, аникроғи, қишлоғидаги лицейни та- момлаб, юристликка үқимоқчи. «Қасос шуми?» деб устимдан куляпсан. Мен ҳам устингдан кулайми?

Азамат ҚОРЖОВОВ

Сенинг ўша қизга уйланишинг — энг катта қасос! Аҳмадқуловнинг бундай баҳтсизликни татигандан кўра ўлгани яхши.

— Менга нима қипти?

— Сенгами? — Ҳасан газчи ўқрайди. — Сенга, укам, кўп нарса қилган... — Сигаретидан олиб, Кенжидан кўз узмасдан олов ёқди. — Турган-туришинг Аҳмадқуловни пичоқсиз сўяди. Қўлингда ҳунаринг йўқ, ўғрилар билан ошнасан, аллақанаقا бузуқхоналарда қўшмачи ва фоҳишаларни қўриклисан, официантликни ҳам эплолмагансан, отонанг вафот этиб кетган, майли, жойлари жаннатда бўлишсин, сенда тузукроқ қариндош-уроф ҳам қаҳат. Аҳмадқуловнинг назарида, кўча боласисан. Сенга ўҳшаганларни күёвлик тугул, боғига қоровулликка олишдан ҳам ҳазар қилади. Буни қараки, сен унга күёв бўласан, қуда томонда мени учратади, ҳа, шунаقا, тақдирдан қочиб қутулолмайди.

— Ҳамма ҳазар қиладиган одам эканман-да, а? — заҳарханда кулди Кенжи.

— Мен учун ҳақиқий йигитсан, Аҳмадқулов ва унга ўҳшаган оқсуяк зодагонлар учун эса пастсан. Мен айтмасам ҳам, шундай кибрли калтафаҳмларнинг қизларига ёки невараларига уйланиб, жойига ўтиргизиб қўйиш керак эди. Милицияга бериб қаматиб юборади, деб кўрқма. Тошкентга олиб келиб, уйингни кўрсатасан, ўзингга бундоқ қараб юрсанг, келишган йигитсан, севгидан алла айтиб, қалбини эритасан. Аҳмадқулов чиранганига қарамай невараси судга бермаса, сен билан Тошкентда яшашни истаса, милиция нима дейди? Урмагансан, ўлдирмагансан, зўрламагансан, гўёки қиз билан севишиб қолиб, бирга қочиб келгансан.

— «Боғига қоровулликка олишдан ҳам ҳазар қилади» деганингизга, анави... Коронги чорбоғни

сўрамоқчийдим. Буларга қабристон билан Қоронги чорбоғнинг нима алоқаси бор?

Ҳасан газчи стулига баҳузур ястланиб, тутун пуллади.

— Жин-пин, арвоҳ-парвоҳга ишонмайсан, — сигарет кулини қоқди Ҳасан газчи. — Демак, гўристондан, хосиятсиз боғдан — ҳеч балодан қўрқмайсан. Шуни хоҳлаяпманки, қизни дабдурустдан ўғирлаб кетма, тоғангнида маълум муддат яшаб, қишлоқни ўрган, иложини топиб, қабристонда ишла, қишлоқ аҳлига гўрков бўлиб танил.

— Гўрков бўлиб танил? — афтини бужмайтириди Кенжи.

— Масалан, тоғангга Қоронги чорбоғни обод қиласман, де. Кўймаса ҳам ишга киришиб кет. Қоронги чорбоғ, қабристон — булар битта жой. Худога ишонмайсан, улар эса ишонишади ва... Қоронги чорбоғдан даҳшатга тушишади. Сен уларнинг назарида ғалатироқ йигит бўлишингни хоҳлаяпман. Нима десам экан... бўладио одамлар ирим қиладиган жой! Шундай жойда bemalol ишла! Одамлар сени соғ эмас деб ўйласин!

— Нега?

— Қўшимча эффект.

— Қанақа қўшимча эффект?

— Аҳмадқұлов севимли невараси гўрковга, Қоронги чорбоғ қоровулига, ҳеч кими йўқ йигитта турмушга чиқаёттанини эшитсин! Ўғри эканингни...

— Ўғри эмасман.

— Ўғри эмассан! Суҳбатлашаётганимиздан бери уларнинг кўзи билан кўряпман, укажоним! Нафақат ўгрисан, уйидан чиқиб кетиб, бузукхоналарда тунаб юрган бангисан! Аҳмадқұловнинг қон босими ошиб, тил тортмай ўлади. Қизнинг кўнглини ол, қиз сенга

Азамат ҚОРЖОВОВ

турмушга чиқиши истаса, қонун бир тола түкингга ҳам тегинмайды. Қалай?

— Яна ўша гап!..

— Шошма! Охирги беш-олти йил ичидә неварасига қаттиқ боғланиб қолган, деяпман-ку! Неварасининг ташвишидан бошқа иши қолмаган. Қампири оламдан ўтган, фарзандларидан зериккан. Умр бўйи топган обрўйининг ҳам, бойлигининг ҳам — барчасининг ҳузур-ҳаловати шу невара қиз тимсолида мужассам. Бежиз сенга катта пул тикяпманми?! Эски «Жигули»-да юрсам юрай, мақсадим амалга ошсин! Ёмон қасос эмас, қизни ўлдирмаяпман, нашага ўргатмаяпман, шунчаки сенга олиб беряпман. Тарихда биринчи марта Аҳмадқуловнинг эмас, менинг айтганим бўлинин, илтимос, Кенжижон.

Жимлик чўкди.

— Faқat шуми? — қия назар ташлади Кенжи.

— Faқat шу, — деди Ҳасан газчи қўл узатиб. — Уйланасанми? Беш ташла!

— Уйлансан, невараси менинг оиласига айланадида, aka. Кейин бу ёфи қандоқ бўлади?

— Албатта оиласига айланади. Бу ёфи қанддай бўлади.

— Айтмоқчиманки, уйланганимдан сўнг неварасига нисбатан душманчилигинги тугаши керак. Акс ҳолда, aka... Балки ўйинлар бошланмасидан аввал... шу ерда режангизни тўхтатганимиз маъқулмикан? Шунда aka-укачилигимиз тинчгина сақланиб қолади, қон тўкилмайди.

— Вой-вў-ў, бир қиз учун мени ўлдиришинг мумкинми?

— Бир қиз учун эмас, оиласига учун.

— Кенжи, — деди Ҳасан газчи унсиз кулиб олгач, — Аҳмадқуловнинг қиз неварасида ҳозир ҳам хусуматим йўқ. Эҳтимол, сен билан баҳтли бўлар.

Мен учун муҳими, Аҳмадқулов деган кассоб, хотинбознинг руҳан эзилиши! Агар ёвуз бўлганимда эди, неварасининг бошига қора кунларни солардим. У ўғирланади, бинойидек йигит томонидан. Ахир, Аҳмадқуловнинг асабига тегадиган кўча боласи ҳисоблансанг-да, бундоқ олиб қараганда, бошқалардан кам жойинг йўқ-ку! Хуллас, йигирма минг АҚШ доллари ишладинг. Табриклайман! Буюрсин! Менга синглимнинг уйи керак эмасди. Шу уйни сен оляпсан ва... синглимнинг эрта сўнган умри учун бир малъун билан ҳисоб-китоб қиляпсан.

Шусиз ҳам Кенжи рангиз ҳётдан зериккан эди. Киндик қони тўкилган ота қишлоғига борса, амакилари ўз ташвишлари билан банд, Фозтепага борса, Тоштемир тоғаси рўзгор қайғусига ботган, ҳеч ким бошини силамайди. Кенжи ўзи аллақачонлардан бери одамлардан меҳр кутмай қўйганди. Қишлоқдан чиқиб кетиб, кўчада овунди, ортидан бирор суриштириб келмади. Аксинча, Кенжи қишлоққа борганида, «мана, шаҳарда ишлаб пул топяпти, бизнинг ўғилларга ҳам иш изла, Кенжақул», дейишиди. Бирортасига иш суриштирмади, қора ва кир ҳаётига яқинлаштиrmади...

— Яна нималар?
 — У ёққа манави пўрим кийимларда борма,
 — деди газчи Кенжининг эгнидаги ярашиқли гулдор кўйлакка имо қилиб. — Аҳмадқуловнинг кўпроқ эзилишини хоҳлайман. Худди томи кетган, бечорасифат, оқсоқ, соқоли олинмаган, тушкун йигит бўлиб бор.

Кенжи кулмоқчидек тараддулланди-ю бу гал кулмади. Ҳасан газчи келишувни ифодалаш учун яна қўл чўзди.

— Бахтингни берсин, Кенжи... Айтгандай, фамилиянг нимайди?

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Ойнақулов, — дея газчининг қўлини қисди Кенжи. — Қарз бераётганингизда паспортимни кўрасиз.

— ...Кенжи Ойна! — хитоб қилди Ҳасан газчи. — Хафа бўлма-ку-я, зўр номинг бор-да! Ҳаммасидан ҳам Фозтепага юбориладиган одам бўлиб чиққанингдан хурсандман. Сенга битта уй тугул, боримни беришга тайёрман. Фақат эпла, ука, эпла! Шу баҳонада омадинг чопиб, ҳам уйли, ҳам хотинли бўлиб қолсан. Тағин хунук қиёфада юр, деганимни кўнглингга олма. Қиз сенинг аслида қандайлигигингни билсин ча севсин. Бошқаларнинг фикрига қараб иш тутиш Аҳмадқуловнинг иши, сенинг эмас. Олдиндан айтаманки, сенга оломоннинг фикри бир тийин! Аҳмадқулов аслида синглимни ёқтирумagan, шунчаки ҳамкаслари мақтайвергач, кўпчиликнинг орзусидаги гулни ўйинчоқ қилишни хоҳлаган, холос. Эндиликда кўпчилик ёқтирумagan йигит — Кенжи унга куёвтўра бўлади.

IV

Менга Қоронги чорбоғ билан боғлиқ воқеаларни ҳикоя қилаётган Файбулланинг ранг-қути ўчган эди. Унинг касал эканига шак-шубҳа қилмай қўйдим. Бироқ чой ичишни ҳам истамай, Кенжи ва Қоронги чорбоғ воқеасини ҳикоя қилишда давом этди:

— Тўрабекнинг автоҳалокатда ўлишидан сўнг Муқаддас бирдан ўзгариб қолди, aka. Жароҳатлари битиб, ўқишига чиққанида, иккинчи қават йўлагида рўпара келдим. Шифохонада ётмай, уйида даволанди. Аҳмадқулов бирорта синфдошини касал кўргани уйига яқинлаштирумади, гүё гап-сўз кўпаймаслиги учун ваҳимакашларга қарши шу тариқа чора кўрганди. Муқаддас бир ойча бурун «Ошхона» деб номланган интермедияни лицей саҳнасига қўйиш

ташвишида менга официант ролини ўйнашни илтимос қылганида, рад этгандим.

«Тузалиб қолдингми? – деб ҳол сүрадим ва ярасини тирнамаслик учун дархол гапни бурдим: – Официант ролини ким ўйнайдиган бўлди? Шарифми?»

«Йўқ, у эмас», – деди Муқаддас ёнимда тўхтамасдан ўтаркан.

«Унда ким?» – ортидан эргашдим.

«Файбулла, кўрмаяпсанми, ўқишига бугун чиқдим, «официант»ни энди топаман. Ҳозир сўрама ўшани».

У автоҳалокат ва Тўрабекнинг ўлими мавзусида ҳеч ким билан гаплашмади. Ўқитувчилар ҳам юрак ютиб ҳеч вақо сўрамади. Худдики Муқаддас ҳалокат иштирокчиси бўлмаган, одам ўлмаган, жароҳат олмаган.

Бироқ...

Дарс тугаб, одатдагидек уйга пиёда жўнадик. Лицей қишлоқ марказидан бир ярим чақиримча нарида эди. Мактаб каби лицейнинг йўли ҳам Қоронғи чорбоғ яқинидан ўтарди. Қабристонга кўзи тушган айрим қизлар юзларига мунг тортиб, Муқаддасга қараб-қараб қўйишса, айримлари пичирлашиб, фийбатлашиб келаверишди.

Бир пайт чорбоғга элтувчи пастга энган сўқмоқда Кенжининг қораси кўринди. У тепага – асфальт йўл томон чиқиб келарди. Май қуёши қиздираётган эсада, енги узун баҳмал кўйлак, қалин кепка кийган, ишчилар қўлқопида эди.

Йўлга чиққач, мени имлаб чақирди.

«Ҳа?» – дедим ёнига бориб.

«Оting Fайбулламиди?» – деди тупроқ юқи ўрнашган қўлқопини ечиб.

«Адашмадинг».

«Тўрабек деган йигитнинг жанозаси куни келувдинг, танидим. Биз аввал ҳам учрашганмиз.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Эслайсанми, олтинчи синфимда мактабларингда ярим йил ўқиб кетгандим. Тоштемир аканинг жияниман. Коронги чорбоғ этагида синфдошларим билан жанжаллашганимда, менга қочиб кетишни маслаҳат бергандинг».

«Танидим. Узр, гапинг бўлса, тезроқ айт, кетишим керак».

Кенжи ўткир нигоҳини қадаганида, кўзларида файритабийй ўт шуълаланди. Буни бировга таърифлаб бериш мушкул. Англадимки, унинг вужудида турқ-тароватига зид ҳолда қандайдир номаълум куч яширин эди.

Дарвоқе...

«Муқаддас қайси бири?» – деб қизларга қаради у.
«Нима қиласан?»

«Лаҳадни мен кавладим, ўша куни кўрдинг, – деди Кенжи юзимга бир қарич масофада яқинлашаркан.
– Охирги бўлиб мен чиқдим... Муқаддас керак. Қайси бири?»

«Сен қазиган бўлсанг, шунга... нима бўпти?..
Муқаддасга қандай дахли бор?» – дедиму ичимга титроқ кирди.

«Лаҳадда нима кўрганимни Муқаддасга айтишим керак. Сендан қайси бири деб учинчи марта сўраяпман. Анавими?»

Кенжи нигоҳлари-ла Муқаддасни бехато топди.
Мен Муқаддасга етиб, ёш гўрков чақираётганини айтдим.

«Ким ўзи у? Гўрков деяпсанми, Файбулла?» –
пешонасини тириштириди Муқаддас.

«Қабристон билан Қоронги чорбоқقا қоровуллик қилаётган янги йигит... Тоштемир аканинг жияни...
Тўрабекнинг жойини шу бола қазиган...»

Муқаддас ўпкасини тўлдириб нафас ютди-ю, бир

зум жим қолди. Хавотир инган күzlари гоҳ менга, гоҳ Кенжига боқарди.

«Нима гап, Муқаддас?» – тұхташды қызлар.

«Сизлар кетаверинглар... Файбулла, юр-чи!» – дея Муқаддас мен билан бирга Кенжининг олдига келди.

Гүрков оёқ мускуллари тортишиб қолғандек икки қадамни зўрға ташлаб, букилган қаддини кўтарди. У бизга боққанида, нигоҳида ҳамон совуқлик уфурарди.

«Сен нарироққа бор, – буюрди Кенжи менга. – Муқаддасга айтар гапим сенга тааллуқлимас».

«Айтавер, шу ерда тураман», – дедим унга.

«Мард бўл, ука, – фижинди Кенжи. – Жуда кўп чайналаркансан. Бу синглимиизда муҳим гапим бор десам, сен қулоқ солмоқчисан».

«Гапириング... Бирга эшитамиз», – Муқаддаснинг лаблари қимтилди.

Кенжи унга сизлаб мурожаат этди:

«Синглим, қабр қандай қазилишини биласизми?»

Муқаддас иккимиз ҳайрон бўлиб, бир-биримизга қарадик.

«Нега мендан қабр қазилишини сўраяпсиз?» – деди Муқаддас.

«Илтимос, саволимга жавоб беринг, бу – муҳим».

«Интернетда расмига кўзим тушувди, – деб жавоб берди Муқаддас. – Кинолардагидек ҳандаққа ўхшамайди, бир ёнида маҳсус хонаси бўлади».

«Тўғри, аввал чуқур кавланади, кейин ўнг томон девори ўйилиб, уя қазилади, майит шу уяга, яъни лаҳадга қўйилади. Тўрабекнинг лаҳадини кавлашда қишлоғингиз гўрковларининг кучи етмай қолди, чунки тупроқ таги чўқиртош экан. Майитни олиб келишаётганига кўзим тушиб, маҳтал бўлмасин деб, ўзим лаҳадга тушдим-да, ишни охирига етказдим».

Муқаддаснинг кўzlари пирпираб, аччиқ ютинди.

«Бу гапларни нега менга айтяпсиз?»

Азамат ҚОРЖОВОВ

«У ердан чиқаётганимда, қабр деворида «М» ҳарфини кўрдим», — деди Кенжи.

Ичим шув этди. Тамом! Муқаддас ҳозир чинқириб йиғлаб юборади.

Йўқ...

Муқаддас йиғламади. Пешонасини қашиб, асфальт йўлдан кўз узмай, бир нафас ўйга толди. Кенжи қассоб молга қараган каби унга тикилиб қолганди. Мен жим эдим. Бу йигитнинг қаршисида шижоатим йўқолиб, ювош тортганимга тушунолмасдим.

Муқаддас кетмади, йиғламади ҳам.

«Қабр деворидаги «М» менманми?»

«Сизни танимасам, нима учун «ўша сизсиз» дейман? Ҳайрон қолганим, «М» ҳарфини ким ёзди? Лаҳаддан охирги бўлиб мен чиққанман. Аниқ биламанки, ҳеч ким ёзмади. Қабр деворига ёзув ёзиб, ўйин қилишмайди. Майитни қабрга қўювчилар девордаги ёзувга эътибор беришмади. Мен ҳам айтмадим. Шовшувни ёқтирмайман. Бунинг устига бобонгиз «Ким бу бола?» деб тергаб қолди, чалғидим».

«Шу гапларингизнинг эвазига нима қилишим керак?»

«Ҳеч нарса қилмайсиз. Бобонгиз менинг ишимдан қониқиб, Маҳмуд акага ёрдамчилик қилишимни айтди. Анави чорбоғни ё обод қил, ё қурит, деди. Ишга киришганимга беш кундан ошди. Беш кундан бери қишлоқларингиз гўрковиман. Қоронғи чорбоғнинг боғбони энди менман».

«Хўш?»

«Кеча Қоронғи чорбоғнинг чакалакзорини то-залаётиб, ҳув анави садақайрағоч тагида ўтириб, кўзим илинди, — деб Кенжи пастликдаги қаровсиз боғнинг ўртасида дарахтга ишора қилди. — Шу кунгача шарпа, жин, арвоҳларга — ҳеч бирига ишонмасдим. Мактабда ўқиб юрган давримда отам, онам

вафот этиб кетишган. Уларнинг қаерлардадир рух шаклида тирик эканига ишончим йўқ эди... Синглим, тушимда сизни кўрдим... «М» ҳарфининг сири тушда аён бўлди...»

Муқаддаснинг ранги ўчди. Менга кўз қирини ташлаб:

«Файбулла, сал нарига бориб турасанми?» – деди заиф товушда.

Ака, мен улардан узоклашдим. Қолган гаплари эшитилмади...

Файбулла ҳикоя қилишдан тўхтаб, дераза ёнига сурилди. Пардани суреб, пастга – мавземизнинг энг ширин таомлари пишириладиган ошхоналарга бокди.

– Қорин қалай? – дегандим, у пардани ёпиб, яна бурчакка юрди.

– Қоронғи чорбог воқеасига қизиқмаяпсизми? – кўзлари йилтиллади Файбулланинг.

– Қизиқяпман. Назаримда, сен қийналяпсан.

– Ҳа, кўп қийналдим. Уша куни сал нарига бориб, Муқаддасни кутдим. Кенжи ва Муқаддас гаплашаётганларида ёқимсиз шамол эсди. Асфалът устига ўрнашган чангни ҳавога кўтариб, юзимга урди. Биздан бошқа ҳеч ким қолмади. Ҳатто қушлар ҳам фойиб бўлганди. Қишлоқнинг шифер томларига, тилсиз теракларга, ҳувиллаган кўчаларга, олисдаги қўнғир тоғларга назар ташладим. Нигоҳим тириклар сафидан ўчиб, бир уюм тупроққа айланган одамлар шаҳри – гўристонга, ундан эса пастликдаги қуюқ дарахтзорга – Қоронғи чорбогга қадалди. Улим қошимиз ва қовоғимиз орасида эди. Ким қанча яшашини билмайди, у ёқда не кечмишлар бошига тушишини ҳам...

Муқаддас ва Кенжида нигоҳимни тўхтатдим. Улар қимир этмай гаплашишарди. Муқаддаснинг

Азамат ҚОРЖОВОВ

этаги шамолда ҳилпиради. Кенжи ҳайкалдек қотиб, киприги-да қылт этмай сүзлади, сүзлади, ахийри Мұқаддас пешонасига тушган сочини сидириб, унга нимадир деб жавоб берди, Кенжи бош иргади.

Юрагим эзилиб, қишлоққа юзимни бурдим ва бир дақиқача гарангсиб турдим.

«Кетдикми?» – деди Мұқаддас.

Кенжи сүқмоқдан эниб кетганди чоғи, күрінмасди.

«Нима дейди? «М» ҳарфи ростдан сен экансанми?»

«Құй, гапирма! Бирөвларгаям айтиб юрма! – деди Мұқаддас қадамини тезлатиб. – Мұхими, уни күндириңдим».

«Нимага күндириңдінг?»

«Саҳнага чиқиб, официант ролини ўйнайди».

Хамма гапни кутсам-да, буниси хаёлимга келмаганди, ниҳоятда ажабланиб:

«Шу йигит-а?» – деб юбордим.

«Унга нима қилибди? – Мұқаддас ҳайронлигини яширмади. – Ролга мос. Худди шунақа йигит официант бўлиб, патнис кўтариб киради».

«Қанақасига?»

«Файбулла, ўзинг ўйнамадинг, кўп саволлар бेраверма. У менга қабристон ҳақида гапирди, мен театр ҳақида. Йигит бечора умр бўйи санъат нималигини билмай келяпти. Гўрковликдан бўш вақтида бир роль ўйнасин».

«Буни ҳазм қилиш қийин».

«Ҳечам қийинмас. У уч йил шаҳарда юриб, театрни кўрмаган. Демак, дунёқарашида касаллик бор. Аммо даволаш мумкин».

«Қишлоқ қабристонининг қоровули лицейга келиб, саҳнада роль ўйнаши ғалати-ку, Мұқаддас!»

«Сендеқ фикрласам, дунёда ғалати нарсанинг ўзи йўқ. Ер шарининг ҳеч нимага таянмай, муаллақ тургани ғалати эмасми? Яшаётганимиз-

чи? Гапираётганимиз, айниңса, күраётганимиз-чи?! Юмалоқ, ялтироқ аъзомиз, яъни қўзимиз мияга тасвирни узатади! Бўлиши мумкинми? Сендек фикрласак, гўштга ўхшаш тўқиманинг тасвирни акс эттириши асло мумкинмас!..»

«Бўлди, гапирмадим! Гўрков келиб, қўшиқ айтсин, куйласин, брек-дансга тушсин! Муҳими, сен соғсаломат бўлсанг бас».

Муқаддас сумкасини елкасига қулайроқ қўндириди. Шу кундан бошлаб у ва Кенжи ўртасида биз тушунмайдиган ришта пайдо бўлган эди.

Ҳақиқатан, орадан кўп ўтмай, гуруҳимиз қизлари «Ошхона» интермедиясини намойиш этгани лицей саҳнасига чиқишиди. Официант ролини гўрков ижро этишини саноқли одамларгина билишарди.

Буни қарангки, Аҳмадқулов ҳам лицейга келиб, фаоллар залига ташриф буюрган ва қўлларини чалиштириб, орқадаги ўриндиқларнинг бирини эгаллаганди. Чол бурунгидан-да замонавий кийинган, оқ шим, эгнида қизил гулли енги калта испанча кўйлак, бошида ковбойлар шляпаси, оғзида сақич, ҳатто бўйнида кумуш занжир ярақларди. Янада кеккайиб ўтиришидан англадимки, арман конъягидан отиб олган. Муқаддаснинг айтишича, бобоси ҳали-ҳануз қимматбаҳо ичимликлар ичади ва кайфи борлигида ана шундай учига чиққан олифта-га айланади.

«Бованг...» – дедим Муқаддасга.

«Хўқизим туққан йили саратонда қор ёққанди», – дея Муқаддас ҳам ҳайратини яшиrolмади.

«Ошхона» интермедиясида Муқаддас камбағал, шўх қиз, қўшни қишлоқлик Нозим деган қилтириқ йигит сохта ошиқ ролини ўйнарди. Нозим Муқаддасни бойнинг қизи деган гумонда хушомад устига хушомад уради. Иккисига хизмат қилаётган

Азамат ҚОРЖОВОВ

официант йигит (Кенжи) энсасини қотиради, чунки у қизнинг қўшниси бўлиб, баридан боҳабар ва энг муҳими, соҳибжамолда кўнгли бор эди. Қиз официантга «инدامай қўя қолинг» деган маънода ишора қилишдан чарчамайди. Бу роллар мисолида бойликка ўчлик, субутсизлик, ёлғончилик, но-мардлик ҳажв остига олинниши керак эди. Ниҳоят, қиз барча ҳақиқатни сохта ошиққа рўй-рост айтади, сохта ошиқ ундан ошкора юз ўгириб кетаётганида, официант чидаёлмайди ва Нозимни битта қолдирмай овқат ейишга мажбурлайди. «Севгинг сохта бўлса бордир, аммо бу овқатлар ҳақиқий, уларни исроф этмаслик керак», дейди официант.

Ҳа, сценарий бўйича бари шундай эди.

Зал чироқлари ўчирилди. Парда кўтарилиб, мўъжаз тамаддихона намоён бўлди. Муқаддас ва Нозим ошиқ-мошиқлардек етаклашиб чиқишганида, зални масҳаромуз қийқириқлар, ҳуштаклар бўрони тутди. Гўёки томошабинлар маймун, чўчқа ва дайди итлар эдилар.

Йигит ва қиз ўқишга ўтиш, касб эгаллаш, ҳаётдан ўз ўрнини топиш ҳақида ҳазил-ҳузулга йўғрилган, аммо аччиқ ҳақиқатга тўйдирилган мавзуда суҳбатлашишди. Ҳартугул, дақиқа ўтмай шовқин-сурон тинди. Саҳнада ўзларини кўраётган томошабинларнинг тутуруқсизлик ҳукм суроётган онг-шуурлари уйғониб, секин-аста жимиб қолишиди. Нозим қандай бўлмасин тезроқ машина олишни, бироннинг пули ёрдамида ўқишга ўтишни, бой хонадон қизига уйланиб, қайнотасининг кўмагида мансабга ўтиришни коса тагида нимкоса қилиб гапираварди. Лицейда ўқиш ҳам, аввало, обру учун эди. Қиз эса ростгўйлик ва муҳаббатни истарди.

Оқ кўйлак, қора шим, капалакнусха бўйинбоғ

таққан официант – Кенжи саңнага патнис күтариб чиққанида, залга оғир жимлик чүккан эди. Күтилмаганда гүрковни күрган томошабинлар шивирлаша бошлашди. Мен Аҳмадқұловга ўғирилдім. Аҳмадқұлов шоша-пиша күзойнагини тақиб, қовоқ уйганча тикилиб қолди. Бу пайтда сохта ошиқ «сизнинг барча бой қариндошларингиз ҳақида әшитғанман» деб бошқа бир қыз билан адаштириб, Муқадdasга хушомад уришнинг авж нұқтасига чиққанди.

Кенжи уларга бүкчаймасдан ва оқсоқланмасдан яқынлашди.

«Нима буюрадилар?» – сүради у ҳеч ким кутмаган назокат ва сиполик билан.

Муқадdas ва Нозим бир зум анграйиб қолиши.

«Бириңчига юрак», – деди Нозим.

«Сизга-чи? – дея дафтарчасига ёзаётган он Кенжи қызға қаради. – Сизга ҳам юракми?»

«Йүқ, ҳасип!» – хитоб қылди Муқадdas.

Сценарий бүйича Кенжи «Насиб!» деб бақириш ўрнига ним кулимсиради ва:

«Қичқириш шарт эмас, яхши қыз, – деди майин оқанғда. – Шусиз ҳам нимани ёқтиришингизни биламан. Бақироқ қызларга ва бақироқ йигитларга ачинаман, холос».

«Йүғ-е! Бундай гап... йүқ эди-ку?» – кифт учирди Муқадdas.

«Сиз фақат олдиндан белгилаб қўйилган гапларни айтасизми? Бу ер томошагоҳ эмас, ҳаёт деб ўйланг. Сизни танидим, лицейда ўқыйсиз, ақлли, истеъододли қызсиз! Ошхонамизга манави қалбсиз йигит билан кириб, гап талашиб ўтирибсиз! Нега? Йигитларга қўшилиб қызлар ҳам майдалашиб кетяптими?»

«Официантмисиз, официантлигингизни қилинг!

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Муқаддаснинг жини қўзиди. — Балки гўрковман ҳам дерсиз?!»

«Муҳими, муҳаббат гўркови эмасман».

«Муҳаббат? — кўзларини ола-кула қилди Муқаддас.

— Вой, бу кишимни қаранглар! Менга муҳаббатдан лоф уряпти! Келиб-келиб официантга турмушга чиқаманми? — қиз Нозимни туртди. — Бирор нарса десанг-чи!»

«Ҳм-м... Ростдан гўрковга ўхшаркан», — деди Нозим масхарабозларча лаб буриб.

Гарангсиган зал гуриллаб кулиб юборди.

«Биринчидан, муҳаббатдан лоф урмадим, — деди Кенжи. — Иккинчидан, турмушга чиқишин таклиф этмадим. Мана, ошиғингиз ёнингизда. У бўлмаса бошқаси. «Маде ин номардлик». Менимча, ҳаммангиз битта заводдан, аниқроғи, битта мактабдан чиққансизлар. Мардлик сифати ёшларингизга ҳам, кексаларингизга ҳам етишмайди. Бу ошхонага бугун ишга ўтдим, аслида молхонага ўтсан бўларкан. Қулоқларим ва кўзлари панд бермаган бўлса, моллар айримлардан кўра сипороқ».

«Сизнинг... томингиз кетмаганми мабодо?» — ғазабланди Муқаддас.

«Кимнинг томи кетган? Ошхонамизга келиб, бир ёлғончи билан учрашиб, сиз ҳам ёлғон қўшиб, томоша кўрсатяпсиз. Қачон ҳақиқатни гапиришга, юракка қулоқ солиб яшашга, ён-атрофингизда муттаҳамлар эмас, мардлар кўпайишига эришасиз? Кечирасиз, мен бошқача ҳаётни қабул қилолмайман, шунинг учун ҳайронлигимдан гапирияпман».

«Боринг! Юрак билан ҳасипни келтиринг!» — чийиллоқ овозда буюрди Нозим.

Кенжи яна ним кулимсиради. Интермедија шу тахлит бошиданоқ сценарийдан чиқиб кетди. Сценарияда Кенжи сохта ошиқнинг шунчаки ёқасидан бўғиши

ёзилганди, бироқ ёқадан бўғиш билан кифояланмай, бир қўлда даст кўтариб Нозимнинг оёғини полдан узди. Залдаги оломон қаҳқаҳ отиб кулди.

«Мультифильм бўларди, — деди Кенжи дона-дона қилиб, — «Соҳибжамол ва маҳлуқ» деган! Кўрган бўлсанг, маҳлуқнинг ичида тавбасига таянган соғдил йигит яшайди. Мен ҳам маҳлуқман. Ҳаммангнинг кўзингга жирканч кўринсам-да, ичимда шаҳзодаман...»

«Маҳлуқжон, уни қўйворинг», — ялинди Муқаддас ролга киришиб, қўлларини қўксига жуфтларкан.

«Қўйвораман, чунки мен... гўрков эмасман, у эса майит эмас, — деб Кенжи Нозимни полга туширди. (Сохта ошиқ парда ортига жуфтакни ростлаб қолди.) — Қайтмас дунёга эмас, қайтар дунёга қўйвордим. Тавба қилишга унда имконият бор».

«Сиз ҳам тавба қилинг. Бекор маҳлуқقا айланмаганингиз кўриниб турибди».

«Маҳлуқ тугул, одам ҳам эмасдим. Сизни бир кўришда севиб қолдиму ўзимни ўзим танидим, гуноҳларимга тавба қилдим, ҳа, шу ердаёқ тавба қилдим. Мактабингизда ўқиганман, қишлоғингизнинг сувини ичганман. Хуллас, бебурд йигитлардан воз кечинг, сизга улар эмас, мен уйланаман, олис тоғлар ортидаги қасримга бирга кетамиз...»

Ортимга ўгирилганимда Аҳмадқулов иситмаси чиққандек хўмрайиб ўтиради.

«Бойлигимга учма, маҳлуқжон!» — деди Муқаддас куйиб-пишиб.

«Нималар деяпсиз, бойлигингиз умуман керакмас, — қўл силтади Кенжи, — шаън-шавкатингиз ҳам! Одам одамийлиги билан қимматлидир. Қолаверса, сизда бойлик йўқ. Чунки вақт шамоли учириб кетадиган бирорвларнинг чангини бойлигим дейиш хато. Энг

кatta бойлик – соф туйгулар. Кир туйгуларнинг охири балчиқ!»

«Соф туйгулар деганда нимани тушунасиз?»

«Хозиргина айтдим, соф туйгулар деганда бойликни тушунаман», – деб жавоб берди Кенжи.

«Унда нега оддий официант бўлиб юрибсиз?»

«Унда нега ёлғончи йигитлар билан учрашиб юрибсиз?»

«Менинг хоҳишим-иродам билан сизнинг касбингиз не чоғлик алоқадор?»

«Официантликми? Пулини тӯлаган ноз-неъматингизни мен дастурхонингизга келтириб бераман. На пулини тӯлаганман, на пиширганман. Энди тушунгандирсиз, яхши қиз?»

«Йўқ, ҳеч вақони тушунмадим».

«Гўрков деб ҳам гумон қилдингиз. Тасаввур қилинг, мен гўрковман. Гўрков ҳам дафн этиладиган майитни на туғдирган, на ўлдирган...»

«Вой-й... мавзуни ўзгартиринг! Барибир тушунмадим. Фалсафагизнинг маъноси нима ўзи?»

«Маъноси шуки, «Нега мен официантман?» деган гапни «Нега мен одамман?» деб тушуниш ва ҳар ким ҳаётда ўз ўрнига худди шоҳлар тахтга эгалик қилгани каби эга эканини унутмаслик! Чунки одам бўлиш баҳт! Биз ит, чўчқа, маймун эмас, айнан одаммиз!»

Ҳазил-мазах тариқасида намойиш этилган интермедия ўқувчи йигит-қизлар ва муаллимларни ҳажв қилиш ўрнига бошқа томонга бурилиб кетган эди. Гўрков менинг ўрнимга саҳнага чиқди. Ҳеч қачон дамини сездирмайдиган гапларимни айтиётганди. Ахир, бу гаплар юрагим тагидаги фафлат сандифида ётарди-да. Кенжининг ҳар бир гапи, ҳар бир қилиғи менини эди. Бошқалар ҳайрон қолаётган бўлсада, зифирча ҳайратланмаётгандим. Шундай ғашим келдики, ўз-ўзимдан ижирғаниб, кўнглим айниди.

Кенжи олтинчи синфдалигига Фозтепа қобиғини ёриб ташлаганди, ҳозир ҳам қолипларни синдириди.

Томоша тугади. Актёрлар парда ортига ўтиб кўздан йўқолишиди, саҳнага қўшиқчи қизлар чиқишиди. Сценарийни бузгани учун Муқаддас Кенжига нималар деганини эшитмадим, аммо назаримда у гўрковдан хафа эмасди.

Аҳмадқұлов бирор тескари гап айтса керак, деб пойладим. Залдан чиқаётганида, бобога атайин яқинлашдим.

«Муқаддасни бир дақиқага чақир», — деди чол.

Неварасини зудлик билан айтиб келдим.

«Қизим, анави гўрков қани? — қошларини чимирди Аҳмадқұлов. — Роль ўйнашга сен кўндиридингми?»

«Ха, мен, бобожон. У кетди. Ишлари кўп экан».

«Нега бундай қилдинг? Қон босими ошиб, ўлиб қолсин деяпсанми?! Ўзи шу театрингга мутлақо қаршиман. Бўш вақтинг бўлса, репетиторларингга бор! Ёзда имтиҳонларинг! Гўрковни официант ролига мажбуrlабсан! Шу ҳам ишми?!»

«Мажбуrlаганим йўқ, таклиф этдим...»

«Кимлигимни яхши билади, шунга йўқ деёлмаган. Йўқ деёлмасликка мажбуrlаш бу!»

«Бобо-о-в, нега доим шунаقا ўйлайсиз-а? У бошқача йигит! Сизни деб келмади, ахир...»

«Бас! Уйга борганда гаплашамиз!»

Аҳмадқұлов йўлак охиридаги эшикка шошилди. Уф тортган Муқаддас менга деди:

«Интермедия қандай чиқди? Ёмонмас-а?»

Соф ҳисларга чўмилган пок гапларимни яна айттолмадим. Йиллар мобайнида ёмонларнинг кучи билан ичимда қурилган қафас панжаралари анча мустаҳкам эди ва инсофимни озод этишни истамасди.

«Б... бўлади... лекин гўрков...» — деб чайналдим.

Муқаддас ақл ўргатишинга зор эмасди. Бурилди-ю

Азамат ҚОРЖОВОВ

кийимхонага жұнади. Ұша куни Мұқаддасға севги изҳор қилиб, келгусида уйланиш ҳақида айтишга азм этдім. Оилавий шароитим, Аҳмадқұловнинг шартлари, үқишиңде үтиш-ұтmasлигим, касб-хунарим – булар ҳақиқатан мұхитнинг сохта қомусидаги қаллобларнинг бандлари зди. Мен қафасни синдираман, ҳеч кимга таассуб солмай, юрагимдаги инсонни майдонға чиқараман.

Афсуски...

Эртасига – якшанба куни, түш чоғи Мұқаддас овқат солинган түгунчак күтариб Қоронғи чорбоққа борибди. Кенжи ғозтепаликларнинг ота-боболари ётган гүристонда ишлаётганидан бери қишлоқдаги айрим инсофли хонадонлар навбати билан овқат чиқараётганди. Бу навбатда Аҳмадқұловнинг хонадони йүқ зди. Ичимга чүф түшди. Мұқаддас ўла қолса ҳам қабристонға овқат олиб бормас зди, ҳатто бобоси мажбурласа ҳам. Нега у үзгариб қолди? Наҳотки, қызлар Кенжига ўхшаганларни ёқтиради?

Сешанба куни зди. Лицейдан келиб, уйда бир соатча у ёқдан бу ёққа юрдим. Тұрабекнинг ўлими менга йўл очган зди. Отимни қамчиламасам, кейин пушаймон ейман. Қачонгача Мұқаддас менинг тенгим эмас деб яшайман? Кенжи бу ерда ортиқча, ҳа, ортиқча. Мен турганда Аҳмадқұловга шу Кенжи куёв бўладими?

Ҳар эҳтимолга қарши қайрилма пичофимни чўн-такка солдим. Велосипедимни миниб, Қоронғи чорбоғ сари жұнадим. Мұқаддас кимникилигини дадил гапирадиган фурсат келгандек зди. Бир кўнглим Кенжининг унга бефарқлигига ишонарди. Балки сахнадаги гапларни Мұқаддас ўргатгандир ва бизни – ҳиссиз йигитларни уйқудан уйғотмоқчиидир...

Велосипедни қабристон симтўрига суюб, дарвозадан кирдим. Кенжи йўлакларни тозалаб, қабр-

лар атрофидаги янтоқлару шувоқларни чопиб, саранжомлаганди.

Қабристон үртасидаги йўлдан юрилса, дўнгликка чиқиларди. Дўнглик усти ярим гектарча текис майдон бўлиб, дўнглик атрофи қабрларга тўлгач, эндиликда майитлар шу майдонга дағн этилаётганди. Майдон этагидан нариги ёқقا – сой томонга тушиларди. Худди шу ердан Қоронги чорбоғ бошланарди. Кенжи Қоронги чорбоғда эмас, шу майдонда ўралашаётганини боя лицейдан қайтаётиб кўргандим. Атрофга аланглаб, Тўрабекнинг қабридан сал нарида мук тушиб ўтирган Кенжига кўзим тушди.

Ортидан яқинлашганимда, қадам сасларимни эштиб, бошини бурди. Аввал телбавор илжайган юзкўзига, кейин қўллари силаётган нарсага қарадим. У Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг йўл қурилишига келтирилганида ўлган асирининг қабртоши эди.

«Кишлоқда мендан бошқа бегона ҳам бор экан, – деди у. – Қара, тошни кавлаб, тўғрилаб ўрнатдим. Бечора бегона тупроқда ётибман деб безовта эди. Устидаги могорни артиб, нимани кўрдим, де».

«Нима экан?»

«Ёзув».

Олдинга яна бир қадам ташлаб, қабртошда чинданда аллақандай ёзув борлигини кўрдим.

«Япон бўлса керак, – деди Кенжи. – Маҳмуд аканинг айтишича, йўл қурилишида япон, венгер, румин асиirlари ишлаган. Кишлоқ эллигинчи йилларда барпо этилганини ҳисобга олсак бу қабристон аслида асиirlарники».

Кенжи телефонини чиқариб, тошни суратга туширди.

«Япон тили ўқитувчисига юбориб, нима деб ёзилганини сўрайман, аниқроғи, синглисига жўна-

Азамат ҚОРЖОВОВ

таман, опасидан сүраб, билиб беради. Мабодо япон тилини билмайсанми?»

Құлларимни чалиштириб, унга нафратомуз боқдим. Кенжи дарқол тушунди ва оёққа туриб, сағна учун қыртишланганидан бери устара тегмаган соқолини қашиди. Күзлари кулди. Күзлари масхараомуз кулди.

«Япон тилини билмайсанми, деб жиддий сұрадым, — деди у. — Үқишиң шарт-шароит бор, давлат лицей ҳам қуриб берди. Маза қилиб илм ўрганмайсанми?»

«Ақллилик қилма, Кенжи! Нега келганимни түшундинг!»

«Кенжи? Ё тавба, лақабимни қаёқдан била қолдинг?»

«Буни Тоштемир тоғанғга бориб айт!»

«Тұхта, тұхта, одатда қабристонға ҳайит күнлари ёки одам ўлганида келардинг. Бугун қаёқдан қүёш чиқди-ю нега момақалдироқ гулдираяпти десам, ичингда дардинг тұлғаняпти экан-да. Ҳойнахой, Муқадdas ҳақида гапирмоқчисан. Тұғрими?»

«Гапни күпайтирма! Қисқаси, сен ундан нари юр!»

«Сабаб?»

«У барибір меники бұлади».

Кенжи Тұрабекнинг мозорига нигоҳ ташлаб қўйди-да, деди:

«Ука, ўпканғни бос! Юр, чорбоққа тушамиз. Ўтганларнинг қабри олдіда тортишмайлик».

Кенжи мени майдон этагига бошлаб келди. Симтүсиқнинг чирмовиқ ва ковул босған жойидан эшик очган экан, иккимиз Қоронғи чорбоққа ўтдик. Кенжи бое ичидаги чакалакзор ўртасидан йўл очган экан, сўқмоқдан секин пастладик. Йигирма қадамлар ичкарилаб, ўнгга бурилдик. Кўздан буткул пана жойдаги супадек майдончага эски кўрпача түшал-

ган, ёпиқ дастурхон четидаги косадан қошиқнинг бир учи кўриниб турарди. Чигиртка чириллаб, ари фингиллади. Ҳув наридан, ҳар куни биз лицейга қатнайдиган тарафдан машина гуриллаб ўтди, аммо йўл у ёқда турсин, қишлоқ теракларининг учи ҳам кўринмади. Ҳақиқий овлоқ гўша эди.

«Ўтириш», – деди Кенжи.

«Ўтирмайман, – деб қўлимни чўнтағимга солдим-да, пичогимни пайпасладим. – Ҳалиги гап! Ўзинг аввал Фозтепада яшагансан, мактабимизда ўқигансан, қишлоқ йигитлари кечирмаслигидан хабардорсан, нима керак Муқаддаснинг атрофида ўралашиб?! Ҳатто мен унинг тенги эмасман, сен ким бўлибсан?»

«Кимлигимни айтайми?»

«Айт».

Кенжи гапиришга оғиз жуфтлаганди, телефонининг экрани ёришди.

«Буни қара! – деди Кенжи хабарни ўқиб. – Ҳамманг келишиб олганмисан дейман?»

«Менга гапирияпсанми?»

«Гапимни эшиштан бўлсанг, сенга ҳам тааллуқли».

Кенжи телефон экранини тумшуғимга яқин туттанида, «Кенжи Аина» деган ёзувни ўқидим. Ундан олдинги хабарда «Ўзингга қабртош ясатдингми? Ундаги ёзув...» деган гап битилганди.

«Ақллиман деб ўйлама, – дедим мен. – Қишлоқ ҳақида ҳам саҳнада бир нималар дединг. Ким мард, нима номард, ўзимиз биламиш. Тўрабек авария қилгани ҳам менга бир тийин! Бу – Муқаддас у билан юрган, ошиқ-маъшуқ дегани эмас, шунинг учун кўнглимни узмадим. Муқаддас тортинмайди, гап-сўз бўламан деб қўрқмайди, эркин ўсган шўх қиз, Тўрабек «юр, музқаймоқ еб келамиш» деса, Муқаддас «район»да бирор иши бўлгани учунми, тайёр машинага чиқса

Азамат ҚОРЖОВОВ

чиққандир. Сени офицант ролига ҳам шунчаки чақирди, хомтаъма бўлма! Қисқаси, қишлоғимиздан кет! Шу яхши сенга!»

Кенжи жилмайиб қўйиб, телефонини чўнтағига солди.

«Ҳаётда нима ёмон?» – деди у.

«Нима ёмон?» – ўқрайдим мен.

«Худбинлик».

«Мени худбин деяпсанми?» – газабим тошди.

«Нега доим ортиқча саволлар бераверасан-а? Худбинлик ёмон деб сенга айтяпман, дараҳтларга эмас. Эсингдами, ўшанда болалар мени дўппослаш учун боғнинг пастки дарвозаси олдига – сой бўйига олиб тушганди. Сен нима деб маслаҳат бергандинг? Қочиб кет деганимидинг? Ўшандаёқ қочиб кетмаган одам энди битта дўқ урсам қуённинг расмини чизади, деб ўйлајпсанми?»

«Катта кетма! Биринчидан, сенга яхши бўлсин деганман. Иккинчидан, мен аввалги Файбулла эмасман!»

«Бекор гап. Йиллар ўтса ҳам ўзгармагансан. Кўзларинг айтиб турибди».

«Ҳа, саҳнага чиқмагунингча ўзгармагандим. Саҳнага чиқиб, кўп гапириб қўйдинг. Энди ўзгардим».

«Қизиқ, менинг саҳнада офицант ролини ўйнашим сени ўзгартирдими?»

«Қизиқ эмас! Фозтепада нима бор ўзи сенга?! Борйўғи мардикор, гўрковсан! Аҳмадқулов у ёқда турсин, подачи ҳам қизини бермайди! Буни тушуниш учун каллангни кўп ишлатишинг шартмас!»

«Кимлигимни эшиш, ука. Мен одамман! Шундай одамманки, сенга ўхшаб мансаб, бойлик, касбга қараб иш тутмайман. Қобигимга ҳам ўралиб олмаганман. Ўзим маъқул деб топган ишимни қиласман. Агар Тўрабек ўлмаганида, Муқаддасга уйланарди, сен

дардингни ичингга ютиб яшардинг, Тұрабекка ғинг деёлмасдинг. Муқаддасга уйланаман дейишиңг учун, аввало, бирорлар әмас, «унинг тенги әмасман» деган ўзингнинг фикринг түсқин бўларди. Муқаддас эрка ўсган шўх қиз экан, қишлоқ қабристони, манави Қоронғи чорбоф... умуман, сой кўприги, қишлоқ йўллари-чи? Улар шунчалик нопок жойларми, обод қилишни ўзларингга тенг кўрмайсанлар?»

«Муқаддасга қабристон, чорбоф, йўлларнинг нима алоқаси бор?!»

«Муқаддасга әмас, сен ва сенга ўхшаганларга алоқаси бор. Муқаддас бизнинг тенгимиз әмас, Аҳмадқулов бизни куёв қилмайди деб ўйлаган кимса қабристонни, Қоронғи чорбоғни, кўчаларни тозалашни ҳам ўзига эп кўрмайди, ўзича киборга айланиб, буларни паст иш деб билади. Мардикор, гўрков эмишман! Шу ҳам гапми? Мен әмас, сен бажаришинг керак эди бу ишларни. Ҳойнаҳой, Муқаддасга ҳам юрагингдан севги изҳор қилмагансан, мен билан саҳнада роль ўйнагани учун чидолмаяпсан. Билиб қўй, шу қишлоқда, шу атрофларда қанча ёшлар севишади, турмуш қуришади ёки омадлари чопмай турмуш қуришмайди, севги икки ҳолатда ҳам ўлда-жўлда қолиб кетади. Нега? Сен ва сенга ўхшаганларнинг севгиси ҳақиқиймас. Саҳнадаги гапимни яна айтаман – соф туйғу йўқ сенларда! Соф туйғу бўлганида давлат қурған лицейда аъло баҳоларга ўқиб, саҳнада роллар ўйнаб, бўш вақтларингда боғни ҳашар билан яшнатиб, кўчаларингни ҳам тозаозода қиласдинглар».

«Бу ишлар лицей ўқувчиларининг ишимас!»

«Бу ишлар бошқаларнинг ҳам ишимас. Кўриб турибман».

«Унда кўзларинг кўр экан!»

«Аксинча, сен кўрсан. Мана, аҳмоқона дунё-

Азамат ҚОРЖОВОВ

қарашинг билан устимдан қуляпсан. Бундан хуло-саки, сен қишлоғингнинг бўлажак энг катта бош аҳмоғисан! Қишлоғинг сени қандай бахтсиз ва майда одам қилиб қўйган бўлса, сен ҳам келгусида авлодларингни шундай бахтсиз ва майда шахсга айлантирасан!»

«Сенга ҳам, фикрингга ҳам тупурдим!» – деб пичофимни маҳкамроқ ушладим.

Кенжи бир қадам ташлаган эди, қўлимни чўн-тагимдан чиқариб (чиқараётганимда, қайрилматаифни очиб), зарба урдим...

Уни нега ўлдирмоқчи эдим? Мен кутган гапларни айтиши, Муқаддасдан кўнгил узиши, тенги эмасман, кунимни зўрга кўриб, ёш бошим билан гўрковлик қиляпман, Тўрабек ўлди, энди сен унга уйлан, дейиши, айниқса, саҳнада айтган гаплари учун узр сўраши, яна бир муҳими, мендан қўрқиши керак эди.

У бирортасини адо этмади. Қайтанга, бетинг-кўзинг демай шартта-шартта айтиб ташлади. Қамалишни ўйламадим. Умуман, ҳеч нарсани ўйла-мадим. Умр бўйи мен эмас, бошқалар ғолиб чиқиши жонимга текканди.

...Ҳеч бўлмаса, Муқаддасга уйланолмайди!

Ҳа, Кенжи айбдор эмасди.

Кенжининг омадсизлиги – мендек ночор алам-задага дуч келгани эди.

V

Ўшанда дастурхонга фотиҳа ўқилиб, Кенжи ва Ҳасан газчи ўринларидан туриб, анҳор бўйидаги ошхонадан тўғри нотариуснинг ҳузурига жўнаган эдилар. Ҳасан газчи ўз қули билан имзо чекиб, Кенжидан йигирма минг доллар қарз олганини расмийлаштирди.

Ташқарига чиққанларида, газчи уй калитини узатди.

— Бу сенга, укам. Фозтепага бориб, ишни битириб қайтганингдан сүнг мабодо уйни қайтариб олиб қўяман деб тентаклик қилсан, йигирма мингни чўз деб судга берасан. Ҳужжатни бекит. Келишув бўйича ҳар икки томон мажбуриятни бажаради. Ҳозир бориб уйни кўрамиз. Кейин сен топшириқни бажаришга, мен хушхабарни кутишга кетаман.

— Суд бўлмайди, Ҳасан ака, — бош чайқади Кенжи.

— Чунки менга ишонасан.

— Ишонмаган тақдиримда ҳам, энди уйни қайтариб ололмайсиз. Ўзингизга маълум, давлат қонунларидан ташқари кўчадаги қонунлар ҳам кучда.

— Ҳазиллашдим, — кўзлари хиёл қисилди газчининг. — Мени чақдинг-а? Бугундан бошлаб чўқинтирган отангман, унутма! «Мабодо» ҳам уйни қайтариб бер демайман. Келишув бўйича қизга уйланасан, Аҳмадқулов неварасининг йўлдан урилганини эшишиб, таъзирини ейди, иш пишади. Бу уй шусиз ҳам менга насиб этмасди. Сенга буюрганга ўхшайди.

Улар галарейка уйни бориб кўришли. Подъезд бола-чақанинг, хотин-халажнинг шовқинига тўлган, зиналарда ташландиқ қофозлар, сигарет қолдиқлари, баклашкалар, писта пўчоқлари ётарди. Ҳеч ким яшамагани учун чанг босган бир хонали уй сукут сақларди.

— Уч-тўрт йил аввал ижарага қўйгандим, ёқмади, — кўзгудаги чангни бармоғи-ла артди Ҳасан газчи. — Муаммоси кўп экан. Ҳаётингни шу ерда қайтадан бошла! Подъезддаги шовқин-суронга эътибор берма, бунақа уйларнинг ошхона деразаси зинага қараган, ўрганиб кетасан. Ахир, энди Тошкентда кичик хонали галарейка бўлса-да, ўз уйинг бор. Гапнинг пўсткалласини айтганда, сен у қизнинг энг аввал қалбини ўфиrlа. Тошкентда уйинг

Азамат ҚОРЖОВОВ

борлигини, гүрковликдан бошқа ишлар қила олишингни Аҳмадқұлов адойи тамом бүлгунча сирсақтайды. Иш битгач, хоҳлаган касбингда ишла. Ҳеч кимга уйинг борлиги, ўғри эмаслигинг ҳақида ҳисобот берма. Яшашингдан билсин кимлигингни, ҳисоботингдан эмас. Тушундинг?

— Қиз мен билан баҳтли бўлса, душманингизнинг авлодига уй совға қилган бўлиб чиқмайсизми?

— Сенга айтдим, Кенжи, қиз менга душманмас, у хоҳлаганча баҳтли бўлаверсин. Ҳамма гап катта эшакда. Катта эшак невараси уйидан қочиб, қандайдир мардикор йигит билан Тошкентда яширинча яшаб юрганидан ўла қолсаям севинмайди. Менга кўзи тушганидаёқ барини тушунади. Аммо менга кўзи тушиши учун инфаркт ёки инсульт бўлмай, тик оёқда қолишни уддаласа, албатта.

Иккови фала-ғовур галарейка уйни ортда қолдирб, машинага ўтиришди.

Кенжи йигирма дақиқа йўл юриб, мамлакат пойтахтидан ўзи истиқомат қилаётган шаҳарга етиб келди. Ижара уйга кириб, ҳаммасини бир бошидан ўйлаб олиш учун каравотига чўзилмоқчи эди, телефони жиринглади. Дискотекадан шериги қўнфироқ қилмоқда эди.

— Кенжакұл, ўртоқ, бугун эртароқ кел, — деди у. — Шеф мажлис ўтказмоқчи. Тошкентдаги дискотекада икки киши пичоқланган, шунга сен билан мени қофозда ишдан бўшатмоқчи. Эртага бирор муаммо туғилса, шефга бошогриқ бўлмаймиз. Булар бизда ишламайди, деб сувдан қуруқ чиқади. Амалда ўша маошни олаверамиз. Нима дединг?

— Шусиз ҳам ишдан бўшадим. Бугун бормайман.

— Ҳазиллашяпсанми? Сени зўрға жойлагандим-ку! Кейин қайтиб олмайди.

— Қисқаси, қўриқчилик қилмайман.

— Нима, официантликка қайтмоқчимисан? Энди мулойиммушуклик қўлингдан келмайди, ўртоқ! Кафолат бераман!

— Балки официант бўларман, балки гўрков, пешонада ёзилгани.

— Мастмисан? Қанақа гўрков?

Кенжи хайрлашгач, телефон тугмачасини босди. Бироқ тинчини бузиш навбати эшик қўнғирогиники эди. Уф тортиб, эшикни очганида, уй эгаси — калта сочи оқарган, лабини доим қип-қизил анор сувидай бўяб юрадиган Гулжана опа рўпарасида намоён бўлди. У япон тилидан дарс берувчи опасининг Чирчиқдаги уйларидан бирини ҳаммага ўзининг уйларидан бири деб кўрсатар ва ижарага қўйиб, пул ишларди.

— Бугун учта йигит келади, — деди у, — ё улар билан бирга турасан, ё чиқиб кетасан. Ёлғиз ўзинг барибир ҳамма пулни тўлолмаяпсан.

— Янги ижаракиларингизни опкелаверинг. Мен кетаман.

— Квартирама-квартира юриш жонингга тегмадими, Кенжақул? Агар кетсанг, сени таниганимдан бери ўнинчи марта кўчасан. Шуни унутмаки, бизда ижара ҳақи Тошкентдан арzon. Тошкентга борсанг, бурнинг ерга ишқаланади.

— Опа, Тошкент ўз йўлига. Мен қишлоқقا кетяпман.

— Кунингни кўролмай яна ялиниб келиш учумми? Айтиб қўяй, қайтсанг квартира-пвартира топиб бермайман!

Гулжана опа кетди. Кенжи эшикни ёпганида, хона ҳувиллаб қолди. Йигитнинг назарида гўё уйда ўзи ҳам йўқдек эди. Шифтга термулиб, узоқ ётди. Кенжи одам эволюция натижасида қирқ минг йилда онгли мавжудот бўлиб шаклланган деб ҳисобларди. Бирор исломни, бошқаси насронийликни мақтаса, иккиси-

Азамат ҚОРЖОВОВ

га ҳам ишонмасди, лекин юрагининг бир четида – сокин зулмат қаърида бир чироқ милтилларди. Чироқ хира ёритганда, юрак кунжакларига суюнган икки улуф сиймо – бири отаси, иккинчиси онаси гавдаланарди, соғинтирган юзлар бир нафас маҳзун жилваланарди. Шунда Кенжи қачонлардир тан оладиган ҳақиқат яқинлашаётганини ҳис этарди. Ота-онаси тирилмайди, аммо улар бутунлай йўқ бўлиб кетмаган...

Бу дунёning сири – абадият бор. Шовқин-суронли замонлар хотимасида мангук сукунат ётади. Шундай сукунатки, ҳаттоки фунчалаган ғумбаклар эчилаётгани эши билади. Бу ғумбаклардан умид капалаги учиб чиқади. Бепоён саҳроларни кезиб чанқаган капалак олис уфқда жаннатнинг бир парчасини кўради. Эҳтимол, ул маконда ота-онаси кутаётган бўлар...

Кенжи узундан-узоқ сукунатга талпинаётган эди. Тошкентга бош олиб келган йили кун кўриш учун ёмонларга қўшилганди, ҳозир эса кун кўриш учун, аксинча, яхшиларга эргашмоқ даркорлигини тушунди. Ола-тасир мусиқа, ичкиликбозлик, кўчадаги бақир-чақир, муштлашиш – булар ҳалокат университетига кириш учун топширилаётган имтиҳонлар эканига ақли етди.

...Эрта тонгда йўлга чиқиб, йўл-йўлакай Тошкентдаги галарейка уйга кирди. Барча янги кийимларини катта сумкага жойлаб, шу ерда қолдириб, эскиларини эгнига кийди-да, қишлоқقا жўнади. Туш чофи тоғасининг Фозтепа қишлоғига кириб келганида (мактабнинг олтинчи синфида ўқиган дамларидан ҳисобласа), орадан саккиз йилча вақт ўтганди. Қишлоқ ўзгармабди, ўша халқ, ўша одат, ўша феъл-атвор. Чеккан, ичган одамлар тез-тез учрайди. Бегонага анграйиб қарайдилар, мастлар

зўравонлик қилмоқчидек ўқраядилар, ташвишдан эзилган хотинлар аллақаёққа шошилишади, эски калишини судраган момолар елкаларига иштонсиз невараларини опичлаб, алмисоқдан қолган ифво гапларни чайнашади.

Тоштемир тоғаси уйи орқасида рўла устида нос чекиб ўтирган экан, Кенжини таниб, носини туфлаб, оёққа қалқди.

Кенжи бир пиёла чой устида мақсадини айтди:

— Шаҳарда ул-бул ишларни қилиб юрардим, бўлмади. Тўғри сизникига келяпман. Уйга бормадим. Сизникида вақтингча яшаб турсам, менга ҳам ишпиш топилар.

Тоштемир тоғаси Кенжининг ота-онасидан қолган ҳовлини амакиси эгаллаб олиш хавфидан огоҳлантириб, бир соат маъруза ўқиди.

Шундай қилиб, Кенжи ўз ихтиёри билан келди, аммо Тоштемир тоғаси айтган ишларнинг бирортасига руйхушлик бермади. Исталмай бажарилаётган ишларга назар солган тоғаси аччиқланди:

— Шаҳарда ҳам шунақа иш қилгансан-да, ҳайдаб солишган!

— Ростини айтсан, ҳеч ким халақит бермайдиган тинч жойда ишласам, — деди Кенжи ҳорғин оҳангда.

— Қўйсанг-чи одамовиликни! Унақа иш дунёда йўқ!

— Анави боғни беришармикан? Беришса, жон куйдириб ишлардим.

— Қайси боғни?

— Қоронғи чорбоғни.

Ўшанда Тоштемир тоғаси беихтиёр қабристон томонга қараб, анграйганди.

— Жинни бўлдингми?! Қоронғи чорбоғни бошинингга урасанми?

Кенжи Тоштемир тоғасиникига келган ўша

Азамат ҚОРЖОВОВ

кезлари, кўп ўтмай Тўрабек ёнига Муқаддасни ўтиризиб, туман марказига шошилган эди. Мусиқа баланд эди, дил эса маст. Кўприкдан ўтилганда, йўл ўнгга қайрилган эди, Тўрабек газни босди.

— Барибир сенга уйланаман, Муқаддас!..

Сўнгги сўзи шу бўлди.

Эртасига жаноза куни Кенжи қабристонга келиб, гўрковларга илк бор кўмаклаша бошлади. Уни ҳеч ким таклиф этмаганди, тузук-қуруқ танимасдилар ҳам. Йигитнинг гўрковликка ихлоси борлигини Маҳмуд ака пайқаб, елкасига қоқди.

— Бир кун келиб ҳаммамиз тупроқ тагида ётамиз, раҳмат сенга, савобнинг каттасини оляпсан.

Майит қўйиладиган лаҳадга гўрков ётиб кўриб, узунлигини чамалаши керак эди. Кенжи буни ҳам уddeлади: Муқаддасга уйланмоқчи бўлган йигитнинг жасади ўринига бир зум чўзилди. Ташқарида кун қизиган маҳал лаҳад ичи салқин ва... Кенжи охирги пайтларда орзу қилган маҳзун осудалик ҳукм сурарди.

Ухлаб қолиш ҳеч гап эмасди.

Тобутни келтирдилар. Ўша кунгача Кенжи қишлоқ оралаб, гоҳ дўконда, гоҳ чойхона олдида Аҳмадқуловни — бу ишлар учун Кенжини ёллаган Ҳасан газчининг душманини зимдан кузатган эди. Лаҳаддан чиқиб, тўда орасидан биринчи бўлиб байни Аҳмадқуловга кўзи тушди. Аҳмадқулов унга қабристонда ишлашни, Қоронғи чорбогни обод қилишни топшириши тушига ҳам кирмаганди. Ичida хурсанд бўлди. Чолнинг ўзи олисдаги Ҳасан газчига ёрдамлашиб юбораётганди. Бироқ Кенжи шусиз ҳам Қоронғи чорбогни — дунёнинг кимсасиз богини обод қилишни, ҳеч қандай Ҳасан газчисиз, Аҳмадқуловсиз гуллатишини кўнглига тугиб улгурганди. Зоро, бу нияти жаннат сари биринчи қадами эди. Ҳа, ўшанда

умрида илк марта жаннатни – болалигига ўзича тасаввур қылган афсонавий диёрни яқындан тыйди. Кечагина Чирчиқдаги дискотекада ишлаб юрган одам ароқ ва сигарет иси тутган шовқин-суронли оламдан шувоқлар анқиётган, сукунатга бурканган қабрлар диёрида пайдо бўлиб қолганига йўйди буни. Ҳақиқат шу ерда эди. Дискотекада жавлон ураётганлар ҳам бир куни ёлғон дамларини ортда қолдириб, чин маконларига – ўз қабрларига келадилар. Бошқа йўлнинг сира иложи йўқ. Шундай экан, нағма садолари остида минг бор қилпанглагандан кўра ўзига яхшилиги тегадиган фойдали ишлар қилганлари маъқул эмасми? Шу тобда Кенжининг наздида бу тепалик Фозтепанинг ўт-ўлан қоплаган сал кам қаровсиз қабристони эканлигига қарамай, дунёнинг мўъжизакор маскани каби виқорли, сирли, фараҳбаҳш туюлди. Қабристондан ўтиб, Қоронги чорбоғга тушилади. Сал кам чакалакка айланган боғ гуллатилса, яшнатилса, эҳтимол, у ёғи... жаннатга уланиб кетилганини кўриш мумкиндири...

– Ажойиб миссия!.. – деди Кенжи ўзига ўзи.

Аммо ўз гапи ўзига хунук туюлди. Тақдир Кенжини Ҳасан газчига рӯпара қилиш орқали бу ёқларга улоқиб келишга мажбур этса этгандир, асосий гап – йигитнинг юрагида эди. Ўйлаб кўраркан, аслида йигирма минг доллар ёки текин тушадиган уй учун келмаганини англаб ҳайрон қолди. Мастлардан, ёлғончилардан, танфурушлардан, охири вой ҳаётдан, ишрат ғамида яшайдиган тутуруқсиз қавмдан чарчаган эди. Қабристонга кирди-ю елкасидаги тоғ бирдан ағдарилиб, ўзини қушдек енгил сезди. Кўнглидан «бу ерларни Ҳасан газчининг режаси бўйича эмас, ўзим хоҳлаб обод қиласман» деган масрур ўй ўтди. Тўрабекни дағн этишган куни Аҳмадқулов айтган таклиф ҳам Кенжи учун худди

Азамат ҚОРЖОВОВ

Ҳасан газчининг топшириғи каби керакли, айни дамда ҳеч қандай кераксиз гап эди. Ахир, шусиз ҳам Кенжи мудраётган халқнинг қабристонини обод қилишга, боини яшнатишга енг шимарганди-да. Кейин... анави қизни олиб кетгач (балки олиб кетмас), қайси соҳадан иш топса ишлайди. Эҳтимол, шаҳарда официант бўлар. Ҳарҳолда Тошкентга биринчи марта борганида кўримсиз бир ошхонада официантликдан иш бошлаган, ўғрилар билан танишиб, касбини ташлаб кетгунча патнис кўтариб хўрандалар ва ошпазлар ўртасида зир қатнаган. «Сен бу юрак, бу куч билан официант бўлма, ярашмайди», деганди Раха ва унга дастлаб Тошкентдаги дискотекадан иш топганди, Ҳасан газчи ҳам илк марта уни ўша ерларда таниган, билган, эшигтан, сўнг Угам дарёси йўлида Кенжининг улфатларини кўриб қолиб, қишлоқлик болани суриштирган, дарё бўйидан топиб келган. Кейинчалик Кенжи тўдани тарк этсада, бошқа бир таниши орқали, ҳарҳолда Тошкентдан бўлмаса-да, бошқа шаҳардан барибир ўшанаقا касб – дискотекадан иш топганди...

Кенжи Фозтепага келиб, умрида биринчи марта гўр қазиганидан сўнг, кўп ўтмай, эрталаб лицейга кетаётган Муқаддасни учратди. Қиз тасаввуридан бутунлай бошқача эмасди, лекин кўзлари... Унинг кўзларида Кенжи шу вақтгacha ҳеч қайси қизда кўрмаган илоҳий хайриҳоҳлик барқ уриб турганини кўрди. Мен инсонман, сенга инсондай муомала қиласман, сен ҳам инсон бўлиб қол, деган маънени тушунди. Қиз одамларга ишонарди, одамларни фафлат уйқусидан уйғотишни истарди, эскирган ҳаётни рангли бўёқларда бўяш орзусида эди. Кенжи англадики, ҳеч қачон бу қизга уйланолмайди, олиб қочишига ҳам виждони йўл қўймайди, шу билан бирга Ҳасан газчига қилган лафзидан ҳам кечолмайди,

алалхусус, оқим бүйлаб сузаверади. Бу ерда энг муҳими, қачонки, қизнинг ўзи бирор ҳукм чиқарса, Кенжининг ҳаёти ўзгаради.

— Бугуноқ гаплашаман, — деди Кенжи.

Туш чоғи садақайрағоч тагида ухлаб қолди. Қорни оч эди. Унинг бефойда ишда ишлаётганидан ғазабланган тоғаси тұнини тескари кийган, қишлоқдан ҳам ҳеч ким овқат келтирмаган кун эди. Бир пайт туш күрди. Ота-онаси тирик эмиш. Кенжи гүр қазиётганды. Кимга эканини билмасмиш. Бир хаёли ўзига қабр қазиётгандек таассурот қолдирса, бир хаёли — гүр ота-онасига эмиш. Кейин «М» ҳарфига күзи тушди. Бу Ҳасан газчининг уйи девориға ёзилғанми, лаҳад девориғами, фарқлаёлмади. Ижара уй әгаси бүлмиш қизил лабли Гулжана опа ҳам алламбало ваъзларни ўқиди. «М» ҳарфи японча эканини уқтира бошлади. Алоқ-чалоқ түшлари қоришиб кетди...

Чүчиб уйғонди. Офтоб юзига тушғанди. Кенжи атроғға жонсарап бोқди. Жонини жабборға беріб ишлаши керак эди. Ҳароб бөғни обод қилмаса, абадий яшнаган боғларға етолмайди. «Ўзинг бир кичик бөғни обод қилмагансан, нега энди абадий бөғни орзу қиляпсан?» деб кимдир маломат тошини отишини юраги сезди.

Оч қорнига қарамай құлиға яна кетмөнини олган эди, ўқувчиларнинг лицейдан қайтаётганига күзи тушди. Чорбоғдан чиқиб, сой бүйидаги сүқмоқдан асфальт йўлга күтарилди. У Фостепага келған кунлари Муқаддаснинг атроғида ўралашиб юрадиганларни суриштирган ва синфдош йигит — Файбуллани орқаваротдан таниширишганида, кўп йиллар аввал Қоронғи чорбог олдида қочиб кетишни маслаҳат берган қилтириқ болакайни эслаганди.

Дарвоқе, ўша куни — Кенжи сўқмоқдан чиқиб,

Азамат ҚОРЖОВОВ

айнан Файбуллани гапга тутди. Файбулла сал нарида кетиб бораётган Мұқадdasни чақириб берди. Кенжи ёлғиз гаплашишга күндиришнинг бошқа йўлини тополмагани учун ҳам лаҳад деворидаги «М» ҳарфидан оғиз очганди.

— Хўш, «М» ҳарфининг сири нима экан? — сўради Мұқадdas Файбулла нарироқ кетгач.

— Аввало, сиздан узр сўрайман, синглим, — деди Кенжи.

— Ёлғонингиз учунми?

— Ҳа, «М» ҳарфини тушимда кўргандим. Ўнгимда... лаҳад деворида ҳеч қандай ёзув йўқ эди. Йигитингиз вафот этганидан афсусдаман. Таъзиямни қабул қилинг.

— У менинг йигитим эмасди. Сизда, бошқаларда — ҳаммангизда мен ҳақимда бир хил ўй, бир хил хаёл, бир хил фийбат. Нима, қиз бола лицейда ўқийдиган танишининг машинасига ўтириши мумкин эмасми? Унда қизларга алоҳида, ўғилларга алоҳида лицей қуриб, умуман гаплаштирмай қўйицсан! Рулида бирор йигит ёки эркак бўлган машинага қиз бола умуман чиқмасин, деган қонун қабул қилинсан!

— Иккала фикрингиз ҳам нотўғри, — мулојим оҳангда эътиroz билдириди Кенжи.

— Қайси фикрларим? — Мұқадdasнинг бир қоши кўтарилиди.

— Аввало, сиз ҳақингизда ёмон хаёлда эмасман. Кейин, ўғил болаларга алоҳида, қизларга алоҳида лицей қуриш муаммонинг ечими эмас...

— Тўхтанг, тўхтанг, эрталаб сизни кўргандай бўлувдим. Кимсиз?

— Исмим Кенжақул. Тоштемир тоғамникига келгандим, қабристонга қоровуллик қиляпман, Қоронги чорбоғнинг ҳам боғбониман. Умуман олгандা,

Маҳмуд ака билан мен... гўрковмиз. «М» ҳарфи сизсиз демоқчи эмасман. Мен тушга ҳам, нариги дунёга ҳам ишонмасдим. Бу ерга келиб, ўйланиб қолдим. Ҳеч нарса бекордан-бекор эмас. Тушга ишонмоқчиман. Нариги дунёга ҳам. Нима дейсиз?

— Мен бирон нима дейишим керакми? Нега чақирдингиз? Тушингиздаги «М» мен бўлиб чиққан тақдиримда ҳам, сизга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

— Умримда биринчи марта қабр қазидим, Муқаддас! У ҳам сиз билан бирга ҳалокатга учраган йигитнинг гўри эди. Қишлоғингиз гийбатни ёқтиаркан. Тушимда «М» ҳарфини кўриб, сиз билан гаплашишга қизиқдим. Фийбатлар таъсирига тушиб қолмаган бўлсин-да, дедим. Бор гап шу. Қанақа қиз экан, нега айнан мен унинг йигитининг... узр, ҳамроҳининг қабрини қазидим, исмининг бош ҳарфи тушимга киришига сабаб нима?.. Шунақа саволлар...

— «М» мен деб юз фоиз ишонибсиз-да?

— Унчалик эмас. Қисқаси, бир гап айтаман: миш-мишларга, гийбатларга эътибор берманг, ўз йўлингизда давом этинг, яхши қиз экансиз. Сизнинг баҳтли бўлишингизни истайман.

— Ўзингиз ҳам ёмонга ўхшамайсиз. Тўғрисини айтинг, бошингизга нима муаммо тушиб, бу аҳволда юрибсиз?

— Менинг муаммом бошқа ерда. Ҳозир худога ишониш учун озроқ далда керак. Шу далдани сиз бера қолинг, худога ишонай. Одамларни дафн этаётганимда, улар аслида қаёққа кетаётганларини билсан дейман... Йўқ, биламан, ишонсан дейман. Бундоқ олиб қараганда, икки ўт орасида қолиб кетдим...

— Худога ишониш «имон» дейилади, ака..

— Менда имон йўқ эди, лекин яхши одам бўлишни кўп ўйлардим. Ўйлардиму қўлимдан келмасди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Ёмонликдан кечсам ҳам, барибир атрофимдан ёмонлар аримасди... Ҳаётимни ўзгартирялман.

— Яхши одам нариги дунёсини бой бермасликка ҳаракат қиласи. Сиз ҳам шунинг ҳаракатида бўлинг. Худога ишонсангиз ҳеч қаерингиз камайиб қолмайди. Яшашингизга ҳам халақит бермайди. Бир ҳикоятда айтилганидек, худо бор бўлса, янада яхши, йўқ бўлса, барибир ҳеч нима ютқазмайсиз. Ҳар икки ҳолатда ҳам имон, савоб, эзгу ишлар ёнингизда қолади. Ёмон бўлсангиз, худо бор бўлиб чиқса, тамомсиз. Гўр қазиб, йиққан савобингиз у дунё азобларидан бир кун ҳам ҳимоя қилолмаслиги мумкин.

— Бу гапларни Аҳмадқулов... бобонгиз ўргатганми?

— Фаросат мактабида ўрганганман, сиз шу ёшга кириб энди ўйлаб кўряпсизми?! Хуллас, гапсўзларингизга қараганда, гўрковлик касбингиз эмас, мени алдаманг.

— Бунинг тарихи узун.

— Ота-онангиз вафот этгани учунмикан, десам, улар Фозтепа қабристонида эмас, шундайми?

— Шундай, синглим. Менга Қоронғи чорбоғни обод қилиш ҳаммасидан ёқиб тушди. Гўрков, қабристон қоровули ва боғбон ролларини ўйнаётгандекман. Аммо бу ролларимга қаттиқ киришиб кетдим. Икки ўт орасидаман деб ролимдан кечайми, кечмайми, деб иккиланаётганимни назарда тутяпман. Кечсам, нега киришдим?.. Муқаддас, сиз билан гаплашиб енгил тордим, катта раҳмат. Вақти-соати келса, мени тушунасиз.

— Раҳматнинг катта-кичиги бўлмайди. Раҳмат тегдими, бас, раҳматни катта-кичикка ажратишнинг иложи йўқ. Ҳатто, коллежда ҳам ўқимаганга ўхшайсиз?

— Ўрта мактаб маълумоти билан яшаяпман. Раҳматни шунчаки миннатдорчилик деб билардим.

Муқаддас жилмайиб:

— Умрингизда ҳеч қачон роль үйнамаган бўлсангиз керак? — деди. — Гўрковлик қилаётганингиз худди ролдек туюлгани менга қизиқ. Ўзи ҳаётдаги ўрнимиз — роль. Хоҳлайсизми ҳаётга қайтишни?

— Хоҳлайман, лекин мен ҳаётда эмасманми?

— Интермедиумдаги официант ролига йигит керак эди. Сиз официант бўла оласизми? Ҳаёт деб санъатни айтяпман.

— Официант? — қулоқларига ишонмади Кенжи.

— Ҳа, официант. Сиз лицей саҳнасида официант ролини үйнаб берасиз. Менда режиссёрикдан оз-моз бор. Бир қараашдан сизга гўрковлик эмас, официантлик ярашишини билдим. Үйнайсизми?

— Ахир, мен... ростдан гўрковлик қиляпман...

— Нима бўпти? Сизнинг қўлингиздан келадиган ишни қандай йўқ дейсиз, ака?

Кенжи қизнинг шиҷоатига қойил қолди. Муқаддас ҳаётда файрат билан яшар экан, эски қолипларни синдиришда ҳам файрат кўрсатмоқда эди.

Шу тариқа, ушанда Кенжи лицей саҳнасида официант ролини, аслида эса ҳаётдаги ўзини ўзи үйнади. Қизнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳар бир гап-сўзи ром этар, кўринмас ришталар билан чирмаб борарди. Официантлик чоғларида у ҳеч кимга бунчалик эркин сўзлаёлмаган эди. Муқаддас... Муқаддасда гап кўп. Балки Муқаддаснинг ўрнида бошқа қиз бўлганида Кенжи нафақат сценарийдаги гапни айтарди, умуман саҳнага ҳам чиқмасди.

Эртасига қиз овқат, нон, салат, чой солинган идишни катта оқ дастурхонга ўраб Қоронги чорбоқ-қа келганида, Кенжи бофни чакалаклардан тозалаб, эски баклашқадан сув ичаётганди. Одам шарпасини пайқаб, ўгирилди-ю булоқ суви томоғига тиқилиб, ўқчиб юборди. Муқаддас енги калта атлас кўйлакда

Азамат ҚОРЖОВОВ

эди, бошида заррин яшил рүмөл. Бүйнидаги тилла занжирга тушган офтоб найзаси күзни қамаштиргудек шуълаланди.

Қиз салом бергач, бугун ўзи официантлик қила-ётганини айтиб кулимсиради.

— Овқатсиз қолганимни қандай аниқладингиз? — сўради Кенжи.

— Кўчамиздагилар навбати ўтганини баҳона қилиб тортишаётгани қулғимга чалинди, — деди Муқаддас. — Илон кўп дейишганди, йўқми ишқилиб?

— Илонлар обод жойлардан қочади. Кўряпсиз, ҳаммаёқ қиртишланяпти.

— Маҳалла раисига айтдим, энди сиз тушликсиз қолмайсиз, — Муқаддас тугунни ерга қўйиб, очишга уннади. — Қабрлар шу қишлоқники, обод қилишга келганда эса одамларимизнинг барига баҳона тайёр. Бегона одам келиб қилиб бериши керак!.. Қоронғи чорбоққа «район»дан бир йигитни олиб келиб, ўлдириб кетишганини эшитганмисиз?

— Иш бошлаган куним Маҳмуд aka гапиргандай бўлувди.

— Қизларимизнинг «қилиғи»ни-чи?

— Ҳм-м... Уятли воқеа.

— Уятли эмас, фожиа! Йигирма биринчи аср фожиаси! — Муқаддаснинг жаҳли чиқса, хиёл қизаараркан. Дастурхонни очиб, тушликни ҳозирлаб, давом этди: — Қоронғи чорбоғда ҳеч қандай инсажинс, арвоҳ, шарпа, сариқ қиз, ажина йўқ. Худойим меҳрибон. Худойим бунаقا содда эмас, қандайдир кичкина боғ ичига сирли махлуқотларни ошкора келтириб! Нима бехосиятлик бўлса, одамлар қилган! Шу қишлоқнинг одами, «район»нинг одами! Қизларга бало бормиди?! Шундоққина тепангда отабобонгнинг мозори! Сен нима шармандалик қиляпсан дейдиган виждон бормикан уларда? Учтаси

ҳомиладор! Бир йилда утаси! Шаҳарда дискотека деган жойлар бор, тушунса бўлади бузуқхоналарни. Лекин... лекин Қоронғи чорбоғ ахир... қабристон боғи-ку, ака! Бу ерда бўлган ишлар дискотекани ортда қолдиради! Дискотекаларни ёпиб қутулиш мумкин, боғни-чи? Анави сой бўйини-чи?

- Обод қилсак, илонлар каби шайтон ҳам қочади,
- деди Кенжи.
 - Шайтон? У ҳақда қачондан бери биласиз?
 - Болалагимдан бери.
 - Борлигига ишонармидингиз?
 - Ҳа, — жавоб берди Кенжи.
 - Демак, атеист эмас экансиз-да?
 - Қайдам... — елка қисди Кенжи баклашкадан сув қўйиб, қўлини юваркан. — Ўзингиз-чи? Художўй қизмисиз ё... менга ўхшаб яrim ишониб, яrim ишонмай юрган «европалик»мисиз?
 - Астағфирулло, мен иккиланмайман, — ўткир нигоҳини қадади Муқаддас.
 - Узр, сизнинг қандайлигингизни тушунолмаяпман. Бир ёқда художўйлик, бир ёқда санъат. Ҳатто, қабристон қоровулига роль ўйнатдингиз.
 - Ҳамма хатолик шунаقا фикрлашда, — деб Муқаддас дастурхондан узоқлашиб, озода жойга ўтирди. — Олинг, ака! Қорнингиз ҳам таталаб кетгандир? Бобом яҳудийларни мақтайди. Улардан олимлар кўп чиқармиш, Нобель олганлар ҳам асосан яҳудийлар экан. Мен бобомга мусулмон қизи бирйўла динда ҳам, илмда ҳам, санъатда ҳам ўз истеъдодини кўрсатиши мумкинлигини исботлайман. Фақат спортга сал уқувим йўқ. Очиги, вақтим етмайди.
 - Бобонгиз атеистми?
 - Аҳмадқулов замона одами, — деди Муқаддас бобосининг фамилиясини киноя ила тилга оларкан.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Совет даврида коммунист, мустақиллик замонида художүй оқсоқол.

Кенжи картошка қовурмадан татиркан, қизнинг қувлиги кулгисини қистатди.

— Жа обрў талашади дейишади, ростми?

— Сўраманг.

— Бу ёқقا келганингизни биладими?

— Билса ўлдиради. Қочадиган жой тополмай, доим жаҳл билан уй супураман, мен бечора.

Шунда Кенжи чўнтағига қўл солиб, Тошкентдаги уйнинг калитини олди-да, Муқаддасга ирғитди.

— Манг. Бу уй сизга.

Муқаддас калитни илиб олиб, ҳазил деб ўйлади ва айлантирганча томоша қилди.

— Бобомнинг обрў талашишини нега ўйладингиз? Тинчликми? — ер остидан боқди у.

— Тинчлик, — қовоқ уйди Кенжи.

— Мени «синглим» дегансиз. Йигитларнинг лафзини хурмат қиласман.

— Сизнингча, мен кимман?

— Ўғри, — деб жавоб берди Муқаддас.

— Ўғри? Мен-а? — ҳайратдан ёқа ушлади Кенжи.

— Нега ҳайрон бўляпсиз? — сўради Муқаддас. — Сизнинг ботинингизда «ўғри» деган образ яшаяпти. Ёлғонми?

— Ҳайрон бўлганим... ўғри эмасману, аммо уларга яқин эканлигимни тўғри топдингиз. Мактабни битириб, Тошкентга кетганимда, бир одам кўп яхшиликлар қилган. Умри етимликда ўтгани учун менга раҳми келиб, савоб бўлсин деганми, анчамунча ёрдамлашган. Иш топиб берган, буш турган квартирага жойлаштирган. Кейин билсан у одам эски ўғрилардан экан.

— Шунақа денг... — қовоғи уйилди қизнинг ҳам. — Шогирд тушдингизми?

— Йүқ, мен ўғрилик қилмадим. Лекин, барибир, ўғриларга шерикман, уларнинг даврасида юрганман. Кейин қишлоқقا қайтиб келдим. Қишлоғим одамлари мени шаҳарга кетиб, йўлини топган, деб ўйлашаркан. Отпускага келган одамдек ўз қишлоғимда ўзим меҳмонга ўхшаб юрдим. Бари иш сўраб келаверди, боласи пул топиши керак, укаси пул топиши керак, жияни, қайниси... Меҳмон ҳам гапми, ўз уйимда келгинидек яшадим. Уларга пул зарур бўлса, мен меҳрга зор эдим. Етимлигимни унутиб, бағримга шамол текканди, эски ҳаммом, эски тос деганларидек, юрагим эзила бошлади. Яна шаҳарга қайтиб кетдим.

— Энди эса бу ерга гўрков бўлиб келишингизга сабаб нима?

— Мана шу чорбоғни гуллатишга қарор қилдим, — Кенжининг кўзлари ўйчан боқарди. — Ўша куни гўрковга ёрдамлашганимда, умримда биринчи марта қабр қазидим. Кўнглимда қандайдир ёқимли ҳаловат ҳис этдим. Қоронғи чорбоғ ҳам ўзига чорлади. Бу ерда қанча ишлайман, қишлоғингизда қанча вақт юраман, билмайман. Аммо кетгунимча ишлайман, айнан шу ерда ишлайман. Йигирма бир ёшдаман. Бўйдокман. Ота-онадан эрта айрилганман. Ўзимизнинг қишлоқда битта амаким бор, холос. Сизларнинг қишлоқларингизда эса... Тоштемир тоғам. У киши туғишиган тоғам ҳам эмас, онам раҳматлининг амакиваччаси. Ҳаётнинг ўзи бирор йўл кўрсатади деб кутяпман. Ҳуллас, шунаقا гаплар, Муқаддас. Сизни деб худога имон келтирдим, миннатдорман сиздан.

— Айнан мени деб эмас. Бунақа гапларни гапирманг.

— Кўнглингизга теккан бўлса узр. Хурсандманки, оламда изсиз йўқолиб кетмайман. Қачонлардир у ёқларда ҳам яшайман. Бу ярми қоронғи, ярми

Азамат ҚОРЖОВОВ

чала ёритилган дунёдан у ёқдаги абадий нурафшон лунёда одам кўп, таниган-билгандаримиз сонмингта. Масалан, ота-онам билан учрашаман, бобомомоларим билан. Ҳатто, Амир Темур давридаги кимлар менинг боболарим ёки момоларим эканини сўраб, билиб оламан, ўз кўзларим билан кўраман.

— У дунё ҳақида очиқ гапиришга фақат тентакларга рухсат берилган, aka, сиз соғсиз, жиддийроқ бўлинг. Менга бир нарса қизиқ, роль ўйнаётганингизда оёғингиз оқсамади, қаддингизни ҳам тик тутдингиз? Ҳозир ҳам шундай туюляпти.

— Мана, тузингиздан татидим, — жилмайишга уринди Кенжи. — Ролларим давом этса ҳам, сизга ёмонлик қилмайман. Ҳа, энди ёмонлик қилмайман. Тузини еб, тузлукқа тупуриш йигитга хос эмас.

— Наҳотки, ҳозир гўрков ролини ўйнаётган бўлсангиз? — кўзлари пирпиради Муқаддаснинг.

— Ўйнаяпман, ўйнаяпман, — дея Кенжи ўрнидан туриб, гавдасини тик тутган ҳолда рақсга тушди. — Қалай? Қадди букиқ, оёғи оқсоқ йигит эмас эканманми?

Муқаддаснинг юзи ёришганди, бирдан маҳзунлик рассомлари безади.

— Сизга бу «артистлик» нима учун керак? — деди у. — Мақсад нима? Айтиб қўяй, одамларимиз ёмон томошабин. Бу театрингиз билан уларни ўзгартиrolмайсиз. Лицейда ҳам кўрдингиз-ку.

— Ҳаммаси қўлингиздаги калитга бориб тақалади, — Кенжи калитга имо қилди ва ўзини билмаган ҳолда сирни очиб қўйди: — Лицейдаги томоша ўқувчилар учун эди, бобонгизга эмасди. Ўйнинг манзилини айтаман. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, «Суюн-Савдо» супермаркети орқасидаги кварталдаги етмишинчи уй, етмишинчи хонадон. Бир эшигандан эслаб қолинадиган манзил.

Бироқ Муқаддас «лицейдаги томоша ўқувчилар учун эди, бобонгизга эмасди» деган гапга эътибор қаратмади.

— Юнусободдаги сиз айтган супермаркетни кўрганман, кирганман. У ерга яқин жойда холамнинг қайниси яшайди, холам билан икки марта борганимиз. Тўғрисини айтсам, сизни «одамларимизнинг кўнглидаги фафлатни ўғирлаётган ижобий маънодаги ўғри» демоқчи эдим. Чин ўғриларга ҳамтовоқ эканлигингиз тушимга ҳам кирмаганди. Афсус.

Кенжи ўзини оқламади, Ҳасан газчининг сири хусусида ҳам лом-мим демади. Муқаддас калитни Кенжига қайтариб бергач, деди:

— Мени кузатманг, ўзим кетаман.

Муқаддас боғни тарк этди. Ёш гўрков жийдага суюнди-да, ўйга ботди. Нима қилиш керак? «Бу топшириқ менга тўғри келмади» деб Ҳасан газчига қўнфироқ урсинми? Лафз нима бўлади? Қачондан бери Кенжи уддалаёлмайдиган ишни бўйнига олиб, ярим йўлда латта чайнаб қолган? Ёинки тузлуққа тупуриб, Муқаддасни олиб қочсинми? Қизни чақирса, эртага ё индин овлоққа ўз оёfi билан келади. Бироқ буниси ҳам номардлик. Афтидан Ҳасан газчи Қоронги чорбоғ йўли бузуқларнинг фаҳш маконига айланганини тўйга келганида эшитган, у Кенжи айнан шу ерда уралашиб юриб, Аҳмадқуловнинг жондан азиз навниҳолини бадном қилишини истаган. Бу — нафратга лойиқ эди. Ҳа, Кенжи ўзи ҳам кечагина теграсидагилар каби битлаган маҳлуққа айланиб бораётганини, илло тақдирнинг раҳми келиб, икки йўлдан бирини танлашга имкон берганини англаб етди. Эндилика Муқаддасга ёмонлик қилолмасди. Қиз Кенжининг жон жойидан тутиб, «Мени «синглим» дегансиз, йигитларнинг лафзини ҳурмат қиласман»

Азамат ҚОРЖОВОВ

деди, ҳа, синглингман, деди. Демак, бундан кейин Мұқадасга туғишиң синглисидең қараши шарт. Акс ҳолда Кенжи ботинан ва зоҳиран йигит эмас, сўзидан қайтган ножинс ёхуд балчиқдаги ифлос чўчқадан фарқи йўқ маҳлуқ бўлади-қолади.

Душанба куни Кенжи ишга жўнашга тарад-дудланаётганида, Тоштемир тоғаси айвонга чиқиб, узоқ керишди.

— Жиян, — деди у қўшнининг томорқасида ҳанграётган эшакка тикилиб, — шундай юравермоқчимисан текинга ишлайдиган гўрков бўлиб?

— Йўқ, вақти-соати келса, тоға, ҳаммаси яхшиликка ўзгаради. Сиз сабр қилинг, хўпми?

Тоға унинг дадил жавобидан сергак тортиб, анграйиб қаради. Кенжи қаддини тик тутиб, худди қўриқчилик давридагидек кўзларида ўт ёниб қараб турарди. Боз устига оқсоқланмасдан икки-уч қадам ташлаб, кирлаган арқондаги сочиқقا артинди.

— Букрини гўр тўғрилайди, деб эшитгандим. Адашмасам... сен гўристонда ишлаб, кундан-кунга ўзгариб боряпсан.

— Ҳозир бу ҳақда гаплашмайлик, айтяпман-ку сабр қилинг, деб. Ҳаммаси кейин... — Кенжи кўз қисиб қўйди.

Шундан сўнг чой ҳам ичмай кўчага чиқди. Ўзи Кенжи тоғасиникида чой ичмай қўйганди. Қабристон қоровулхонаси уч хонали бўлиб, бирида тобутлар ва кетмон, курак, беллар сақланар, иккинчиси аслида кичик масжид учун мўлжаллаб қурилган, кенг, ёруғ хона эди, бўш турарди. Кенжи сўл қанотдаги учинчисида — Маҳмуд ака ҳалқдан кўрпача, гилам, палос, чойнак-пиёла, термос йифиб ташкил қилган хонада ҳордик чиқарап, чой ичарди. Дастлаб келган куни Қоронғи чорбоғдан, айниқса, тобутлар сақланадиган хонадан кўпчиликнинг чўчиши

кулгисини қистатарди, мазах қилишдан ўзини зўрға тийиб, гўрковлик ролини қўлдан келганча ижро этарди. Сўнгра дилида имон чироғи ёнгач, у қабристонни ва Қоронги чорбоғни чин дилдан обод қилиш кераклигини англади, тобутхонага эса истеҳзо билан кулиб қарамайдиган бўлди. Тобутхона бир вақтлар тирик бўлган, Кенжидек нафас олган, ўйлаган, йифлаган, кулган, еган-ичган бечора бандаларнинг лошларини Қиёматгача қўним топадиган манзилга ташийдиган ёғоч отлар отхонаси эди.

Ўша куни қабристонга шошиларкан, йўлда қўлларини орқага қилганча фўдайиб турган Аҳмадқуловга дуч келди.

— Гўрларни таъмиrlашга кетяпсанми? — гап қотди чол.

— Ассалому алайкум, — кўришиш учун қўл узатди Кенжи.

— Бугун душанба, гўрковлар билан кўришмайман, — деди Аҳмадқулов. — Отинг нимайди?

— Кенжақул.

— Менга қара, Кенжақул, ҳар ким ўз ўрнини билиши керак. Ҳаёт ўзи шунаقا. Кеча неварам сенга овқат пишириб борибди. Ундан аввал ўзинг йўлини тўсиб, бир балолар деб бошини айлантирибсан. Бошини айлантиргансанки, саҳнага чиқиб, бир қулсифат официант ролини ўйнадинг.

— Сизга ёқмаслигини тушунаман...

— Гапни бўлма! Ролинг ҳам, гўрковлигинг ҳам бир тийин! Ҳа, бир тийин! Муқаддасга ҳам тайинладим, сенга ҳам айтаямсан. Агар икковингни яна бирга кўрсам ёки гаплашибди деб эшитсан, ўзингни Каттақўронда кўрасан. Тушундингми?

— Тушундим.

— Мозорни тозалаб, боғни кўркамлаштириб,

Азамат КОРЖОВОВ

кейин маҳалла раиси билан ҳисоб-китоб қиласан-да, қурийсан! Бу ерларда қорангни ҳам күрмай!

— Келишдик, — деди Кенжи бош силкиб.

Эртасига — сешанба куни соат түққизларда маҳалла идорасига чақиришди. Кенжи кириб борганида, ёлғиз ўтирган бадқовоқ раис бир оз мақтади.

— Зүр тозалаяпсиз, эшитдим, «район»га кетаётиб, йўлдан туриб қарадим, — деди у. — Халқдан пул йигиб бераман, қуруқ қўймаймиз. Тоштемирга ҳам айтиб қўйинг, феъли тор-да, ҳадеб менга ақчани писандада қиласвермасин.

— Хотирингиз жам бўлсин, — деди Кенжи раисга ҳам кўз қисиб қўйишдан ўзини зўрга тийиб.

— Фашистлардан қолган қабрларни бузиб ташлайсизми, қисқаси, нимадир ўзгартириш киритиш керак-да, ука. Аҳмадқулов ҳам шу фикрни айтияпти. Отахонни яхши танийсиз, қишлоқда гапи гап. Бизнинг қабристон — фақат бизники бўлиши керак, дейди. Аҳмадқулов ҳажга ҳам бормоқчи. Қабристон, масжид, маърака деявериб, жонга ҳам тегиб кетди. Нима қиласамиз?

Бу гап Кенжига ғалати туюлди.

— Мозоротда фашистларнинг қабри йўқ. Иккинчи Жаҳон урушидан кейин келтирилган япон асиirlари дафн этилган, холос.

— Ишқилиб, бизга бегонами, бўлди-да! Олтмишетмиш йил ўтиб, шундоқ ҳам текисланиб кетган, яна нима керак?!

— Бирининг қабртоши турибди.

— Кўрганман, қўлбола қабртош. Қисқаси, Аҳмадқулов нима деса шу. Етмиш йил олдинги қабрларнинг эгаси йўқ, ерни текислаб, ўзимизнинг марҳумлар учун тайёрлайверинг!

— Эски қабрлар нима жойни ҳам эгалларди. Аҳмадқуловга ҳам, бошқалар ҳам ер бемалол етадику, раис бова?

— Сўксангиз сўкинг, фақат ақл ўргатманг, йигитча!

Кенжи ўша куни раис айтган ишларнинг мутлақо тескарисига қўл урди: эски қабрлар атрофини тозалаб, мунғайган ёлғиз қабртошни қулайроқ ўрнатди. Тошдаги ёзувни артиб, унга термулиб қолди. Бу ерда ётган одам ўз ватанида эмасди, аммо етмиш йилдан бери шу ердан макон топган, тамом, гина-кудуратдан маъни нима? Унинг шу ерда, йўл қурилишида ишлаб, асирикда ўлганини ўзи жазо эмасми?

— Мен ва сен бу қишлоққа бегонамиз, — деди Кенжи тошни силаб. — Одамларнинг назарида шундаймиз. Аслида эса... ҳамманинг борар жойи бир... Умуман олганда, ўрнингда бўлганимда, мен ҳам армияга ёзилардим, урушга кетардим, бегона юртларда ўлардим... Қара, ҳаммаёқ тинч, осуда... Ҳатто, мени армияга ҳам олишмади...

Ўшанда Кенжи қабртош олдида чўк тушиб ўтирганида, Файбулла қабристонга аламзада ҳолда келиб, «Кенжақул» эмас, «Кенжи» дея мурожаат қилди. Ҳақиқатан, Кенжи ҳайрон қолди. Лақаби шу қишлоққа ҳам етиб келибди-да. Тоштемир тоғасидан эшитган эмиш. Майли, тоғасига ўзи айтган.

Ўша куни иккиси Муқаддас хусусида тортишиб, Қоронги чорбоққа тушдилар. Кенжи қабртош суратини телеграмдан юборганига ҳаял ўтмай, Чирчиқдаги Гулжана опа иккита хабар юборди. Бири: «Ўзингга қабртош ясатдингми? Ундаги ёзув...» Иккинчи хабар: «Кенжи Айна».

Кенжи Файбулладан эҳтиёт бўлиши керак эди. У боядан бери бир қўлини чўнтағидан чиқармаяпти, қуролланганга ўхшайди. Бироқ айни дамда Кенжининг хаёлининг ярми ижара уй соҳибасида эди. Файбулла лақабини Тоштемир тоғасидан эшитган экан, ижара уй эгаси-чи? Фақат Ҳасан газчигина уни, яъни Кенжақул Ойнақуловни ҳазиллашиб «Кенжи

Азамат ҚОРЖОВОВ

Ойна» деганди. Бундан чиқди, Ҳасан газчи Кенжи яшаган ўша уй эгасини таниркан-да? Нега иккиси Кенжини бир хил ном билан атаяпти?

Кенжи пичноқ зарбасига тайёрланди. Дискотекада ишлаб юрган кезлари бундай хилдаги рақиблардан яхшигина ҳимоялана оларди, йиллар ичидә күзи пишиди, қўллари ўрганди.

— Сен қишлоғингнинг бўлажак энг катта бош аҳмогисан! — деди Кенжи ўшандা. — Қишлоғинг сени қандай баҳтсиз ва майда одам қилиб қўйган бўлса, сен ҳам келгусида авлодларингни шундай баҳтсиз ва майда шахсга айлантирасан!

— Сенга ҳам, фикрингга ҳам тупурдим! — тишларини ғижирлатди Файбулла.

Кенжи жўрттага бир қадам ташлади. Қадам ташлагандаёқ ҳамла бўлишини жуда яхши билганди.

...Урди!

Файбулла чаққонлик билан пичноқ урди!

Қамалсам қамаламан, ҳеч бўлмаса бу йигит Муқаддасга уйланолмайди, деб ўйлади.

Кенжи эса гавдасини хиёл четга олиб, билагидан тутишга улгурди, лекин пичноқ биқинини тилиб ўтди. Калла қўйиб, ўз навбатида тирсак билан жафига туширди. Файбулла ортига гандираклаб, йиқилди. Кейин қонаётган бурнини ушлаганча Қоронғи чорбоқ оралаб пастликка — сой бўйига қочди.

— Биқинни ейишга сал қолди-я, ярамас, — тўнғиллади Кенжи тилинган терисига боқаркан. — Майли, ҳечқиси йўқ, битиб кетади.

Телефонидан Гулжана опани топиб, қон юққан бошмалдоғи билан устидан босди. Антеннани кўрсатувчи белгилар тепароққа чиқишига ундаdi. Кенжи Қоронғи чорбоғдан юқорироққа — қабристон майдонига кўтарилганида, аёл гўшакни олди.

— Лақабимни қаёқдан билдингиз десам, Ҳасан

ака билан ош-қатиқ экансиз-да? — деди Кенжи.
— Айғоқчининг уйида яшаётганим тушимга ҳам кирмаганди, опа!

— Нималар деб валдираяпсан?

— Кенжи Ойна деб хабар юборибсиз, мени фақат Ҳасан газчи Кенжи Ойна деган.

— Оббо жинни-ей! Ҳасан газчи деган одамни танимайман! Ким сени «Кенжа Ойна» деган, сариқ чақалик ишим йўқ. Телефонингта яхшилаб қара, у ерда «Кенжи Аина» деб ёзганман. Телеграмдан японча ёзувли қабртошнинг суратини юбордингми? Юбординг. Тошдаги ёзув «Кенжи Аина», билдинг?! «Кенжи», — бу японча исм, «Аина» фамилияси. Опам япон тилини билишидан хабаринг бор, мана ёнимда ўтирибди. Японияга ҳам неча марта борган. Япон аскарининг қабри топилганини Япония элчихона-сига айтсинми?

Кенжа билдики, ҳаётда нимадир ўзгармоқда.

— Исли Кенжимикан? — сўради ишонқирмай.

— Ҳа, Кенжи. Бу исм япончада «иккинчи ўғил» деган маънони билдириларкан. Сен эса Кенжақулсан, кичик боласан, зинг кичиги.

— Лекин менинг акам бўлган, чақалоқлигига кўп турмай, вафот этиб кетган.

— Демак, сенга худо яшашга рухсат берган. Рухсат берилганки, тириксан. «Фейсбуқ»ка кир, расм қўйдик, кўрасан одамлар қандай шарҳлар ёзишаётганини. Буни японияликларга кўрсатиш керак, дейишяпти... Бўлти, ёнимда одамлар бор, бошқа пайт гаплашамиз. Тавбангга таянсанг, қайтиб келарсан. Сенга ошиклар кўп экан. Уйлантириб қўямиз.

Кенжининг нигоҳи қабртошга тушди. Назаридаги қабртош янада оқариб кетгандек эди.

Тош қаршиисига бориб, тиз чўкди.

— Салом, адаш, — деди Кенжи. — Эҳтимол, сен ях-

ши одам бўлгандирсан, ўзинг яшаган давринг уруш комига мажбуран ташлагандир, мени эса тинчлик қўйнига қўйиб юборишиди. Командирим ҳам йўқ эди, мажбуриятим ҳам, давлат чақириғи ҳам... Урушдаги яхши йўл билан тинчликдаги ёмон йўл – бари бир хил манзил экан... Менда ҳам илож йўқ эди, аммо қайтдим... Яхшиликка қайтдим...

VI

Кўзимни бир зумга юмиб, стул суюнчиғига елка ташладим. Қаршимда ўтирган нотовон йигит – Файбулла жамиятнинг қайси тоифасидан эканини кўриб турадим. Синфимиздаги ёмон болалар бизни чаласавод қилди, безорига айлантириди, сигарет чекишига, ароқ ичишига ўргатди, қишлоғим муҳити шунаقا бадбин эди, деганида, янгилишганди. У синфдош қизни – Муқаддасни севган, аниқроғи, кўнгли бўлган, аммо ўз ишқига ўзи ишонмаган эди. Шундай экан, унинг эзгуликка ишқи, виждонга ишқи, Яратганга ишқи, халқига ишқи – бари худди Муқаддасга бўлган ишқи каби заиф эди. Шунингдек, илм-фанга муҳаббати ҳам аро йўлда балчиққа ботиб, ўзида олға куч тополмагач, айбни бошқалардан, хусусан, безори синфдошлардан ахтарган эди. Буларнинг бари заиф феъли орқали намоён бўлса-да, аслида феълини ўзгартириш, ҳа, маълум бир фоизларгача ўзгартириш мумкин эди. Шерга айланмаса-да, бўридек яшарди. Аммо нега ўз катагида қичқирадиган жонсарак хўрозча эди у? Ўзидан кучли Тўрабек кабилар Муқаддасга оғиз солиб, илакишиб юрганида, миқ этолмади-ю мардикорликка келган етим йигит – Кенжи қобиқни ёриб чиққанида чидаёлмади. Ўзи ўша куни лицей саҳнасида роль ўйнамади, роль ўйнаб, мақсадига эришганлар фашини келтирди. Барчаси йиғилиб,

охир-оқибат Файбулланинг Қоронғи чорбоққа бориб, Кенжига пичоқ уришига олиб келди.

— Хүш, кейин-чи? — деб сўрадим меҳмондан. — Кенжини ўлдириб қўйдингми?

Файбулла ҳикоясини давом эттирди:

— Ҳаммаси кўз очиб-юмгунча содир бўлди. Кенжи зарбимни қайтариб, аввал ўхшатиб калла қўйди, сўнг тирсаги билан бир уриб ерга қулатди. Тажрибали эканини сезгандим, аммо ишонмагандим. Кўзимдан ўт чақнаб, бурнимдан қон кетаётганди. Овлоқ маконда иккимизни ажратиб қўядиган кимса йўқ. Тағин пичогимни олиб, жаҳл устида ўзимни сўйиб ташламасин, деб қочдим. Қоронғи чорбоғдан чиқиб, сўқмоқ бўйлаб анча жойгача югуриб бордим. Кенжи мени қувмаётганига ишонч ҳосил қилгач, тўхтадим ва ювиндим. Кейин сойнинг нариги тарафидаги асфальт йўлга чиқиб, қабристонга қарадим. Кенжи Қоронғи чорбоғдан тепага чиқиб, солдатлардан қолган қабртош олдида чўккалаб ўтирганини кўрдим.

Асфальт йўлдан яна пастилка тушиб, қўлбола кўприкдан ўтдим-да, қабристон яқинидаги амакининг молхонаси орқасидаги тор йўлакдан тўғри қабристон дарвозасидан чиқдим. Велосипедимни олиб, уйга жўнадим.

«Ким билан уришдинг? Бетингга нима қилди?» — сўради айвонда чириган олмаларни тўғраётган онам.

«Ким билан уришаман?! Велосипеддан йиқилдим, эна», — дедим ичкарига шошилиб.

«Отанг Чустдан олиб келган пичоқни кўрмадингми?»

«Кўрмадим!» — зарда қилдим онамга.

Чоршанба куни лицейга бормасам, энг аввало, уйда онам шубҳаланаарди. Ўлганимнинг кунидан дарсга жўнадим. Бугун қамоқда бўлишим керак эди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Омадим чопиб, Кенжини ўлдиролмадим. У, ҳатто, милицияга арз қилмаган эди.

Кимдандир калтак еганимни лицейдагилар билди, алдаёлмадим.

«Хеч кимга айтмасаларинг, ростини гапираман», – дедим жўраларимга.

Сўнгра Кенжи билан яккама-якка олишганимни қўшиб-чатиб сўзлаб бердим. Пичоқ ҳақида ломмим демадим. Дўстларим ҳайрон, Кенжи бир коса овқатга зор мардикор, ҳеч кими йўқ етим эмасми? Бу қишлоққа сифинди бўлса, қандай қилиб мени дўппослаши мумкин?

«У Муқаддаснинг бошини айлантириб юрибди, шунисига чидаёлмадим», – дедим аламдан бўзариб.

«А? Муқаддасни? – баттар ҳайратланишиди улар. – Ўшачувринди-я? Дабдаласини чиқариб уриш керак!»

«Қандай урасан? У гўрков-ку! Қабристонга ҳам қоровуллик қиляпти», – эътиroz билдириди бири.

«Сулайиш aka спирт сотади...»

«Вино ҳам, болалар!»

«Ичиб, уришамиз! Гўрковми, фассолми, бизга фарқи йўқ! Акамдан эшитдим, тоғдаги аммамларнинг тўйига бориб, ичиб маст бўлган экан, тўртта болани бир ўзи урибди».

«Бўпти, жўралар, – дедим мен. – Фақат бугунмас! Чунки юзимнинг кўкаргани кетиши керак. Бўлмаса, жанжални эшитган катталар юзи бугун кўкарган деб ўйлаб, «шунча жўранг билан бориб, қашқа бўлиб қайтдингми?» деб устимдан кулишади».

«Лицейни битирганимиздан сўнг қиласмиз бу ишни! – таклиф ташлади тўдабошимиз. – Оз қолди! Ичганимизни, жанжаллашганимизни директорлар эшитгани билан ҳеч нарса қилолмайди! Чунки биз битирган бўламиз!»

Муштлашув куни, яъни қасос ортга сурилди.

Бир неча кундан сўнг Кенжи Қоронғи чорбогни ўт-ўланлардан, чириган бутоқлардан тозалаб, симтүсиқларни тиклади. Юқори ҳудуддаги дала уватидан ўтган ариқдан ҳам сув келтирди. Энди ариқ суви қабристон четидан оқиб ўтиб, Қоронғи чорбокқа тушар, дараҳтларнинг чанқофини қондириб, сойга қўйиларди. Маҳмуд аканинг дўконда гапиришича, Кенжи у ер яна бузуқчилик уясига айланмаслиги учун дастлаб сой бўйидаги эшикни симтүсиқ билан бутунлай ёпиб ташламоқчи бўлибди. Ким боққа киришни ихтиёр этса, қабристон оралаб ўтармиш. Бироқ ҳеч ким кундуз ҳам боққа кирмай қўяди ва «Кенжининг равзаси» унутилади. Аксинча, сой томондан йўлни очиб қўйса, кечаси яна ароқхўрлар, нашавандлар, хиёнатчи эркаклар, ошиқ-маъшуқлар келиши мумкин экан. Бизга ўхшаганлар-ку тайёр боғнинг норасмий эгалари бўламиз-қўямиз.

«Э, шу тентакка тушунмадим тушунмадим-да, — деди дўкондаги мастилардан бири. — Томи кетиб, боши айланиб қолганми, нега бунча қабристонга ёпишиб олди? Бир қарасанг, туппа-тузук болага ўхшайди, бир қарасанг, ўзининг фойдасини билмайдиганга. Биз барибир бораверамиз, тиканли сим қўйса ҳам. Энди-и, «маёвка» қиладиган бошқа жой ҳам қолмади-да».

Мастнинг гапида жон бор эди: ёмонга тўсиқ йўқ. Маҳмуд aka сой томондаги симёочга проҗектор ўрнатишни таклиф қилибди, лекин Кенжи бошқа бир фикрда тўхталибди. У Фозтепа қишлоғига панд-насиҳат қилиш — энг яхши йўл деб топибди. «Прожектор нури билан ҳам, симтүсиқ билан ҳам тўхтатиб бўлмайди», деганимиш.

«Сўнгги қўнфироқ» куни одми қора шим, оқ кўйлак кийган, бошига дўппи қўндирган Кенжи лицейга келиб, директор билан гаплашгач, сўзга чиқди.

«Мен, – деди у микрофон тутиб, юзлаб үқувчилар сафига күз югуртиаркан, – қишлоғингиз қабристонида гүрковман, сизлар «Қоронғи чорбоғ» деб атайдиган боқقا қоровуллик ҳам қилаётганимдан хабардорсиз. Күпчилигингиз «Нега бу йигит шунақа паст ишни танлади экан?» деб үйлаётгандирсиз? Биласизларми, шаҳарда тупроқнинг кичик зарраси ҳам кийимга тегмайдиган озода бинода ишлардим. Аввалги иш жойимни кўрсангиз, оғзингиз очилиб қоларди, ҳечам кетгингиз келмасди. Айниқса, сиз – ёшларнинг күпчилигингиз қизиқиб қолардингиз. Аммо мен у ердан кетдим. Нима учун? Чунки атрофимда ўликлар эмас, тириклар, тирик бўлганда ҳам, ажабтовур «тириклар» жуда кўп эди. Кўпчилигини маънавий жиҳатдан тирик деб бўлмасди, аллақачон руҳи ўлган одамлар эди. Мен ҳам уларга қўшилиб ўлиб бораётгандим. Нимадир мени қийнарди. Ҳаёт қўзимга зерикарли, файзсиз кўринарди. Қишлоқларингизга бош олиб келиб, энг оддий ишларни ҳам қилиб юрдим. Биринчи марта қабр қазиганимда, ҳаммаси ўзгариб кетди. Ҳалол яшашни истадим ва мана кўриб турибсизлар, тирикман. Ҳа, мен энди маънан тирикман. Кимки ёлғондан қўрқмаса, виждонни, имонни билмаса, у секин-аста ўлиб борар экан. Руҳи ўлган ёки руҳи мажруҳ одам хоҳласа ичади, хоҳласа чекади, хоҳласа бошқача кайф-сафо қиласди. Унда лафз бўлмайди, унда виждон, ор-номус, Худодан қўрқиши, катталарни ҳурмат қилиш бўлмайди. Ҳатто, бу дунёдан ўтиб кетганларнинг ҳам ҳурматини бажо келтирмайди. Мен ўйлагандимки, Қоронғи чорбоғ билан қабристонни обод қилишимга қишлоқ ёшлари, ўзимнинг tengқурларим қараб турмайди, ёрдамлашади, ахир уларнинг ота-боболари, устозлари, қавму қариндошлари, дўстлари ётибди у

ерда. Йўқ, чучварани хом санаган эканман. Улар ҳашарни мажбурий меҳнат, ободончиликни бирор қилиб бериши керак деб ўйлашаркан. Ўзи тоза-озода қилмаган жойни булғаши эса ақлга сифмайдиган иш! Бу билан мен ишларимни миннат қилаётганим йўқ. Лицейга келишимдан мақсадим – Қоронги чорбоғ масаласи. Унинг сой томондан кириш қисмини ёпиб ташлаш, кечаси боққа кирадиган айрим кимсаларни кўриш учун пројектор ўрнатиш – буларнинг бари менга ёқмади. Нима учун боғни қаттиқ қўриқлаш керак? Кимлардан қўриқлаш керак? Аксинча, ҳамма эшикларни очиб қўйиб, одамларнинг юрагидаги ёмонлик эшигини ёпиш тўғри бўлмайдими?! Мен шаҳарда ишлаган жойни айримлар «бузғунчилик уяси» деб аташарди. Бироқ бундай аташ нотўри эканига Фозтепага келиб амин бўлдим. Бузғунчилар бор экан, нафақат мен аввал ишлаган жой, ҳатто қабристон биқинидаги боғ ҳам бузғунчилар маконига айланиши мумкин. Эшлишимча, туман марказидан ҳам кечаси кимлардир келиб, Қоронги чорбоғда кай-сафо қилиб кетишармиш. Уларга ким ўргатган Қоронги чорбоғ шунаقا макон деб? Шу қишлоқ одамлари, албатта. Ҳа, бегоналар эмас. Сиз ватанингизни қандай кўз билан кўриб, қандай маконга айлантирсангиз, бегоналар ҳам шундай кўз билан кўриб, шундай маконга айлантиришади. Сизларга таклифим, ҳурматли битирувчилар, бундан кейин Қоронги чорбоғни жаннатнинг бир парчаси деб қаранг! У ерга бекиниб сигарет чекиши, ошиқ-маъшуқлар учрашиши, кап-катта одамларнинг дараҳтлар соясида ўтириб, пиво ичиши, сигарет чекиши, атрофни писта пўчоқларию сигарет қолдиқларига, шиша идишлару бошқа алламбало нарсаларга тўлдириб, чиқиндиҳонага айлантириб юбориш инсон боласига ярашмайди. Боғ оралаб

озроқ тепага күтарилисангиз, ўлуклар шаҳрига чиқилади. Наҳотки, қабрларнинг ҳурмати бўлмаса?! Мен кетаман. Эртага бўлмаса индин бу ерларни тарк этаман. Бофингизни ҳам, қабристонингизни ҳам сизларга топшираман. Ҳамма мени тушунди деб ўйлайман. Бирингиз ёмон бўлсангиз, иккинчингиз яхши бўлинг!

Шундан сўнг Кенжи тантанавор нутқини якунлаб, барчамиз билан хайрлашди-да, даврани ташлаб чиқиб кетди. Бундай нутқини тўйда ҳам айтди, маҳалла йиғилишида ҳам.

Биз эса...

Лицейни тугатиб, уни қалтаклаш учун бир тўда бўлиб Қоронги чорбоққа бордик. Боришдан аввал виждонимизни ўлдириш учун Сулайиш аканикига кириб, уйи орқасидаги тераклар орасида ичдик. Бу пайтда бошқа қишлоқлардаги тенгқурларимиз университетларга ҳужжат топшириш ташвиши билан юрганди.

Кенжини қабристонда ушлашимиз керак эди. Асфальт йўлдан қарасак, Кенжи қабристонда юрибди. Биз сўқмоқдан сой бўйига югуриб тушиб, кўприкдан ўтиб, Қоронги чорбоғ эшигига етдик. Дўстларим боғда кутиб турадиган, мен Кенжини чақириб келадиган бўлдим. Боғ оралаб тепага кўтарилдим ва қабристон майдонига чиқдим. Қарасам, аллақаёқдан Аҳмадқулов пайдо бўлиб қолибди.

«Муқаддас билан гаплашма деганимидим?! — ўшқирди у. — Дегандим! Кеча Тошкентга кетишдан аввал ҳам сен билан гаплашиб турганини кўрганлар бор! Муқаддас холасининг қайнисиникида квартирада туриб, ўқишига тайёрланиши керак эди. Ҳаммасини гаплашиб қўйгандим. Бугун қўнғироқ қиляптики, у мустақил ҳаёт кечирмоқчи эмиш! Ўзи уй топганмиш! Унга сен уй топиб берганмишсан!»

Аҳмадқуловнинг кўзи менга тушиб, қаҳрини сочди:

«Ҳа! Нега серрайиб турибсан?! Нимага келдинг?»

Мен гапиришга оғиз жуфтлаган эдим, қабристонга элтувчи йўлда машиналар кўринди. Иккитаси хорижий русумдаги «жип» эди, олдиндагиси милиция машинаси.

Машинадан тушганлар орасида маҳалла раиси, фотоаппарат тутган журналистлар, шунингдек, кичик оқиши шляпа кийган японлар бор эди. Бунаقا бўлишини кутмаган эдим. Ортимга қайтиб, Қоронги чорбоққа тушдим. Кенжини дўппослаш режамиз барбод бўлгач, биз дараҳт шохларини синдириб, писта пўчоқларини ташлаб, уй-уйимизга қайтдик.

Ўша куни эшидик, Муқаддас Кенжи Тошкентдан топган ижара уйга жойлашиб, бобосидан мустақил равишда ҳаёт бошлабди. Ҳукуқшунослик институтига эмас, Театр институтига ҳужжат топширибди.

Яна бир ҳайратланарли воқеа: японлар Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг бедарак йўқолган аскар – Кенжи Аинанинг қабрини топишда ёрдам бергани ва унинг қабрини обод қилгани учун Кенжақулга мукофот пул беришибди. Бу пулга уйланиши ва машина ҳам олиши мумкин экан...

Файбулла чуқур тин олиб, деворга суюнди.

– Демак, иккиси... Кенжи билан Муқаддас тошишибди-да? – сўрадим мен Файбулладан.

– Йўқ, Кенжи... Кенжақул уйланмади... – мин-ғиллади Файбулла деразадан мўралаб. – У ҳув ана... пастдаги ошхонада официантлик қилиб юрибди. Муқаддас эса кеча ўқишига ўтди... имтиҳонининг жавоби чиқибди... Мен Кенжидек бўлмоқчиман... Номим йигит, холос... Ичим тутуруқсиз, ичим номард, ифлос, қўрқок, иккюзламачи...

Файбуллани эргаштириб, пастга тушдим. Ошхонада бир-икки күзим тушган қийиқ күз, хушмуомалали йигит Файбулла сўзлаб берган ҳикоядаги Кенжи экани мени ҳайрон қолдирди. Ёнгинамизда шунаقا афсонавий йигит яшар экан, билмаган эканман.

Кенжи оқ пешбанд тутиб, патнис кўтарганча бизнинг олдимизга келди. Аввал салом берди, кейин Файбуллани таниб, жилмайиб қўйди-да, сўради:

— Нима буюрасизлар?

Мен айтдим. Ерга қараб ўтирган Файбулла бирдан ўрнидан туриб, Кенжини қучоқлаб олди-да, йиғлаб юборди.

— Кечиринг мени, Кенжақул ака... Сиз... сиз мард йигитсиз... Биз номардларни кечиринг... Иложи бўлса, шогирдликка олинг... Ўтиниб сўрайман...

Кенжи яна жилмайди.

VII

Ўшанда Ҳасан газчи синглисининг уйида бир қиз яшаётганини эшифтгач, Кенжига қўнғироқ қилди.

— Кушчани ўғирлаб келдингми?

— Сал бошқачароқ бўлди, — деди Кенжи. —
Боргандга гаплашамиз, ака.

— Қанақа «сал бошқачароқ»?

— Муқаддас энди менинг синглим. Биз ака-сингил тутиндик.

— Нима? Шартномани буздингми, Кенжи?

— У энди Аҳмадқуловнинг йўриги билан яшамайди. Ўқишга киради, талабалар ётоқхонасига кўчиб ўтади, ким билан аҳдлашса, ўшанга турмушга чиқади. Шунинг ўзи душманингизга жазо эмасми? Худога ишонаман дейсизу, қасосни ўйлайсизми? Қолаверса, қиз бобосининг қилмиши учун жавобгар эмас.

— Бүшсан, Кенжи! Мен бошқа йигит билан шартнома тузаман!

Үшанды Кенжи Фозтепа қишлоғи қабристонини ҳам, Қоронғи чорбогни ҳам ташлаб, таксига үтирдида, Тошкентта үқдек учди. Муқадdasга құнғироқ қилиб, эшикни ҳеч кимга очмасликни буюрди.

У эплади.

У қизни қутқарди.

У японлар берган пулни фақат яхши инсонларға сарфлашни ният қилиб, ўзи бир ошхонага оддий официант бўлиб ишга кирди.

Муқадdas үқишига ўтгач, Кенжини ахтариб келибди ва саҳнада гўрков ролини ўйнашни таклиф этибди.

— Менинг ролим ҳали олдинда, — деб жавоб берибди Кенжи қўз қисиб. — Сизга эса, синглим, ўқиш ва ишларингизда омад тилайман.

Улар ака-сингилдек хайрлашибдилар.

МУНДАРИЖА

Меросхўр	3
Қоронғи чорбог	168

Адабий-бадиий нашр

Азамат ҚОРЖОВОВ

МЕРОСХҮР

Қиссалар

Мұхаррир:	<i>O. Қанаев</i>
Тех.мұхаррир:	<i>P. Ташматов</i>
Дизайнер:	<i>Ш. Суюнов</i>
Мусаҳхид:	<i>M. Холиқова</i>
Сағиfalовчи:	<i>Г. Курбанбаева</i>

Нашриёт лицензияси: АI №270

Босишига 04.01.2019 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16

“Vitec Times UZ” гарнитурасыда оғсет усулда босилди.

Нашр босма табоги 16,0 Агади 4000 Буюртма №87

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрға тайёрланди.
«Dizayn-Print» МЧК ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

Телефон: (371) 273-19-51
Факс: (371) 273-19-50

*Email: book@ijodpress.uz
www.IjodPress.uz*